

ЎЗБЕК ХАЛҚ ИЖОДИ



КЎП ТОМЛИҚ

Гулихиромон



дostonлар

«ТОШКЕНТ» БАДИИЙ АДАБИЕТ НАШРИЕТИ 1965

Айтувчи:

ИСЛОМ ШОИР НАЗАР УҒЛИ

Езиб олувчи:

СИДДИҚ АСҚАРОВ

Нашрга тайёрловчилар:

МАНСУР АФЗАЛОВ, СИДДИҚ АСҚАРОВ

Муҳаррир:

МУҲАММАДНОДИР САИДОВ



С аксон сардовали Чамбил, тўқсон тўпхонали Чамбил, тўрт минг жевахонали Чамбил, ўн минг меҳмонхонали Чамбил, оти овозли Чамбил, олтмиш дарвозали Чамбил. Ўзи Ёвмитнинг элида ўтди. Бир белнинг устига бир чам деган дарахт пайдо бўлиб, шу тўғридан Чамбил овозаси кетди. Ўзи Бухоронинг қибла томонида ўтди. Гуржистон элидан, Хунхоршоҳнинг қўлидан Булдир қассобнинг ўғли Авазни олиб келган Гўрўғли валламати¹. Бир ҳафта орадан ўтгандан сўнг Гўрўғли кўшки-ҳарамга кириб, Оға Юнус ёри билан қилди маслаҳатти:

— Эй ёрим, Хунхордан олиб келдим Аваздай хушсуратти, чақирсам дейман қаламрав вилоятти. Уч кеча-кундуз тўй бериб, халқ орасида қўлига илик бериб, фарзанд қилсам дейман Аваздай мардди. Шунда Юнус пари айтди:

— Авазни олиб келинг, бир кўрай, сўнг бераман жавоби маслаҳатти. Алқисса, киши буюрди, олиб келди Аваздай бегзодди. Юнус пари кўрди ҳусни латофатти. Меҳр товлаб Оға Юнус Авазни дол белидан қучоқлаб, чап тиззасига ўтқазиб, юзига боқиб, «Одамзод ҳам шундай бўларми?» деб, кўзидан мунчоқ-мунчоқ ёш оқизиб Авазжондан мазгилни сўраб бир калима сўз деди:

Қайси боғнинг булбулисан,
Қайси чаманларнинг гули,

¹ ВаллаMAT эди.

Кимларнинг чучук тилисан,
Ростин айт, болам, кимнинг улисан?

Отангнинг суянган тоғисан,
Онангнинг жони-дилисан,
Бир худонинг қулисан,
Ростин айт, болам, кимнинг улисан?

Қаерда сенинг элатинг,
Алпдай келган қоматинг,
Эшитдим Авазхон отинг,
Қандай аслар хилисан?

Гули райҳон чўлнинг гули,
Оға Юнуснинг бўлгин ули,
Гўрўғлининг бўл жони-дили,
Кимсалар бурро тилисан?

Алқисса, бол Аваз меҳрибонлик билан туғилган шаҳ-
рини Юнус парига баён қила кетди:

Мани сўрсангиз яхшиларнинг хилиман,
Ота-онамнинг жони-дилиман;
Сўйлаганда ман уларнинг тилиман,
Отим Аваз, Булдир қассоб улиман.

Бино бўлдим Гуржистоннинг элида,
Маҳрам бўлдим Хунхоршоҳнинг қўлида,
Ҳеч тушмадим¹ ул ғайрининг тилига,
Отим Аваз, Булдир қассоб улиман.
Шул сабабдан пора² эди кўнглим,
Охир чоғда Чамбил бўлди мазгилим
Бемаҳал бўлмасин ҳеч кимга ўлим,
Отим Аваз, Булдир қассоб улиман.

Мард йигитнинг кўп бўлади бардоши,
Мен учун оқади кўзингиз ёши.
Мусофир элинда бир шунқор қуши,
Отим Аваз, Булдир қассоб улиман.

Ун тўрт кунлик бўлмаса ой тўлами?
Меҳрсиз кўздан³ ҳеч ёш келами?

¹ Тушунмадим.

Қиёматлик фарзандингман йиғлама,
Отим Аваз, Булдир қассоб улиман.

Алқисса, Оға Юнус қордай сийнасин очиб, кўкрагини
Авазнинг оғзига тутиб, сут тилайди.

Бефарзандлик тушган эди бошима,
Едимга келганда инграб йиғлайман,
Кетмас давлат Чамбилга қут тилайман.
Тутинганим бўлсин туққандан зиёд,
Бағримда қўзимга мен сут тилайман.
Оға Юнус Гўрўғлининг дилбари,
Ҳақиқатни билсин Евмит шаҳари;
Туққандай сут берсин қўшша анори,
Ўзингга маълумдир бефарзанд зори.

Оға Юнус парининг кўкрагига сут келди. Авазхон икки
марта оғзини тўлдириб ютди. Тутинган ҳам бўлса, туққан
қаторига ўтди. Оға Юнус пари Гўрўғлига айтди:

— Сут келди, Аваз бизларга туққандан зиёд бўлди.
Энди сулуваб миндиринг, Авазхонга Ғиротти. Энди сиз-
га берсам бу маслаҳатти, ихтиёрин беринг Такали Евмит-
ти,— деди.

Гўрўғли:

— Давлати арконим ҳам шуники, хазиначи дафинам
ҳам шуники. Энди ҳаммадан аввал Авазни бир муллага
бермоқ керак. Кўрса бир домлаю устодди, билса алифбе
нуқотти, тириклай топшираман бу мамлакатти,— деди. Шу
ерда миндириб Авазга Мажнункўк отти мачитнинг саҳни-
га олиб келди. Эшитган туркманнинг курди калони кўп
раҳмат айтди. Тутинган болани ҳам мактабга ияртиб (бор-
ди). Домла устод, Гўрўғли султонни кўриб, қўлини дасти-
лом қилиб, салом билан ўн тўққиз таъзим билан Гўрўғли-
нинг ҳузурига келиб, ўзини маъзур тутди. Гўрўғли
киссасига қўлини солиб, бир қисм тиллани қўлига олиб,
домлага берди. Домла ҳайрон бўлиб:

— Нечук, бердингиз менга бу ғаниматти, камбағал,
қаллоч турурман мен қилиб юборсам харажатти, гаштин
сўрайдиган бўлсангиз, бу ғаниматти, хаёлат қилмай, сиз
берган амонатти,— деди. Гўрўғли айтдики:

— Катта-катта қила бермайсизми харажатти? Ҳар ой-
да бераман бундан ҳам зиётти. Сизга топширмоқчиман
Авазхон фарзанти, Авазхон ўғлимни сизга шогирд қил-
моқ учун олиб келдим,— деб домлага бир сўз айтгани:

Сўлдирманг тоза ниҳол гулимни,
Эгаси бўлсин дедим Чамбил элимни¹
Она деди, ҳатто нозик гулимни —
Мен сизга топширдим Аваз боламни.

Пухта билинг, эй, домла сўзимни,
Балки аждаҳо менгзайман ўзимни.
Қулоқ қўйиб, эшит менинг сўзимни,
Мен сизга топширдим Аваз қўзимни!

Бу ғамликда ингратган танамни,
Қариганда халқ эшитсин ноламни!
Жазо қилмай мен боламни топширдим,
Чамбилнинг туйғуни Аваз боламни.

Гўрўғли деб ҳеч келтирманг қаҳримни,
Уқиш билан очсин баҳри дилимни!

Аждаҳоман, ким кўтарар заҳримни?
Топширдим талпинган бу шунқоримни.

— Бу хизматлар мендан етар, Султоним, «бир ҳарфни ўргатган киши отадан зиёд»,— деган халқда бир гап бор. Сизнинг ўғлингиз бўлса, менинг болам деб, домла кўтариб кетди (Авазни).

Домла уни тўрт йил чин меҳри билан ўқитди. Тўрт йилгача Гўрўғли мачитга, ўғли ёнига келмади. Авазхоннинг ўз юрти ёдига тушиб, «ўзимнинг ота-онам бўлганда эди, неча парвона бўлиб, ҳолимдан хабар олар эди. Кишининг шаҳрида султон бўлгандан, ўз шаҳрингда чўпон бўлиш аъло экан», деб ота-онасини ёдига олиб, кўзидан оқ юзига ёши думалаб тушаверди. Ғамгин бўлиб турган чоғида, Гўрўғли Мажнункўк отни миниб борди. Мачит ёнида Авазхоннинг кўзи отасига тушиб: «Оббо, мен ҳар қанча ўқитсам ҳам, ота ўрнида кўрмас экан деб, Гўрўғлининг кўнглига келмасин» деб, билдирмасдан кўзининг ёшини артиб, ўрnidан туриб, Гўрўғлига қараб юрди, кўришиб-сўрашгандан сўнг, Гўрўғли қўйнидан бир маъноли китобни чиқарди. Китобнинг ўрта еридан очиб, Авазхонга:

— Шу еридан ўқигин! Агарда билган бўлмасанг алифбе нуқотти, пухталаб чиқарган бўлмасанг саводди, домланг-

¹ Элимнинг.

ни буюраман жаллотга, — деди. Авазхон Гўрўглининг Китобни очган еридан ўқиб кета берди. Икки-уч варагини ўқиб, маъносини айтиб берди.

Гўрўгли султон:

— Балли! ўғлим, устозингга раҳмат. Шунча илм, таълим олганинг бас. Энди ўтиришни, туришни, душманлар билан урушишни, анжум, беги, сипоҳигарчиликни ўргангин, — деб, Мажнункўк отга миндириб, давлатхона тарафига олиб кетди. То кўздан ғойиб бўлгунча устода орқасидан қараб қолди. Гўрўгли Авазни олиб келиб, қирқ йигитга қўшиб, уларга Гўрўгли бир сўз айтаётгани:

Беклар барингда бор номуси-оринг,
Оли йигитлар, кўнглинда йўқ ғуборинг,
Сизлар лўкча, Авазхон бўлди норинг,
Ҳаммангнинг бек Аваз бўлди саркоринг.

Авазхон ҳар гапини билиб сўзлар,
Парвоз қилса, тоғнинг чўққисин кўзлар:
Агар Ғиротни минса, душманни кезлар,
Авазни барингга саркор айладим.

Гўрўглидир, пухта билинглар ўзим,
Чамбилбелда Аваз бўлди ёлғизим,
Аваз тоғдир, шунга суянган ўзим.
Авазни ҳаммангга саркор айладим.

Беклар қабул қилиб, ўйнашиб-кулишиб, номларини айтиб, Аваз билан бирин-бирин кўришиб, «Авазнинг буйругига ҳамиша тайёрмиз», деб қабул қилишди. Шу гаплардан кейин Гўрўгли Авазни бекларнинг қаторига қўшиб кетди.

Кунлардан бир кун Гўрўгли қошига номдор Ертибой оқсоқол келиб, «Тақсир, бекларни жуда кўпайтириб юборибсизми?» деган эди. Яна бир кун деди:

— Сурхун отимни миниб, беклар олдидан ўтдим: Қирқ йигитнинг баракаси кўзимга бир йигитдек бўлиб кўринди, бунинг ҳислати, маъноси нимадир? Гўрўгли айтди:

— Икки ўтишингдан ҳам хабардор эдим. Аввалги ўтишингда Авазхон беклар орасида эди. Шу Авазнинг шарофати билан қирқ киши минг киши бўлиб кўринган эди. Сўнгги ўтишингда Авазхон менинг ёнимда эди. Шу

сабадан қирқ йигит кўзингга бир йигитча кўринган. Бу Авазнинг баҳодирлик шарофатидан баракали кўринган эди.

Ана энди Гўрўғли, йигитларнинг ўтирган жойидан хабар олай деб Ғиротига миниб, бекларнинг турган жойига келди. Гўрўғли қараса, Аваз жилавхоналарга қоровул қўйиб, кўчаларга сув септириб қўйибди: мазгилни озода тутибди. Халқ кўчанинг ҳар томонидан келиб, Авазга таъзим қилиб ҳурмат билан ўтиб кетар эди. Авазнинг ишбилармонлигига, сипоҳи сиёсат тутишига Гўрўғли қойил қолиб: «Бундай салтанатни Боғдод шаҳрида кўрган эдим. Агар мен дунёдан пано бўлганимда ҳам элимга Аваз эл қўшиб, Чамбилни хароб қилмаслигига кўзим етди», деб, қирқ ҳужра хазинанинг калитини Авазнинг қўлига берди. «Энди хаёлингни бошқа қилмагин», деб бир сўз айтгани:

Ўргангансан, ўғлим, сонсиз илимни,
Гулзор қилибсан наққошли манзилимни,
Мен сенга топширай Ёвмит элимни,
Ёвмитнинг эгаси бўлгин, Авазжон!

Сулувлаб мингин Ғиротимни,
Томоша қил Туркменистон юртимни,
Она дегин, ушбу паризотимни,
Уларнинг фарзанди бўлгин, Авазжон!

Ул кун ичдинг Оға Юнус сутини,
Энди сен эгаси, Чамбил юртини(нг)
Билдим фарзандимсан ҳақиқатини,
Тахти-бахт эгаси бўлгин, Авазжон.

Минг йил яша, ўлгунча кўрмагин армон!
Сенга дош бермас сонсиз кўп душман:
Жаҳон узра бўлгин йиқилмас полвон,
Давлати-аркон сеники, Авазжон!

Қоматингни кўрган беклар туташар,
Якка ўғлим, душман бўлса курашар,
Ёвлар кўрса анча дамидан тушар,
Ҳеч мардликни қўлдан берма, Авазжон!

Гўрўғли отангга сен қилгин ихлос,
Чамбилдан кетмагил асло қиши-ёз!

Улсам қолсин сенга давлатим мерос,
Ҳаммасини эгаси бўлгин, Авазжон!

Гўрўғли ана шундай насиҳатларни қилиб, ўзи ҳарам сари қараб кетди. Бир неча кунлар орадан ўтди. Оға Юнус кунлардан бир кун:

— Еввойи қушларнинг гўшти кўп ширин бўлар эди. Бир неча кундан бери беклар ов қилмайдими-а?— деб ёридан сўради. Бу гапни Гўрўғли кўнглига олиб ётди. Саҳарда турмоқлик Оға Юнусга одат эди. Туриб, юз-қўлини ювди. У ўнг қўлининг бош тирноғига қараб, оламда бўладиган синоатни билар эди. Гўрўғли Оға Юнус парининг тирноғига қараётганига кўзи тушиб:

— Оламда нима гап бор?— деди. Оға Юнус:

— Жаҳон айвони тинчдир,— деб жавоб берди. Кейин Гўрўғли давлатхонага келиб бекларни чақириб уларнинг ҳаммасини овга буюрди. Бекларга қараб бир сўз айтди:

Шикор қилиб кўринг тоғи-чўлимни,
Добил қоқиб ораланглар кўлимни!
Посбонликка қўйинглар, Аваз ўғлимни,
Ёрим учун ов қилинглар, йигитлар!

Майдон аро атрофларга боқинглар,
Эгар қошга зумрат довул тақинглар!
Душман кўрсанг, беклар, жонни сотинглар,
Ёрим учун ов қилинглар, йигитлар!

От бойлашиб, кўкаламда ётинглар,
Олқор, кийик кўрсангизлар отинглар,
Сўнг гўштини қанжиғага тортинглар!
Ёрим учун ов қилинглар, йигитлар!

Бу гапларни эшитганларидан сўнг, бекларнинг ҳаммаси шикорга кетишди. Авазжон танҳо посибон бўлиб қолди. Авазнинг ичи сиқилиб, отаси берган қирқ калит ёдига тушди. У ўзига: «Кел-а, отамнинг таърифлаган ҳужраларини бир томоша қилай» деб ҳужраларни бир бошидан оча бошлади. Не-не золим подшоларни қатрон қилиб олинган ва Гўрўғли шаҳарларининг қимматбаҳо нарсалари биркам қирқ ҳужрага тўпланган эди. Отаси унга: «Тўрдаги ҳужрани кўрмагин» деган эди. Авазжон тўрдаги ҳужра ёнига бориб қолди. У «Эҳтимол, бу ҳужрада ҳам қимматли асл

тошлар бордир, деб ўйлади. «Кел-э, шунга ҳам бир кирай, кўрмоғим бўлди қулай, не ҳикмат бөрлигин билай», деб Авазхон бу ҳужрани ҳам очди. Қараса, ҳеч нарса йўқ, қайтмоқчи бўлиб туриб кўнглида: «Бир ҳикмати бўлмаса, кирма, демас эди. Шунга ҳам бир кўрай», деб ичига ўтди. Атрофига кўз тутди. Тўр томонида бир сулув қизнинг суратига кўзи тушди. Авазхон унинг ишқига гирифтор бўлиб, боши айланиб, ишқ савдосида беихтиёр ҳушидан кетиб йиқилди. Орадан икки соат ўтгандан кейин ўзига келиб, «яна қарасам йиқилурман», деб қирқ ҳужрани қулфлаб, орқасини деворга суяб ўтириб, қўли билан манглайини ушлаб, фикрга кетди. Дунёнинг бор гапи кўкрагидан ўтди. «Кел, энди отамнинг қошига борай. Олти ой таблада турган Гиротини тилай, ушбу суратнинг эгаси — парининг маконини сўрай, токи олиб келмасам шу паризотни, шунинг билан қилмасам айши-ишратни, шундай ёр бўлмагандан кейин, керакмас, олсин мендаги бу амонатни. Отамнинг олдига борай, шу парининг маконини сўрай» деб (ўйлади). То отасининг қошига боргунча, икки оғиз сўз айтади:

Суратингни кўрдим сани(нг),
Беихтиёр қилдинг мани.
Юракда ишқ туғиёни,
Кезсам мен ёқди дунёни,
Кўрарманми, нозим, сани?

Йўлда чиқса кўп душманинг,
Дарё бўлиб оқар қони,
Қидирсам фоний дунёни,
Топарманми, нозим, сани?

Ярашиқлик қоши-кўзинг,
Қай шаҳарда билмам ўзинг?
Эшитсам шакар сўзинг,
Қидирсам қулою тузинг,
Ерим сани кўрарманми?

Аваз айтар юзинг кўрсам,
Уйнашиб бол лабинг сўрсам,
Қарчиғай бўп учиб борсам,
Бу оламда қирқ йил юрсам,
Кўрарманми, нозим, сани?

Шу сўзни тамом этиб, отасининг олдига етиб, тиз букиб ўтирди. Гўрўғли султон ўғлининг дийдорига қараса, қирқ кун касал бўлгандан зиёд тусини олдириб қўйибди.

— Авазжон ўғлим, жони дилим, сеники Чамбилбелим, болам деган уч нозли гулим, сенга не гап бўлди, Авазжон! Саратон юлдузли, зафар файзли, ўткир кўзли, ширин-шакар сўзли, йўлбарс билакли, шер юракли болам, сенга не бўлди? Ман тириклигимда сани ким хафа қилди. Ростин дегин, кўрар кўзим, сенга на бўлди?— деди (Гўрўғли).

Авазжон айтди:

— Кирма, деган ҳужрангизга кирдим. Сиз яширган дилбарни кўрдим. Кенг давлатингиздан назаркарда Ғиротти тиламоққа келдим. Ота беринг менга Ғиротти, мазгилини айтнинг шу паризотти¹. Олиб келсам дейман шул паризотти, шу билан ўтказайин истиқоматти,— деди. Гўрўғли унга: «Хаёлингни қочирма, Авазжон!» — деб бир сўз айтгани:

Олисадир гул юзлининг макони,
Ҳар қандай эр борса тўкилар қони.
Унинг жойи мўминларнинг душмани,
Кўп мушкилдир, талаб қилма, Авазжон!

Ул шаҳарни сўрсанг жаллоднинг кони,
Тизда мойи бўлса, белдадир қони.
Ҳар қандай, мард борса қолгандир тани;
Ул парига ҳавас қилма, Авазжон!

Оламда тозадир Хиромон гули,
Ёмон олис, ўғлим, шаҳарининг йўли.
Унга ошиқ бўлган ўн тўрт шоҳ ули,
Ҳеч бирови келмай кетди, Авазжон.

Сулув дилбар қора сочин тарайми?
Ҳасратида не бир шоҳлар йиғлайми?
Бир ёр дема, ўнта об берсам бўлмайми?
Шаҳри олис, ҳавас қилма, Авазжон!

Гўрўғлининг кетма қаддин буктириб,
Кўздан ёшин қариганда тўктириб!

¹ Паризотнинг.

Бул ишқингии кўнглингга қўй биқтириб,
Чамбилбелни чўл қилмагин, Авазжон!

Авазжон:

— Эй ота, айтганидан қайтарми мард киши? Айтган сўзидан қайтмоқлик номарднинг иши. Ёр устида ўн йил бўлса саваши, саваш деса, келар ўғил хуруши. Агар мингга кирса Авазнинг ёши, шу дилбар учун жавоб бермасанг, кесилсин мендай ботирнинг боши,— деди. Гўрўғли Авазнинг ботирлик ғайратини билиб, қўлида шароб ушлаб, Соқи Мирохўрга қараб, бир сўз айтиб тургани:

Ғайратли эл қилган шаҳар оботди,
Ҳар кимнинг кўнглида бордир нияти.
Аваз болам ёрга борар ўхшайди,
Бор Мирохўр, эгарлаб кел Ғиротти!

Ҳар ким ўз элида сураб бекликни,
Оша юртга кетган кўрар хўрликни.
Сулув отга солиб баҳмал терликни,
Бор Мирохўр, эгарлаб кел Ғиротти!

Отни минган ботир қилар зўрликни,
Асли одам ҳеч кўрмасин хўрликни.
От белига қўй тилла жаҳолдирикни!
Бор Мирохўр, эгарлаб кел Ғиротти!

Бизнинг элдай яхши эллар сойилди,
Овозамиз еру кўкка ёйилди.
От белига тортиб, чигатой тўқали тилла айилди,
Бор Мирохўр, олиб келгил Ғиротти!

Мирохўр Соқи:

— Бу хизматлар биздан етар Султоним,— деб ўрнидан турди. Кейини билан юриб, ўртанги хазинанинг ёнига борди. Посбонлардан отнинг тилла абзалини олиб, Ғирот турган тош таблага бориб, тилла сувлуқни, югани каллагидан ушлаб, олти ойдан бери боқилиб, тангадай офтоб таблага тушмаган, отга қараб, югани кўрсатиб, Мирохўр бир сўз айтиб тургани:

Шоҳим буйруқ берди менга,
Даркор бўпсан Авазжонга.

Аваз борар Хиромонга,
Бегнинг оти, кел юганга!

Чопилар бўлдинг биёбонга,
Ҳадисни ўйла танангга,
Кезарсан чуқур-баландга,
Хоннинг оти кел юганга!

Сиртинг сулув бўйнинг узук,
Хахолаб чопса кўп қизиқ,
Ойимлардай кўзинг сузук,
Жонивор келгин юганга!

Тараф ёвнинг умри битар,
Хон Авазнинг зарби ўтар,
Ғулғул элга ёр деб кетар,
Дол бедов келгин юганга!

Қулоқ солгин Мирохўрга,
Сени бермас ўн шаҳарга.
Кўнглинг бўлса Аваз эрга,
Ўйнаб келгин сен юганга!

Тўрт оёғинг тўғри терак,
Авазхонга бўлдинг керак,
Аслинг сенинг билдим, фироқ,
Юганга келгин тезроқ!

Ҳар оёғинг айни қозиқ,
Сиртинг сулув, сағринг ёзиқ.
Баданинг қизлардан нозик,
Безабон келгин юганга!

Ғирот ҳам: «Шу Авазхон бир устимга минсайди», деб орзу қиларди. Аваз деган чоқда уйқуси қочиб бошини чайқаб, хурсандлигидан минг алвон ўйнаб, қулоғини ёлига тортиб, хотибдай оғзини очиб, келиб юганга бошини ташлади. Мирохўр далага тортиб, тузли сув билан ювиб, бир йиллик хирождан бўлган ипак рўмол билан артиб, кўнглини жўш қилиб, отга эгар солаётганда бир сўз айтаётгани:

Қирқ минг уйли туркман бари бирикди,
Иттифоқ эл сира кўрмас хўрликди.

Бисмилло деб қўлга олди Мирохўр,
Уймалаб ташлаган маҳпил терликди.

Сен чопгансан доим душман қастига,
Хиёнат қилмайсан эганг дўстига.
Қўлига олиб тилла жиҳолдирикди.
Бисмилло деб босди отнинг устига.
Яхши киши билар оға нигорди,
Бисмилло деб от устига ташлади.
Зар қуббали олтин эгарди.
Чу, деганда ушларсан кўкдаги қушни.
Бедов минган марднинг келади кишти
Эгар устидан салтанатга ташлади,
Уч йиллик хирождан бўлган ёлпушни.

Жасатин кўрган одам қойилди,
Ҳар ким кўрса у ишларга мойилди.
Туза бериб, торта берди Мирохўр,
Чағатой тўқали тилла айилди.

Тулпарни юганлаб, устидан нуқталаб, ҳамма ишни пух-талаб, шаҳар йўлини оралаб, назаркарда отни етаклаб, Мирохўр келаверсин. Энди бир гапни Гўрўғлидан эшитинг: Авазга шоҳона тўнларни кийдириб, уруш анжомини йиғдириб, хоса саллани ўратиб, икки тилла жиғани бошига санчиб, кўрганнинг хаёли қочиб, «барақалла» деб, кўрган кишилар Авазнинг таърифини айтиб кетдилар. Уттиз икки тишдан чиққан сўз ўттиз икки бовур ўзбекка ёйилиб кетди. «Авазхон Ғиротга миниб, Чамбилнинг кўчасидан юрар эмиш», деб ҳамма ёққа овоза бўлди. Гўрўғлининг ичкари ҳам ташқари икки бозори бўлиб, чоршанба куни катта бозор бўлар ва унга қирқ минг уйли туркман йиғилиб келар эди. «Авазнинг дийдорини кўрамиз», деб иши бор ҳам, иши йўқ ҳам Гўрўғлининг пойтахтига раста-раста тўлиб кела берди. Қассоб, боққол, касабаторлар, саржинфурушлар, заррин қалпоқ сотувчилар, «нима аломат бор экан» деб бири-бирдан сўрар эдилар. Бозорда нарса сотувчилар ўз савдоларига қарамай, булар ҳам йиғилиб келди. Ёшига қараб, қарилари пойтахт яқинига, ўрта ёшлари ўртага, ёшларни кейинга қўйди. «Буларнинг ёшига етгунча бундай ўйинларнинг нечасини кўрарсизлар,» деб ёшларни энг орқага қўйди. Авазхон тўралик юзи-хотири билан, сояпарда чодир билан, неча ботири билан, жилловдор шотири билан, неча дабдаба билан, давлатхонадан чиқди. Ясовуллар пўш-пўш-

лаб, шотирлар оёғин баробар ташлаб борар эди. Аввал саксонга, тўқсонга кирган момолар кўриб, «тухми одамзод ҳам шундай бўлурми?» деб лабини тишлаб, «бизларнинг давримизда бундай гўзал йўқ эди. Ақалли қариган чоғингда болангнинг боласи шундай бўлса, дарбозадан эниб келса, бундай неварачеварани сўйганнинг ҳам армони бормикан?» деб пичирлашди. Авазхон қарилардан ўтиб, келинчақлар олдига борди. Булар ҳам бир-бирини чимчилашиб, имо қилишиб, «дугонажон, эрга тегдик десак куйган эканмиз. Қарердаги бир фалакатга теккан эканмиз. Илоё шўримиз курсин, теккан эримиз курсин оғзи-боши йиртилган тўрвага ўхшайди», дейишди. Ун саккиз ёшидан тортиб йигирма-йигирма бирга кирган қизлар ёнига ўтди. Қизлар: «Дугонажон, одамнинг шундай бойи бўлса, ваъда қилган жойи бўлса, мунаққашли уйи бўлса, бел бувардан кўрпа солса... ақалли одам шундай йигит билан уйнаб-кулса, шунинг билан киши умр кўрса, қаримайди киши мингга кирса, ўғил-қизи ҳам мул бўлиб, шундай марднинг никоҳида бўлса», (дейишарди).

Гўрўғли султоннинг шаҳар ўртасида Гулшан отли бир боғи бор эди. Боғбоннинг Ларзон отли бир қизи бор эди. Авазхон беглари билан ўтиб бораётганида унга Ларзоннинг кўзи тушиб, Авазга ошиқ бўлиб қолди. Рўмолини бошига елвагай ташлаб, бир тарафини қайтариб оғзига тишлаб, Авазнинг жамолига ишқи тушиб, йўлнинг ёқасига келиб, хумор кўзини ёшлаб, бол лабини тишлаб, нозли белини ушлаб, Авазхонга қараб, бир оғиз ширин сўз бошлаб турар эди:

Куйган ошиқ қон йиғлайди зори-зор,
Жамолингни кўрдим, бўлдим беқарор.
От тўхтатгин дол бўйингдан садаға,
Боғ ичинда олов олиб куйган бор!

Қоматингни кўриб мендаин ночор,
Кўрганимдан бўлдим ишқингга дучор.
От жиловин тўхтатиб тур, кокилдор,
Боғ ичинда олов олиб куйган бор!

Тўхтанг, тўрам, сизга неча арзим бор:
Ошиқ бўлдим сизга букун муқаррар.
Боғ арода куйиб кул бўлган бор,
Ларзон отим, мен ҳам гул юзли ночор.

Ошиқ маъшук ила кўрсалар дийдор,
Бул орада йиглаб қолмай сарбасар.
Отим Ларзонойдир, боғбонга духтар,
Тушиб кетинг, неча турли таом бор!

Авазхон «Ўзгалар билан гаплашсам, йўлим бўлади хатар. Тўғри бўлган йигит муродга етар. Сабр қилган ёрнинг қўлидан тутар», деб қия қарамай ўтиб кетди. Авазхон беклари билан кетиб бораётганда, энаси Оға Юнуснинг кўзи тушди. Жамият қизлар қарашиб, «Бул Чамбилга келган экан ҳол тушиб, кийган тўни, бай-бай ўзига ярашиб, ўтаётган меҳмон кимнинг боласи?» деб бир сўз айтиб тургани:

Яқин бўлса келар гулларнинг иси,
Хурмикан, парими туққан онаси?
Ўтаётган бу меҳмондин сўрайман,
Қайси элатдадир мазгилхонаси?

Оқ қиз дейди, бувим, сиздан сурайман,
Бўйин эгиб, дол бўйига қарайман;
Танийсизми ўтаётган тўрани,
Кимнинг ўғлонидир, сиздан сўрайман?

Оға Юнус ҳам қараб: «Авазхон боламга ўхшайди», деб чачвонин бошига ташлаб, «борар шаҳарини сўраб қолай», деб катта-катта қадам ташлаб, етиб келиб, Ғиротнинг жиловидан ушлаб, «Йўл бўлсин, болам?» деб айтгани турур:

Кўкарсин лолалар фасли гул бўлсин,
Душман келиб эшигингда қул бўлсин!
Дол бўйингдан мендай энанг садаға,
Чамбилнинг эгаси, ўғлим, йўл бўлсин?

Сўна ғознинг кезар ери кўл бўлсин!
Севганинг жаҳонда нозли гул бўлсин!
Оға Юнус, билиб қолай садаға,
Чамбилнинг соҳиби, ўғлим, йўл бўлсин?

Авазхон «муштипар энамга билдириб кетмоғим аълодир», деб тилла узгангига оёғини тираб, Юнусой онасига қараб, кетар мақсадини айтгани:

Маст бўлган Чамбил элда тўраман,
Ўлмасам оламда даврон сураман;

Кўрмаган шаҳарга кетиб бораман.
Энажон, рухсат бер ёрга бораман!

Мен ҳужрада суратини кўрганман,
Оти эмиш унинг Гулихиромон,
Борсам агар шуни олиб келаман.
Жавоб бер, энажон ёрга бораман!

Бир тоза гўзалман, қоши қораман,
Ерсиз мен Евмитда қайтиб юраман?
Чин ишқивоз бўлдим, энди, энажон,
Оқ фотиҳа беринг шунга бораман!

Ҳар савдони олманг она кўнгилга,
Борадиган шаҳрим эмиш Гулгула.
Толпинди Авазинг сочи сунбулга,
Жавоб бер, жон эна, шунга бораман.

Аваз айтар йиғламагил зори-зор,
Ер ишқида ўғлинг бўлди беқарор!
Мен сизга опкелай битта хизматкор,
Хурсанд бўл, энажон, ёрга бораман!

Энаси билан хўшлашиб, ўнг қўл билан ушлашиб: «Хайр болам, ўйнаб бориб, кулиб кел! Тўкилмагин, хурсанд бўлиб, тўлиб кел! Нозлигингни олиб кел!» деб фотиҳа берди.

Аваз Гўрўғли беклари билан Чамбил майдонига чиқди. Хиромоннинг шаҳрига кетар томонни кўрсатиб, Гўрўғли Авазга насиҳат қилиб тургани:

Ун еттита қорли тоғдан ўтасан,
Олти ойда от қичасанг етасан.
Душман кўрсанг от жilовин тортасан,
Душман бўлса сари ёйни отасан.

Дўст кулдириб, душманинг ингратасан,
Дўст-душманни айри қилғил, Авазжон!
Шунда болам, мақсадингга етасан,
Сен, ўзингга эҳтиёт бўл, Авазжон!

Танангда меҳмондир у ширин жонинг,
Дуоман йўқлади бу меҳрибонинг,

Агар сонсиз бўлса, душманинг,
Ҳеч қайтмай босдириб боргин, Авазжон!

Отанг сенга эрлик йўлин айтмоқда,
Бу эрликдан тегмас душман қалмоқдан.
Боряпсан нозанини олмаққа,
Бир гапингни икки қилма, Авазжон!

Эр йигитнинг ваъдаси битта бўлур,
Бир ваъдада турган полвон зўр бўлур;
Сенга тараф тортган душман хор бўлур,
Ҳеч эрликни қўлдан берма, Авазжон!

Гўрўғли дер, сен Чамбилнинг булбули:
Қаҳрамон бўлганинг устундир қўли,
Олти ойлик йўлдир ёрингнинг йўли,
Уйнаб бориб, кулиб келгин, Авазжон!

Алқисса, Авазжон танҳо кетади. Отасининг ҳар бир сўзини гавҳардай билиб, отасига термулиб кўз тутиб: «Ҳарчи менга дуо билан ёр бўлинг!»— деб, юз ўн тўртга кирган отасига боқиб, «Оқ фотиҳа беринг, отажон!» деб тургани:

Дуо қилинг, ҳеч бўлмайн хори-зор,
Ёр олиб келиб оша бўлсин эътибор.
Маст боламан, кўнглимда йўқдир губор,
Олис йўлга сафар қилиб бораман,
Кеча-кундуз дуо билан бўлинг ёр.
Отанинг дуоси олтиндан ўтар,
Дуо қилинг йўлим бўлмасин хатар!
Мусофир элларда ҳолим на ўтар?
Бир ёр деб, оша элга бораман,
Кеча-кундуз дуо билан бўлинг ёр!

Сиз бир аждаҳосиз, мен бўлсам шунқор,
Авазга кетмоққа йўл бўлди тайёр.
Олдимдан чиқсаки душмани айёр,
Балога ани қилсам гирифтор...
Ҳарчи менга дуо билан бўлинг ёр!

Гўрўғли Авазнинг сўзига қулоқ солиб, Авазнинг эрлигини билиб, унинг бу гапидан хурсанд бўлиб, Авазжонга фотиҳа бериб бир сўз айтгани:

Қабатингда кўп сипойи,
Сен бекарнинг қарчигойи,
Обод бўлар марднинг жойи,
Ер бўлсин аждодинг арвойи!

Чамбилда амалинг катта,
Евлар нисанд бўлмас мардга.
Сени топширдим Ғиротга,
Бор болам, етгин муродга!

Гўрўғли отнинг эгаси,
Гўрўғлининг кўз қораси,
Булдир Евмитнинг эгаси,
Қўзимни сенга топширдим.

Гўрўғлиман, мен аждаҳо,
Авазни топширдим зинҳор,
Бўлгил ўлимдан хабардор,
Отга топширдим муқаррар!

Жамоат Авазни йўлга солиб, оқ фотиҳа бериб, ўзлари Чамбилга қайтдилар. Авазхон Чамбилнинг қирига чиқиб, отаси айтган ёққа отини бурди; бир-икки қамчи урди. От зўрлик қилиб Авазни ҳар ёққа суриб, бир қирнинг устига етди. Отини тўхтатиб кейинига қараса, Чамбилнинг дарахти олислаб кўриниб қолибди. Унга қараб, Авазхон деди:

Ажаб бир дўнг экан Чамбилнинг қири,
Олислаб кўринди отамнинг эли,
Борсам қабул қилса Хиромон гули,
Келгунча аллаёр отамнинг эли!
Чопишдан чарчамас отам пироғи,
Ҳеч ерда куймасин ботир димоғи!
Кўринган Чамбилнинг боғи — чарвоғи,
Мусофир юрганнинг йўқдир сўроғи,
Келгунча аллаёр Чамбил пештоғи,
Мард йигитнинг ёнсин порлаб чироғи!

Ботирларнинг бордир номуси-ори,
Ошиқ кишининг йўқдир сабри қарори,
Ботир ўзим, мен бир орга талашган,
Келгунча аллаёр, отам шаҳари!

Бол Авазга ўзи бўлсин энди ёр,
Мард бандангни асли қилма хори-зор,
Ёр йўлига ўзим қилдим ихтиёр,
Тоғи тузлар, то келгунча аллаёр!

Кўрингизлар Аваз мардди,
Уйнатади тулпор отти.
Олтин тугмадан тилласи,
Бул кўксинда ялтилатди.
Отнинг-ку кетган шамоли
Неча булоқни музлатди.

Чачағи асил қайишдан,
От сағрисига ярашган,
Қуббасини ярқиллатди.
Кеча-кундуз бирдай Аваз,
Бир қумзор ерларга етди.
Отнинг, билингки, тирноғи,
Чочоққача қумга ботди.

От тирноғидан чиққан қумлар
Қозондай овдарилиб ётди.
От тезикканни билмайди,
Ҳам пасти билан баландди.
Кечаликда тери қотди,
Сув қувугини тортди.
Чув деганда қушдан ўтди.
Ўрови-ку зўр дарадай,
Сағриси қўрғон қаладай,
Отдан кетган кўринг терни,
Ёмғир кун ёққан жаладай.
Аваз отга раҳим этди,
Бир биёбон чўлга бориб,
Авазхон жиловин тортди.

Бедов отини тўхтади, соғ-сўлига кўз тутди. Кўрди бир қўрғон баландди: қуш учса қаноти қуяди, қулоннинг тирноғи қуяди. «Бу қандай девнинг макони, ё бир пирнинг маконимекан, шундан бир хабар олмоғим керак. Бир отимга дам берай, агар чилими бўлса сўрай, чилим чакиб шу Ғулғулага қайси тарафдин кетарин сўрай» деб отини буриб тозиёна уриб тинмайин йўл юриб, кун чиқар вақтида кўрган қўрғонига, кун қиём бўлганда етиб келди. Бир неча ғаним-

ларни бостириб бораверди. У душманлар ҳам Авазни кўриб, жойлаган ўқини тузатиб, ўрнидан туриб, ботир Авазга қараб, бошлиқлари Авазнинг устига юриб, қошига беш юзтаси келаверди. Авазхон шунда ҳам отига қўрқмай қамчи уриб, булар томон бораверди. Уларнинг Соли деган, жуда ҳам номи кетган полвони яқин келиб, Авазни писанд қилмай юрганига қаҳри келиб, бир сўз айтяпти:

Гап сўрамай орамизга кирасан,
Бир муштласам, тил тортмайин ўласан.
Бизларни бир қароқчи деб менгзама,
Тўхтагин, энағар, қайга борасан?!

Тўрт подшонинг қоровули бўламиз,
Жасадингдан бу каллангни оламиз,
Дарбозага, билгил, элтиб иламиз,
Сулув отингни бизлар ўлжа қиламиз.

От тўхтат, энағар, тайин ўласан!
Мен билмайман элатингни. зотингни,
Билдиргин бизга мамлакатингни,
Мард бўлсанг, кўрсатгил шу ғайратингни!

Ўлжа қилсак яроғингни, отингни,
Жавоб бер, энағар, қайга борасан?
Жавоб айтгин энди Соли полвонга,
Не талабда келдинг ушбу майдонга?!

Алқисса, Авазхон бу гапларни эшитгач, отини тўхта-тиб, душманларга қараб: «Қанча ҳолинг бор?» деб сўраб бир сўз айтиб турибди:

Эй полвонлар, ҳеч олдимга йўлама!
Сендан қўрққан бу майдонда юрами?
Ёмон кўзинг билан менга қарама!
Мард ўлмаса молин сенга берами?

Уқиганман шу мардликнинг хатини,
Такаллидан билгил марднинг татини.
Шу маконда бордир марднинг хотини,
Киши ўлмай бермас сенга отини!

Бу гапингга Аваз бўлдим беқарор,
Зўрлигингни кўрсат дейман, душманлар!

Кечаси билан савашди,
 Пухта қилди Аваз ишти,
 У тиззадан қонга кечди.
 Икки минги ўлган вақтда,
 Тонг азонда кун ёришди.
 Тўрт тарафга отин чопди,
 Писинганин қўймай топди.
 Бир ўқ билан ўнин отди.
 Кўринглар Аваз мардди,
 Киш-кишлар бедов отни,
 Қочганларни қувиб етди,
 Дашту лаҳат кўрсин деб,
 Юз эалигин ҳайдаб қайтди.
 Узидан қолган яроқларни,
 Ўз-ўзларига тердириб.
 Бир ерга тўда этди,
 «Дам ол!» деб отин тўхтатди.

Алқисса, бу ернинг дарвозасини топиб, ичидаги душманни қирмоқ керак, деб атрофни бир мартаба айланиб келди. Бир катта равотни кўрди. Унинг на дарвозаси бор, на эшиги бор, на қуш кириб чиқадиган тешиги бор, тагидан баландликка қараса, дўппи бошдан тушиб кетади, ўқ отса тепасига зўрға етади. Қушлар қанот қоқиб базўр устидан кўринар-кўринмас бўлиб ўтади. Шундай баланддан отини иргитмоқни бўлиб, бир сўз айтгани:

От чопса гумбурлар тоғлар дараси,
 Мардларни ингратар найза яраси.
 Мана чўлда очилибди лолазор,
 Лолазор ичинда ман-ку беқарор.
 Ғазаб қамчи урсам бу дол бедовга,
 Шопар олиб учадиган кунингдир.
 Чамбилбелда бўлди амалим додҳо,
 Кўзлагин, жонивор, турган равотга
 Етай букун кўнглимдаги муродга,
 Қайтар янглиғ ўйин бошлар кунингдир.
 Чамбилбелга отим бўлди намоён,
 Қулоқ сол тилимга менинг безабон,
 Ер йўлига ўтадиган кунингдир!
 Кўзлагин, жонивор, ушбу баландга,
 Бир иш кўрсатгин Аваздай мардга.
 Парвоз қилгин ушбу турган равотга!
 Утиб мени хурсанд қилар кунингдир.

Отам ўйнатиб ўстирди йигит қилиб, ёт орада қўймағна нобуд қилиб, ота-энамни йиғлатма, «қачон келар», деб кўзини тўрт қилиб турган чоғида Авазхоннинг қулоғига бир товуш етди. Бу товушга қулоқ тутиб, сўл-ўнгига қаради. Яна қулоғига уч марта товуш келди: «Эй, башар, отингни миниб чиққаниннга етти кечаю етти кундуз ўтди. Мирохўр Соқий, айил-пўштонини қаттиқ тортган эди. Шунинг учун айил отнинг тўшига тўрт элли ботди, нодон Аваз, устидан тушгин Гиротнинг, айилни бўшатгин, қотган терларини қашлаб ушатгин, олдинга-кейинга кетган абзалини ўхшатгин, сўнгра мин отангнинг ҳайвонига; уравергин гўшт кўтарган сонига! Таёқ ўтса бу Гиротнинг жонига, сўнг иргийди майдоннинг қўрғонига, ғамгин бўлма, ўтарсан, Авазжон!» дейди.

Авазхон айил-пўштонини бўшатиб, қотган терларини ушатиб, абзалларини ўхшатиб, қайта отига миниб, қўрғонга тўғри қилиб, отга қамчини уриб, кўзини юмиб очса қўрғон орқада қолиб, бошқа қирга ўтиб қолибди. Зўр бериб отини тўхтатди, қиличини қинидан тортди. У отга ғазаб қилиб бир сўз айтди:

Оқизиб кўзидан ёшини,
Кесарман ҳозир бошини,
Қузғунга ташлайман гўшини,
На бўлди отамнинг оти?

Кесарман пухта сарини,
Кўролмас бўлдим ёрини,
Мен кўтариб эгарини,
Чамбилга қараб қайтарман.

Борсам мен кўна Чамбилга,
Оралаб Ёвмит элга,
Отинг йиқилиб ўлди деб,

Отамга узур айтаман.
На гап бўлди сенга, ҳайвон?
Ғамга тўлиб мендай ўғлон,
Ғамга тўлди мард Авазхон.

Утарингни билдим гумон,
Ҳеч тирик қўймам омон.

Бул терингга тиқиб самон,
Кетар бўлди мендай ўғлон.

От Авазнинг дарғазаблагин билади.
Ўкраниб-ўкраниб ҳайвон йиғлади.
От кўрққанидан неча ўйин қилади,

Шу ўринда ўзига от тил сўради. Тил чиқариб чўл-
майдонда Ғирот Авазжонга бир сўз айтди:

Бу ақлингдан мендай ҳайвон садаға,
Ўтар бўлсанг бу кўрғондан, Авазжон,
Аччиқ қамчи ургин, ўтай қалъага
Ғазаб қилгин назаркарда бу отга.

Биламан Чамбилда амалинг додҳо,
Ғазаб қамчин ургин мендай Ғиротга!
Ўтар бўлдим бул кўринган равотга.
Раҳм айлама мендай ҳайвон жонига,
Аччиқ қамчи ургин чучук танига,
Раҳм қилма, мендай безабонига!
Энди ўтмоқчиман бу кўрғонига.
Ошиқ бўлдинг Хиромондай парига,
Ўзини билган талашади орига.
Уст-устига қамчи ургин, Авазжон,
Киргизаман кўрғондан ичкарига!

Авазжон отини буриб, ғазаб қамчисини уриб, отига
бир сўз дегани:

Туташиб келган ғайрати,
Юрагимда ишқнинг ўти,
Олдимда майдон равоти,
Парвоз қил, отамнинг оти!

Бориб олсам паризотти,
Баҳмал тўрванг — еминг новатти,
Мирохўринг ўзим бўлиб,
Уйнагин, отамнинг оти!

Отам боғи эрамга борганда,
Отга миндириб ўйнатди,
Неча бир паризотти,
Чу дейман отамнинг оти.

Бўйрадай ёзгин қанотти,
Қўрғон қалъаси балантти,
Кўрайин ичида синоатти,
Чу дейман отамнинг оти.

От суқсур бўйнин узатти,
Бўйрадай ёзиб, қанотти,
Кўрдингизми Аваз мардди,
Қалъадин отни ирғитти.

Алқисса, от ичкарига ўтиб, Авазни қимирлатди. Аваз кўзини очиб, ўнги-сўлга қараса бир олмазор ичинда турибди; олмалар пишган, шамол тегмаса ҳам топ-топ этиб ерга тушган, отини буриб олма чарвоққа кириб, етти кундан бери оч қолган Авазхоннинг эсига таом келиб, олмага тўйди. Бу боғ эгасининг кулбаси қаерда экан деб атрофга қаради. Узоқдан саксон чодир кўзига кўринди. Авазнинг хаёлига келди, «Ё девнинг маконимикан, ё одамзоднинг маконимикан,— десам, энди билсам Кашмири жўғи-мўлтониларнинг макони экан».

Билса, бу боғ Равшан подшосининг қизи — Гулирухсоранинг макони экан. Гулирухсора Боғиравшан шаҳарида ўн тўрт кунлик ойга жамолини солар, юзидан қирқ ниқобини олар, олган вақтида ой хира кўриниб қолар эди. Бунинг бу жамолини кўрган тўрт подшо совчи қўйди. Отаси айтса ҳам бўлмади. Бу подшоларни ҳаргиз Гулирухсора қабул қилмади. Алқисса, аламга чидолмай тўрт подшонинг лашкари келиб, етим-есирнинг моли-ашёсини, Боғиравшанга қарашли ҳамма ернинг моли-мулкани талаб олиб кетди. Отаси Гулирухсоранинг олдига келиб, қизининг юзига қараб, бир сўз айтиб тургани:

Хеч қолмади моли-мулким, асбобим.
Йиғилган мунча менинг анжомим.
Йиғлашади менинг товун бекларим,
Ҳаммасини ҳайрон қилдинг, Рухсора.

Талов бўлди ҳаммасининг донаси.
Ҳамманинг бўш қолди кулбахонаси.
Мотамдай йиғлар ўғил-қиз, онаси,
Фуқарони хароб қилдинг, Рухсора.

Қулоқ сол қизим Гарданнинг сўзига,
Жабр қилдинг кўп халқимнинг ўзига.

Қера ёқтинг шо отангинг юзига,
Элу юртга тўпон солдинг Рухсора.

Алқисса, подшонинг қизи Рухсора:

— Ота, менга мамлакатингиздаги ҳар бир уй бошидан биттадан одам олиб беринг! Мен ўзимни ўзим уdda қиларман. Ҳар қанчаки қилса ҳам, мен бу подшоларга кўнгил қўймайман. Бир кишининг ҳақиға жабр қилмайман,— деди. Алқисса, отаси унга:

Майли, қандай бўлса ҳам бир жойдан манзил қилгил, подшоларга «Қизим ўзини дарёга ташладими, билмайман, йўқ» деб узр қилай деб, ҳар уй бошидан битта-битта одам ҳукм билан йиғиштириб берди. Рухсора уларга:

— Йўлга чиқиб мопир тортиб атрофин беркитиб ҳеч кимга кўринмай Махон чўлидан лаҳм қазиб, ернинг тагидан йўл қилинлар! Кундузи қазиб, кечаси тупроғини ҳеч кимга кўрсатмай тоғларнинг этагига чиқариб ташланлар!— деб буйруқ берди. Шунча лашкар, шунча халқ олти ой қазиб, чўл Махондан лаҳмнинг оғзини чиқарди. Қарасалар, бу ерда қирқ қулочли булоқ бор экан. Бир кам қирқ қулочга ҳам оқмайди, қирқ бир қулочга ҳам оқмайди. У қирқ қулоч оққач, нари бормай, қумга сингиб кетар экан. Яна шунча одамни олти ой ишлатиб, ўттиз олти пахсали қалъа солдирди. Булоқ суви қалъанинг ичида қолди. Ана шу гули-гулзорни боғ-чарбоғни, олмазорни, саксон канизи билан, саксон соя парда чотири билан, Гулирухсора макон этиб, шу ерда ётган эди. «Тухми одамзод менинг бўйи бастимни кўрмасин», деб.

Гулирухсоранинг саксон канизи ичида Зийрак исми чўриси бор эди, чўрисиға амир қилди:

Тилла кўзани олиб булоқнинг қайнаб чиқадиған еридан сув олиб кел!— (деди). Кўзани билакка солиб, силтаб сағрисиға олиб, Зийрак булоққа яқинлашган вақтида, боғда от устида юрган ботир Авазга кўзи тушди. Жаҳонда унингдай гўзал, хушбўйни кўрган эмас эди. Авазга ҳаваси кетиб, ишқ савдоси кўкрагига ўтиб, лабини тишлаб, ич-ичига тортиб, боши айланиб, кўзи тепасига битиб, шошиб йиқилиб, ўрнидан туриб, сонига уриб, «Вой аттанг кишининг шундай бойи бўлса, ваъда қилган жойи бўлса, бибимникидай озода уйи бўлса, ўйнашиб, кулишган ойимнинг ҳам армони бормикан? Барибир мени олмайди-ку, тез бибимга хабар берай», деб, кўзани булоққа ботирди, икки кўзи Авазга; унга термулиб қолди. Шақиллагандан кейин қайтариб

сувдан олиб, бир пой ковуши булоқда қолиб, тағи слтаб,
кўзани сағрисиға олиб бибисининг чодирига қараб кел-
гунча, кўзада заррача ҳам сув қолмабди. Буни кўрган
Гулирухсора бир сўз деди:

Куруқ олиб кепсан кўзани менга,
Нима бало бўлдию ахир сенга?
Йўлиқдингни заҳмати зиёнга,
Кўрган-билганингни айта қол менга?

Ё девлар сенга соя солдими,
Марту маслар атрофингни олдими?
Зиён-заҳмат сени, балки, чалдими,
Кўрган сиринг баён айлагил менга?

Нима бўлди, намакхўрда хизматкор,
Бир балога йўлиқибсан муқаррар?
Бу иш билан бўлдинг катта гуноҳкор;
Мен Рухсора, сен бўлиб кўп айёр.

— Эй, бувишим, шошгандан қопти бир пой кавушим,
ҳар қандай одамга кетмайди менинг ҳам ҳушим. Боғи-
нгизда бир гўзални кўрдим, шундан бери йўқолди менинг
бардошим.

— И-е, қандай гўзал боғимга ўта олади? Узим айтган-
дай бир бало сенга зарар қипти. Бу гапинг ғалатти,¹ ўлди-
раман сен налатти². Кўрганингни рост айтгин,— деб ғазаб
қилди. Зийрак айтди:

— Бир қошиқ қонимдан кечсангиз айтаман.

— Айт кўрган-билганингни, кечдим қонингдан.

Бу сўздан кейин Зийрак Авазнинг таъриф-тавсифини
қила кетди.

Эшик олди ҳар хаёлли лолабоғ,
Мен унга ошиқ бўлдим муқаррар.
Ёлғон бўлса мен ўлайин, бибижон,
Боғингизда бир, бегижон, бола бор.

Оқ хушрўй келган, ўнг юзи холдор,
Кўрганимдан бўлиб ишқиға дучор,
Ишонмасанг олгин боғингдан хабар,
Боғингизда турибди бир ҳусндор.

¹ Ғалатдир.

² Лаънатини.

Хусни хиромондир, кўзлари чўлпон,
Кўрган киши бўлиб қаддига ҳайрон,
Юрагига олиб ишқ билан тубён,
Боғингизда бор карамли султон.

Зийрак дейди мен бир сизга хизматкор,
Сиз ҳам ёр қиларсиз, бибим, ахир ёр.
Ерга тегсанг, шунга теккин, бибижон,
Сиздан ўн даража ортиқ ҳусни бор.

Гулирухсора чўрисини койиб:

— Бўзариб турган кўзинг қурсин, уялмаган юзинг қурсин; тос тепангдан худо урсин! Мен сенга сув олиб кел деб эдим, ёр топиб кел деган эмас эдим. Сенинг жинни тен-таклигинг айниганлигингни (шу ҳам) исбот қилади. Чўри айтди:

— Майли, бўлмаса, боғингизни бир айланамиз, бибижон, юринг, ўрдаклар ўйнаган, булбуллар сайраган, барно тўтилар чақ-чақ урган, ҳеч бўлмаса шуларни кўриб, томоша қилиб келарсиз. Ўз жойингиз, ўз ватанингиз; сўзим ёлгон бўлса, мен шўрликни сўйинг, иккигина кўзимни ўйинг. Менга бу қаҳат ишингизни қўйинг, рост бўлса шу бегижонга тегинг. Оқ қанизини чақириб:

— Бунинг жинни бўлгани рост. Кўргани ростми? Бир бориб кўрмагимиз даркор,— деди.

— Хўб, бибижон,— деб бўғча бўйни олиб, тўққиз қабат кўйлагини кийдириб, тилла гажакни гул юзига қўйдириб, тилла пўпакларни тақдириб, шиш наҳал кавушни кийдириб, уч йиллик хирождан бўлган рўмолни бошидан ташлатиб, Гулирухсора пари қизларга қараб: «Қизлар, менинг кийганим ўзимга ярашдими?» деб сўрагани:

Тилла гажак бурма-бурма,
Қора кўзим, сиё сурма,
Гул қизлар, сиздан сўрайман,
Бул ҳуснимга ярашурму?

Оқ хушрўй белларим хипча,
Келгани рост бўлса бекбачча,
Устимдаги тўққиз кўйлак,
Шамол тегса пирпирарму?

Рўмолимни тортиб қўйинг,
Чаккамда ҳам дол кўринсин;
Оқ юзимга пашми-пашми,
Дона-дона хол кўринсин!

Махтаманглар мени бунча,
Тозамасман мен кўп унча.
Ҳар ўрим сочимдаги пўлак,
Тошкент тошига уч нимча.

Чин ёр бўлса қилар вафо,
Номард қилар жабру жафо.
Гул юзимга қўйдим упо,
Кўрса ошиқ қарашарму?

Алпнинг бир лақами полвон,
Канизлар, ўйнангиз алвон!
Рухсор борар бўлди боққа,
Келган бекзодни кўрмоққа...

Алқисса, саксон қизнинг бувиси Рухсора бекзодни кўрмоқ учун боққа жўнади. Қирқ канизини чодир атрофига посбон қилиб қўйиб кетди. Оққизой қараса, Зийрак ҳам қизлар билан қолибди:— Эй, чўри — (деди)— қуриди манг-лайнгнинг шўри, аммо бекзодни кўрганинг чин бўлса, бу бир катта боғ бўлса, башарти бибинг кўролмай келса, сўзинг ёлғонга чиқиб қолса, ундан кейин сенинг ўлмоғинг даркор. Кўрганинг ҳақиқат бўлса, олиб бориб кўрсат. Шунда Зийрак чўри:

— Рост айтасиз, Оққиз опа, бетга қўйди лола упа, кўрмай келса, қилар хафа,— деб ковушини ҳам ечиб ташлаб, Рухсорага етиб борса, у неча нози карашмалар билан оёғини бир-бир босиб, мушки-анбар йипар сасиб бораётган опасининг хурсандлигини кўриб, унга қараб бир сўз айтди:

Мен билан чин уришди,
Кўрай деб ҳам нохурушни.
Ёлғон бўлса кесар бошни,
Ибиё, деб бибим жўнади.

Бўйнига тақиб олтин-кумушни,
Кийиб шиш наҳал ковушни,
Эркинлашиб йўлга тушди,
Ибиё, деб нозлар жўнашди.

Осмондаги ойдай бўлиб,
Чўпон тортган найдай бўлиб,
Минг қўй сотган бойдай бўлиб,
Ибиё, деб қизлар жўнади.

Кумушдай бўлиб ярқираб,
Манғи қўйдаин ликиллаб,
Кўксида маржон тирқираб,
Ибиё, деб ойим жўнади.

Койиниб мендай Зийракка,
Отадан бир қизди якка,
Кўзи тушса сиддил бекка,
Ибиё, деб ойим жўнади.

Қизлар боққа етиб келишиб, боғ эшигининг тирқишидан ичкарига қарашди. Гулирухсора канизларга:

— Нарироқ туринглар, мендан илгари сизларнинг кўришларингиз лозимми?— деди. Қизларни уришди, уларнинг лаблари буришди, ҳаммаси нарироққа кетди, ўридан туришиб. Гулирухсоранинг ўзи боғнинг эшигини очиб, жоди кўзини ўйнатиб, сухсурдай бўйинини узатиб, жасадини панага тортиб қарасаки, Авазининг оти етти кундан бери сувсиз эди, булоқни кўриб, Авазни суриб, от сувга бош қўйган эди. Аваз отнинг бўйнига жиловни ташлаб, неча бир наъма ўйинни бошлаб, сулув отини суғориб турарди. Шу чоқда, Гулирухсоранинг кўзи Авазга тушади. Лабини гарчча тишлаб олди. «Оҳ, сани, куйдирдинг мани, энди кетганингни кўрай, қани? Бўлдим ойдай юзингнинг ҳайрони. Ҳалола экан чўрига берган Рухсоранинг нони. Ўзим ўлмамай энди кетсин, қани? Бундай сулув, от миниб турган полвоннинг отаси бир мамлакатнинг хони. Бу кишидан қолгандан, яхши кишининг ўлгани. Дил-юрагимни кўзгади, солди манга ишқ-савдони. Ҳар ерда бутундир мардларнинг нони. Билмам, қайси шаҳарнинг дол гардони. Бўлдим гул юзларининг ҳайрони, шундай бўлса мендай ёрнинг олгани. Қизлар қандай бибингнинг меҳмони? Бунинг билан бўлса беш кун даврони. Улай агар мен қўймайман кетгани. Бориб сўрай, эли қўрғонини. Сизлар шу ерда туринг, канизлар! Баланд равотимдан отин иргитиб, албатта, келгандир мени кўргани, тўрт минг қоровул бор эди-ку, тайин улар қўймас эди бу қўрғонга киргани. Булар маълум бўлди, менга ўлгани. Бориб сўрай қайда экан макони?— деб қизларни

қолдириб, Аваз томон юрди. Олдидан Авазга қараб, шалпор шойиларни кийиб, тилла пўпаклари тавонига тегиб, Авазни егудай бўлиб, унга қаради. От ҳам сувдан тўйиб, келаётган қизга бир бурилиб қаради. Аваз ҳам «Отнинг кўзи бир ёввойи жондорга тушдими?» деб қараса, бир нозанин келаётганини кўрди. У дарров салласини қовоғига қўйиб, зеҳни билан қизга қаради. Сўнг, «Отим бўлса сувга тўйиб олди. Энди бу ерда туришлик бўлмайди», деб отини бурди. Қизгина булоқнинг у томонидан келаётган бўлса, Аваз бу тарафидан кетига қарамай кета берди. Шундаёқ қизгина Рухсора ўзини ишққа олдирган эди. Қўлига рўмонлини ушлаб, орқасидан катта-катта қадам ташлаб, меҳрибонлик билан Авазга бир сўз айтгани:

Жамолинг айлади мен гулни ҳайрон,
Юрагимга келди ишқ билан туғён.
От ўйнатиб боққа қирган, бегижон,
Боғ эгаси дилбар сиздан садаға,
Бир бўлиб кетинг кулбама меҳмон!

Ҳам элингиз сўрай карамли султон,
Жамолинг қилди-ку, ақлимни ҳайрон...
Шул бўйингдан садаға гул юзли жонон,
Боғ эгаси нозли сиздан тасаддуқ,
Шу кечага бўлинг-да, кулбама меҳмон!

Яхши нонвойларим бордир фаровон,
Дол бўйингдан мени-ку жоним қурбон.
Бу қўлимдан енг намак билан нон!
Боғ эгаси дилбар сиздан садаға,
Шул кеча бўб кетинг кулбама меҳмон!

Кимлар сураб экан сиз билан даврон?
Кетишингиз бўлди ўлдиргандан ёмон.
Ишқ ўтидан бўлмасин юзим заъфарон!
Боғ эгаси дол бўйингдан тасаддуқ,
Бирор кеча тушиб ўтинг, бегижон!

Юртим боғи Равшандир, отим Гулрухсор,
Тушмасангиз, менга бўлади юз армон,
Боши бўшга бўлмайсизми соёбон?
Боғ эгаси ойим сиздан садаға,
Шу кеча бўп кетинг манзилга меҳмон!

Алқисса, Авазхон кетига ҳеч қарамай кетаверди. Қизгина тошни қўлига олиб, «Тушмас экансиз, нечуж келдингиз бу боғимга, қулоқ солмай юракли доғимга», деб тош билан Авазнинг ён яғридан урмоқчи бўлди. Отай деса, яхши кўрганлик, шунча кўзи қиймайди. Кўзини ёшлаб, бир сўз дегани:

Бўйинг узун, белинг хипча,
Ёринг бўлайин ўлгунча.
Минг айланай бекбачча,
Ётиб кетинг бир кеча!

Боғимда бордир арча,
Ҳасратингда қўйма бунча!
Ургулсин сиздан ойимча,
Тушиб-а кетинг шугина кеча!

Боғимда бордир олича,
Ўйнаб ётсам тонг отгунча.
Айналайин тўрабачча,
Қўниб кетинг шугина кеча!

Боғимда бордир қароли,
Икковимиз ётсак ўралиб,
Муллалар азон айткунча,
Ётиб кетинг шугина кеча!

Тушмасангиз бошим кесиб,
Сочимдан тақимга босиб,
Бошимни баркка осиб,
Ошиғлигим билиб кетинг!

Қулоқ солинг Гулрухсора,
Сиз шамдирсиз, мен парвона.
Оқча юздан қона-қона,
Бол лабимдан сўриб кетинг!

Шунда Авазхон кейинига қараб, тилла узангига оёғини тираб: «Нима ишинг бор, деб сўраб, ҳужрада кўрган суратга ҳеч еринг келмайди, мен ҳам отамнинг ишига боряпман: менинг ўз ихтиёрим ўзимда эмас», деб қизга бол Авазхон беш калима сўз айтиб тургани:

Сиз бизга бўлибсиз, билдимки, хуштор,
Мунча йиғламангиз энди хори-зор!
Қоматингдан ўргилай гул юзли дилбар,
Отам бордир, менда йўқдир ихтиёр.

Йиғлама, тушмайман гулшанга бекор,
Ишқимга бўлмагин беҳуда дучор!
Йиғлама, қаддингдан ўргилай ночор,
Отам бордир, менда йўқдир ихтиёр.

Отам, билсанг, Чамбилбелда аждаҳор
У аждаҳор захрига кимлар чидар?
Тушма деган насиҳати — панди бор.
Сабаб шудир тушмас мендай ҳусндор.

Олис-йўлга боряпман, қаддингдан;
Мендан бўлма гул юзлим умидвор!
Тушайинми-тушмайинми, жонивор,
Менда йўқдир, Ғиротимда ихтиёр.

Авазхонни топширганди Ғиротга,
Жамоат туради, беклари додҳо.
Сен ўзингни қилмагин ишққа гирифтор!
Менда йўқдир, Ғиротимда ихтиёр.

Бу сўзни эшитгач, оти кетаверди. Алқисса, қизнинг кўз ёши мунчоқ-мунчоқ кетиб, «Ишқивозлик ёмон экан дунёда, мен муштипарлигимдан отамнинг сўзини қулоққа олмаган эканман, бу йигит отасининг сўзини бунча мўътабар қилар экан. Менга ошиқ бўлганларнинг ичига мендай олов тушган экан-да», деб икки оғизгина сўз билан ўз аҳволига йиғлагани:

Бир номард-ку келган экан қошима,
Ошиқлик савдони солди бошима.
Қон йиғлайман, ҳеч келмайман ҳушима,
Ёқа олди ҳўлдир кўзда ёшима.

Озода, қарагин бу инграшима,
Раҳим айлагил кўзда жўйбор ёшима!
Бирон соат турмай кетдинг қошима,
Кўйлақлар ҳўл бўлди кўзда ёшима.

Ҳеч бирон боқмадинг гулдай юзима,
Ҳушим кетди, қачон келарман ўзима?
Гулрухсор дер, қулоқ солгин сўзима,
Кўздан ёшим оқиб тушди тиззама.

Авазхон кейинига қараса, кўнгли эзилиб, юзига ёши-
тизилиб, бетидан ёшини артиб, ўзини ўзи муштлаб туртиб
турибди. Авазхоннинг раҳми келиб, «бир дилдорлик қи-
лай, хафа қилмай», деб бир сўз дегани:

Ун саккиз ёшга кирган боламан...
Омон-эсон қайтсам борган жойимдан,
Эгам насиб қилса, сени оламан.
Омон бўлсам, қайтишимда қўнаман.

Чамбилбелда ўзим бир маст тўраман;
Ахтариб чиққаним Гулихиромон.
Уни олсам отамга элтиб бераман,
Йиғламагин, қоматингдан, келаман.

Аваз айтар чин ваъдани бераман.
Қучоқлаб белингдан, лабинг сўраман,
Қайтишимда насиб бўлса келибон,
Сенинг билан доим ўйнаб-куламан.

Ошиқлик ишига бу гаплар тасдиқ бўлиб, «оламан» де-
ганига Рухсори кўп хурсанд бўлиб, Аваздан кўнгил тўлиб,
букилган қаддини кўтариб, хурсандлик билан Авазга жа-
воб бергани:

Энди боқма соғларингга, сўлингга,
Хурсанд бўлдим бир ёр деган тилингга,
Қайтишингда зинҳор келгин, тўражон,
Олиб кетгин Така ёвмит элингга!

Чин ошиқман, тушдим сенинг баҳрингга,
Мардсан, талашгин номус-орингга!
Қайтишингда, айланайин, зинҳор кел,
Олиб кетгин мени Чамбил шаҳрингга!

Қувонаман Аваз деган отингга,
Мендан бошқа бўлса севиб олганинг,
Хизматкори бўлай паризотингга,
Қайтишда обкетгин зинҳор, юртингга!

Е киргансиз ўн тўрту ўн учингга,
Мен садага белингга қиличнингга,
Олиб бор хизматкор қил тили чучингга,
Менга басдир ётсам оёқ учингга!¹

Тилла камар ярашади белингга,
Эна бўлсам қизинг билан улингга,
Армоним йўқ берсам манг, деб қўлингга,
Бўлса мен чўриман олган гулингга.

Гулурухсор дейди сизга арзим бор,
Агар ўлсам гул ичинда қабрим бор.
Кўп кечикманг бир ойгача сабрим бор,
Олиб кетгин мени бўлган элингга!

Бир ойгача етиб келинг деб, фотиҳа бериб, Аваз отини
юз алвон ўйнатиб, Рухсоранинг олдидан отини буриб ўтиб:
«Келгунча омон бўл!» деб то девордан ўтгунча, Авазнинг
кейинидан қараб, юраги суст бўлиб қолди.

Тулпор отини ўйнатди,
Олтин сувлигин чайнатди.
Кўргон қалъадан ирғитди,
Олти қулочдан найзаси,
Тиғи яшин сув пўлатди.
Хахалаб қамчига тутди,
От совиган қувуғин тортди.
Тозидай қилиб ўйнатди.
Тоғлар энди нотекисди,
Гоҳи пасди, гоҳ баландди.
Такобарин ўйнатиб,
Кеча-кундуз йўл тортди.
Кейинга қайтмоқ уятди(р),
Баланд тоғларга борганда,
Отнинг дубри дангирлатди.
Неча ажойиб ердан ўтди.
Кечаликка санаб юлдуз,
Тинмай кетди кеча-кундуз.
От қамчилаб боряпти,
Оша ерга Аваз ёлғиз,
От билмай пастди балантти.

¹ Учингга.

Авазхон қилди ғайратти,
Кеча-кундуз бирдай кетти,
Оти ҳам қарсоқдай қотди.
Кўрдингизми Аваз мардди,
Кун чиқиб қиблага ботди,
Уч кеча-кундуз йўл тортти;
Бир ўтар тоққа етти.
Етолмайди тоғ баландди,
От жilовини энди тортди.
Кўринг устида валламатти.
Тоғнинг баландлигини кўриб,
Авазхон отини тўхтатди.

Алқисса, Авазхон қараса, бошидан дастори тушади.
Қаерда йўли бор, қаердан ошади, тўғри келган ердан отни
қайдаса, от йиқилиб, эгар қорнини тешади. Бу тоғдан ўтар
ерини билмай отига бир сўз айтяпти:

Утолмайман, тоғи кўп баланд,
Қайтиб кетмак мардга уят.
Тухми одамдан ақлинг зиёд,
Жоним Ғирот, кўзим Ғирот,
Ўтадиган ерин кўрсат!
Сен биласан ўзи баланд,
Қайтганнинг юзига уят,
Жоним Ғирот, кўзим Ғирот.
Омон-эсон Чамбил борсам,
Тўрванг банот, еминг новват.
Ўтган бўлсанг менга кўрсат,

Сухсурдайн бўйинг узат.
Хайрон бўлди бол Аваз мард,
Жоним Ғирот, кўзим Ғирот!

Гўрўғли топширган улин,
Биласан Гўрўғлининг йўлин;
Асраб ўт, эгангнинг улин,
Жоним Ғирот, кўзим Ғирот!

Сенга ярашар тилла эгар,
Йўл тортмоққа қушдан чевар,
Етқирсанг ёрини севар,
Жоним Ғирот, кўзим Ғирот.

Аваз гапин дурга битгин,
Утар йўлини кўрсатгин,
Ер манзилга ўзинг етказгин,
Ҳамройим сенсан-ку, Ғирот!

От бурилиб, тоғни ёқалаб, эзу босиб, сувлигини чайнаб, қирлар орасида ўйнаб, Авазхон билан Бирўтар жойдан ўтар эди. Шу камарга от бориб бурилиб кирди. Бу йўл билан уч йиллик йўлни бир ойда қисқа қилиб ўтар эди.

От кексароқ, Аваз ёшди,
Жамоли ойи-қуёшди.
Оралатиб тоғи-тошди,
Сояли-сояли ер келса,
Авазни, балки олиб қочди.

Аваз бир чошга йўл тортиб,
Бир туманга-ку етишди.
Қарасаки қора туман
Туёғи ерда гуруллаб,
Баландлик кўкка етишди,

Авазхон отин тўхтатди.
Атрофини губор тутти.
Ҳар тарафдан босиб кирган,
Чанг билан энди тўполон,
Қоронғулик зулуматди,
Оти ҳам юролмай қолди,
Бундан олиб ҳаросатти,
Авазхон отини тўхтатти.

Алқисса, у чанги-тўполонда қолиб, «боғдаги дилбар қаргадимикин, қарғишига гирифтор бўлдимми», деб кўнглидан ўтиб, «таом улуғ нарса, тушмаганим учун қаҳри ғазабига торттимикан», деб зулмат орасида бир сўз айтди:

Кўз ёшини тўкиб қолди муштипар,
Отдан тушмай кўнглига қилдим озор.
Туман ичида ҳайрон бўлдим ман бу кун.
Озод айла, кўрай ёримдин дийдор!

Аваз бир чангалга гирифтор бўлди. Авазни бир чангал от-поти билан қисиб, кўкка чиқиб кетти. Аваз ойдинликка чиққандан кейин ўзидан хабар олса, юлдузга боряпти,

Агар ташлаб юборса, муштдай гўшти мошдай тирқираб кетади. Ҳасрат билан билдики, оламдан ўтади. Агар сувга тушса, наҳанг балиқлар ютади.

Боғиэрамнинг подшоиси етти йилдан бери касал ётиб эди. Ҳакимларидан ҳеч фойда кўрмаган эди. Бир донишманд киши айтган эди: «Ўзингиз бир фол очиринг. Агар виёну маргувлардан бўлса, фолчилар билади. От чоптириб, новча бир фолчини топтириб, фол кўрсатди. Фолчи подшога айтди: «Ун етти-ўн саккизга кирган бўлса, қизил юзли ўғлон бўлса, саратон юлдузли, ширин-шакар сўзли бўлса, шер юракли, йўлбарс билакли бўлса, шунингдай бир ўғлоннинг қони билан поруғ бўлар экансиз», деган эди. Подшо дев хизматкорларини чор атрофга буюрган эди. Тўққиз дев ҳавода келаётганда, Авазни бирўтар тоғда кўрган эди. Тўққиз девнинг бири илдамлик қилиб Авазни Қирмиз деган бир дев ўзининг чангалига олган эди. Шу девларнинг губори билан Авазнинг тевараги чангга ўралиб қолган эди. Ушбу чанг шу девларнинг шамоли эди. Алқисса, тўққиз дев Авазни подшонинг ёнига етказди. Ип-ипакдан, бир учи юракдан, зеҳи тирноқдан, йўғон билакдан бойлаб, асир қилиб подшосига «фолчингизнинг айтганидан ҳам зиёд турур», деб кўрсатди. Касал дев Авазнинг бўйига қараб, «Қандай бир хоннинг ўғли экан? Кўп машаққат ишлар бўлиб қолмасин! Шунинг учун аввал бир сўраб кўрай», деб бир сўз айтди:

Кўнлингда, билдим ҳеч йўқ губоринг,
Полвон боласан, ўткир кўзларинг,
Мен сўрайман тўғрисини айта бер,
Қаерларда ўйнаб-ўсган шаҳаринг?!

Минг йигитча бор экан-ку ҳайбатинг,
Хўп келишган қаддинг билан қоматинг,
Ажойиб озода нурлидир бетинг,
Қаердадир ўйнаб юрган элатинг?

Роса келган, билдим, сенинг гарданинг,
Ҳали жасадингдадир бу сучук жонинг.
Бизга дори бўлибди жўйбари қонинг,
Қаердадир асли сенинг маконинг?

Турқинг ўхшар сенинг худди муллага,
Бир мард бўлсанг, ёлғон солма орага.

Тожиңг бордир, сен ўхшайсан тўрага,
Шаҳарда бўлдингми ёки саҳрода?

Нучук келдинг бирўтарнинг чўлига,
Қайтиб тушдинг одамхўрнинг қўлига?
Бизга тушган ҳеч қайтолмас элига,
Ростин дегин қандай шоҳнинг улисан?

Кўк дев дейди, мен қилмайман андеша,
Қутуалмоқни энди қилмагин пеша.
Отим Кўк дев, ер юзида бир подшо,
Куни битган, бола, қайдан бўласан?

Авазхон бойланган ерида туриб, неча ғамлик фикрга
кетиб, кўп савдолар дилидан ўтиб: «Ҳай, аттанг, ажалим
етган экан, бу қандай подшо билан ошначилик қилар экан,
қайси подшонинг ўғлиман десам раҳми келиб қолар экан,
хўп, пухта билдим, ўз отамнинг эрлиги оламга кетган,
ўзимнинг отамни тавсиф қилай», деб бандилик ерида туриб
бир сўз дегани:

Йигитларнинг қаторида нориман,
Чамбилбелнинг мен номуси-ориман,
Қирқ йигитниг ўзим зўравониман.
Асли-наслим сўраб мени найлайсан?
Чамбилбелли Гўрўғлининг улиман:
Тар очилган Чамбилбелнинг гулиман,
Чаманда сайраган бир булбулиман;
Сўзлаганда мен отамнинг тилиман.
Асли-наслим сўраб менинг найлайсан?
Чамбилбелли Гўрўғлининг улиман.
Чамбилда бек бўлиб ўтканди дарҳон,
Ун икки карки кийгани кифтида қалқон,
Чамбилда чор ҳоким Гўрўғли султон.
Менинг асли зурриятимни сўрсанг,
Отам Чамбилдадир, карамли султон.
Кўк девни айлантириб осмонга отган,
Оқ девларни зиндонида чиритган,
Алпли овозаси оламни тутган,
Отам Чамбилбелда, билсанг, хон ўтган;
Отам Чамбилбелда шундай зўр ўтган.
Ой Юнусга отам талаб этганда,
Тубсиз дарё ёқасига етганда,
Тулпор отин шу дарёдан ирғитган,

Оти чув деганда қушлардан ўтган;
Отам Чамбилбеда шундай зўр ўтган.
Ой Юнусни боғ Эрамдан олиб қайтганда,
Ев орада тулпорини ўйнатган;
Эллик минг дев унинг атрофин тутган.
Тўққиз кеча ҳам шабрўз ўтган,
Эллик линг девнинг ҳаммасин қийратган.

Чамбилбелнинг катта тоғи Полопон,
Жаҳонга машҳурдир Гўрўғли султон.
Қирқ минг уйли бир-бирига меҳрибон,
Шуларнинг эркаси, менман Авазхон.
Қўлимни еч, бир сўқишай сен билан!

Алқисса, девлар Гўрўғлининг бундай таърифига ҳуш-
сиз бўлиб, эсидан кетиб, нафаси ичига тортиб, кўзи тепа-
сига битиб, беш мартаба Гўрўғлининг зарбини кўрган дев-
ларнинг ҳаммаси кўм-кўк шишадай бўлиб қолди. Авазхон
асирликда қолаверди.

Кўк девнинг севар ёри чин оти Ойтўра, лақаби Масту-
ра эди. Ёрига бемор ейдиган таомлар қилиб, қалампир, ҳил
бўйлар солиб яхши таомлар билан, тўртта канизи билан,
ёшли кўзи билан, давлатхонага — ёрининг қошига келди.
Хоҳи бемол, хоҳи сўкал, етти йилдан бери ётиши шу дав-
латхонаси эди. Мастура ойим келса бари девлар қирғин
топгандай, бир хили чалқараман, бир хили жуссаси билан
ётиб, ёрни ўпгандай, мазаси кетгандай, дунёдан ўтгандай,
бир зўр бургут тепгандай, жони жасаидан чиқиб кетган-
дай. Мастура ётганларга қараб бир сўз айтгани:

Канизлар рўй берди ғамлик дилима,
Қулоқ сонглар юракдаги ҳилима:
Сағирлик савдоси тушди, дўстларим,
Кимлар султон бўлар экан элима?
Қийин бўлди икки яшар улима,
Бу қандай ғамдир, ҳасрат, жонларим.
Вайрон бўлди тахту хонадонларим,
Ҳеч ким булардай қолмасин, бемаҳал улима.

Мастуранинг эшитинг, қизлар, сўзини,
Қонли ёш тутди оқча юзини.
Кучи бор олади берган қарзини,
Энди ким эгалик қилар шаҳри-тузима?
Бир ёлғизим олиб боссам бағрима,

Бир нозлиман талашиб номус-орима,
Нозли қизлар, бу қандайин аломат,
Ким эгалик қилар пойи-тахтима?

Булдир Мастуранинг бир бош эгаси.
Тинмай оқар икки кўзнинг жаласи.
Икки ёшда қолди суйган боласи
Ўлим кўрган кишин инграр танаси.

Алқисса, чор тарафига айланиб қараса, қантарилиб турган бир тулпор отга кўзи тушди. Канизлар: «Қонқуяр Гўрўғли қув бошнинг отига ўхшайди, Гўрўғли қонқуяр биз тараф келганга ўхшайди. Атрофга қарашиб Гўрўғлини мард киши деб эшитган эдик. Биз бир нотовондирмиз деб қонимизни тилайик, шу хаёл билан атрофга қарасалар, қўл-оёғи боғланган Авазхон кўзига кўринди. Булар банди бўлган экан, Гўрўғли эмас экан, деб Авазнинг олдига келди. Парилар келиб Авазнинг қадди-бўйига қараса, туриши қарчигайдай, хушрўйлиги ўн тўрт кунлик тўлган ойдай, сув ичса томоғидан булқиллаб кўринади. Шунинг жамолига Мастура маълум бўлиб:

— Укажон, дилимдан бир гап ўтди, шуни қабул қилсанг, сени бу бандилиқдан озод қиламан,— деди.

Авазхон:

— Кошкнйди.

Мастура дилидағи сирини айтаётгани:

Маъшуқига ошиқ дили куяма,
Бемехр киши одам суяма.
Дилимдаги бир мақсудим шул эди,
Сийнамнинг бандига қўлинг тияма?
Қайси дарду аламимга куяйин,
Энди сиздай новжувонни суйайин.
Маъқул тутсанг озод қилай, тўражон,
Сиздай бегзодга ўзим тияйин.
Подшо қилсам сизни бу мунаққаш жойга,
Дийдорлашсак энди тиллакор уйда.
Ҳеч бир раъйим йўқ эди ундай бобойга.
Қабул қилсанг подшо қилай шу жойга.
Қулоқ солгин, энди, жон тўра, бизга,
Ҳақиқат дилим шул теййин сизга.
Кўп қари деб ўйламанг, тўражон,
Энди кирдим уч юз билан ўттизга.

Алқисса, Авазхон Мастурага қараб:

— Эй аҳмоқ, заиф, ботирининг қўлини номард ечса, бўлади айб. Бу ётган хумбошларинг ўлган эмас. Отам қонқуяр Гўрўғлининг отини эшитиб, унинг зарби-кучини кўрган экан, ранги кўм-кўк шишадай бўлиб ҳаммаси нуради. Энди, менда ким ҳушидан кетиб йиқилса, хуш деган бир дори бор, зарра димоғига борса, қадимги аслига келади. Шуни олиб рўмолингга суриб, шу девлар орасидан сепиб ўтсанг, ҳар қандай беихтиёр киши бўлса ҳушига келади, деди. Мастура Аваз айтганини қилиб, дорисини рўмолига суртиб, рўмолини девлар орасидан қоқиб ўтганда димоғига етган ҳар дев ҳушига келди. Кўк дев бандиликда Авазхоннинг гуноҳини кечиб, Авазни билагини ечиб, канизларга амир қилди:—Кўтариб менинг олдимга олиб келинглар,—деб, канизлар Авазни зинама-зина кўтариб, шоҳнинг қошига етди. Подшо тура келиб, қўлини даста лом қилиб, жасадини хам қилиб, Авазга салом бериб, ўнг ёғидан жой берди: «Танимасни сийламас, биздан қолсин, Авазжон» деб, бир коса майни Авазга сузиб берди. «Чамбилда юргансан, осойиш беқларнинг даврасини кўргансан. Бизларнинг хатолик ишларимизни ўтгин», деб Авазга қараб бир сўз дегани:

Ярашиққа отинг ёлин ўрасан.

Бул иқлимда ўзинг даврон сурасан.

Кимни истаб бул мазгилга келасан,

Йўл бўлсин, жияним, қайга борасан?

Ога Юнус менинг сингил — нигорим,

Хоҳласанг сеники улугвор шаҳрим.

Бир сут эмишган ака эдим энангга,

Бойланганинг зинҳор айтма отангга!

Талаб қилгансан бир жононга,

Айтгин, истаганинг мендай тоғангга!

Гажакдор ёринг келтирай сенга,

Банди бўлганингни айтма отангга!

Бир ёр десанг ўнта олиб берайин,

Авазжон, сени меҳмон қилайин.

Истаган гулингни олиб берайин,

Бир яхшилик қилғил мендай тоғангга!

Бедов миниб, алвон-алвон жиласан,

Чамбилда ўйнаган бир аждаҳор боласан.

Бирин кўзлаб ўнин бошин юласан.
Отанг беш марта келган бизлар томонга.

Кўк дев дейди: асир қилдим, бойлатдим,
Бир мардсен, сени мунча ўйлатдим.
Қўлинг ечиб булбул каби сўйлатдим,
Шу ишларни айтма, Аваз, отангга!

Авазхон алп отасининг узоқ ерларда ҳам фойда етказганини билиб, хурсанд бўлди. Дили билан кулиб: «Тули хиромонга боряпман, отимни олиб келиб бергин», деб тоғасига қараб, Ғиротни сўраб, бир сўз айтгани:

Чамбил элда ўйнаб юрган тўраман,
Улмасам жаҳонда даврон сураман.
Истаб чиққаннинг оти Хиромон,
Отимни ўнгаргин, ёрга бораман!

Ёр ишқидан куйган бир бечораман,
Банди қилдинг дили-ку бир пораман.
Ахтарган ёримни қачон кўраман?
Тез отимни ўнгар, ёрга бораман.

Келармидим, келмасмидим ўзга шаҳрига,
Тузи ноним тортиб шунга бораман,
Худо тақдир солса, шуни оламан,
Отимни опкелгин, ёрга бораман!

Ёлғиз элга талаб солиб бораман,
Тақдир савдосини мен не биламан?
Ажал етса элимда ҳам ўламан,
Отим минсам, ёрни талаб қиламан.

Шунда тоғаси Кўк дев айтди:

— Эй Авазхон, бундан буёғи бориши олти ойлик йўл, қайтиши олти ойлик йўл, Бирўтарни билмаса, Чамбилга бориш-келиши қирқ йиллик йўл. Орада ҳали тўққиз ўнгарилиб ётган тоғ бор. Душман сонсиз; бир кўзди неча девбор; етти ерда тубсиз сув бор. Авазхон, бир башорат берсанг, девлардан буюрсам, йўлинг қисқа бўлар, тахти билан кўтариб, ёрингни девлар келтирар. Сенинг йўлинг қисқа бўлар,— деди. Авазхон қабул қилмади.

— Ұзим бориб, ўзим олиб келсам, деган мақсадим бор. Бу буюрган девларинг ҳам қадди-қовматини кўрса, туркман мардумнинг қаттиқ шарияти, биров бўйинини кўрганни биров олмайди. Биров олиб келганини биров бизнинг шариятимизда олмайди. Ҳар қанча йироқ бўлса ҳам ўзим талаб қилиб чиққанман, ўзим бораман,— деди.

— Бўлмаса, амр қилай Авазхон, отинг билан ўзингни, ёрингнинг шаҳрига етказиб қўйсин. Йўлинг қисқа бўлсин. Олти ойда ҳам етолмайсан, бўлмаса,— (деди Кўк дев). Кўк дев полвонларини чақириб маслаҳат қилдики:

— Авазни шаҳри Гулгулга неча кунда етказасизлар? Биронтаси дам урмади. Қирмиз ўрнидан туриб:

— Мен билмасдан Авазни банди қилиб олиб келдим. Аваз менинг гуноҳимдан ўтса, беш кечаю беш кундузда етказаман,— деди. Кўк дев Авазга:

— Гуноҳини кечасанми, шуни қабул қиласанми?— деди. Авазхон ўйлаб кўрса йўли қисқа бўлади. Авазхон қабул қилди. Шунда Қирмиз девга подшо дев Авазни топшириб бир сўз дегани:

Бошига ярашар таққан жигаси,
Жонкуяр хон Гўрўглининг боласи,
Бир саркарда, йигитларнинг оғаси,
Уз элида обрўйи бор Авазнинг.

Отлиқ овозаси кетган фалакка,
Ҳар элга тараф солар бир ўзи якка,
Шундайин таърифни бор, Авазнинг.
Чамбилбелда бордир ўттиз булоғи,
Устида ўйнаган қўзи, улоғи.
Бадавлат баччадир, чоғдир димоғи,
Ун бир сурув қўйи бордир Авазнинг.

Оға Юнус дейди бунинг энасин,
Хон Гўрўгли аждаҳоди отаси.
Кўк дев дейди — мен бўламан тоғаси,
Икки ёқли зўри бордир Авазнинг.

Етти ерда бордир боғи-чарвоғи,
Юлдузни кўзлайди минган пироғи.
Маст баччадир, ҳали баланд димоғи,
Ғам чектирмай элтиб қўйгин Авазни!

Алпдай келгандир қадди-қомати,
Алпга ярашар билгин, жасади,
Қирқ минг уйдир бунинг зоти зурёти,
Хўп ўйлагин, кейини зўрдир Авазнинг!

Подшо бўлар облойимнинг сараси,
Эрка ўсган бу Чамбилнинг тўраси,
Яна бордир қирқта ёрон жўраси,
Қирқ қонқуяр жўраси бор Авазнинг.

Кўк дев айтар, бу ишни ҳазил билмагил,
Йўл ўткунча бир лаворча кўрмагин!
Гапимга тескари жавоб бермагин.
Белида дастгири бордир Авазнинг!

Шундай қилиб, Қирмиз девга Авазни топширди. Ал-қисса, Қирмиз дев ҳам уни жони-дили билан қабул қилди. Ғиротнинг тўрт оёғидан ушлаб, кўзисини қўйнига солган чўпонга ўхшаб, отни қўйнига солиб қўйди. Авазнинг дол белидан ушлаб, бошига қўйди. Авазхон Қирмизнинг бир шохидан ушлаб олди. Дев телпагининг қирпуғида Авазхон ёта берсин. Қирмиз: «Ўзингга эҳтиёт бўлгин, Авазхон, беш кеча-кундуз кўзингни очмагин», деб бир сўз айтяпти:

Рухсат олдим, беш кечаю кундузга,
Аввал душман, энди дўст бўлдим сизга.
Беш кунгача эҳтиёт бўл, Авазхон,
Бу ҳақи, кетаман, чиқиб юлдузга.

Йўлинг тушган экан худди йироққа,
Бир неклик айлайин сендайин бекка.
Алплигинга ишонмагин, Авазхон.
Кетар бўлдим чиқиб суҳи фалакка.

Эҳтиётлаб топширди тоғангиз бизга,
Беш кунлик хизматкорман, бекжон, сизга.
Кўнгунимча ҳаргиз кўзинг очмагин,
Парвоз қилиб мен кетаман юлдузга.

Ботирлар талашар номус-орига,
Ошиқ бўпсан Гулихиромон парига.
Иззат билан Қирмиз олди сарига.
Кўзгинангни очма, Аваз, ҳеч зинҳор!

Чин учсам, ўтаман булутдан нарига,
Ажаб ҳайрондаман туркман тилига.
Сен қаҳрамон бўлган Чамбил элига,
Энди тушдим Гулгул шаҳрин йўлига.

Дойим хабардор бўл, ботир Авазжон,
Мардсан, тушма ҳеч номарднинг қўлига!
Ҳар қанча мақтанган пари, дилбарлар,
Сув қуёлмас Хиромоннинг қўлига.

Менинг отим пухта билгил Қирмизди(р),
Меҳрим билан яхши кўрганман сизни.
Ғайрат қилай билмайин кеча-кундузни,
Элиб қўяй суйганингнинг элига.

Алқисса, Қирмиз икки кечаю кундуз учди. Эрталаб тўрғай чулдирад чоғида: «Бу қирмиз ё шундай кетяптими, ё кўкда учиб кетяптими?»— деб кўнглидан ўтиб, кўзини очиб қараса, ҳамма жаҳон кўзига оқ кўринди. «Юлдузга чиққаним ҳақ экан-да, тикроқ бўлиб қарай, қани Чамбилдай шаҳрим, амалдор бекларим, ёрони-дўстларим кўзимга кўринармикан?» деб, ўнг-сўлига, олди-кейинига қараса, ҳамма ер оқ кўринади, битта ҳам қора ер кўринмайди. Қирмизга энгашиб:

— Ҳамма ер оқ-ку, бу қандай ҳодиса?— деб сўради. Қирмиз тезлаб учар машқида юрди. Авазнинг саволига жавоб бермай, кетаверди. Авазнинг қаҳри келиб, белидан қамчисини олиб, қамчининг ўримиини ушлаб, кўтариб, қўл қулочлаб, бор кучини билакка ташлаб, Қирмизнинг тумлуғига сола берди. Қирмиз муаллақ тўхтаб:

— Мен сенга дўстлик, неклик қилиб бораётган эдим, Авазжон. Нечук дўстлик, меҳрибонлигимни вайрон қилдинг, агар бошимдан жудо қилиб ташласам, тошнинг устига тушсанг, муштдай гўштинг, мошдай тирқираб кетади. Ёш ўғлонсан, ҳасрат билан оламдан ўтарсан. На сабабдан қаҳринг келди, Авазжон?— деди. Аваз айтди:

— Ўзбекнинг зўрлигини билмаганингга ва гапимга — саволимга жавоб қилмаганингга, бу оқ нарсаларни сўрадим, жаҳон оқ, шунга жавоб бермаганингга урдим,— деди. Қирмиз ўйлаб туриб, ўзбекнинг зўрлигига қойил бўлиб, Авазжонга бўйин қўйиб, эгилиб унга қараб бир сўз дегани:

Кўтаргандан бери бўлди кўнглим шод,
Ғамдан-ку бўлдим мен жуда озод.
Дўстлик йўли менга энди ўргатгин,
Мен шогирдинг, дойим сен бизга устоз!

Нима десанг мен амрингдан чиқмайман,
Чиқмасликка қилдим бу кун қасамёд.
Борсанг қабул қилсин сени паризод,
Мен шогирдинг, сен менга мудом устоз.

Зарбингдан оққандир бурнимнинг қони,
Беамр чиқмасди чибиннинг жони.
Менга фойдаси кўп Аваз ургани,
Сен туфайли зийрак бўлдим, Авазжон.

— Авазжон,— деди Қирмиз, Гўрўғлининг отини учар деб эшитган эдик. Агар отинг учса, нега жаҳондаги бундай ҳодисаларни кўрган эмассан?

Авазжон айтди:

— Отим сен янглиқ учмайди. Агар сувиб қувуғини тортса, жонидан қамчи ўтса, бу қирдан бу қирга ипакдай чўзилиб мопил олиб ўтар эди. Ҳар ким Гўрўғлининг отини «учади» деса, у бир ғалати сўздир. Бундай савдойи асрорни сенинг бошингда кўрдим. Ўзга вақтда ҳеч кўрган эмас эдим.

— Авазжон,— деди Қирмиз дев,— ер юзининг ҳаммаси тўрт қисмдир. Шундан уч қисми сувдир, бир қисмигинаси вилоят даштдир.

— Бораётган томонимда бир кичкинагина жой кўринди,— деди Авазжон. Қирмиз:

— Шу қорайган нарсани қанча менгзадинг?

— Бошимдаги дўппича кўринади,— деди Авазжон.

— Боғи Эрам деб шу ерни айтади,— деди Қирмиз.

— Кўндалангига юрсанг, шу қаллапўшдай кўринган жойга олти ойда ўтасан. Асли Оға Юнус энангнинг юрти шу ердир. Энанг Боғи Эрамнинг подшоҳи эди. Оға Юнус энангни Гўрўғли шу ердан, шу кўринган сувдан олиб кетган.

Қирмизга ҳамма сўзин билдирди,
Хурсанд қилиб, девни дойим кулдирди.
Беш кеча-кундузини тўлдирди.
Олиб бориб Кўҳи тоққа қўндирди.

Авазжон: «Оббо, ёримнинг мазгили бир шахри азим-даими экан девдим. Бу баланд тоғлар орасида жойлашганми?» деб Қирмиздан сўради.

— Йўқ, Авазжон, яқин қолди ёрингнинг мазгили,— деб Авазжонни Фиротнинг белига миндириб, бузоғини қучоқлаб кўтарган келинчакдак тоғнинг баланд чўққисига кўтариб кетди. Тоғнинг энг баланд жойида тўхтаб, баландликдан Хиромоннинг шахрини кўрсатиб: «Шу тоққа келгунча бизга ижозат бор. Авазжон, энди бу ёққа ўтмоқликка ижозат йўқдир. Энди омон бўлгин, Авазжон!» деб бир сўз айтиб тургани:

Бир от чопсанг етарсан ёрнинг мазгили,
Эҳтиёт бўл, бу бир ғайрининг эли!
Қушлар давра уриб ҳайла айланган.
Бир нечалар дейди Ҳовдакнинг кўли.

Жилва қиб кўринган ёрингнинг эли,
Асал-болга тортган сўрғанда тили.
Тақдир қўшилиб, ола қўйсанг, Авазжон,
Қучганда сўлқиллар ёрингнинг бели.

Ҳайла кундай бўлиб ярқиллаб ётган
Тўрт юзу тўқсонга, кўргин, минори!
Олдида муқаррар бордир хизматкор,
Уч юзу олтмишта каниз-қизлари.

Ун тўрт кунлик ойни хира айлаган,
Гулихиромон ойимчанинг юзлари.
Эл иқлимга овозаси кетгандир,
Билсангки, таърифи Хиромон пари.

Сонсиз лашкар бунда бордир, Авазжон
Айланаси балки қирқ тошдан зиёд.
Ана шу ер билсанг Ғулғулнинг шахри,
Ҳушёр бўл ўзингдан, йигитнинг нори!

Билсанг келдинг душман аҳлин шахрига,
Неча шоҳлар ошиқдир бул парига;
Қўлга тушсанг тортар тилла дорига.
Кетмасин кўнглингдан йигитлик ори!

Куйган ошиқ қон йиғлайди зори-зор,
Сен ўзингдан ҳарчи бўлгил хабардор.

Кўраманми, кўрмайманми мен дийдор,
То кўргунча, Аваз, энди аллаёр.

Алқисса, Қирмиз дев:

— Душманга зўринг бўлсин, қўллайдиган пиринг бўлсин. Хиромон нозли гулиниг бўлсин! Энди хўш, Авазжон, деб Авазни тоғнинг бошида қолдириб, қайтиб кетди. Аваз отини буриб, қамчилар уриб, тоғнинг баланд-пастидида як-каликда ҳолим қандай ўтар экан, деб кетаётгани:

Уйланган билсам номардди,
Остидаги тулпор отди,
Ҳахолаб қамчига тутди.
Қири, сойи, баландни,
Қир келганда қиёлатиб,
Жарли ерда жаналатди.
Совиб ҳам қувиғин тортган
Остидаги тулпор оти.
Тулпор отини ўйнатди.
Узангиси сўм тилладан,
Кундай қилиб ярқилатди.
Ағдарилиб от қўйгани,
Куллан, беклардан зиётди.
Яшин сувдан чин қиличи,
Пошна баданига тегиб,
Узангисин шарқиллатди.
Қўйитир тоғи баландни
Тоғ бўлгандан кейин чағатти,
Бўйни узун Ғироти,
Сухсурдай бўйинин узатиб,
Йўлнинг танобин тортди.
Олдида кўринган газа,
Балки бу тоғдан баландди.
Шипирма қамчинин урди,
Кушод қип газадан иргитди.
Олти қулочдан найзаси,
Ҳам сиҳи ўткир пўлатди.
Яғринида пириллатди.
Икки кечаю кундузда
Бу тоғдан майдонга ўтди.
Чошкали улуғ вақтда
Паттигул айёрга етди.

Алқисса, момо Ғулғул шаҳри халқининг шовқунига ухлаёлмай, бир далага чиқиб ухлаб келарди. Икки бўлим уйқуси бор эди. Бировини роса уйқу дегучи эди. Кичкина уйқусини етимча уйқу дегучи эди. Роса ухласа, етмиш кун ухлар эди. Етимча уйқусини ухласа, етти кун ухлар эди. Бир мудраб, етимча уйқумдан қилай деб ётганига олти ярим кун ўтган эди. Гўрўғлининг зўр отининг чопиш дубури момонинг қулоғига кирди. Ярим кунлик уйқуси қолганда, уйқуси бузилиб ўрнидан турди. Бир тарафга қараса, тўқай ўт олиб ўчгандай, осмонда ой қочгандай, чўлпон юлдуз кўчгандай ярқираб товонга етди. Шунда момо, зиёнмикан, шайтонмикан деб чўнқайиб ўтира қолди. Авазхон момонинг кун чиқар тарафидан ўтаверди. Йиғиштириб олганда етти газ қўли бор эди. Шундай қўлини узатди, жиловидан ушлаб Ғирётни тўхтатди. Авазхон ҳайрон бўлиб теварагига қараса, ҳар кўзи чайладай, кампирким отини жиловидан ушлаб тўхтатди, алпинчоқли, шалпинчоқли, олди ўйинчоқ, қўғирчоқли эй, ёш боламикан? — деб Аваз тоза қараса, башараси музлаган тарвуздай, манглайи дўнг, кўзи туздай, ингичка келган бурни бигиздай, уч юз етмишга кирган кампир экан; ҳали қилиққинаси қиздай экан. «Эй момо, жиловни қўйиб юбор!» деб Аваз турибди: «Қайга борасан?» деб момо сўраб турибди.

Мен билурман бир шаҳарда тўрасан,
Иштарафлаб отга қамчи урасан;
Душман бўлса тухми қолмай қирасан,
Ростин айтгин, болам, қайга борасан?

На умидда бизнинг элга келасан?
Душман кўрсанг тирик қўймай қирасан,
Бирин кўзлаб, юзин бошин чаласан,
Қонқуяр жувонмарг қайга борасан?

Чамбилбелда сендай бола бор эди,
Энди юртимизга қиргин дориди.
Отангни биларман — Гўрўғли қариди¹,
Қув бошнинг боласи, қайга борасан?

Истаганинг Хиромонжон парийди,
Отанг, момонг ёши қайтиб қариди.

¹ Қари эди.

Вақтимда келганингда эди, тўражон,
Ўзимни ҳам кўнглим сенга бор эди.

Менинг ҳовлим Регистондан берийди,
Хоҳлаб-ку текканим ўн тўрт эриди;
Иккам ўттиз ҳам ўйнашим бор эди.
Одамкуш аждаҳор қайга борасан?

Алқисса, Авазхон: «Гулихиромон ошиғимни излайман,
жиловни қўйиб юборинг, ёрга бораман», деб бир сўз ай-
тиб тургани:

Такалида ўйнаб ўсган тўраман,
Ўлмасам оламда даврон сураман,
Ёр истаб мен элимдан келаман,
Жилов бўшат, момо, ёрга бораман!

Ишқ ўтида дили бағри яраман.
Истаганим отин айтсам Хиромон.
Ҳар гап бўлса тақдиримдан кўраман,
Жилов бўшат, момо, ёрга бораман!

Одам бордир, ўлим бордир, моможон,
Куним тўлса элимда ҳам ўламан;
Умрим боқи бўлса ёқти оламда,
Ўйнаб бўриб Хиромонни оламан.

Оқ хушрўй, ўзим барно тўраман,
Ҳар гап бўлса мен тақдирдан кўраман,
Душман кўрсам унга ғавго соламан,
Қўябер отим, момо, ёрга бораман!

Фотиҳасин олдим қиблагоҳимни(нг)
Отим Аваз, Чамбил тахти пойимди.
Ҳеч бир душман қайтаролмас раўйимни,
Қўймасанг жиловни, бошинг оламан.

— Эй болам, шошма, мен сен билан уришиб юрган бир
гашми, сен чеварам қаторида ёшми? Мард бўлсанг, отинг-
дан тушма, мендай қари энанг билан менгашма, ботир
бўлсанг, қўрқоқ билан кенгашма, мен ҳам бир момонгман.
Мен ҳам алпларга товун. Бир неча элларга доғ солиб ўт-
ган, бир неча полвоннинг тухмин қуритган, неча-неча ман-
ман деган шоҳларни момонг йиқитган, Гўрўғлининг отин

мен-ку таниган. Уғрими, қароқчими деб жиловингдан тутганман. Энди билдим, сен Гўрўғлининг ўғлисан. Қайт-гунингча, болам, хизмат қилайин, оралиққа мен бир совчи бўлайин. Бир Хиромон десанг, ўн дилбарни сенга олиб берайин. Бундай ишни бажармоққа тайёрман, Гулихиромонжонни никоҳингга соламан. Юргин меҳмон бўл, садаға, ҳовлимга. Бу хизматни, айланайин қиламан. Алқисса, Авазхон: «Мусофир элларда бундай таниш керакдир, момога тоза таниш бўлай», деб кўнглидан ўтказди. Момо Авазхон отининг жиловини бўшатиб, уни меҳмон қилмоқчи бўлиб, олдинга тушиб кета берди. Авазхон ҳам: «Дўстлик қилармикан ёки душманлик қилармикан?» деб ўйлаб борди. Аввалда ҳам бир айёрнинг қўлига тушиб, рўдапо айёрнинг энаси Авазни асир қилган эди. Авазнинг қўл оёғини боғлаб, қонини сўрган. Бунинг устига Ҳасанхон Гўрўғлининг йилқисини боқувчи Малоийк чол келиб, Ҳасанхон иккиси айириб олган эди. Шу гап хаёлига келиб, отини тўхтатиб, ўзига ўзи насиҳат қилиб, бир сўз дегани:

Бедов минганман, ёвга қўрқмай бораман,
Кампирнинг зарбидан дили яраман.
Бундан ҳам кучли савдони кўраман,
Ботир киши, номардни ҳамро қилмагин!

Чамбилбелдан ҳеч бўлмади ҳамройим,
Кўп кейинда қолди ўйнаган жойим.
Ҳамро қилсам (агар) ушбу жодугарни,
Мардсан, номард-ла ҳамро бўлмагин!

Ҳеч ўрдак ўйнарми бошқа ғоз билан
Сулув қиз куйдирар жилва-ноз билан.
Душманлиғи бордир ушбу момонинг,
Кел-а, ҳовлисига бормай от билан.

Ғайрат қилган билмас кеча-кундузни,
Кечаликка ҳамки санаб юлдузни,
Истаб чиққанинг-ку Хиромон қизни,
Аваз, ҳамро қилма, мана жонсизни!

Момо кейинига қараб:

— Нечук хафа бўлиб, кўнглинг ириди?! Сенга неклик қилмоқ кўнглимда бор эди,— деди. Авазхон айтди:

— Чамбилда кўргандайсиз... Терлаб келаётган отимни

жиловлаб тўхтатдингиз. Тери қотиб, отим эринчоқлиги тутиб, юргиси келмай қолди, момо,— деди.

— Эй, Авазжон, аёл деган заиф бўлама? Чарчаган меҳмонни ияртиб юрмоқлик айб бўлама? Сен билан отингни кўтариб кетган билан энанг майиб бўлама?— деб Авазжонга қўлини узатиб, отидан Авазжонни жудо қилиб, уни ўзининг липасига қистириб, Ғиротни кўтариб кетди. Ниҳоят момо Авазжонни ўзининг ҳовлисига элтиб, Ғиротни бойлаб, кўрпачалар ташлаб, ёнига жойлаб, иззат-икромлар айлаб, олдига қатти-қутти нонни ташлаб, бир севикли меҳмоним сенсан, Авазжон, бир сўйиш олиб келай, деб момо чиқиб кетаётиб, Авазга бир сўз айтади:

Гулдай юзинг ҳам ой билан қуёшди(р),
Бир иззат айладим сендай алп ёшни,
Отанг қилган девлар билан курашни,
Онанинг ҳурмати олиб келай сенга сўйишни.

Ҳар кишининг яхши бўлса меҳнати,
Оламда кўп бўлар унинг ҳурмати.
Туташсанг, жасадинг кўпдир ғайрати,
Бир сўйиш олиб келай хон отангнинг ҳурмати.

Сафар қибсан, ўғлим, душмани гашга,
Неча манзил ўтиб келдинг бу даштга,
Дўст билгин дилингни қилмагин бошқа!
Сўйиш лозим бўлди бол Аваз ёшга.

Ёмон кунда ботир керак савашга,
Ҳам отанг, ҳам энанг бўлайин сенга.
Моманг тайёр сенинг билан кенгашга,
Ошиқ бўлибсан Хиромондай бувишга.

Алқисса, момоси:

— Момонг кулбасида ғамгин бўлмай ўтиргин! Мен бориб сурудан сўйиш олиб келай. Менинг лақабимни жодугар Фалак дейди. Ота-онам қўйган отим Зумраддир,— деб момоси сўйиш олиб келмоққа кетди. Момоси кўп қулонлар юрган саҳро-даштларни билар эди: қулонлар ажойиб чуқур-сойларда ётар эди. Кампир ярим оқшом ўтгандан кейин уларнинг устидан етиб келиб, бир қулоннинг эркагини кейинги оёғидан олди тутиб. Бирон таноб ергача (қулон) зўрлик қилиб, момони судраб кетди. Усти-

бошларини йиртиб, момо ташларга оёғини тираб, олди қулони тўхтатиб. Унг қулоғини чап қўли билан ушлади. Унг қўлини қулочлаб, бор кучини шу ҳолига ташлаб, манглайини олиб, қариб ўн икки муштлаб, қулонни карахт қилиб, киптига ташлаб, «бинойи, яхши бўлди, қулонни ушладим, бўлмаса иззатли меҳмонимга шарманда бўлар эдим», деб катта-катта қадам ташлаб, эрта саҳарда ўз уйига келтирди. Аваз ўтирган уйнинг супасига (қулонни) ташлаб:

— Авазжон, уйғоқмисан, ўғлим, бизнинг моллар кўп одамзод кўрмай ёввойи бўлиб кетган. Сен сўясанми, ўзим сўяйми, Авазжон?— деганда Авазжон ўрнидан туриб, «халол нарса макруъ» бўлмасин, деб, ўткир, олтин яшин сувли пичоғини қўлига олиб, (момоси тўрт оёғини ушлаб турди), қулонни сўя бошлади. Авазжон асли Булдуриқ қассобнинг ўғли эди. Момоси ҳам ёрдамлашди; бир соатда гўштини айриб олдилар. Икки хумга мойини эритиб солдилар, икки қанор нуқул биринчи кўрсатди. Икки кўзанинг бирига заҳар, бир кўзасига шароб солиб қўйган эди. Мард борса шароб бериб, кўп йўл кўрсатиб ҳамдамлик қилар эди. Сабзи, пиёз ўраларини кўрсатиб: «Ҳа, болам, бўлмаса мен Гулихиромоннинг қошига бориб келай», деб чиқиб кетди. Авазжон эшикни кичкинагина очиб қараса, момо сомонхонасига кирди. «Хиромоннинг макони момонинг сомонхонасида бўлмаса керак эди», деб Авазнинг кўнглидан ўтди. Сомонхонасида Фалак деган учадиган мурватли қуши бор эди. Шуни олиб Авазнинг олдига келди. Устига миниб, ўнг қулоғини бураса, кўкда учиб юрар эди. Ўртанги қулоғини бураса, осмонда икки-уч соат муаллақ турар эди. Чап қулоғини бураса, ерга қўнар эди. Ҳар бир учирадиган мурватини момо билар эди. Фалак от анжомини кийиб, «токи умринг борида дилингдан чиқмагудай бир неклик қилай, Авазжон, мен келгунча, бизнинг ҳовлидан хабардор бўл», деб бир сўз айтиб тургани:

Қорнингни тўйдир қулоннинг гўштира,
Бориб келай ойимчанинг қошига.
Сўнг қойил бўларсан момонг ишига.
Момонг совчиликни созлаб битказса,
Ётарсан дилбарнинг қордай тўшида.

Лодон лочин чуяр тоғнинг тошига,
Не савдолар тушар эрнинг бошига,

Ботирлар раҳбардир элу ҳешига.
Момонг яхши совчиликни битказса,
Талашганда қарарсан қалам қошига.

Момонг келинчак эди қадим даврида,
Малҳам бўлай юракчангнинг ҳоврига,
Мен келгунча хабардор бўл ҳовлига!
Момонг данакор бўлиб ишни созласа,
Етарсан ойимнинг қордай бағрида.

Қулоқ солгин момонг Зумрад сўзига,
Ошиб келдинг бир дунёнинг четига.
Шу мушкулинг осон қилай Авазжон.
Момонг Хиромонни лойиқ айласа,
Унканда қарарсан ойдай бетига.

Ботир киши ҳеч қайтмайди изига,
Қулоқ соляпсанми момонг сўзига?
Лойиқ қилсам шу подшонинг қизига,
Борганингдан салом айткин сен мендан,
Энанг рози бўлсин берган тузига!

Алқисса, момоси Хиромоннинг шаҳри ёрига қараб, тўрт кеча-кундуз йўлга, икки соатда етиб, дайработга бориб, (Фалак отнинг) чап қулогини бураб, сув ўртасидаги ерда тўхтади. Ул дарёларнинг ёқасинда ҳар бир чинор мисоли қора уй каби бўлиб кетган эди. Ун тўққиз чинорни томир-помири билан қулатиб, Хиромоннинг шаҳрига отди. Бир чинорни ҳам кўпориб, киптига ташлаб, шохидан ушлаб, айридай пишнаб олиб, Хиромон отасининг юртига жўнади. Хиромон отасининг қалъасига милтиқнинг ўқи айланиб етар эди. Чап оёғини узатиб, деволга ётаги тегиб ўтди. Шаҳарнинг дарвозаларини қамаб, ҳар бир чинорни бир дарвозага танба қилиб, йигирма чинор билан йигирма дарвозани беркитди. Тош кесакларни чинорларнинг қабатига ташлаб, чўкка тушиб, ким қанча муштлаб, беркитиб, эҳтиётлаб, ўрнидан туриб, тепиб-тепиб зичлаб, йигирма дарвозани лаклагандай қилиб ташлади. Регистон тарафига келиб қараса, ҳали ҳам беш дарвозаси бор экан. Кашмири жодугарлигини қилиб, тилсимини бошлаб, суратини беҳаё кўрсатиб, кунчиқар дарвозага икки оёғини ташлаб, икки дарвозани икки қўли билан беркитиб ушлаб, қибла дарвозага бошин ташлаб, ташқари

чиққан киши ичкари киролмай, ичкари шаҳарга кирган, ташқари чиқолмай жодугар тилсими билан бир шаҳарни қамовга олди. Уч кеча-кундуз халқлар «бу баломи, нима экан», дейишиб аросатда қолди. Ҳезимкаш, камбағалларнинг боласи кўп очликдан кейин кўчаларга чиқиб баҳайбатга кўзи тушиб, икки гузар, уч гузар маслаҳат қилишиб, подшонинг аркони давлатига борайлик» дейишиб, жам бўлишиб, подшонинг аркони давлатига бордилар. «Нима дейишимиз лозим», деб маслаҳатда турган чогида Тўқливой қори буларнинг орасига келиб, мақсадини билиб:

— Мени вакил қилинглар,— деди. Жамъи одамлар Тўқливойни вакил қилиб подшога уч киши билан бордилар. Шунда подшо:

— Нима арзинг бор?— деб Тўқливойга гап қотди.

— Элинг вакили бўлиб келдим,— деб Тўқливой подшога қараб бир сўз айтяпти:

Тўқливой дер танийсизми ўзимни?
Сағал гапга ўйдирувдинг кўзимни.
Бир бало кеб босган шаҳри-тузимни,
Шул балодин соқит қилгин, султоним!

Жамъи мардум қон йиғлайди зор-зор,
Уч кун бўлди ётишибди оч-наҳор.
Шундай балога бўпти шаҳринг гирифтор,
Элингни балодан қутқар, султоним!

Ўлтирасан халқимнинг пойтахтида,
Қарамайсан ҳеч хурсандлик вақтида.
Туман бўлган Фулгул элинг, подшоҳим,
Бу тумандан ажрат дейман, султоним!

Баҳор бўлса қизлар терар лолани,
Очликдан ўлдирма катта-кичик, болани!
Ушбу ишнинг уддасидан чиқмасанг,
Бўшатиб бер ҳам шаҳари, қалъани!

Подшо мардум эли-юртга устунди(р),
Бу бало қийратар эли-юртимни.
Тўпинг отиб элни озод айлагин,
Бўлмаса, бўшатгин элинг тахтини!

Хазинангга келади элимнинг кучи,
Ўлсинми очликдан элинг қаллочи?

Вакил бўлиб келдим куллон халқимдан,
Сизсиз, султоним, элни қўрувчи!

Кўп қилдингиз анжум, бек сипойини,
Тўрт миллиондир, лашкарингнинг тайини.
Элни кўриб, посбонлигин қилмасанг,
Бўшатиб бер юртнинг тахти пойини!

Тўқлиқари билмас асло уятни,
Устида турибсиз аркон-давлатни(нг).
Эй баччағар, қирасанми элатни,
Бўшат уддасидан чиқмасанг мамлакатни.

Алқисса, подшо Гулғула шаҳрининг ўн бир ерига қўрбоши қўйган эди, ўн бир миршабнинг ўн бирини ҳам уч ерида занг хонаси бор эди. Баландликка чиқиб зангини урса, бутун лашкари йиғилар эди, ўртанги зангини қоқса, анжум сипоҳилари йиғилар эди. Паст кўнғирогини қоқса, қўрбоши посбонлар йиғилар эди. У паст кўнғирогини ура бошлади. Ўн бир миршаб билан посбонлари йиғилишиб келди, подшо ҳаммасини жам қилиб:

— Шаҳар орада нима гурбатлар бор?— деб сўради. Посбонлар айтди:

— Бизлар бу хабарларни эшитганимиз йўқ. Подшо уларга қараб:

— Мен сизларга ишонсам, сизлар кайфи-сафо билан, элдан беҳабарсизлар. Тўқлибой кўрнинг айтишига қараганда, шаҳар гирдини кўп душман лашкари олгандай, Гулғула мамлакат қамовда қолгандай, мамлакатга ким келган? Элчиликка мастон айёр келганга ўхшайди. Сизлар топширилган ишдан беҳабарга ўхшайсизлар, уч кун мамлакатни қамаган балодан, бориб нима мақсадда келганини сўранглар! Қани нима мақсади бор экан?— деди. Миршаблар ўрнидан туриб, кейин билан юриб, қўрбошининг бошлиғи подшога қараб бир сўз деди:

Бизлар тайёр доим мушкул ишингга,
Янги хабар тегди одамкушингга.
Бу хизматлар биздан етсин, султоним,
Ким бўлса ҳам олиб келай қошингга.

Душман бўлса уни бўяб қонига,
Баҳайбатнинг ханжар солиб танига.

Бу нима деган хизматди, султоним,
Олиб келай фил ҳам бўлса ёнингга.

Бизлар тирик, ким қамов солар элингга?
Талов сололмайди шаҳар, молингга!
Ҳеч хавотир қилма бундан, султоним,
Қўлин бойлаб опкелурмай ёнингга.

Ҳамзанинг ўғлиман, Ҳамродир отим,
Ҳеч полвондан кичикмасдир жасадим;
Бу гапни эшитиб, тутди ғайратим,
Ҳеч ким тикилолмас, тақсир, элингга.

Алқисса, Ҳамро қўрбоши посбонларини ияртиб, ўн битта номдор қўрбошилар билан Регистонга келди. Шаҳар атрофига қараса, кўп шовқун, ҳар гузардан шум товуш қулоғига эшитилади. Йиғлаган товушни бу халқ «шум товуш» дер экан. Кўзини очиб қарагудай бўлса, бир баҳайбат золимга кўзи тушди. Қўрбошиларнинг каттаси дурбинини олиб, атрофига қараса, йигирма беш дарвоза ҳам бекилган, икки дарвозани ҳам икки оёғи билан бекитган, икки дарвозани икки қўли билан итариб тўхтатган, бош қибла дарвозани бекитиб, кўзи билан кўриб, миршабга ҳаросат тушиб, бош тарафига қараб йўлга тушибди. «Ўзини кўрганим йўқ эди, неча эр полвонларнинг тухмини қуритган, неча шаҳарларни қамов қилиб, божини олиб кетган. Шу навбат бизнинг шаҳарга етганга ўхшайди. Бизлар даҳанаки таърифини эшитган эдик. Бунинг лақами айёри Мاستондир, ўша келганга ўхшайди» (деб ўйлади). Барги зубтуримдай титрашиб, лабига учуқлар тошиб, миршабларнинг каттаси отидан тушиб, қиличини яланғочлаб, момонинг қошига борди. Ғазаб ўти билан момога қараб миршабнинг бир сўз айтиб тургани:

Сабаб надир келдинг сендайин айёр?
Кенг шаҳарни қилибсан-ку, момо, тор.
На мақсаднинг бўлса айткин, берайик,
Шаҳримдан олғил жасадинг, мочағар!

Эли халқим бўшти кўп сендан безор,
Раҳим қилгил, бунча бўлма дилозор!
Қўрқмайсанми бу қўлимда ўткир бор,
Тезлик билан бундан кеткин, мочағар.

Уч кун бўлди ётибсанми оч-наҳор?
Ош-нон қилай қузурингга мен тайёр,
Қорнингни тўйғизиб олгин моможон!
Нечук бўлдик ғазабингга биз дучор?

Қонқуяр бир элга бўлисан дучор,
Лашкарбоши кўрса қонингни ичар.
Ҳарна арзинг бўлса менга сўйлагин,
Муомила шулдир, жасатинг кўтар!

Қўрхона-ку тўплар шоҳимизда бор,
Амр айласа, келар ҳам қўша тўплар,
Агар отса, пухта умрингни соплар,
Хон ғазабига бўлмай, кетгин гирифтор!

Посбонликнинг улуғи мен жавобгар,
Кетасанми, кетмайсанми, моможон?
Улуғ танинг ҳеч бўлмасин ярадор,
Тез жавобин менга бергин, моможон!

Алқисса, момо айёр миршабга: «Қанча кучинг бор?»
деб ёмон кўзи билан қараб: «Анжоми қўрхонанг қанча
бор? Қанча бордир шоҳингнинг қуввати», деб қовоғини
уйиб, «Номаҳрам йироқдан ўтгин», деб бир сўз айтяпти:

Келма дейман ҳаромзода, қошима!
Нима ишинг бордир бул ётишима?
Номаҳрамсан, нарироқдан юр, бадбахт,
Кўзинг тушмасин-да қордай тўшима!

Аёлнинг гапини аёл билади,
Маслаҳат эркак билан бўлади.
Кўп номаҳрам нега келдинг қошима?
Кўзларинг тушмасин қалам қошима!

Яхши аёлнинг бор шарм билан ҳаёси,
Ҳеч бир дўқдан қўрқмас мендай момоси.
Менга керак подшоҳимнинг эркаси,
Хиромоной бир келиб-кетсин қошима!

Момонгнинг бор қўйнида бир дафтари,
Хиромонга очилар варагин бари.

Бориб айтгин шул арзимни хонингга.
Тезлик билан келсин хоннинг духтари.

Чин отимни сўрсанг менинг Зумрад(дир)
Вайрон қилдим мен, бир неча элатни,
Хонингга айт, биз буюрган хизматни,
Юборсин тез Хиромоной фарзандни!

Икки оғиз гапим бор сўраб кўраман,
Хайр деса, юртин очиб бераман.
Кўнмаса-чи, қирқ йилгача тураман,
Чин гапим шу, келсин Гулихиромон!

Алқисса, миршаб айтди:

— Подшонинг ўғли йўқ, бирдан бир қизи, «ҳам ўғлим, ҳам қизим», деб суянган ўзи. Олдинга келмайди шохнинг ёлғизи. Бу гапинга тўпин бўшатиб, гўшинг парча-парча титилиб кетар, ҳасрат билан сендай момо оламдан ўтар. Бизнинг элат ёвдан қўрқмас полвондир. Говга қилмай кета бергин, сен аҳмоқ! Момо айтади:

— Қара, менинг узун келган лошима! Жувонмарг ўл сира етма ёшима, баҳона қилиб, қараб қордай тўшима! Овозадор Хиромон келсин қошима! Хабар берайми ўн тўрт эрима? Юртинг вайрон бўлса сатқайи сарима. Ишончим бор кучи билан зўрима. Хиромон билан икки оғиз гаплашиб, маъқул бўлса сўнг кетаман элима. Бу сўздин кейин қўрбошилар, посбонлар маслаҳат қилишди. «Ўзи шунча, бу билан яшайдиган эрининг жасади қанча?! Бу момо билан менжашкунча подшо билан маслаҳатлашайлик. От дейдими, ё қизини юборадими? Ҳукми бор. подшонинг ўзидадир ихтиёр». Подшонинг ҳузурига миршаблар бориб, қўлини дасти лом қилиб, алпдай қоматини ҳам қилиб турди. Алқисса, подшо:

— Бу юртни қамаган дўстми, душманми, девми, парими? Шаҳарда кўрганларингдан хабар беринглар!— деб сўради. Миршаб кўрганини, билганини подшога айтиб тургани:

Булутга етгудай узун қўли бор,
Бир ўзининг қирқ аждаҳо ўғли бор,
Ёвдан қўрқмас ботир, ўткир тили бор,
Шундай бир Мастон келибди элинга.

Тилаб кепти, тақсир, жони-дилигни,
Шовқин бўлса, бойлаб олар қўлингни,
Билгин, ўйлаб анжомингни, ҳолингни,
Бир зўравон момо келди элингга.

Кун чиқар дарбозада икки оёғи,
Одамга ўхшамас ҳеч бир сиёғи,
Жасадин кўрсангиз, Юлдузнинг тоғи...
Шундай бир ҳайбатдор кепти шаҳрингга.

Яна ўн тўрт эмиш никоҳли эри,
Эшиткин таърифин Фулғулнинг зўри,
Аччиқланса қолмас ҳеч киши тири,
Одамкуши айёр кепти элингга.

Ярим таноб ерни олар ҳар изи;
Шокосадан катта менгзадек кўзи,
Қандай аждаҳодан тўланган ўзи,
Шундай бир аждаҳо кепти шаҳрингга.

Бир ўзида бордир қирқ минг нор кучи,
Сизда ҳам бор эмиш, қасдию ўчи,
Хиромон бормаса йўқдир иложи,
Шундай бир совчи кепди элингга.

Тақсир, хоним, бордир номуси оринг,
Банди бўлипсиз, қўлидадир шаҳаринг,
Иложи йўқ, бир бормаса духтаринг.
Пухта билгин, душман келган шаҳрингга!

Алқисса:

— Хиромон бормаса, бошқа кори йўқми? Анжон тўп-ларни Регистонга чиқарсанг, ўққа тутсанг, ё ярадор бўлиб кетар, агар минг филнинг кучи бўлса ҳам дунёдан ўтар. Подшо шундай дегандан кейин, посбонлар, миршаблар:

— Тақсир, бир аччиғланиб товуш қилса, ёрини ким ёмон кўради, шовқуни билан ўн тўрт эри келса, бул тахти-бахтингни вайрон қилади, юртингни хароб этади. Боладан каттангни йиғлатиб, бир хилини дамига тортиб, бу қаль-ангни, қўрғон-шаҳрингни чоч ғалвирдан элатиб, элатингни ҳайдаб кетиб, элига қул қилади. Бойларга сотиб, балки тирик қўймас ўзингни. Шунинг учун вайрон қилмай элатингни, тузингни, бунга жавоб берадиган қизингни чақир,

у. кўнгил дилидаги гапини англасин, тақсир. Юбор, Хиромонжон қизингни. Буларнинг гапидан подшо хавотир қилиб, икки энагаси орқали Хиромонга хабар берди. Аввал энагалар келишди. Хиромоннинг турар жойи Давлатхонадан ярим тош нарида эди. Қизига тиллодан кўшк ясаб берган эди. Ҳам ўғлим, ҳам қизим деб атаган эди. Шунда энагаларга қараб: «Хиромонни олиб келингизлар!» деб, бир сўз айтяпти:

Узулмаса тоза гуллар сўлами?
Гулнинг ишқибози булбул бўлами?
Юртимизга бир қув момо келибди,
Хиромонни кўрмоққа толиб бўлибди.

Босиб, қамаб олибди менинг элимни,
Кўрмоқчи бўлибди Хиромон жони-дилимни,
Ул келмаса хароб қилар элимни,
Энагалар, тез олиб келинглар Хиромонимни!

Қулоқ солсин раҳбариман сўзима,
Бир зўр душман кепти элатима-тузима,
Иши бордир Хиромонжон қизима,
Бор ёлғизим етказинглар, ўзима!

Зилзилага келди шаҳар пештоғим,
Бул савдога жуда куйди димоғим.
Тезлик билан келсин ёлғиз гўдагим,
Дарров келсин бир севгили чироғим!

Баҳорда очилган гули чарбоғим,
Хиромондир менинг суянган тоғим.
Энагалар, дарров айтиб келинглар,
Беркилгандир менинг шаҳри ҳар ёғим.

Гардоншо дер, қулоқ солинг сўзима,
Мен ўлсам қолар қизим изима,
Шул хабарни билдиринглар қўзима,
Олиб келинг, бир кўринсин кўзима!

Энагалар, алқисса, паранжи-чачвон қилиб кўшқига қараб жўнаб: «Момоларнинг ҳам зўри бўлар экан-да, аёлнинг полвони ҳам подшони кўрқитар экан» деб жуда хур-

санд бўлиб, «жуда катта эмиш момо қурғурнинг лоши, Хиромонга боришда бу қурғурнинг иши» деб гаплашиб, кўшкнинг қошига бориб қолди. Қирқ бир тиллакор зина-нинг ҳаммасини оралаб кўрди, қирқ ҳужраи тиллада Хи-ромон ҳам йўқ, уч юзу олтмишта канизлари ҳам йўқ. «Момо алдаб Хиромонни йўлга солганга ўхшайди. Под-шонинг юзига туман тушганга ўхшайди, ишонч йўқ бу ма-ҳалда етилган қизига, ишонган момосининг чин сўзига, кўнгил берган ўхшайди шу момонинг ё невараси, ё ўғли-га. Шуйтиб қамалган хоннинг эли-тузи», деб иккови ҳам қайтиб, подшонинг олдига келди.

— Қани Хиромон? — деб подшо энагалардан сўради.

— Тақсир, Хиромон ҳам йўқ, тиллакор кўшкида ка-низлар ҳам йўқ экан. Хиромон момонинг тўрига гирифтор бўлганга ўхшайди. Бизлар тиллакор кўшкида ҳеч кимни кўролмай келдик, — дейишди.

Подшо фикр қилиб айтди:

— Хиромон ошиқлик савдосидин йироқда эди. Қуруқ маломат бўлмасин. Кўшкидан ярим тош узоқда, шаҳар-нинг ичида Хиромоннинг номига бир боғ, икки ҳовуз қилган эдим. Ҳовузларни асил шишадан ва теварагининг гули ёқути-зумратдан. Ҳовузнинг атрофида ўн тўрт ёққа кетадиган йўл бор, ҳар йўлида ҳар турли гули бор, ҳар бир гулнинг неча бир ҳиди бор. Хиромон ушбу боққа гул-ларин томоша қилмоқ учун канизлари билан кетган бўлса керак. Шундан ҳам бир хабар олинғизлар, энагалар. Под-шонинг амри билан (энагалар) боққа жўнадилар.

Энди бир сўзни Хиромонжондан эшитинг. Сайил қи-либ, боғда қизлар билан кулишиб, ўйнашиб, шиша ҳовуз-га тушиб юрган эди, чўмилишиб. Боғда салтанатли неча бир подшоликка хос, неча бир нақшли бинолари бор эди. Хиромон таом буюриб, қизлар таом тайёр қилгунча ниқобин бетига тортиб, ўн бир қатор латта-кундал тўшатиб, Омон-ой канизини қўлига тиллодан бўлган асил елпиғични бе-риб, «Терласам, шамол бер» деб ётиб, ноз уйқуга мойил бўлди. Ноз уйқуда ётган вақтида ажойиб тушларни кўриб, диркиллаб чўчиб тушди. Кўзини очиб қараса, Омоноё тилла безак елпиғичидан шамол бериб турган эди. Хиро-моннинг ранги ўчиб турганини билиб, бир сўз айтиб ту-рибди:

Уринғиздан турдинғиз бундаям сапчиб,
Қўрққандай бўлиб, рангинғиз ўчиб.

Оҳ тортасиз буйтиб мазангиз қочиб,
Жондан азиз, бибим, сизга на бўлди?

Қўрққан бўлсангиз мабодо бибим,
Боқтираман сизни гавҳарлар сочиб,
Рўбару боради мазангиз қочиб,
Юртимнинг эгаси, дилим на бўлди?

Сиз орқали гулгун рўмол ўрайман,
Сиз бир ёмон туш кўрганга ўхшайсиз...
Кўрганингиз, айтингиз, мен йўрайман,
Хонимнинг ёлғизи, сизга на бўлди?

Кўзингиз очиб, тевааракка қарайсиз,
Лабинг тишлаб, бошингизни чайқайсиз.
Нега кўрган ғафлатингиз айтмайсиз.
Ғулгулнинг туйғуси, сизга на бўлди?

Шулдир-ку сизга Омонойнинг арзи,
Сизга на бўлди подшонинг қизи?
На сабабдан бузилди Хиромон юзи,
Юртимнинг ойдини, сизга на бўлди?

Алқисса, Хиромон Омонойга: «Тушимми, ўнгимми,
бир одамзод боғимга келди! Ёмон тушларни кўрдим, Омо-
ной» деб бир сўз айтиб турибди:

Отам золимдир, мен-ку мусулмон,
Етти йилдан бери бу сирим пинҳон.
Олдимга келувди бир пири улкан,
Йўлдош эрди хушрўй бир ўғлон,
Шу билан сурасан деб эди даврон.

Неча ишқивозни айладим яксон,
Жамолимга келган мардлар йиқилган,
Арпалисой одам суякка тўлган.
Шулар қатори яксон қилма деб,
Азал-ку тақдирим шунга қўшилган.
Бу қандай воқеа бўлди, Омонжон,
Ҳамройимнинг оти эмиш Авазжон.

Бир аросат тушди менинг дилимга,
Қамов келган эмиш менинг элимга,

Хур-пари сув соломас қўлимга,
Мени истаб шунқор кепти элимга,
Аваз бўлур дейди менга соябон.

Хиромон дер гул ёстигим бошима¹
Шу савдолар хабар берди тушима,
Меҳрим қўзғаб, ўнг қўлидан ушлабон,
Юзидан ўпиб, босиб олдим тўшима,
Мен ўлгунча соябондир бошима.

Алқисса, Омоной:

— Аваз деган Гўрўғлининг ўғли деб эшитувчи эдик,
Авазнинг макони туя оёғида 20 йиллик йўл, Авазхон унча
олисдан келолмаску, пичагина сизга, мартуви — мастонлар
соя солганга ўхшайди. Инси-жинси, деви-пари зиён қил-
ганга ўхшайди, ярим оқшомгача кўрган туш шайтоннинг
туши, бибижон. Саҳарда кўрган туш раҳмоннинг туши бў-
лади,— деб Омоной Гулихиромонга насиҳатлар қилиб
кўнглига далда бериб турган чоғида. Гулихиромоннинг
чақалоқликдан вояга еткарган икки энагаси келиб қолди.
Энагалари Хиромонга қараб бир сўз дегани:

Қаторда чиллинган лўкча нор экан,
Икки энаси ул кўнглида бормикан?
Отаси баланд пойтахтда турганда
Фуқаролар ҳозир хори-зормикан?

Боғ оралаб излайман мен боламни,
Куйган қулга кенг боғлари тор экан.
Кўчкин кўриб икки энага изладик,
Боғ ичинда Хиромоной бор экан.

Энадан айрилган етим, хор экан,
Юрт қамаган момо хундир зўр экан,
Шукур қилдим гул юзингни кўриб мен,
Боғ арода Хиромонжон бор экан.

Баччаликдан ўпиб гулдай юзингни,
Уч кунликдан катта қилдим ўзингни.
Бир ярашиқ момо келиб, садоға,
У кўрмоқчи сенинг гулдай, юзингни.

¹ Бошимда.

Отанг амри билан, болам, келаман,
Шу ерга бормасанг, тайин ўламан.
Шу момога даркор бўвсан, айланай,
Хабарчи бўп, бу энаганг, келаман.

Иккимизни бор, деб отанг юборди,
Дарров келсин депди, кўп интизорди.
Гапин олгин юрт қамаган айёрни(нг)!
Шукур олло сендан кўрдим дийдорди.

Борган киши кўнгли дилин фаҳмлайди,
На мақсуди борлигини англайди.
Бир бормасанг юрт хотиржам бўлмайди,
Хиромонжон, шу зўр момонг чорлайди.

Ун тўрт ёққа кетар ҳовузнинг йўли,
Тарашиб очилган ҳар хаёл гули,
Маст бўлиб сайрайди тўти-булбули,
Вайрон бўлмасин отангнинг эли!

Алқисса, Хиромон энагаларига қараб:

— Ул момо шундай Мاستон айёр бўлса, у менинг таърифимни эшитиб юрган бўлса, ораста паранжи-чачвон қилиб борсам, бошқа киши деб ишонмайди. Подшони қизи эканлигимни, таърифим кетган Гулихиромонлигимни, шу таърифимга муносиб бўлиб боришим лозим,— деди. Энагаси айтди:

— Айланай, сен ўзинг жаҳонда бир нозик, бу ишларинг ажаб бир қизиқ. У тоғда ўсган саҳройи момо бўлса, сенинг ўсма, газангни, салтанатингни на билсин?! Ҳар қандай борсанг ҳам сени қабул қилаверади. Бир кўрмоққа келганми, ё дилида бошқа гап борми, садага? Хиромон уларга:

— Отамнинг сонсиз посибони бўлса, миллион-миллион лашкари бўлса, шунча лашкари билан, шунча қўрхонаси билан момони ҳайдолмаса, унга бир сиёсатини кўрсатмаса, шундай зўр ёвга мени отам тўғри қилган бўлса, шундай алп момонинг қошига салтанат билан бораман, айтганимни қилиб берса, ўшанда бораман. Бўлмаса юрти вайрон бўлиб кетсин, тақдиридан кўрсин, отам.

Шунда энагалар:

— Отангиз нима ишлар тузаса борасиз, айланай?— (деди). Хиромон уларга: «Отам шундай ишларни тузаса бораман», деб бир сўз айтяпти:

Хурсанд қилай деса ҳам қизини, улини,
Обод қилай деса Гулгул элини,
Момо бошига тўғриласин йўлини,
Шунда бир сайқалиб борсам бораман.

Отадан бир ўзимман, найлайин якка,
Агар мен рай қилсам унга бормоққа,
Йўлнинг икки тарафи тўлсин дарахтга,
Соясида сайқалсам, сўнгра бораман.

Дарахтнинг танаси нуқрадан бўлсин,
Ва аммо шохлари тиллодан бўлсин,
Меваси жавҳари ёқутдан бўлсин,
Қайфим тўғри бўлса, шунда бораман.

Бошимга раҳнодин бўлсин сояси,
Борғунча минг бўлсин зинапояси,
Оламда бир қизман қизнинг донеси,
Балки шунда момонг бориб кўраман.

Бу гапима отам куйиб, пишмасин;
Тангадай бир ерга офтоб тушмасин;
Айтганимни тўғри қилсин, шешмасин!
Шунда уч юз олтмиш каниз билан бораман.

Оёғим тағига тўшаб поёндоз
Бора турган йўлим бўлсин хўп бир соз!
Ундан сўнг бормасам айласин араз!
Сўнг бораман момонг қошига сарвиноз.

Отимни қўйган экан Гулихиромон,
Мен қора сочимни юзта ўраман,
Момо саволига жавоб бераман;
Қайси куни битса, шу кун бораман.

Икки энага:— Ўзимизнинг қўлимизда катта бўлган бўлса... сирагина гапимизни қабул қилмади, наймишча. Оламда бўлибди яхши туйғунча. Ақлига ҳеч кимнинг ақли тўғри келмайди. Ун тўрт кунлик ойдай, беллари хипча, отасига кўп бу ноумид эркача; бир бормоғига буюрди тўғри кўча. Бир майдон бурилиб борса қайтади? Отасин хазинаси қайтиб етади? Биз билан бирга бормаса, дўстим, қайтамиз, айтган гапларини подшога айтамиз, деб икки

энагаси подшонинг қошига манзур бўлди. Уларга подшонинг кўзи тушиб:

— Келмадимми? Қани Хиромон?— (деб сўради).

Энагалар:

— Борда бор экан, кўрдик Хиромонни, бу ерга келмоққа, момони қошига бормоққа ҳеч бир раъйи йўққа ўхшайди; кўп нарсаларни буюрди. Уларга хазина, давлатингиз етмайди,— (деди). Подшо энагалардан (сўради).

— Нима дейди, ахир? Нима деди?

Энагалар:

— Э, тақсир, қайси бирин айттай, ёлғизингнинг айтганини,— деди. Додҳо миршаблар:

— Айтинглар,— дейишяпти.

Шунда энагалар Хиромоннинг айтганини бирма-бир баён қилгай:

Сиёсарнинг бир лақами нотавон,
Юзлари ойдаин, кўзлари чўлпон,
Бир йўл буюрди момога томон,
Ул буйруғи сира битмас, тақсиржон.

Йўл қатори дарахтлари нуқрадан,
Ҳар тараф шохи бўлсин тилладан.
Ўғил яхши бўлар қиз боладан,
Меваси зумрад ёқут буюрди.

Чотири бўлсин деп-ку раънодан?
Қаламаси бўлсин дейди кимхобдан.
Айриласиз хазинадаги тиллодан,
То боргунча шундай соя буюрди.

Мингта бўлсин деб боргунча зинаси,
Ҳаммасини англаг, юртнинг эгаси,
Йлоё келмайлар кетсин момоси,
Шуларни қилсин деб, ҳаққон¹ буюрди.

Шунда момонинг мақсудини биледи;
Қамов солган шундай айёр момоди.
Зарбин кўрган фуқоронгиз йиғлади,
Буйруғи битса, сўнгра келади.

¹ Ҳаққон — ҳақиқатан.

Ана шу шартлари битса, сўнгра келар эмиш, дейишди энагалар. Алқисса, подшо хафа бўлиб, ерга қаради. Фикрга кетди. Бу қирқ тўққиз хазина дафинаси етмай турганга ўхшайди. Уйланиб турган вақтида доно вазирлар:

— Тақсир, бунинг учун кўп гам еманг, ҳам шаҳар, ҳам саҳрога от чоптирайик. Дурадгор, заргарлардан топтирайик. Уста дурадгорларга ёғочдан чоптирайик. Нуқра тилланинг сувини дарахт шохининг таналарига югуртириб, бир гузар хаақни йўлга қўяйик. Бир қатори зина билан бўлсин! Ҳар устанинг ўзига яраша иш берайик; бунча мардум фуқарога ҳеч гап эмас. Ихтиёрини менга қўйинг, ўн бир кунда бу ишларни битираман. Ҳукуматга ҳам, салтанат сиёсатдир. Хиромоннинг буюрган иши подшоликка муяссардир.

Подшога бу сўзлар маъқул тушди. Вазирнинг буйруғи билан анжомларни, усталарни топдириб, қалбаки қилиб ёғочга нуқра, тиллалардан қоплатиб, боғнинг дарвозасидан бошлаиб, устига кундаларни ёптириб, етмай қолган ерига кигизпуруш, гилампурушларнинг гиламини ёптирди. Бўйрафурушни ҳам арвоҳ уриб кетди. Арғамчифуруш, ипфуруш — ҳаммаси билан улаштириб, шулар билан ярмига етди. Бу орада бўзфуруш кўп халойиқ билан ишлаб, ўн бир кунда битказди. Сўнгра Хиромонга отаси: қайтадан хат ёзиб, «энди иззатинг, айтганинг битди, ҳо кел, ҳо келма; момонинг ётганига ўн тўрт кун ўтди. Шаҳар мардумининг дуосини оламан десанг, момо олдига бор», деди.

Энагаларнинг бири бориб, хатни қўлига бериб, гапирмасдан қайтди. Хиромон ўқиб кўриб, боғ дарвозасидан қараса, ўзининг буйруғидан ҳам ортиқроқ ишланган ишни кўрди. Кўнглидагидан ҳам зиёд эди. Канизларга қараб ювиниб, кийиниб, тараниб, «бормоққа кўча соз бўпти, тайёр бўлинглар!» деб бир сўз айтди:

Туринглар, ойм қизлар,
Соф кўнгили, сертамизлар,
Биз билан ҳамро канизлар,
Туринглар, момони кўрайик!

Оқ хушрўй, қора кўзлар,
Кўп ўқиган, сертамизлар,
Ҳар бири кумридай сўзлар,
Юринглар, момони кўрайик!

Боғда очилган гунчалар,
Хушрўй, бели хипчалар,
Юришга, саз бўшти кўчалар,
Юринглар, момони кўрамиз!

Эркак йўқдир кўчаларда,
Ишимиз бор нечаларда,
Қиз ишқи бек баччаларда,
Юринглар, айёрни кўрайик!

Қамов солган бу ватанга,
Маълумдир, қизлар, ҳаммангга,
Томоша қилинглар момонгга,
Ҳамро бўлинглар Хиромонгга!

Уч юз олтмиш канизи ҳам тараниб, кийиниб, қиммат
рўмолларини елвагай ташлаб, биров-бировининг қўлини
ушлаб, саф-саф бўлиб қадам ташлаб, оёғини бир-бир бо-
сиб, мушки-анбар йипор сасиб, тилла ҳайкалларин осиб,
бариси бирдай бўлиб, беҳиштдаги ҳурдай бўлиб, момо-
нинг қошига ўйнашиб-кулишиб жўнагани турур:

Ун тўрт кун қилибди ётишни,
Шундан бери қорни очди.
Кийиб шиш нағал кавишни,
«Иби» деб, қизлар жўнади.

Сони-ку уч юз олтмишди,
Бари бирдай қалам қошди,
Бўйнида олтин — кумушди,
Шовдираб қизлар жўнади.

Ҳаммасининг чоғ димоғи,
Тар мевага тўлган боғи,
Хушрўй, бодомдир қовоғи,
Диркиллаб қизлар жўнади.

Сўнг асил тилла пўпаги,
Юрагида ишқи доғи,
Юзида тилла гажаги,
Ярқираб қизлар жўнади.

Осмондаги балки ойдай,
Етилган-ку, манги қўйдай,
Товушлари қўйруқ мойдай,
Ширин сўз қизлар жўнади.

Хабар берган энагаси,
Хиромон қизлар доноси;
Уч юз олтмиш дугонаси,

Диркиллаб қизлар жўнади;
Иркинлаб қизлар жўнади.
Ун саккизга кирган ёши,
Бўйнида маржон, кумуши,

Кўрса одам кетар ҳуши;
Ойдай юзи, қора қоши,
Уйнашиб қизлар жўнади.

Алқисса, ҳаммалари момонинг қошига яқинлашиб бордилар. Момонинг бақайбат жасадига кўзлари тушиб: «Одамнинг ҳам жасади шундай бўладими?» дейишиб, қўрққанларига бир хили тасалли беришиб: «Худоё ўлиб кетсин» дейишиб, бир хиллари лабини буришиб: «Келган билан бу момога нима деймиз?» дейишиб, Хиромон канизлари билан уришиб: «Ош қилинглар, ўзим бораман момога», деб қизларига ош буюриб: «Мен келгунча тайёр қилингизлар», деб бир сўз айтди:

Отим Хиромондир, подшонинг қизи,
Минг тиллога тушди ҳар босган изи,
Қабул қилиб, созлади отамнинг ўзи,
Сизлар бир чодирда туринг, канизлар,
Момо билан сўзлашар хоннинг ёлғизи!

Айтганимни қилди, ўзим борайин,
Момонинг муддаосин билайин;
Юртимнинг мен ободлигин тилайин,
Рухсат беринг, қизлар шунга борайин,
Подшонинг қизиман, ўзим борайин!

Қора бетин ханжар билан тилайин,
Бепарон гапирса, бу мочағарни,
Жаллод буюриб тилла дорга илайин.

Ғамгин бўлмай, ош ниширгин, қанизлар,
Момонг олдида нима бўлсам бўлайин!

На сабабдан беркитибди диёрим,
Отим Хиромондир, кўп номус-орим.
Шовқун бўлса четга онгла қизларим,
Сизлар қонгла, мөн якка ўлайин,
На гап бўлса, мен момога борайин,—

деб Хиромон қизларга рухсат бериб, момога салом бериб, унинг қошига бориб ўтирди. Момо «келдингми ҳам, келмадингми ҳам» демади. Саломига алик ҳам олмади. Хиромон: «Эл-юртга донғим кетган бир овозадор пари эдим, бу айғомлигига момо мени беобрў қиз деб англади чоғи», деб юраги бўз қилиб, тура келиб, момога зарда қилиб, «на мақсудинг бор, момо?» деб, момога аччиғланиб арз қилиб, момонинг мақсудини, шаҳарнинг қамаганин сабабини сўраб, Хиромон бир сўз деди:

Ҳелига киргандир эй, момо, ёшинг,
Шаҳар дарвозога сиғмайди бошинг,
Мен билан момо битарми кенгашинг?
Мана мен турурман Хиромон пари.

Сабаб на, қамалди отамнинг шаҳри?
Қайси элда битдинг сендай шумқари?
Жасадингни шаҳардан олгин ташқари!
Хиромон гулдирман шоҳнинг духтари.

На сабаб бор, қамов солдинг элима?
Не уруғсан, тушунасанми тилима?
Бир жодугар янги тушдинг қўлима,
Нечун қамов солдинг бу мазгилима?

Ярошиққа қиммат рўмол ўрайман,
Дилингдаги гапни айтсанг фаҳмлайман,
Мақсудинг гапиргин, эшитиб, англайман!
Ўзимдирман, шу подшонинг ёлғизи.

Халқ айтади, бор момонинг дафтари,
Оч варрагин, ўқисин, мендайин пари!
Сабаб на, қамадинг отамнинг шаҳри(н)?
Донғи кетган жаҳонга мен бир пари.

Хиромон дер, кенг шаҳримни қибсан тор,
Мени келсин дебсан, қандай ишинг бор.
Кўтаргин жасадинг дейман мочағар!
Истаганинг, менман, подшога духтар.

Шунда момоси кўзин очиб, қовоғини уюб:

— Хиромон сенми? Нима гаплар чиқяпти ҳали тингдан? Айрилгинг келяптими Ғулгул элингдан. Мочағардан мочағарга соласан, бир иш кела тургандай сенинг кўлингдан. Чин ошигинг токай куйсин ҳилингдан? Қачон кучоқлайди нозли белингдан? — дейсан айланайин... Оралиққа мен бўлиб қолдим данакар, бир ўғлим бор, сендан қизим, умидвор. Сабаб шулдир, кенг шаҳрингни қилдим тор, икки оғиз, болам, сенга гапим бор. Мен айтайин қулоқ солиб тинглагин:

Қаторнинг ярашиғи нор билан,
У баччанинг кайфи келар ёр билан.
Момонг иши йўқдир номус-ор билан;
Менам даврон сурдим ўн тўрт ёр билан.

Ўн тўртидан қирқта ўғлим бор эди,
Ўтган йиллар сабил вабо дориди;
Қирқи барҳам еди, жойладим ерга;
Бир ёлғизим қолди кўп бўлди арка.

Уйлантирмоқчи бўлиб, болам, ўғлимни,
Хабар қўйдим кўп бир сулув қизларга.
Боламнинг кўнгли йўқ нозли қизларга,
Хабар қўйдим Ҳисор билан Ғузорга.

Заб етилиб юрган қизларга,
Ҳеч болам назар қилмайди шуларга,
Яна кўп мол ортдирдим Шаҳрисабзга,
Хабар қўйдим Қундуз билан Юлдузга,
Ҳеч қайсиси хуш келмади ўғлим Авазга.
Бизнинг ҳовли, айланайин, қиз бозор,
Ҳар эрта билан созланиб ўтади қизлар,
Ҳеч қайсисига болам солмади назар.
Сизлардан сулув борми, деб ҳам сўради,
Сизни дарак берди, айланай, шулар,
Бир кўрмакка шу ёлғизим умидвор,
Созланиб бўла қол, айланай, тайёр.

Оввал олам, сени ҳам-ку хоҳламас,
Манглайинг дўнроқ, сен ўзинг гўштдор,
Сенга ҳам бўлмайди у, ноумид хуштор.
Ўзи ойдаи, ўнг юзидир хоҳдор,
Кўрсанг агар қўясан-ку ихтиёр.
Хоҳласа-ку яхши тиллокор уйим бор;
Ўйнашарсан-кулишарсан, Хиромон.
Хоҳламаса ўғлим сени, кокилдор.
Келтириб қўйиб кетай, муқаррар.
Кўп кун бўлди келганимга, садага,
Бетга лола, кўзингга сурма қўйиб,
Ора бўла қол, айланайин Хиромон!

Бу сўзларни эшитиб Хиромон:

— Эй момо, гапинг шуми, шундайча гапни топсанг, бизнинг элга келма! Сахрога мен бормайман, момо. Ўғлингиз агар ошиқ бўлган бўлса, шаҳарга олиб келсангиз бўйма? Қирқ бир газли тиллокор кўшким бор, сонсиз йигитнинг юрагида ишқим бор, бўйним тўла анбар билан мушким бор: неча биттасин шартимда ўлдирдим, оралиққа қўядиган шартим бор, кўшким тагида от устида турганга, юзимдан қирқ ниқобимни оламан. Шартим шуки, жамолимга йиқилмаса, тегаман. Агар ишқ ўтимга ўз отидан йиқилса, отамнинг жаллодларини чақириб сўйдираман, балки йиқилмаса, ундан кейин тегаман. Эр йигит қайтмаса лабзидан, умидвор бўлса Хиромоннинг юзидан, ишқ ўтига йиқилмаса фарзандинг, қайга кетса мен ҳам кетаман изидан. Қирқ кун асрайман кўшки элимда, келгани маълум бўлса ўнгу сўлимга, давлатхонанинг олдида ўн минг йил яшаган бир чинор бор, кўшкимдан туриб, чинорни отса, ўрта белдан синдириб қулатса, шунда марднинг эрлигини биламан. Кўп йиғилиб лашкар келганда, шундай мард олдида ўзим ўламан. Ботирлиғига қойил бўлиб шу куни бедов отнинг дол белига минаман. Шу гапимни тайин айткин ўғлингга! Шу икки гапимни маъқул деб келса; бири, жамолимга йиқилмаса, иккинчиси, чинорни ўрта белдан синдирса, сўнгра ўйнашаман, куламан. Момо айтди:

— Шу гапинг тўғри бўлса, қўлингдан хат-қалам келса, отангга тўрт эллик хат қилиб юбор, ўн бир ботмон тилладин бир лаъли тузатиб юборсин. Тагимга қўйиб ўтираман, чанг тегмасин, икки оғиз гапим бор, сўнг гаплашиб кетаман.

Гулихиромон момосининг гаплаарини битиб, канизлар қўлига берди. Канизлар қўлма-қўл олиб бориб, подшонинг қўлига берди. Подшо мулзам бўлиб дарахт буюрганидан ҳам зиёда аламга тушди. Вазир донолар подшонинг хафа бўлганини билиб:

— Тақсир, нима хафалик бор? — дейишди.

Подшо:

— Эй, нима дейсизлар, Хиромон кат юборибди, момо-си ўн бир ботмон тиллодан лаъли буюрибди; тагига қўйиб гаплашар эмиш.

Вазирлар айтди:

— Эй тақсир, ўн бир ботмон тиллога кўндира қолган қизингиз, ўн бир ботмон тилло билан эл осойишта бўлса, дарров ясатиш керак. Ўн бир ботмон тилло ҳам подшолликка гапми, тақсир, — деди.

Алқисса, вазирларнинг гапи билан ўн бир ботмон тиллодан бир лаъли қуйдирди. Бир гувар одам билан судрашиб, момонинг олдига олиб келишди. Алқисса, Хиромон лаганнинг тайёр бўлганини билиб, чодирдан чиқиб, момонинг олдида ҳозир бўлиб, бир сўз айтиб турибди:

Улиминг берсин сен фалокатни,
Қамамай кет бу вилоятни,
Айтган лаълинг ҳайла, битди,
Очкин, момо, энди дарвозани!

Қон йиғлатдинг фуқарони,
Озодликка элим қўйсин —
Карнай билан нагорани.
Очкин, момо, дарвозани!

Қайдан келдинг бахти қора,
Элни қип юрагин яра?
Озод бўлсин кўп бечора,
Очгин, момо, дарвозани!

Олгин бу сўм тиллони,
Энди қилма риёкорлик,
Очгин шаҳар ҳам қалъани!
Очгин, момо, дарвозани!

Бирдир Хиромон ваъдаси,
Момонинг битди муддаоси,

Уйнасин халқнинг боласи,
Оч, момо, дарвозани!

Ой ўн тўрт бўлган кечаси,
Сен ўғлингни олиб келгин!
Хафадир Гулгул эгаси,
Оч, шаҳар дарвозасин!

— Қизим Хиромонжон, биз ҳам сендай вақтимизда сендайгина бола эдик. Ном-гўйимиз ўтганда, уялибгина қолар эдик, бемаҳал чоқларда келганда тўрдаги эшикни очиб, меҳрибончилик билан ота-онамизга билдирмай ич-каригинага олар эдик. Кўрпани тиздан солиб, ўйнашибгина қолар эдик. Сўнгра бир-биримизга меҳрлашгандан кейин якка ерларда кўрсақ, қош билан имо қилар эдик. Агар овлоқ бўлса, кўп ўйнашиб хурсандликда ўйнар эдик, мундайча ишни кўрмагансан, ҳали билмагансан, ота-энамиздан ҳам яхши кўриб, ёрнинг олдида ота-энамизни ҳам ғараз кўрар эдик. Сени Хиромонжон, бошингдан ўтмаган-да. Агар ўғлимни кўрсанг, тиллакор кўшқингдан, мамлакатингдан кечар эдинг. Бунинг мазасини момонг кўп кўрган. Неча зиҳнимизга зипиллаган йигитни имо-ишора қилар эдик. Айтган аҳдига келмаса, уйқудан кечиб йўлда телмириб қолар эдик. Ваъдага вафолик қилгани бағримизга босиб, дунёнинг айшини сурар эдик. Билмайсан йўли шариятди, ҳафа бўлмагин Хиромонжон! Агар билсанг, лаззатни, айш-ишратни, унда ўғлимни бағрингга тортиб ғараз кўрасан мендай фалокатни, тоқ ўтмоқлик ҳам бўлами, садаға? Энди сизларга навбат-да. Бундан қизиқ нарса бўлмасди, деб кулиб юборди. Булкиллааб кулганига дарвоза бузилиб кетди. Шунда сўм тиллани чорсига тугиб ўн беш кун келганимга орадан ўтди. Ўн бир ботмон тиллани мардикор ҳақимга олдим, тўрт ботмон тиллани сенинг хушрўйлигингга ўтдим, қандай подшонинг шаҳрини қамасам шу подшодан бир кунига бир ботмон тилла жузия¹ олар эдим, деб тиллани қўлига олиб, Хиромонга қараб бир сўз айтди:

Отангдан олдим ўн бир ботмон зарини,
Тўйга харажат қилмоқчиман барини.
Сўйиш сонин менга айтгин садаға,
Неча минг юборай манғи чорини?

¹ Бу ерда «жарима» маъносида.

Қайтармағни мендай момонг раъйини,
Қайтарсанг, бузарман отанг тахти-пойини!
Ботмон сонин менга буюр, садаға,
Неча ботмон юборай нуқул мойини?

Жаҳонда сен бир ойимча бувишиди,
Худо тақдирингни ўғлимга қўшди.
Жуп-жуп сонин, айланайин, айта бер,
Қанча юборай шиш нағал кавушни?

Ўғлим кўрсин сендай ойим бўйини,
Катта қилай икки ёшнинг тўйини.
Сен буюргин кам қилмайин юборай,
Неча минг норга ортиб шойини?

Тўй кўрса элатнинг вақти ҳушдир,
Ҳам садақаси бўлар икки ёшни,
Сен ботмон сонин айта бергин садаға,
Неча аравага босиб юборай нуқул биринчи?

Айта бергин ҳамшаҳарни, саҳрони;
Қанча бўлса чақиртир хўжа-муллони!
Пут-пут сонин менга, садаға, айта бер,
Қанча юборайин, ўсма-долани?

Пухта билгин Зумрад момонг эсини,
Тўй куни чорласин дугонасини!
Сен буюргин оғзинг тўлиб, Хиромон,
Қанча юборай тишқоли ҳиносини?

Хиромон: «Эй момо, шу тилла ҳам бошингни есин!
Тўйи, ўсма-газанг ҳам менга керак эмас. Менга шу айт-
ган шартим керак. Шу шартим: ўғлинг жамолимга йиқил-
са — сўяман, майли, йиқилмаса — тегаман», деб Хиромон
момога жавоб бергани:

Фириб билан устин қилдинг қўлингни,
Мен билмасман ўйнаб ўсган элингни.
Қайда бўлса ул кулбангга бор, момо,
Шул шаҳарга олиб келгин улингни!

Ким билади сенинг кучи ҳолингни,
Ҳеч ким кўрган эмас жони-дилингни?

Шу шартимни эинҳор айтгин улингга,
Қабул қилса, олиб келгил улингни!

Айтмасдан улингни олиб келмагин,
Шартим қаттиқ, буни ҳазил билмагин!
Улинг қабул қилса, эинҳор олиб кел,
Ўлимдан қўрқса-ку олиб келмагин!

Улинг бўлса, йигитларнинг тозаси,
Агар ўлса сен қиларсан азаси(н),
Хиромон дер, мен қизларнинг тозаси,
Уч кундан сўнг олиб келгин улингни!

Момо ғамгин бўлиб, тиллани бошига қўйиб, Дарёобод-
га келиб, фалак қуши отин яширган еридан топиб, фалак
отиға миниб, ўнг томон қулоғини бураб, бир соатда ани-
мани дегунча, бир қари чол шафтолини егунча, Авазхон-
нинг олдида ҳозир бўлди. Авазхон ҳам ўтган савдогар кар-
вонлардан момосини сўраб, ҳар кун тўрт-беш марта
Ғулғулнинг шаҳрига қараб: «Кетсам номардчилик бўлар»
деб, «бир ойда келса ҳам момони кўриб кетмоғим ҳақи-
қатдир. Нима бўлди, Ғулғул душманлари туртдимми? Мен
учун момом банди бўлдимми? Бугунча ҳам йўлига қарай»
деб турган вақтида момоси келиб қолди. «Хўлмисиз-қу-
руқмисиз, эна?» деб Авазхон энасидан Хиромонни сўраб
бир сўз айтяпти:

Бундан бориб шаҳар аро қўндингми?
Хиромонни кўрмай хафа бўлдингми?
Жон тасаддиқ Хиромоннинг отидан,
Ростин дегин, ойимчани кўрдингми?

Ун беш кунлаб турдинг ёрнинг элида,
Чин ошиқман, куйдим ишқи-хилига.
Неча пари сув соломас қўлига,
Ростин айтгин, паризодни кўрдингми?

Ун тўрт подшо ҳасратидан ўлганди,
Ҳам алп қиздир, ўзи полвонди,
Бизнинг ошиқ, момо, Хиромонжонди,
Чин кўнглини, момо, англаб келдингми?

Карвон вақти хуш пўпакли нор билан,
Ботирнинг мақсади тоза ёр билан,
Ёмон бўлса куйдирганди тил билан,
Гаплашдингми, момо, Хиромонгул билан?

Аваз дейди Ёвмитбелда тўраман,
Ой жамолин, момо, қачон кўраман?
Совчи бўп эдинг ишонувдим, моможон,
Отга эгар солинг, ўзим бораман!

— Эй, момонг айлансин сендан, Авазжон, у олишиб бир кишини йиқитмайди. Бир шарти бор, шуни ёмон кўраман. Йиқилсанг, сани болам сўймоқчи, йиқилмасанг отнинг устидан, сенга тегмоқчи. Хиромоннинг бетида қирқ ниқоби бор. Ун тўрт кунлик ой тўлган кечаси, сени от устига қўйиб, битта-битта ниқобини олади, дарғазаб жаллодлар тайёр туради. Йиқилган вақтингда, элтиб сўяди. Неча шоҳлар жамолига йиқилди. Ҳаммаси жамолига нурари. Бошига етканди неча ошиқ полвонни. Қанча ошиқ бўлса, бари ўлганди. Шаҳрининг кунчиқарида бир Арпали деган сойи одамзоднинг суюгига тўлганди. Хўп ўйлаб кўр бу савдони танангга, доғ солмагин отанг билан энангга! Мени десанг, қайтгин болам, Авазжон! Ҳеч тухми одам бунинг жамолига чидаёлмайди,— деб момоси сўз айтиб турибди:

Бир полвонсан, айтай, болам, юзингга,
Мени десанг, қайтгин болам, изингга!
У бераҳм офат солар ўзингга,
Қайт, болам, энди Чамбилбелингга!

Қариганда қомати бошин буктирма,
Кўздан ёшин қари, бевақт тўқдирма,
Ҳасратингда қари шўрни чўқтирма,
Мени десанг, Аваз, қайтгил элингга!

Неча алпга бул дийдорин кўрсатди,
Ишқин солиб шу эрларни нуратти,
Қароқчи деб ота-онасин йиғлатти.
Мени десанг, ботир қайтгил элингга!

Момонг ҳам қилмасин ҳасрати армон,
Мусофир элларда қолма, қаҳрамон!

Дунёда, айланай, сургин хўп даврон,
Ўз элигга қайтгин энди, Авазжон!

Ўн тўрт кунлик ойдан зиёд жамоли,
Ҳар қандай ошиқнинг кетар хаёли,
Ой-қуёшдан зиёд унинг камоли.
Мени десанг қайт элигга, Авазжон!

Ошиқлик савдоси оша меҳнатми?
Жамолига йиқилсанг, ўғлим, уятми?
Оға Юнус энанг шўрни йиғлатма,
Қисқа гап шу: қайт элигга, Авазжон!

Мен қилигин биламан бу паризотти¹;
Жамолига йиқитиб, дорига тортди,
Ўз элигдан толгин бундай зиёдди².
Насиҳатим шулдир, қайтгин, Авазжон!

Лақамим Фалак, чин отим Зумрадди³,
Мингизиб кўрганман яҳти, элатти,
Бунга борма, болам, кўп меҳри қатти,
Кет, Авазжон, чўл қилмағил Ёвмутти!

Энасига жавоб бериб, Аваз бир сўз айтиб турибди:

Номард киши бу Ғиротни минама?
Қайтгин деб, олов қўйдинг танама,
Бу ердан қайтмоқлик номард бўлама?!
Отим Аваз, Гўрўғлининг ўғлиман?!

Бедов минган майдон-майдон елама?
Жонни яхши кўрган бу эл келама?
Олиб бор, муштоқман унинг юзига!
Бормай туриб, бу ердан қайтсак бўлама?

Қизлар ясанади баҳор сайлига,
Чин маржонни тақар гардон бўйнига.
Йиқилмасам олармиқан қўйнига?
Момо, ботир киши қайтмас кейнига.

¹ Паризотнинг.

² Зиёдди.

³ Зумратдир.

Майли қолса этим билан яроғим,
Мусофир элда ўлсам, йўқдир сўроғим.
Кўзимга кўринмас юрти — маконим,
Дийдорин кўрай, майли тўкилса қоним.

Ёрсиз керак эмас жасадда жоним,
Ботирман, уят бўлар қайтмоғим.
Аваз дейди, момо, сизга шу зорим,
Тақдир солган бўлса у меҳрибоним.

Ё тараҳҳум қилар гул юзли ёрим,
Қайтмайман, ёр элида қолсин мазорим!

Алқисса, момоси:

— «Номард ҳамродан, мард худодан кўрар» деган машойихларнинг бир гапи бор. На савдо кўрсанг ҳам мандан кўрмас экансан, тақдирдан кўрар экансан. Иши бундай бўлар экан марднинг. Энди, Авазжон, сизни олиб бормаган момонг номарддир, — деди. (Шу) маслаҳат билан тонг отди. Эгарлаб, юганлаб Ғиротти, уруш анжомини тузатди. Хиромоннинг шарти ичида чинор ҳам бор эди.

Момонинг Холёр (деган) полвон ўтган бир ўғли бор эди. Тўққиз йил бўлган эди, оламдан ўтган эди. Момо (ана шу) Холёр полвон деган ўғлидан қолган ёйини олиб, «Сен билмасанг, ўзим отарман» деб, «фалак қуши»га ортиб, Авазни отига миндириб, Фулғул элига кетишди. Момо фалак қуш оти билан гоҳ юрдириб, гоҳ тўхтатиб ер юзида Авазжон, кўкда момоси учишди. Момонинг ўлган ўғлининг Дангаса деган дўсти бор эди. «Шунга бораёй, дўстингнинг уқаси деб, Авазжонни шунга кўрсатаёй», деб момо Дангаса боққолникига қўнди. Бирон соатдан кейин Авазжон ҳам етишди. Кўришиб, сўрашди, Дангаса момога неча бор меҳмон бўлган эди. Авазжон отидан тушаётганда, Дангаса баққол момодан сўз сўради:

Туйғун кўзли, бу қарчиғай чангалли,
Пўлат найзаси бор, яшин ханжарли,
Сулув бедов минган уруш анжомли,
Бу ботир меҳмон қайдан бўлади?

Минган оти, билурман, юлдузни кўзлар,
Ўткир кўзли, бундай келган нур юзли,

Зафари ўзимда, сертамизли,
Ақли расоники қайдан бўлади?

Дангасаман, мусофирман бу шаҳарга,
Турмуш ўхшайди бир аждаҳорга,
Мен билмайман бино бўлган шаҳарга,
Келишган полвонинг қайдан бўлади?

Момо алқисса, Дангасага қараб бир сўз дегани:

Қайтадан қўзғадинг юракнинг ҳили(н),
Шунинг билан устун момонинг қўли.
Холёрнинг чин дўсти эрдинг, айланай,
Бу неварам бўлар, дўстингнинг ули.

Ўзи навжувонди, жаннатнинг гули,
Ўқитганман, бурро неварам тили.
Бизнинг жойдан асли бунинг мазгили,
Танигин, Дангаса, дўстингнинг ули!

От чопса сўқиллар чўлларнинг бели,
Бир шарт қилиб чақирган Хиромон гули.
Дўстинг арвоҳи ҳамиша ёр бўлсин,
Танигин, садоға дўстингнинг ули.

Кўзим қиймай бирга олиб келаман,
Хиромонни кўришлик кўп мушкул, биламан,
Гул юзига йиқитса-ку Хиромон,
Гулғул элга сўнгра талов соламан.

Дангаса кўрпачаларни ташлаб, «одатдан ўғил қолсин» деб; отини бойлаб, дўсти билан юрган вақтларини ўйлаб, Авазни жуда бир сийлаб қучоқлашиб, Авазжон билан кўришиб:

— Отанг элга эрлигини ўтказган полвон киши эди. Мен ҳам бу элга мусофирман. Менинг жойим сизларниқидан етти қорли тоғдан нарида эди. Отанг билан улфат бўлиб, шу диёрларга келган эдим, Ун тўққиз йил бўлди, бу мазгилда отанг ҳурмати учун тураман. Бизниқига отанг ҳам борган, томоша қилган эди. Хуш келдинг, бу мазгил кулбалар сениқидир, меҳмон. То кетгунча мен ёнимга жойлайман, бир гап бўлса, отангнинг ҳурмати, мен ҳам сени дўстингман, меҳмон айлайман. Сенга душман бўлса ерга

жойлайман. Хўп қидириб томоша қил меҳмон! — деганда, Авазжон сўрашиб бўлиб:

— Сиз етти қорли тоғнинг нарёғида бўлсангиз, туғилган шахрингизнинг номи нимадир? — деб сўради. Шунда Дангаса: «Эй, меҳмонжон!» — деб шахрини баён қилгани:

Учиб кетай десам йўқдир қанотим,
Диқ бўлганди тўлмас менинг муҳлатим,
Дўстим ўғли, элатимни сўрама,
Евмитбелда менинг туғилган юртим!

Душман кўрсам оша келар ғайратим,
Ёдимга келганда эл-элатим,
Шу вақти бўлмайди сабри тоқатим.
Асли Евмит элдир ўйнаган юртим.

Шод бўлган кунларда ўйнаб куламан,
Эли юртим ёдимга келганда.
Фикр айлаб кўп ғамгин бўламан;
Аслим сўрсанг, такали туркман бўламан.

Бошига ярашар тилла жигаси,
Ўттиз беш йил бўлди чиқиб кетганим.
Гўрўғли хон эди юртнинг эгаси,
Ҳали ҳозир хон Гўрўғли бормикан?

Куйган қулга кенг шаҳарлар тормикан?
Валлакатга Юнус, Мисқол ёрмикан?
Омон-эсон шу Валлакат бормикан?
Ҳозир ҳам юртида эътибормикан?

Қойил қилган неча душман элини,
Боғ Эрамдан олиб келган икки гулини.
Йигитликдан обло очган йўлини,
Ҳали ҳам сўрарми Чамбил элини?

Дангаса дер таърифини эшитдим,
Гўрўғли тутунган Аваз ўғлини(нг).
Гўрўғлидан зиёд эмиш Авазжон,
Янада обод қилганмиш Чамбил элини.

Қулоқ солгин Дангасанинг ўзига,
Ботир киши, болам қайтмас изига,

Ошиқ бўлган бўлсанг Гардан қизига,
Ботирликни ўйла, боқма асло юзига.

Алқисса, Дангасаникида меҳмон бўлиб уч кеча-кундузни тўлдириб, момо Авазхонга Ғиротни миндириб, «кеча Хиромоннинг айтган ваъдаси бўлди, садага» деб, бузогини кўтарган келинчакдай Аваз билан Ғиротини кўтариб йўлга тушаверди. Дангаса:

— Кўҳна ўтган эрдан ўзингни кам дема, дўстим ўғли ўйнаб-кулгин, гам ема. Хўп томоша қилгин, Гулғул диёрни. Бир гап келса сира тилинг тортмагин, отангининг улфати Дангаса бордир,— деб момо билан Авазни жўнатиб юборди. Ҳар тўпар гузарни бир қадам қилиб, Авазни кўтариб Хиромоннинг қўшқи олдига олиб борди. Ой ўн тўрт кунлик тўлган кечаси. Худди шу кечада эди Хиромоннинг ваъдаси.

— Авазжон, сен шу ерда тура бер. Мен Хиромондан бир хабар олай,— деб (момоси) қирқ бир газ қўшқига тилла чамбарак шишавордан қараса, Хиромон дона-дона терлаб, тилла гажаги арақчин терига ботиб мамраб, ноз уйқуда ухлаб ётган экан. Тиллакор кулбаси мунаввар бўлиб, уч чироқдан зиёд ёриқ бериб турган экан. Подшонинг қизига, ўн тўрт кунлик ойдай юзига қараб тўшалган, ёпинган, латтаю кундалларига офарин қолиб, момоси бир сўз айтиб турибди:

Бориб келдим, мен айланай саҳрога,
Айтганингни айтдим Аваз болага.
Ноз уйқудан тура келгин, Хиромон,
Нима дейсан, ўзинг қилган ваъдага?!

Бўйинингни тўлдиргин мушки лолага!
Чиқасанми, чиқмайсанми далага?
Ноз уйқудан тезроқ тургин айланай,
Нима дейсан, ўзинг қилган ваъдага?!

Жасадда жонларим сиздан фидо-да,
Болам маҳтал бўлди шаҳар орада,
Ноз уйқудан тургин, дейман садага,
Эга тур, айланай ўзинг қилган ваъдага!

Тур, Хиромон, жонгинангдан айланай,
Бир қарагин, ишонмасанг далага!

Томоша қил, ўзингдан ҳам сарага,
Болам, тегсанг, тегарсанда шундай болага!

Болам, хол тушди-ку шаҳар орага,
Ўзингдан ҳам зиёд, қоши қорани.
Қабул қилгин, болам, шундай тўрани!
Момонг данакор бўлиб келди орага.

Момонг ўргилсин-да, қора кўзингдан,
Бундай бола топилмас шаҳри тузингдан,
Куйган ошиқ ўпсин ойдаи юзингдан,
Ботир қизсан, қайтма болам, сўзингдан!

Қулоқ солгин фалаж Мастоң Зумрадга!
Бундай бачча бўлмас ҳар бир элатда,
Керишмагин, тура қолгин ўрнингдан,
Томоша айлагин бу келган мардга!

Қўй бўғзидан, момоси айлансин юзидан, баҳра ол қараб гулдай юзидан, ошиқлик меҳри юракка тушса, у олмаيمان деса ҳам чопарсан изидан.

Алқисса, Хиромон «неча-неча эрларни-ку жамолим (нури билан) йиқитиб, ўлдириб юрган эдим. Момо эшитиб билиб юрганди. Харомзода экан, момонинг ўғли» деб ўн бир канизини уйғотиб, шоҳона шалварларини кийиб, ўзларига оро бериб, ўн бири ҳам бирдай ясаниб, рўмолларини бошларига елвагай ташлаб, устидан қирқ ниқобини тортиб, кўшкни айвони тиллага чиқиб, тиллакор айвонда ниқоб ичида (туриб) бир егудай қилиб Авазга қаради. Бўйи-бастини Авазга кўрсатиб, лабини тишлаб, ичини тортиб, «бир ерда кўрганга ўхшайман» деб ўхшатиб, Омоной канизига:

— Бу саҳроларда бундай ўғлон бўлмаса керак эди, озода бир шаҳри азимда бўлган болага ўхшайди. Сен, Омоной, қочмай, салом бериб, қайси мазгилдан, қайси жойдан экан, сўра! Ё шу момонинг боласимикан? Ё бир хоннинг ўғлига ўхшайди. Қошига қара, қарчиғай сифат кўзига қара, нурли, чехрали юзига қара, шундан бир «кимнинг ўғли бўласиз» деб сўра, номард эмас, мардга ўхшайди. Ҳақиқатни баён айла! (деди). Алқисса, Омоной Авазнинг тўғрисига келиб, ўн етти ниқобини бетига ташлаб, Авазга қараб сўз бошлаб, қўлини дасти лом ушлаб, кулимсираб Авазнинг чунон вақтини хушлаб, «озода меҳмоним, кимнинг ўғлисиз?» деб сўрагани:

Сиз бўлган эмассиз майдон арода,
Сиздай ўғлон бўлмас сахро арода,
Нур юзли қахрамон сиздан сўрайман,
Нимаси бўласиз, баҳайбат момога¹.

Ухшайди сумбатинг яхши тўрага,
Нечук таниш бўлдингиз бу момога?
Ботир бўлсанг, ёлгон қўйма орага,
Ҳеч еринг келмайди ушбу момога!

Юртни-ку қўрқитган бу бир айёрди,
Қаҳри келса, банд қилар азим шаҳарди,²
Фирибига кўнманг бу баччагарди,³
Тўғри сўзланг, қандай асил хилисиз?

Остингда ўйнайди, бу таковаринг,
Олисга ўхшайди ўсган шаҳаринг,
Кўзинг ўткир, ойдай сенинг юзларинг,
Айтгин, дилинг не ҳавасда келасиз?

Эр-полвонга ўзидир-ку, меҳрибон,
Отангиз тождор, бир элга соябон,
Тўғри сўзлаганга бу жоним қурбон,
Қасд қилсангиз, бир шаҳарни оласиз.

Омонатдир, ҳақиқатни сўрайман,
Гул юзимга гулгун рўмол ўрайман.
Шона қўлда, сунбул сочим тарайман,
Чин ҳақиқат гапни сиздан сўрайман.

Алқисса, Авазхон Омонойнинг сўзларига жавоб бериб,
оёғини узангига тираб бир сўз айтади:

Ҳеч бекорга кетмас илмнинг сўзи,
Сиз бўлсангиз Гулихиромон канизи,
Ботирни айирмас зафар файизи,
Мени сўрсанг, шу момонинг ёлғизи.

Энам деб эрган шу момога қўзи,
Ҳеч ерда қарга бузолмасди, шунқорнинг изи(н).

¹ Момонинг.

² Шаҳарни.

³ Баччагарнинг.

Сўзлаганда мен шу момонинг тили,
Кўйитир тоғида бунинг маъгили.
Юрагимда бордир диалбарнинг хили,
Ҳақиқатда мен шу энамнинг ули.

Подшоларнинг ўғли тўра бўлами?
Мард номард билан жўра бўлами
Ҳеч ўзгадан мардга эна бўлами?
Мени сўрсанг, шу кишининг боласи.

Қулоқ солгин, болдир Аваз тилига,
Ошиқ куйган маъшурининг хилига.
Катта бўлдим шу момонинг қўлида
Дойим ўйнаганман тоғнинг белида.

Алқисса, Хиромон Омонойни чорлаб:

— Момоннинг боласи нима дейди? — деб сўради.
Омоной айтди:

— Эй бувишим, сиз тушингизда кўрган бу эмасдир. У сиз айтган ботир бу шаҳарларга асло келмайди. Момонинг бировдан қўрқинчлиги йўқ. Ўзининг боласи бўлмаса, бундай қилиб ияртиб юрмасди. Ушбу момодан қайнана бўлиб, нима бўлар эди. Жамолингизни кўрсатиб, ўғлини йиқитиб, отангизнинг жаллодларини чақиринг, Омоной канизингиз мен бўлсам, ростини айтсам, ўзи-ку яхши болага ўхшайди, энасига қараганда, сизга ҳеч лаёқатли эмас, — деб бувишига қараб бир сўз айтади:

Зор йиғлатинг бу момони,
Дилида кетсин армони,
Тўкилсин ўғлининг қони,
Сиз кўрган бу эмас, бибим.

Чин шу момонинг ўғлони,
Момо халқнинг душмани,
Ғайрат қилинг йиқитгани,
Хушрўйсиз, қизнинг полвони!

Ниқоб ол, боқсин юзингга,
Ҳеч лозим эмас ўзингга,
Баробар келмас изингга,
Аълодир, бунинг ўлгани!

Узи яхши, энаси ёмон,
Дийдоринг кўрсат Хиромон,
Йиқилсин, отидин ўғлон,
Шу эрлардай қилинг яқсон!

Отаси бўлгандайди тождор,
Сизга ярашар шундай ёр,
Энаси бўлса, бу айёр,
Ўлдилинг, буни муқаррар!

Юзингиз жаннат доласи,
Омонойнинг кўпдир эси,
Бўлгандайди элнинг тўраси...
Йигитнинг кесилсин калласи!

Алқисса, Хиромон Авазхоннинг тўғрисига бориб ниқобининг ичидан унга егудай қилиб қараб, савдойи ишқ юрагидан ўтиб, ҳасрат қилиб, ичини тортиб, «бу момонинг ҳеч бир яқини эмасдир. Мабодо, етти йил қадим кўрганим шу ўғлон бўлса, ҳасрат билан ўлмасин», деб:

— Менинг айтган шартларимни сизга бориб баён бердим, йўқми? Эшитинг, мана мен Хиромон, шартимни эшитмаган бўлсанг, юрагингда қолмасин армон. Шартим шу: бири — қирқ ниқобимни оламан, йиқилсангиз, отамнинг қонқуярларига сўйдираман. Агар от устидан йиқилмасангиз, ихтиёр қиламан. Жонингни аъло кўрсанг, қандай келган бўлсанг, шундай кетганинг яхшидир. Момонг риёкорлик билан отамнинг кўп пулини олди. Отам «ўлдирмак керак», деб ўтирибди бу айёрнинг ўғлини. Рози бўлсанг, ниқобимни кўтарай, жамолимни кўрсатай.

Авазхон «розидирман» деб, бир сўз дегани:

Отим Аваз болдир деган қўзиман,
Ота-энамнинг мен кўрар кўзиман.
Кўтар ниқоб, кўрсат менга жамолинг,
Беёр кетгандин ўлимимга розиман!

Йиқилмасман дилда шулдир армоним,
Майлига тўкилса шаҳрингда қоним.
Сенсиз найлайман, гулу чаманим?
Сенсиз керак эмас, жасадда жоним.

Таърифингга келдим шаҳри ёрингга,
Кўтар ниқоб, бир боқай дийдорингга!

Йиқилсам торта қола тилла дорингга,
Майлига шаҳарингда қолсин жасадим!

Ажал етса, тўлар менинг муҳлатим,
Сенга шул бўлсин-да паризод, додим!
Алп йигитман, кўддир менинг элатим,
Улсам сенга ўлжа бўлар Гиротим.

Отим Аваз, ҳофиз қуръон мулламан,
Ажал ҳайдаб келса, шаҳарингда ўламан.
Сенсиз бу жасадни нима қиламан?
Ҳарна қилсанг, эй гуллигим, розиман.

«Мендан кўрмас экансан, худодан кўрар экансан. Мана мен ниқобимни очаман, кўргин юзимни» деб, Хиромон бир сўз айтяпти:

Хушрўйман, бодом қовоғим,
Яхши ёр истар, менинг димоғим,
Маржон, кимхобдин менинг муинчоғим,
Томоша қил, жиги-жиги!

Ун тўрт кунлик ойдаи юзим,
Ярашади хулқи нозим,
Йиқилмасанг, тегай ўзим,
Бохабар бўп, жиги-жиги!

Сизга шулдир, пухта зорим,
Чин йиқилмай бўлинг, ёрим,
Тақдир қўшса, энди карим,
Ҳушёр бўлинг, жиги-жиги!

Йиқилсанг, лозимсан пичоққа,
Йиқилма, олай қор қучоққа!
Бино бўлгансан чортоқда,
Мардона тур, жиги-жиги!

Кирасизми тиллакорга,
Қўл соларсиз жижжи анорга,
Томоша қинг, мендай ёрга,
Эҳтиёт бўнг, жиги-жиги!

Етти йил қадим кўрган ўзим,
Талашсангиз бўлар лозим,
Қаттиқ шартни солган ўзим,
Эҳтиёт бўнг, жиги-жиги!

Мен Гардоннинг-ку духтари,
Эр йигитнинг бўлар ори,
Қурилган отамнинг тилла дори,
Эҳтиёт бўнг, жиги-жиги!

Шундай деб Гулихиромон: «Очайми ниқобимни» дегандан кейин, Авазхон хурсанд бўлиб, бир сўз айтиб турибди:

Мендай ўғлон истаб келса,
Йиқилиб паймони тўлса,
Бир ошиғинг бу ерда ўлса,
Раҳим айлагин зулфинг билан!

Соткин оти-яроғимни,
Ҳеч ким қилмас сўроғимни,
Қилиб иси чироғимни,
Йўқловчим бўл, зулфинг билан!

Кесилса бир марднинг боши,
Майдонга ташласа ғариб каши,
Қўнса менга тоғнинг қуши,
Киш-киш-ла, ёр, зулфинг билан!

Қулоқ сол нозим, зоримга,
Умидворман олсам, деб бағримга,
Ўзинг қўй қучоқлаб мазоримга,
Раҳим этиб зулфинг билан!

Бу ерда қолса марднинг лоши,
Менга қилиб мазор боши,
Қабристонимдан айланиб,
Тўкилсин кўзингнинг ёши,
Йўқловчим бўл, зулфинг билан!

Совчидир бу менга момо,
Менга қилиб содир само,

Кўк зайтун қийиб аммо,
Мотам қилгин, зулфинг билан.

Эҳтиётим шулдир ёрим,
Бир неча кун кўр мазорим,
Олисда менинг шаҳарим,
Тараҳхум қил зулфинг билан!

Нечта бўлса ўлгани,
Паймонасининг тўлгани.
Мен сиздай жонон меҳмони,
Лутф айлагил зулфинг билан.

Қулоқ солсанг Авазхонга,
Суратингни балким кўриб,
Кездим дашти-биёбонда,
Энди ихтиёрим сенда.

«Ҳар ерда марднинг гапи бир бўлар, йиқилган ўлар,
Йиқилмаган олар», деб Хиромон ниқобини кўтариб ташлай берди.

Момоси ҳам олдидан, ҳам кейинидан: «Эҳтиёт бўл.
Авазжон!» деб турди. Авазхон унинг суратини кўриб ўзини ҳам кўрмак учун интизор эди. Жасадига, кийим кийишига, ҳамма ери бирдай келишига қараб, от устида оёғини узангига тираб, ишқ савдосига чулғаниб, жамолига қараб турди. Биркам ўттиз ниқобини кейинга ташлаб, ўн бир ниқоби қолган чоқда Авазга қараб, ноз қилиб бир сўз айтгани:

Дилингни қилмагин ўзга,
Қара бизнинг қоши кўзга!
Кўрсатай жамолим сизга,
Бизга боққин, чин ошиғим!

Бўйинг бўйимга муносиб,
Олайн бағримга босиб,
Йиқилсанг қўярман дорга осиб,
Қара, ошиқ бўлсанг бизга!

Уйнамоққа қойил қўлим,
Йиқилсангиз нақддир ўлим,

Елгон эмас, кўрган валим,
Меҳринг билан қара юзга!

Етти йил бўлди кўрсатган бизга,
Шундан бери ошиқ сизга,
Шу Аваз деб айтдим сизга,
Сиз айтасиз ундан ўзга,—

Деб икки ниқобини кўтариб ташлади. Авазхон бу гапга маҳлиё бўлиб, жамолини томоша қилиб тўхтаган эди. Хиромоннинг жамоли ишқига чидаёлмай, ишқ тугёни юракка етди. Ошиқ Авазхон беқарор бўлиб, кўзи тепасига битиб, кейинига йиқилиб кетди. Боши чуйдаси Ғиротнинг сағрисига бориб тегди. Ағдарилиб тушмоқчи бўлар чоғида, момоси хабардор эрди, тилла камаридан ушлаб мартти, белидан ушлаб, устига тикка қилиб қўйди Ғиротти. Шу вақтда Хиромон Авазни егудай қилиб қараб турган вақти эди; момога, «суямагин улингни!» деб бир сўз айтиб турибди:

Йиқилди, раҳм этма, момо, улингга!
Суямагин, нарёққа торт қўлингни!
Қандай киши менинг ишқимга чидар,
Суямагин нари ёққа тур, сен айёр!

Қурилгандир бу ўғлингга тилла дор,
Дор тагига етиб сўйса золимлар.
Қирмиз қонга бўялади кокилдор,
Қўлингни нарёққа тортгил, баччағар!

Бу ҳуснимга қандай одамзод чидар,
Ҳар қандай алп бўлса отидан нурар.
Суямагин, билмайсанми, шартим бор?
Суяма фарзандингни дейман, қипчағар!

Кесилар бўлди жасаддан бугун сар,
Суяганинг билан боланг бўлмас эътибор.
Йиқитди-ку улингни бизнинг дийдор,
Ҳай, қўлингни нарёққа торткин, мочағар!

Оламда бир ўзим, момо, ҳусндор,
Бул одамдан бўлмас менга асли ёр.
Ажал етиб келган экан фарзандинг,
Қўлинг кўтар, сўйдираман муқаррар!

Алқисса момоси Хиромонга ёмон-ёмон қараб, бир сўз айтяпти:

Хиромонжон, билиб гапир сўзингни,
Бол Авазжон хоҳламади ўзингни!
Бемехрсан, қонсиз дейди юзингни,
Бу олса-ку шукур қилғил Хиромон!

Найлай, болам, ўн бир ботмон тилланг бор,
Шу сабабдан, болам, махтаб турибман,
Бўлмаса ҳеч хоҳламади бул Авазжон,
«Кетаман», деб мени қилди саргардон.

«Ҳам кўзи йўқ» дейди бу беғижон,
«Ишонсангиз бунга кўнглим йўқ», дейди.
Ҳеч сени назар қилмади бу ўғлон,
Бу олса-ку шукур қилғил, ойимча!

«Манглайи дўнг», дейди ҳам ўзи гўштор,
Бул ўғлим бўлмади ҳеч сенга ҳуштор.
Сен индамай туравергин, гул юзли дилбар,
Билсанг «кетаман» деб турибди аждаҳор.

Ботир ўғлим кўнгли сенга тўлмайди,
Қилирғиң бошингдан қолсин Хиромон!
Ҳақиқатин билдим, сени олмайди,
Тақдирингдан кўргин, энди жўнайди!

Тоза қара дейман мендай энаси,
«Бул эмас» дейди қизларнинг доноси.
Шу палла момонгнинг махтайдиган хонаси,
Сени-ку хоҳламади асил боласи.

— Бўлмаса ҳали юзимда тўққиз ниқобим бор, қўлингни ол боланг кўрсин! Тўққиз, ўн бир ниқобим қолганда ҳар қандай ботир йиқилар эди. Момо кўнгли қаттиқ болангнинг, олдини олма, тўққиз ниқобимни ҳам олайин, олдида турма! Нариге тур,— деди. Момо, алқисса, уч юз олтмиш газ чорсисини қўлтиғидан тортиб, тикиш-тикишидан йиртиб, эҳтиёт қилиб, Фиротга Авазини бойлади. Гулихиромон «момо, бундайча лодонни менинг олдимга олиб келма, болангни мунча мақтайсан, нарироқда турсанг бўлмайдими?» деб, момони уришиб турибди.

— Болам тоза қара, — деб бунга насиҳат бериб турибман, Хиромон. Мана мен олисдаёқ тураман. Энди йиқитганингни кўраман, агар-чи йиқилса, қочирмай Авазни ушлаб бераман, деб момо нарироққа кетди.

Хиромон тўққиз ниқобини ҳам кўтариб, ташлаб қараса, Авазхон Ғиротнинг устида гоздай бўлиб турибди. Билмайдди момоси қилган фирибди. «Оббо, тақдиримни шу эрга битган экан, энди бу момонинг боласи мени ютди, энди тақдирдан кўрмоқлик керак» деб, Авазни хуш кўриб, «майли, айбми ёри бўлсам шундайин мардни», деб, меҳрибонлик билан керишиб, Авазни ишорат билан бағрига тортиб, икки мартаба билагини бағрига суртиб, ишорат билан кўчкисини кўрсатиб:

— Ҳақиқатан ҳам ютдингиз шартти, энди қилурман сиз билан кайфиятди, худо олмаса мендай гул юзлидан омонатти, ёшим ўн тўққизга етиб, ўн икки ёшимдан неча биттани нобуд этган эдим. Энди қабул қилдим сиздайин мартти, ўтказарман энди сиз билан истиқоматти, — деб пўпаги товонига тегиб, рўмолини елвагай қўйиб, кўшкисига турди-да, кетди.

Авазхон ишоратини ҳам билмади, йиқилай деса бойланган, бўш қўймади, онги кетиб, беихтиёр бўлиб турганда, момоси олдига келиб:

— Авазхон ўғлим, Хиромоннинг ишоратини, қилган меҳрибончилигини билдингми? — деб қараса, Авазхоннинг хаёли ўзида йўқ. Уйғотгандай туриб, хуш дорисини бурнига тутиб, Авазхонни уйғотгандай қилиб:

— Ҳали ҳам билмадингми, Хиромоннинг ишоратини, — дейди. Авазхон момосига қараб:

— Етти ниқоби бетидалиги вақтида ҳушимда эдим, у ёғини билмайман, — деди. Момоси:

— Ҳай аттанг, сени Чамбил бекларининг ичида юрган, сипоҳи анжумларнинг суҳбатини кўрган деб, хизмат қилган эдим. Энди билсанг, бир чоракорча эсинг йўқ экан, юр, Хиромон анжом тузгандир. Тиллакор кўшкисига тузган, — деб отини деворга бойлаб, Авазхонни кўтариб, тиллакор кўшкисининг олдига олиб борди. Момо Авазхонни олиб бориб, Хиромонга бир сўз айтиб турибди:

Қулоқ сол сўзимга айланайин Хиромон,
Асли Чамбилдандир, билсанг бегижон,
Отасининг оти Ғўрўғли султон,
Оқ Юнусга келин бўлдинг, не армон?

Жонимни айлай икковингга қурбон,
Қўша қари, сургин шу билан даврон
Овозаси кетган, жаҳонга полвон,
Юнусойга келин бўлдинг не армон?

Яхши сўзни эплаштирган гул бўлур,
Қирқ минг халқи сенга болам қул бўлур,
Эр йигитнинг бир мақсади гул бўлур,
Чамбилда сурасан икковинг даврон.

Ўйнашгин, қулишгин ёшлик даврингга,
Ҳақ муяссар қилди қордай боврингга,
Икки сўзлама мусофир ёрингга,
Бир қайнананг Мисқол бўлди, не армон?

Карвонлар ишонар қатор норига,
Подшолар ишонар хазина зарига,
Ун олти ойлик тўлдир мазгили,
Томоша қил мана суйгили полопон.

Бўйлари муносиб қадди бўйинга,
Қоровул жевачиларинг билмасин,
Тезлик билан ол тиллакор уйингга!
Фалак момонг хизмат қилсин тўйингда.

Алқисса, Хиромон канизларига қараб, сумбул сочини тараб, «жувармакчалар тоза, чиройли кийимларимни кийдиришлар!» деди. Ун бири кўйлагини кийдирди: ун бири бир қисм бўлмайди. Сочини майда ўрдириб, рўмолларини гул юзларига ташлаб, қошига ўсма, кўзларига сурма, ўзига оро бериб, қизлардан: жаҳонга таърифим кетганча муносиб бўлдимми, йўқми?» деб ойнага қараб, қизлардан сўраб турган эди:

Ойни хира қилган юзим,
Кўпларни йиқитган нозим,
Қалам қошим, қаро кўзим,
Нозли қизлар, ярашдимми?

Битди кўнглимда ниятим,
Алпдай менинг жасадим,
Гулғунчадай қоматим,
Қизлар менга ярашурми?

Чоғ бўлурмикан димоғим?
Орқамда сиддил пўсагим,
Гул юзда тилла гажагим,
Оқ ҳуснимга ярашурми?

Оқ-хушрўйман, белим хипча,
Мендан хушрўй ана бачча.
Уйнаб-кулсам армон қанча,
Хиромонга хол тушурми?

Истаб кепти маконима,
Балки жойласам жонима,
Тўйсин муҳаббат конима,
Талашганим ярашурми?

Охир чоқда шартим утти,
Тўрт қиз бориб олиб кенглар,
Бизнинг асил беги-зотти,
Тез обкенглар, ақлим шошди!

Қулоқ сонглар Хиромонга,
Хизмат қинглар бегижонга,
Етқир ёрини жононга!
Олисдан келиб учрашарми?

Алқисса, тўрт каниз ўрнидан туриб, Оққиз канизак
бибисига қараб, шўхлиги тутиб, бир сўз айтади:

Сиздан тоза келган бачча,
Аслаҳаси бордир анча.
Қарчиғайдайин беги бачча,
Қирқ канизингизга берасиз.

Ҳар тўрт кечадан бир кеча,
Малол бўлмасин ойимча,
Таралган қадди-қомати,
Туриши айни лочинча.

Бемаҳал бўлса-да сизга,
Қирқимизга беринг бир кеча!
Изват қилдик ойим сизни,
Мақсуди шул (қирқин) қизни(нг).

Ҳақиқат сумбатни кўрамиз,
Хўпми, биби, опкеламиз,
Сиз даврон суриб ўлгунча.

Алқисса, тўрт қиз қатор бўлиб, эшикдан қараб, бирови айтади:

— Ажаб бир келишган бола экан, Чамбил ўн олти ойлик йўл дейди, неча бир ҳамройи бордир, қайтиб келар экан, ўзи тўғрисиани айтсак, бувимиздан ҳам хушрўйлиги зиёд экан, машриқда бир ойим бўлса, мағрибда бир ўғил бўлса, урпийтнинг гапига қараганда, тақдир қўшилгандан кейин шулар ҳам бир-бирини олар экан,— деди (Шуйтиб). икки қиз Авазнинг қўлидан ушлаб, икки оғизгина сўз бошлаб, ичкарига олиб бораётганидир:

Канизлар, жамоатни яхши кўрамиз,
Ишқингиздан сумбул сочи ўрамиз.
Жой тузалди сизнинг учун бегижон,
Туринг, бегим, ичкарига кирамиз!

Бизлар қандай билан ўйнаб-куламиз,
Ёмон бўлса, битмас дилда ярамиз,
Ҳали бизлар ёрсиз, бахти қорамиз,
Туринг доғин, бегим, ичкарига борамиз.

Гул билан келади булбулнинг ишқи,
Бувишим таққандир анбари мушки.
Бири бирига тушганда ошиқнинг ишқи,
Томоша айланг, бу наққош кўшки.

Отим Оққиз эрди Қуръадўз қизи,
Хиромон ҳам хоннинг якка ёлғизи,
Ошиғин ҳайрон қилган чиройли юзи.
Юринг, бегижон, ичкарига кирамиз.

Алқисса, Авазхон салланинг сеписини тишлаб, мастдай бўлиб, бошини ҳар ёнга ташлаб: «Боя дийдорига йиқилмаган эдингиз, энди ҳайрон қиласиз, йиқиладиганга ўхшаб» — завқ қилиб, қизлар кулги бошлаб: «Йиқилмасинов, уятдир» деб, маҳкам эҳтиётлаб, ичкарига қадам ташлаб ўнг тарафдан Хиромон туриб, қўлини бағрига ушлаб, Авазхонга таъзим қилиб, энгашлаб, майинкор довушлаб, эшитар-эшитмас қилиб салом берди. Кўп кундал, қиммат баҳо кўр-

паларни тўшаб, шу кўрпанинг устига қўйди мардди. Бел боваригача болдир Авазхон ботди. Давра машъалларини ёқиб, раъно, мунаққаш, каштавар, чимилдигининг атрофига ташлаб, қирқин қизлар бир-бирини ушлаб, чимилдиқ тарафига жасадини тортиб, ҳар қайсиси ҳар тарафдан қарай бошлаб, тўхтаган чоғида момо ташқаридан қараб: «Ҳар қайсинг ўз ҳужрангга борсанг бўлмайми?» деб, бир сўз айтгани:

Канизлар, боринглар кулбангга етиб,
Ҳар тарафдан қарамаглар, бўйнинг узатиб!
Икковин дара қинглар, қўйинг ўйнатиб,
Томоша қилдинглар Чамбил мардини!

Хиромонни элтинглар Чамбил мардига,
Ойнани оптутинг иккисининг бетига,
Хурсанд бўлсин иккови суратига!
Бемаҳал бўп, ярим оқшомдан ошди.

Тонг отганда ҳақ чиқарар қуёшди,
Дара қилинглар бу икки қалам қошди.
Хориб-чарчаб келган, билинг, Авазхон,
Йўлда тўрт минг полвон билан курашди.

Баён қилар мендай Зумрад момоси,
Чамбилбелда бунинг ҳақиқат кулбаси,
Қўйиб тез қайтинг. Ўргулсин момоси;
Ноз уйқуда ухлаб олсин икковгинаси.

Шунда Хиромонни тўрт канизи кўтариб бориб, уни Авазхоннинг чап ёғидан қўйди. Хиромонга уч йиллик хиромондан бўлган рўмолни ўратди. Авазхонга хос салласини ўратди, икковини бир ойнага қаратди. Авазхоннинг фикридан бир ажойиб савдолар ўтди. Кўнглидан ўтган савдосига ҳайрон бўлиб, ғамга кетди. Қизлар ҳам кулба-кулбасига кетиб, Оққизой Авазга ниҳоятда хуштор, беқарор бўлганлигидан, Хиромоннинг тиллакор бўсағасига бошини қўйиб: «Икки хуш суратнинг талашиб — ўйнашгани қандай бўлади?» деб томоша қилиб, пойлаб ётди. Орадан бирон соат ўтди, Авазхон ҳаргиз гап қотмади. Хиромон ишқ савдосига ўртаниб, муаммо юраги боз қилиб, худди бу савдолар ўзига таъсир қилиб: «Бу ўзига эмас, отаси учун келганга ўхшайди. Шу ерда айри бўлар деб, Авазга ўзини

жабс қилиб, момонинг гаплари ёдига келиб, «Е хоҳламади-
микан, дилингиздагини айтинг» деб, Авазга арз қилди.
Авазхон яшин суви (юритилган) илон тили қиличини чи-
қариб, ўрталикқа, «қўлингни тегизма!» деб қўйди. Хиро-
мон гапгин бўлиб бир сўз айтади:

Дол бўйингдан бу гажакдор садаға,
Ушбу ишинг хўш келмасди худога.
Кўнглингдаги армонингни гапиргин,
Нега қиличингни қўйдинг орага?!

Е менгзаб келибмидинг Гўрўғли шога,
Мен тегмайман ундай қари, фарзанд гадога.
Етти йил бўлди кўзим тушган сиздай тўрага,
Ўртадан қиличинг олгин садаға!

Шоҳимардон кўрсатувди ўзингни,
Етти йилдан бери муштоқиман юзингни(нг).
Очиқ менга айтгил дилда сўзингни.
Ўртамиздан қиличинг олгил садаға?!

Йиғлатманг-да мени шунча зори-зор,
Неча полвон бўлди тигимга дучор.
Ораликқа қиличингни ташлайсан,
Айтинг, менга сизда қандай мақсад бор?

На мақсад борини мен-ку билмайман,
Кўлда рўмол, кўзда ёшим йиғлайман.
Қилич қўйган боисини сўрайман,
Олгил қиличингни тўрам, орадан!

Янги кирдим-ку ўн тўққиз ёшима,
Бағринг муносибдир қордай тўшима.
Гўрўғлига элтай десанг, тўражон,
Кўтар қиличингни, солгил бошим!

Шоҳимардон улкан киши дуоси,
Елгон айтмасди мардон бобоси,
Ул тушимда кўп мардум ўртасинда,
Сизга қийилган Хиромоннинг никоси.

Гулихиромон ташна бўлдим йўлингга,
Қилич солгин, бўя лола қонима!

**Ўлганимча сиздан ўзгани демайман,
Шармисор қилмангда меҳрибонима.**

Алқисса, Авазхон Гулихиромонига: «Қандай сабаб билан Чамбилдай бир ҳужранинг тўрига томоша қилгани кирганимда ажойиб суратингни кўриб, мен беихтиёр бўлдим, жамолинг ишқига шул вақтида дучор бўлдим. Бу ерга келиб, «қайтиб¹ сувратинг Чамбилга борган экан», деган фикрга келдим. Отам ҳам жаҳонни қойил қилган полвон эди, полвонлик эрлигидан келиб, сенинг суратингни шул вақтларда, сиёсати отамдан қўрқиб, отанг башарти Гўрўғлига берганга ўхшайди. Шу аждаҳо отамнинг қўли теккан бўлса (ажаб эмас). Сенга маълумдир. Агар теккан бўлса, сен менга мерҳибон оналикка ўтасан, деб бир сўз айтиб турибди:

Сўрамасдан келибман Фулгул элинга,
Очиқ бўлмай қўл солмасман белинга.
Жоним тасаддиқдур бурро тилинга.
Ҳури филмон сув соломас қўлинга.

Бир неча ошиқлар ўлган ҳилинга,
Ғамгин бўлиб, боқмагин соғи-сўлинга,
Мен отамдан сўрамабман келишда,
Қўл собмиди отам қўшша норинга?

Сен рўмолинг, мен салламни ўрайман,
Шу маҳаллар бўлган гапни сўрайман;
Мен отамни улуғ раҳбар англайман,
Отам тирик, қайтиб сенга қарайман?

Оралиқда мени қилма гуноҳкор,
Ҳақиқат сўзлагил гул юзли дилбар!
Сабаб шулдир дилим бўлди ярадор,
Шу савдо кўнглимга келди муқаррар.

Чамбилбелга борган сенинг суратинг,
Отам билан бўлганмиди суҳбатинг?
Отам кўрган бўлса, мен сенинг фарзандинг,
Тайин бўлса, элиб берарман отама.

¹ Қандай этиб.

Қабо фалак айланади юз алвон,
Отам қўл солган бўлса, сиз менга меҳрибон,
Шул сабабдан қўлин солмас Авазжон,
Менга қоронғидир, ўзингга аён.

«Эй Авазжон! Отанг девларнинг маконига келган. Асқар дев Кўк девлар отангнинг қайнағаси турур. Юнус нарининг Асқар дев оғасидир, Кўк дев инисидир; Қўйитир тоғида улар кўп суврат оладиган кишидир. Шу тоғларда ўн тўрт кунлик ойга жамолимни солганда, тоғда туриб девлар менинг сувратимни олгандир. Шу сувратимни биттаси, балки отангнинг қўлига тушган бўлса. Ушбу сувратим Чамбилда бордир. Мен отангни, отанг мени кўрган эмасдир» деб Хиромон бир сўз айтгани:

Ёлгон айтган ҳар савдога гирифтор,
Сиртимдан бўлганди ул менга хуштор.
Менга маълум, ҳам билади, бирубор.
Кўнглим ойдин, қўл урган йўқ аждаҳор.

Бир таърифли қиз эрдиму жаҳонда,
Ҳозир мен сизга бўлибман-ку хуштор
Ҳеч киши бўлмасин бу ишққа дучор.
Ҳар ким тўғри сўзли, улдир эътибор.

Агар қилсанг шул сўзимни муътабар,
Ҳеч ғазабига бўлмайсиз дучор.
Чунки оралиқда кўрсатган пирим бор,
Суврат бўлди келишингга сабабкор.

Хуфтонда булбул кўп наъмани ўйлайди,
Саҳар туриб ўттиз куйда сўзлайди.
Ошиқ дилга мошиқ ишқин жойлайди,
Чин наъмани ишқи солган дилига.

Умид билан келган бўлсанг элима,
Етти йилдан бери қарар йўлина,
Ёлгон айтган куяр оташ ҳилига,
Ҳеч хавотир қилманг, қўл сол белима!

Қулоқ солинг Хиромоннинг сўзига,
Жон кўринмас ошиғининг кўзига.

Хуш келибсиз бу кулбама бегижон,
Уйнашиб қарагин ёринг юзига!

Шунда ҳам бўлса: «Бу ошиқликдан ҳар нима дейди-да», деб Авазхон қабул қилмади. Сахар чоғида Авазхон уйқуга мойил бўлди, яхши маст уйқуда Авазхон туш кўрди. Бир тарафда тушида бир сифатли, сулув отли, башо-ратли, келбатли киши Авазга насиҳат қилди. Пўпакли, найзали, исфихон қиличли, забардаст кучли сиёсатига тоғ-замин титрайдиган ўткир кўзи билан Авазга қараб: «Тақ-дир иши табгир бўлмас», деб бир сўз деди.

Етти йил бўлди бул йўлингга қарайди,
Ҳасратингда сумбул сочин тарайди.
Ҳеч ким қўл урган йўқ нозли дилбарга,
То ўлгунча ошиқликка ярайди.

Отанг кўрган эмас чин дийдорини,
Ҳар полвондан зиёд билгил орини.
Асил қиздир, ҳор қилмайди ёрини,
Сенинг билан истар Чамбил шаҳрини.

Қулоғингга олгил амир пирини,
Гуноҳи йўқ бурро қилган тилини.
Душман бойлай олмас марднинг йўлини,
Уч қиз билан кўрарсан тўртта улини.

Кўп олисдир Чамбилингнинг майдони,
Маст йигитсан, бўлгин ёринг қурбони!
Қизларнинг хушрўйидир долдир гардони,
Тақдир қўшган ул яратган мавлони.

Отим Мардон Дулдулдир минган отим,
Ҳар тарафга учсам бордир қанотим.
Аҳли сипоҳига тегар қувватим,
Ғамгин қилма, ўйнаш, кулиш, фарзандим!—

деганда Авазнинг кўзи очилиб кетса, гафлати экан. Пари пайкарнинг ҳақиқат тозалигига илми қарор топиб қараса, Хиромон кўзида ёш, не фикрда йиғлаб турган экан. Шун-да Авазхон бир сўз дегани:

Унг юзингда ярошиқлик холинг бор,
Чин лабингда шакар билан болинг бор.

Ярошиқлик гул юзингда холинг бор,
Қон йиғлама, бу олдингда ёринг бор!

Билдим етти йил бўлди рост кўрганинг,
Мен бўлурман ўша кўрган полвонинг.
Энди менга бағишла гул юзли, танинг,
Йиғламагин бу олдингда норинг бор!

Чилла кирса нор қарайди молга,
Жасадинг тўлғонди шарми ҳаёга.
Кўз ёшингни артгин бўлай садаға!
Сени кўрганинг ишонтирди бўйингдан.

Икковимизга ўзи бўпти меҳрибон,
Ҳар сўзингга мен ишондим, эй жонон.
Биз сизники, сиз бизники, бўлгандир,
Кўрдим бир сир, кўнглим сиздан тўлгандир.

Хиромон: «Дили қаттиқ, кўнглингиз тош йигит экан-сиз», деб, алқисса, айш-ишратга, дунёда кайфиятга қаранг. Авази ҳақиқатга, дунёда ўтказадиган истиқоматга, қундуз соч ярашиқли маржон зумрадларингиз, деб қўлини узатиб; қилиб келдим кори меҳнатти, у кишининг гапидан чиқмоқлик уятти, Хиромонжон ҳам биламан тополмай-сиз мендан зиётти. Ғафлат арода кўрдингиз қандай суннатди.— Эй, у ёғини сўраб нима қиласан?— деб Авазхон дол белидан қучоқлаб бағрига тортди. Булар ўйнашиб-кулишиб, бир-бирига меҳрини қўшиб, айши-ишрат билан бўла берсин. Энди бир сўзни шоҳи Гардондан эшитинг. Тахтнинг устида бир кеча анжуман савдоларни кўрди. Бир бургути жўгадор шаҳридан айланиб, пойтахтига қўнди, оғзидан ўт чиқариб, шаҳарнинг бир тарафини куйдириб, бир тарафини учириб, бир киши келиб, шу лочинни учириб, товушли қаноти билан учиб, бир отди, осмондин юлиб, шаҳридан жудо қилиб, қуш олиб кетди. Ушбу қоронғиликда ойни панага қўйиб, ўзини ҳам чангал солиб, кўтариб ташлаб юборди. Қўрқиб, «ўлдим» деб кўзини очиб қараса, туши экан. Маҳалга қараса — тўрғайлар чулдираб, тонг ота бошлаган экан. Тушидан кўрққанидан, қирқ қуръадўзини одам юбориб, чақиртириб келди. Уларга тушини баён қилиб:

— Тушимни топингизлар. Икки кун сизларга муҳлат. Учаламчи кунни топмасанглар, қирқингни ҳам тилла дорим-

га тортаман,— деб ҳукм қилди. Қуръадўзлар қуръа кўриб, тамиз билан фикрга кетиб, бул тушнинг ҳеч бир таъбирини қила олмадилар. Қуръадўзларнинг каттаси:

— Бул подишолик тушни таъбир қилиш қийин,— дебди.— Бизларни қуръага ўргатган бош устозимиз Жаҳонбек қуръачидир. Шунинг оламдан ўтганига тўққиз йил бўлди. Хотинининг тўрт йил бўлди даштга эр қилиб кетганига. Жанжал деган бир ўғли бор эди, қуръа, кўр¹қликка отасидан ҳам доно эди. Бир шунини топмоғингиз даркор,— деб маслаҳат берди.

Қирқ қуръадўз келиб подшога: «Узингизга маълум, Жаҳонбек қуръадўзингизнинг бир ўғли бор, у ҳаммадан уста», деб маълум қилдилар. Ўзи Юлдуз тоғининг Тутли дарасида мол боқиб, энаси эр қилиб, тоғ орасига кетган эди. Шу тутли дарада деб эшитганмиз, ўзи бир бойнинг қўйини боқиб юрар эмиш, бизларни бир муродимиз шул киши, юбориб шунини олиб келтирсангиз, бул бўйла кўрган гафлатингизни топар эдик» деб, қуръадўзларнинг ҳозирги доноси бир сўз дегани:

Майдонга ярашар қўй билан қўзи,
Беўрин кетмайди ҳар айтган сўзи,
Қадди бўйи келган, ўткирдир кўзи,
Шу билимдон керак бўлди бизларга.

Қуръани кўрмоққа хўп полвон ўзи,
Бош қуръадўздан қолгандир ўзи;
Қуръага боққанда ёнади кўзи,
Шундай доно керак бўлди бизларга.

Ҳар воқеа бўлса айтар бетига,
У ҳол тушувди Фулғул юртига,
Кўрган одам қўрқар сиёсатига,
Қўй боқиб юрибди қулою тузига.¹

Қирқ қуръадўзни бўяманг қонига,
Ҳар ким бўлса, асрар элни жонида,
Бизлар қойил шундайин ўғлонига,
Кўп ҳислати бордир унинг ўзида.

Отаси ўлиб у етим бўлгандир,
Элчанг бўп кетган энасин ўзига.

¹ Тузида.

Оламдаги гапни балки билади,
Келса хўп қойил бўларсиз сўзига.

Раҳмон отим, қуръадўзлар бошлиғи,
Сизга фойда бермай кетди ёшлиғи.
Отаси эди қуръадўзлар бошлиғи,
Доим даркор сиздай шоҳнинг ўзига.

Алқисса, подшо икки ясовулбошини буюрди. Жанжалнинг номини битиб, хатни ясовуларнинг қўлига берди. Подшо: «Зинҳор олиб келинглар» деб, бир сўз айтяпти:

Юлдуз тоғнинг бордир Тутли дараси,
Шул келса битарми дилнинг яраси?
Тўққиз тошдир Юлдуз тоғнинг ораси,
Даркор бўлди бош қуръадўз боласи.

Тушимдан вайрондир кўнглим қалъаси,
Амир айлаб буюрди юртнинг эгаси,
Жанжалмиш қуръадўзлар доноси,
Бизга керак шул қуръадўз боласи.

Баҳорда очилган тоғнинг лоласи,
Тинмай оқар бўлди кўзнинг жаласи;
Саҳар вақти олов олди қалъаси,
Олиб келинг бош қуръадўз боласи(н).

Сурув қўйни боқар эмиш майдонда,
Жанжал лозим бўлди шоҳи Гардонга.
Доно бўлиб тушни баён айласа,
Бек қилардим Шакамани¹ қўрғонга.

— Бу хизматлар бизлардан етар, султоним, Шакамани яхши танийман,— деб, иккови Шакамани излаб кетди.

Хонлидан от ясовулар буради,
Иштараблаб² отга қамчи уради.
Дарвозадан чиқиб икки ясовул,
Юлдуз тоғи қайдасан деб боради.

¹ Шакамани — Жанжал. Куръачининг асли исми.

² Иштараблаб — тезлатиб.

Икковига сон теккандай бўлади,
Узангига оёқларин тиради.
Олисдан кўрса-ку бир қорани,
Қоч баччағар, дейди, дўқни уради.

Ёмон эмас икки отнинг чопиши,
Бир тарафда турган эди кўп киши:
Уларни хафа қилди, қилган довуши.
Иккови ҳам жўнади от қамчилашиб...

Бўғат қирга айна борган чоғида,
Бирови йиқилди, муаллақ ошиб;
Чанги губор тупроқ тутди бетини,
Йиқилганин кўрай деб хоннинг отини.

Буниси қолиб кетди даштнинг бетида;
У биттаси пошна бериб отига,
Данғирлатиб борди тоғ орасига;
Қочган оти борди Жанжал устига.

Тоғ бўлгандан сўнгра, билинг даради,
Қўймади, шовқун солиб боради;
Жанжал кал ўрнидан туриб қаради.
Бесдам қочган отни кўради.

Жанжал ўзи ёмон абжир кал эди,
Думидан ушлаб билагига ўради.
Жуйрик отини ҳам чўпон тўхтатди;
Буни қувгани орқасидан етди.

У келгунча отни минди, Жанжал кал
Етиб бориб, «от кимники» деб сўради.
Қўлида бордир Жанжал калнинг таёғи,
«От минганники» деб сипоҳини уради.

Жанжал зарбин кўриб, «Урма!» деб кўнади.
«Қўлимда бор Жанжалнинг хати»,
Ҳар бир ерда газандалиқ қилмагин,
Буни сўрсанг билгин шоҳимнинг оти,
Отни бергин даҳмадар лаънати!

Бизлар келдик, Жанжал кални излаб,
Отимизни ушладинг, яхшилик қип хезлаб,

Уришмагин бу орада муомала бор.
Ҳамроҳим келгунча тўхтаб тур баччагар!—

деб, алқисса:

— Биламан, от-ку сизларники-я, урфиятда бир гап бор, от минганники шу урфиятнинг гапига қараб ўзимники деб эдим. Шу гап рост бўлса, бу отда нима ҳақинг бор?— деб иккови мунозара қилиб турган чоғида, пиёда ҳам етиб келди. Бу Жанжални танимас эди, лекин отдан йиқилган танир эди. Ҳамройини кўриб, сипоҳи:

— Бизлар иккита бўлдик, сен якка деб сипоҳи дўқини қила берди. Унга қараб Жанжал кал:

— Менинг ҳам отам сипоҳи қуръадўз эди, деб келиб боз бир-икки мушт уриб ҳам олди. Шунда пиёда келган сипоҳи, «тўхта, Жанжал, сенга бир гап бўлдими?» деб бир сўз айтиб тургани:

Бизлар меҳмон бўлиб келдик даштинга,
Аввал охир мен қойилман ишинга.
Дўқ урмагин бу ясовулбошинга,
Бизларни юборган ҳукмдор сенга.

Ишонмагин сурувинга — қўйинга,
Қувонмагин бу дароз келган бўйинга!
Олиб борамиз ўйнаб-ўсган жойинга,
Сипойилар энди қўймас раёинга.

Қўлимизда бордир шоҳимнинг хати,
Майдонинга ишонма сен лаънати,
Буйруқ бўлди подшоҳимдан бизларга —
Бизлар билсанг Гардон шоҳнинг жаллоди.

Қўлимизда бордир муҳрли хати,
Бу сурув қўйлар хизрнинг давлати.
Подшонинг қўлида-ку, Фулғулнинг юрти,
Ҳеч аҳмоқ бўлурми, ақлли фарзанди?

«Обкел» деган бор шоҳимнинг ҳукм хати,
Раёинг билан борсанг олиб кетамиз.
Итоат қилмагани бизлар отамиз;
Билгин, бугун сени шоҳга элтамиз.

Баччаликдан одат қилдинг урушни,
Билмайсанми, энди сен одамкушни?
Ғазаб билан анжум отидан тушди,
Кўрди Жанжал милтиқ билан қилични.

Хоннинг хатин кўрсатувди кўзига,
Аччиғи кетиб кал келди ўзига.
Ҳа, бўлмаса қарай қўйи-кўзига,
Кал кўрққанидан қайта берди изига.

Бурилиб, қўйига қараса, уч мингта қўйни боқар эрди. Қўй-қўзилар бир кишининг кўп баҳорисини¹ пайҳон қилиб, еб кетибди. Баҳориларнинг эгалари чиқиб қараса, баҳорисидан бир дона қолган эмас, «энди ўлдим, икки ёқли гуноҳкор бўлдим», деб кўп одамнинг чувуллаб келаётганини кўриб, Шамол жарга қараб қоча бошлади. «Кал қочди» деб сипоҳилар иккови ҳам қува бошлади. Ун бир қулоч келар эди тиклиги, сипоҳилар етар чоғида Шамол жарга бориб ўзини отди. Сипоҳилар у ташлаган ердан отини киргизолмай (қолди). Кал «энди тақдирдан кўрай» деб тушган ерида бор бўйича узалиб ёта берди. Сипоҳилар энгашиб келгунча, атрофини олиб, одамлар ҳам келиб қолди. Кўпайишиб, Жанжал кални ушлади.

— Мен шунча ердан ўзимни ташлаб ўлдим, ўлган бўлсам ҳам қўймайсизларми?— деб кўзини ёшлади.

— Ўлган гапирарми, эй баччағар?— деди сипоҳилар уни савай бошлашиб. Галалашиб, кални отнинг устига бойлашиб, отнинг тагидан оёғини бойлаб, бош яланг қилиб, шаҳарга жўнашди. Булар то шаҳарга боргунча гаплашиб кетди:

— Отам бош қурьадўз экан, дунёдан ўтган. Энам есир бўлиб, Тутли дарага эр қилиб кетган. Мен сағир, қўйларни боқаман, бундан авло. Энди томирини кавлаб еганим янтоқдир. Баҳорини қўй еганини айтманглар, мен бесиеҳни подшо ҳукми кушга буюриб, ўлдирмасин, мендай бебахтни. Мен бу кишини танимай, бир йўли ўткинчи билиб савадим, бир икки таёқни. Шу гуноҳимни подшога айтманглар! Бешта қўйим бордир, битта эшагим. Майдонда юрганман, йўқдир кўрпа-тўшагим. Шуларни тақсирлар сизларга бераман. Бу боришда, пухта билдим, ўламан. Ўзим ўлсам, молни нима қиламан? Ўлгунимча икковинг билан жўраман. Шака-

¹ Баҳори бугдой.

ман дер, арзим сизларга айтаман. Подшоим сўйиб қўйса қайтаман? Тирик бўлсам, хизматларингда бўламан. Жавоб берсангизлар яхши бўлар эди. Эшагимни, қўйимни сизларга бераман,— деб ялинди.

Алқисса, сипоҳилар Фулғул шаҳрига етиб, подшога топширди. Ҳаргиз сипоҳиларнинг қулоғига калнинг гапи кирмади. Подшо қирқ қуръадўзни чорлатиб, калдан:

— Қуръани биласанми?— деб сўради.

Кал:

— Отамнинг даврида ҳам оз-моз, тақсир, билгувчи эдим... Отамдан қолган табгирномани — қуръани олиб келса, билар эдим,— деди. Шунда подшо ҳаммасини от чоптириб, топдириб, қўлига бериб, подшо бир сўз айтгани:

Эй, Жанжал, эшитгин менинг сўзимди,
Саҳар вақти маст уйқуда ётганда,
Олов олди шаҳар эли гузумди.
Бу тушимга не садақа лозимди(р)?

Бир лочинни бир киши кўкка учирди,
Осмондан юлиб олиб хушрўй ойни,
Бир-бир-ку, сўради бизнинг тахти пойни.
Шуни топсанг берай сенга қизимни

Гард уриб шаҳримни ёнимга етди;
Бошимдан чангал солиб кўкларга кетди.
Бу қандай ғам, айтгил ҳасратни?
Шу шунқор ўйди-ку, балки кўзимни.

Ҳақиқатли, бир билгил лабзимни,
Ушбу ишни топиб берсанг Шакаман,
Шаҳарга шеригим бўлгин ўзимни(нг),
Топсанг, берай бирдан бир ёлғизимни.

Ё бир ғаним оларми маконимни?
Ё ҳақ тўлдирганми бу паймонамни?
Ё душман тўкармикан қонимни?
Бурро жавоб берсанг, берай Хиромонимни.

Гардон дейди ҳавfli бўлди хаёлим,
Ё жасатдан чиқарми чучи жоним?
Топсанг сеникидир нисби маконим,
Ҳам сенга берай гул Хиромоним.

Алқисса, Шакаман қуръага қараб, подшога қуръага
тушганини баён айлаб бир сўз дегани:

Сиз қарғадай, кепти-ку бир шунқоринг,
Балки олар хазинадаги заринг.
Шу шунқор чангалга олгандир саринг,
Мен ҳам тақсир қуръадўзлар бириман.

Раҳм қилсангиз қурадўзлар зўриман,
Кўрқманг, тақсир, мен жаҳонда тириман.¹
Шу шунқорни ушлаб берсам валлакат,
Насиб бўлса Хиромоннинг эриман.

Унинг шаҳрин бир тарафи Полопон,
Отасининг оти Гўрўғли султон.
Шу шунқори кўрган бўлсанг Авазхон,
Мен ҳам сиздай хоннинг меҳри-дилиман.

Беш кун бўпти кўнгил берган Хиромон,
Бемаслаҳат эр қилгани кўп ёмон.
Авазнинг бошига савдо соламан;
Хиромон қизингни ўзим оламан.

Мен ҳам Гулғул элнинг якка зўриман.
Аваз билан олишмоққа тарафдориман,
Сиздай хоннинг номус билан ориман;
Насиб бўлса Хиромоннинг ёриман.

Полвонликда мен Авазнинг тириман.
Сиз билмайсиз, полвонларнинг зўриман.
Жавоб беринг ушлаб келай Авазни,
Насиб бўлса ёлғизингизнинг эриман.

Хавотир қилманг, тақсир валлакат,
Мен Гулғулда бўлсам соғу саломат,
Олдингизга бойлаб келсам Авазни,
Сиз қайната, сўгин мен сизга домат.

Бояги ваъдада турсангиз ҳақиқат,
Бизники бўлади ярим вилоят,

¹ Тирикман.

Икковимиз юртни сўраймиз, навбатма-навбат
Ҳамма қуръадўздан амалим зиёд.

Авазхонни асир қилиб келтирсам,
Бизники бўлами ярим вилоят?
Шул ваъдангда хоним энди турмасанг,
Бошингга соларман шўри-қиёмат.

Жанжал отим, бизда қолмади фурсат,
Тезлик билан менга беринг, хон, рухсат!
Бизнинг қуръада-ку ҳеч йўқдир ғалат,
Бизники бўлами нисби вилоят?

Подшо беш юзта аскарини чақириб, Жанжал калга
ҳамро қилиб, ёв-яроқ қилиб берди, шунда: «Жанжалга
ҳамро бўлинглар» деб бир сўз айтаётибди:

Бул сўзни билмадинг қуръадўз биринг,
Ҳаммангдан, билдим, бу Жанжал зўринг.
Аскарлар буни англаб олинглар.
Шу кал бўлди барингнинг саркоринг!

Шунинг амри билан юринглар баринг!
Ултир деса ўтириб, юр деса юриб,
Душман бўйин бўлмаса, балки ўлдилинг!
Жанжал бўлди барингни саркоринг!

Душман келибди-ку, иложин кўринг!
Қўлин бойлаб мени олдимга етқаринг!
Бир кўрайин, сўнгра дорга илдилинг!
Англингизлар шул кал бўлди саркоринг!

Олиб келса бермоқчиман қизимни,
Посбони шул экан шаҳри тузимни(нг).
Пухта қилинглар, эй аскарлар сўзимни!
Душманимни бойлаб келса Жанжал кал.

Ярмин бермоқчи бўлдим эли тузимни(нг),
Гардоншоҳ дер, билинг менинг отимни.
Шу душманни банди қилиб опкелса,
Ҳақиқат, бераман нисби юртимни.

Ярим оқшомда подшонинг руксати билан Жанжал кал
Хиромоннинг кўшкига жўнади. Келиб кўшкнинг дарвоза-
сини, шовқин солиб ура бошлади. Хиромон билан Авазхон
иккови кайф-сафо устида эди. «Бир шовқин аломат бўлди»
деб, Авазхон илон заҳарли қиличчи қўлга олиб, қинидан
чиқариб, шовқунга бормоқчи бўлди. Хиромон ўрнидан ту-
риб, Авазнинг белидан қучоқлаб, «чиқманг» деб бир сўз
айтгани:

Бу ер эмас Чамбилбелнинг майдони,
Бу ернинг жаллоди ёрнинг душмани.
Ўзим бориб кўрай бўлган савдони,
Ҳаргез чиқманг, Чамбилбелнинг душмани!

Сиз банди бўлсангиз Фулгул орада,
Хиромон дер дилда қолар армони.
Сиздан олдин тўкилсин нозлининг қони!
Мен сизни қўймасман асло чиққани.

Хиромонни йиғлатманг-да зор-зор!
Бир киши бергандир отамга хабар.
Ташқарига чиқманг, тўражон, зинҳор,
Ўзим бориб кўраман-ку муқаррар!

Беш кун бўлди жамолингга тўймайман,
Сира сизни ташқарига қўймайман.
Сиз ўтиринг, мен чиқайин далага,
Мен кўндаланг сизга келган балога.

Нима воқеа барин ҳали билмайман,
Бориб кўрсам не савдодир фаҳмлайман,
Балки муддаосин бориб англайман.
Ўзим ўлмай, ташқарига қўймайман.

Садага, сиз Хиромоннинг меҳмони,
Аълодир сиздан олдин ўлгани.
Бул келганлар ўхшар тўрам душмани,
Сизни далага қўймас суйиб олгани.

Ўн тўққизда билинг, менинг ёшимни.
Мен борайин дарвозага, тўражон,
Сиздан олдин мен берайин бошимни.
Ўзим бориб, кўрайин эли-ҳешимни.

Сизни англаб келган бўлса душманлар,
Келишини англай душман кишини(нг).
Сиздан илгари бераб ёринг бошини,
Хиромон дер ажаб қоши қораман.

Шунда Авазхон: «Айб бўлади-да туздаги келган кишига ёрини буюрмоқлик». Алқисса: Аваз, кўшқингнинг дарвозасини очмай, тирқишидан қараб кел! Сен биланми, мен биланми иши? Эр кишими, ё аёл кишими? Билиб кел! деб рухсат берди. Рўмолини ўраб Гулихиромон: «Нима иши бор экан, бориб келай», деб сўраб кавушини қўлига олиб, дупирлатмай борди; дарвозани тирқишидан қаради. Беш юзта жонсиз, ранглари ўчган, қонсиз, милтиқли, анжомли, яроқлиларга кўзи тушиб, қаргани кўзидан урган, бариси бирдай мерган, қаккайиб турган, отасининг миргазабларига кўзи тушди. Мусофир ёрим қамовда қолди деб, золимларга билдирмай қайтди. Тиллакор кўшқига келиб, Авазхон ёрига раҳм этиб, жонидан афзал кўрган ёрига қараб йиғлаб юборди. Авазхон тура келиб, ёрининг қўлидан ушлаб, «на сабабдан йиғлайсан?» деб, бир сўз дегани:

Нима гапни дарвозада билдинг сан,
Менга қараб бошинг чайқаб йиғлайсан?
«Аттанг» дейсан, хўрсинасан, тинмайсан,
Айтсанг бўйма, суяр ёрим на бўлди?

Нима ғамлик бор экан-ку арода?
Чулғаниб қолдингми кўп можарога?
Гул юзингдан мендай бир мард садаға,
Қандай шовқун бўпти шаҳар орада?

Ё келиб қолибми отанг жаллоди?
Ажал етиб тўлган уларнинг муҳлати.
Дўстми, душманми келган лаънати?
Узинг бориб, мени нега қўймайсан?

Кўз-ёшингдан, суйгилим, йиғлама,
Сен йиғласанг, менда тоқат қолама?
Сен инграниб олов қўйма танама!
Евдан қўрққан бу элларга келама?

Қабатингда мендай лочин турганда,
Ҳеч лочинни қарға қисмига олама?!

Сен борганинг айб эди паризод,
Ажал етмай ҳеч қаҳрамон ўлама?

Аваз қўшмас энди бирига бирини,
Сен билмайсан бек Авазнинг зўрини;
Қасд қилсам, оларман отанг элини.
Мен борайин, тутма ёринг қўлини!

Алқисса, Авазнинг қўлида қилич, далага тортиб, Хиромон ичкари тортиб, талашиб, тортишиб турганининг устига, (тўрт-беш кун орадин ўтган эди). «боламдан бир хабар олмадим» деб тилла кўшқининг олдига айёр момоси келиб қолди. Тиллакор шишадан қараса, Авазхон ташқари, Хиромон ичкари белидан қучоқлаб Авазни тортаётганига кўзи тушди. «Булар иккови бир-биридан аччиқлашибдими?» деб момонинг кўнглига келиб, икковига қараб момоси бир сўз деди:

Қандай ганим бўлса болам эл бўлди,
Сенга ҳар тарафинг хизматкор қул бўлди.
Хиромон ночорни нега йиғлатдинг,
Садагалар, икковингга на бўлди?

Хиромонжон ушлаб Аваз белидан,
Ёмон аёл топар ўзининг тилидан.
Сени деб келганди Чамбил элидан,
Талашманглар, икковингга на бўлди?

Беш кун бўлмай сендан кўнгли қолама?
Суйган киши ўзин четга олама?
Бир гапинг ёмон ўтқандир ойимча,
Беором йиғлайсан, сенга на бўлди?

Е ёвлар босдими шаҳар орани,
Ташқарига қўймайсан Аваз тўрани?
Авазхон йиғлатма қоши қорани!
Кушод айтинглар, икковингга на бўлди?

Зумрад момонг икковингдан садаға,
Бир гап бордир, хўп биламан, арода.
Авазхон даф этар келган балога.
Белини қўйиб юбор ойим, садаға!

Хиромон момосининг келганини билиб, Авазни ичка-
рига рўбарў тортиб, кўзининг ёшини артиб, момосига бир
сўз деб тургани:

Хўрлик кўрган кишининг кўзида ёши бор,
Ўзим бориб қараб эдим дарвозага,
Ишонмасанг, қара энди моможон,
Дарвозага келган беш юз киши бор.

Ўзим бориб кўриб келдим муқаррар.
Қўймайман далага мен ёрни зинҳор.
Қайтиб қўяй мен бир суйган ёримни?
Дарвозага келган беш юз қонхўр бор.

Қўлга тушсак менгзалганди тилла дор,
Золим қўлига бўла турган бўлдик гирифтор.
Шул сабабдан йиғлар мендай сиёсар,
Дарвозада келган беш юз жонсиз бор.

Чиқар бўлса кессин аввал бизнинг сар,
Мен учун бўлди-ку шуларга дучор.
Қўйиб юборгунча ўлмоғим даркор,
Дарвозага келган бисёр душман бор.

Отим Гулиҳиромон — подшога духтар,
Бировимиздир Чамбил элига писар.
Бош кесмаса мен қўймайман ҳадисар,
Дарвозада беш юзча-ку ганим бор.

Алқисса, момо дарвозага қараб келган, жонсиз душ-
манларни кўриб, боз тиллакорга келиб:

— Хиромонжон, инондим энди гапингга. Душманлар-
ни келгани рост экан. Эй Авазжон, ҳақиқат сени Хиромон
яхши кўрар экан. Сенга Хиромоннинг меҳрли ишқи зиёд
экан. Бунда келгин! — деб Авазни момоси олдига чақириб,
неча бир кашмири дуоларни ўқиб, Авазни бир бурга қилиб
қўйди. Хиромон бу савдони кўриб, беқарор бўлиб, «Ме-
нинг ёримни нима қилдингиз?» деб, момосидан Авазнинг
бўйла ҳолини сўрагани:

Ёримни келгандан чиқардим тўрга,
Кўнган эдим, ағам солган тақдирга,

Бир суйган ёримни айладинг бурга,
Менгзардим Авазни маст бўлган норга.

Бино бўлган эди Чамбил шаҳарда,
Ошиқ бўлиб мендай кўзи ҳуморга;
Неча бир дуонгни ўқиб сен айёр,
Ташладинг бурга қилиб ботирни ерга.

Жабр айладинг, момо, мендай дилбарга,
Энди қўяй асил ёрим қаерга?
Бу ҳолатда қолди оёқ остида;
Душман қойил бўлар ўзидан зўрга.

Хиромон дер бўлди дилда армоним,
Бўйига тасаддиқ жасадда жоним.
Найладинг сен, момо, менинг суйганим?
Жондан зиёд меҳмонимни найладинг?

Хиромонжон қизим, икковингни асрайдиган менинг ўзим, уларга отанг буйруқ берганга ўхшайди, айланай, подшоларнинг ҳукми бирдир, икки бўлмас. Отанг ҳукм қилгандир. «Тиллакор кўшкни кўринглар» деб. Бир киши хабар бергандир, суйгили ёрингдан. Шундан сўнг отанг буйруқ бергандир, «ушлаб келингллар» деб, бўқча бўйи, сандиқларинггача келиб кўрса керакдир. Кичкина нарса ҳар ерда жой бўлар, деб Ҳиндистон, Доғистон, Кундизистон, ҳам Балх, ҳам Боғдод, ер жаҳоннинг кашмири, бариси мендан таълим олгандир, садаға. Ҳаммасига бўлган муллоий устози ўзимдирман, деб икки оғизгина Хиромонга «Авазни яширгин» дегани:

Бу савдо номаълум ота-онангга,
Билдирмагин бол Авазни душманга!
Қўядиган жойинг айланай, айтайин санга:
Олғил суйган ёринг, қўйгил липпангга!

Душманларинг кирса кўшкни баландга,
Қойил бўлсин бу меҳрибон энангга.
Эҳтиёт бўл айланайин Хиромон,
Авазхон ёрингни қўйгин липпангга!

Ҳамма ерни кўради, сени кўрмайди,
Кўрқма болам, отанг тирик урмайди.

Киши ошигини ушлаб бермайди,
Ол Авазжонни, қўйгин липпангга!

Авазни топса, душман қўймас пайини,
Авазхон ошиқдир қадди бўйингдан,
Бахтинг чопди момонг келди уйинга,
Ол боламни, қўйгил липпа жойингга!

Авазхонни, алқисса, Хиромон олиб енгининг ичига авайлаб тортиб, липпасига қўйди.

— Энди қандини есин, қонхўрлар... Авазни топсин, энди дарвозанинг қошига боргин, қонхўрлардан энди келган мақсудини сўрагин! На сабабдан бемаҳалда кўшқинга кепти, садаға? Қайда бўлса ёринг, ўзинг билан бирга туради. Хафа бўлмагин Хиромонжон,— деди момоси.

Хиромон ўйнаб-кулиб, момосидан хурсанд бўлиб, қўлини бағрига ушлаб, дарвозага қадам ташлаб, «хўп, буларнинг келганини сўраб келай» деб, кўшк дарвозасига кетди. Бориб, дарвозанинг тирқишидан қараб, келган золимларга қараб, Хиромон бир сўз айтиб турибди:

Дарвозага мунча урдинг таёқни?
Бунча шовқин солдингизлар бемаҳал чоқда?
Айт, золимлар мақсадингни билайин,
Бемаҳал сизларга келмоқлик маркди.

Ҳеч келиб кўрмадинглар бу кўшки вақтни.
Кўча тўла кўрдим сизлардай аҳмоқни.
Нима ишларинг бор бемаҳал чоқда?
Бемаҳалда юрган эркакка маркди.

Танимайман мен сизлардай бадбахтни,
На сабабдан дарвозамга келдинглар?
Уйғотиб бемаҳал уйқудан ҳушрўй оқни?
Бемаҳал юрган сизларга маркди.

Хиромон дер кўшқин авлоқ билдингми?
На сабабдан бемаҳалда келдинглар?
Сиёсат қип, бунча шовқин қилдинглар,
Сизларнинг мақсадинг сулув кўрмоқдир!

Алқисса, Жанжал кал бошлиқ, дарвозанинг олдига отини қамчилаб ҳайдаб, етиб бориб, энгашиб, ичкарига кўз

тутиб, отининг жиловиңи тортиб, «товушингдан бўлай Хиромонжон» деб, оёғини узангига тираб, Хиромонга қараб бир сўз дегани:

Хиромонжон қойилмасман қилган ишингга,
Бир ғайри бормиш, билдим қошингга.
Кундуз ўйнаб, кечаликка тортиб қордай
тўшингга,
Ишимиз бор Авазхон ўйнашингга.

Қарагин, бизлардай эли-ҳешингга,
Мен садаға бўлай қаро қошингга.
Отангинг душманин яхши кўргунча,
Тегсанг бўйма мендай элатдошингга?

Дарвозанг оч, ичкарини кўрамиз,
Маломатли савдо тушган бошингга.
Булар мақсади ушлаб олмақдир,
Ҳаммаси-ку келди бу ўйнашингга.

Бу сўзимнинг, Хиромон, йўқ ёлғони,
Булар келди шуни ушлаб олгани.
Кўрсат, қандай экан Чамбил полвони,
Бизлар келдик шуни ушлаб олгани!

Хонларнинг гапида бўлмас ёлғони,
Маълум бўлди юртга Аваз келгани.
Бизлар келдик тилла дорга илгани;
Кўнсанг-ку Авазни олиб кетамиз.

Қарагин бордир калнинг ханжари,
Қўлимда кесилар Авазнинг сари.
Сен пухта бўлгансан Жанжалнинг ёри:
Бу келганлар, билгин, отанг навқари.

Бунда Хиромоной:

— Ундайча гапларни мен сизлардан эшитяпман, Ундайча Гавази менинг кўшкимга келган эмас. Ундайча Гаваз деган номини менинг канизларим ҳам кўшкимга келганини кўрган эмас. Ким билади ёввойими, хонакими, ҳеч ким билган эмас, қандай нарса бўлса ҳам у қочган. Жанжал кал:— Бизлар кўрсатгандан сўнгра биласан, дарвозангни оч!— деб, бир сўз айтади:

Соддаликка ўзинг солмагин бунча!
Кўп фирибгар бўпсан сендай оймча,
Болларинг сўрганнинг армони қанча?
Дарвозангни очгин, кўшқинг кўрамиз!

Сўнгра Гавазми ё Авазми биласан,
Мен биламан хўп фирибгар балосан.
Ноз қилиб гапириб, ақлим оласан,
Дарвозанг оч, тиллакоринг кўрамиз!

Сен подшонинг ёлғизгина эркаси,
Қиз баччанинг бўлурми шунча ҳийласи?
Бу ишни ўргатган Аваз мулласи.
Дарвозанг оч, ичкарига кирамиз!

Ҳаддимиз йўқ, хондан беамир келмоққа,
Тождор отанг турса баландда, арқда.
Меҳринг қўйиб Авазни опсан қучоққа.
Дарвозанг оч, бир кулбангни кўрамиз!

Бек боласин оти бўлар Бегижон,
Беш кун бўпти ўйнашибсан беармон.
Чин кўшқингда бордир Аваз Полопон,
Дарвозани тез очгин дейман, Хиромон!

Отим Жанжал калдир қуръадўз ўғли,
Қучмоққа қойилдир сулувнинг бели,
Асал, болга тортар хушрўйнинг тили;
Ҳар ерда бойланар туҳматчи қўли.
Дарвозани оч, бордир Гўрўғли ули!

Хиромон аччиғланиб: «Дарвозани очиб берай, Авазни топинглар, қани?» деб ғазабланиб, дарвозасини очгани турар:

Менинг йўқдир иним-оға, нигорим,
Ун тўрт кунлик ойча бордир дийдорим.
Туҳматчилар, кириб кўр тиллакорим,
Аваздан асло йўқдир хабарим!

Кўрсангизлар, мана кириб кўринглар,
Икковимизни бирга дорга илинглар!
Туҳматчилар бирга баринг ўлинглар.
Бу ишлардан ўлай йўқдир хабарим.

Ҳеч қулоқ қўймадинг бўйла зорима,
Кирманглар, ўтинглар тиллакорима!
Бу қандайин тухмат бўлди сарима?
Хумсалар киринглар тиллакорима!

Ҳар кимнинг пухта бўлса саводи,
Амал қилса сўзининг бўлмас ғалати.
Қирғин келсин, кепсан беш юз лаънати,
Кўрсанг кўргил, қирқ газ кўшки баландди!—

деб Хиромон очиб юборди. Беш юз киши бирдан юмалоқ бўлиб, «ура» қилиб кириб, дарвозасига икки посбонини қўйиб, кўшкининг ҳам атрофига юз кишини қоровул қилиб қўйди. Ҳар тиллакор кўшкининг баланд-пастига биттадан посбон қўйиб: «Эшикдан чиқса, отинглар», деб кал буйруқ берди. Ярим оқшом ўта бергандан кейин, тушгача ҳеч бир ер қолмасдан ҳаммасин кўриб чиқдилар. «Ёлғондан сўзлаган экансан», деб Жанжал кални уриб: «Ҳам подшони элга шарманда қилдинг, ҳам Хиромонни йўқ ердаги маломатга қўйдинг, подшонинг соф қизини ўйнаши бор дединг. Подшонинг тўғри духтарини ғар дединг. Йўқ ердаги Авазни Хиромонга ёр дединг, сен тухматчи» деб, Жанжални беш юз қоровул, подшонинг олдига ҳайдай бошлади. «Подшони ҳам, Хиромонни ҳам элга шарманда қилдинг» деб, сипоҳилар ким қанча муштлади. Иплари симли ипақдан бойлаб, бармоғи тирноқдан, бир учи юракдан ҳам йўғон билакдан бойлаб, бошларини лойлаб, ғазаб беклар ҳар қадамда бир неча қамчинни бошига тайлаб, кални эргаштириб подшога тўғри қилдилар.

Беклар подшога:

— Ҳам сизни, ҳам қизингизни, шаҳри Ғулғулага шарманда қилди, бу кал. Бунингдай ўтирик — ёлғон сўзларни айтган кишининг жазосини бермоқ керак. Ҳам духтарингизни, ҳам сиздай салтанатли шоҳимизни бу падар лаънати элга бош кўтарувсиз қилди. Нима жазо буюрсангиз ҳукм ўзингизнинг қўлингиздадир,— деди. Алқисса, подшо аччиғланиб, бўйла гапларга қаҳри-ғазоби келиб, подшо койиниб, бир сўз айтгани:

Гирифтор бўлдинг-ку ҳукми зўримга,
Бу тухматни солдинг менинг шўримга.
Осилар бўлдинг тилла баланд доримга,
Сендай сассиқ керак эмас шаҳримга.

Буюрар бўлдим сени золимларимга,
Ишончим бор ҳукм билан зўримга.
Сендайча кал ўлса, сатқайи-саримга,
Ё чиқартиб ташлатайми миңоримга?!
—

Бу тухматни қўйдинг менинг қизимга,
Шаҳар аро қаро ёпдинг юзимга.
Сен-ку бадкир экансан, ёлғончи.
Бекалла кўриндинг менинг кўзимга.

Йўқ ердаги гапларни-ку билдинг сен,
Бу дастимдан ҳақиқатдан ўлдинг сен.
Гардоншоҳ дер вожиб бўлар буйруғим,
Ажал етди, тўлди паймонанг сенинг.

Шунда Жанжал кал:

— Тақсир, ҳар савдо ҳам уч дебди. Учга ҳам топил-
маса иши пуч дебди. Тағи рухсат берсангиз икки марта
қуръамни кўрай. Қуръадан тополмасам, ундан кейин ўлмо-
ғим қулай. Тақсир, икки марта қуръа кўришга рухсат бер-
сангиз,— деб подшога арз қилди.

— Эй кал, аввалда тополмадинг, охирда ҳам шу-да.
Энди жон талвасасида ҳар на деганинг суд қилмас,— (деди
подшо). Шунда қуръадўзларнинг каттаси:

— Майли, майли, рухсат беринг, икки мартаба кўрсин,
армонда ўлмасин,— деб сўради.

Подшо:

— Хўп,— деб қуръани қайтадан қўлига берди. Кал
сидқи ранги ўчиб, қуръага қараб, подшога қараб, (Хиро-
моннинг момоси ҳам изидан кўринмай келиб, калдан нима
сўзлар чиқар экан деб пойлаб турган эди), қуръада нима
кўрганини подшога баён қилгани турур:

Қойил бўлмоқ керак, хоним —
Юрт қамаган айёр момосига.
Ул кашмири бурга қилиб Авазжонни,
Қўйган экан Хиромоннинг липпасига.

Авазжон бургадир, бурга.
Қойил бўлмоқ керак шул айёрга.
Бизлар борган вақтимизда,
Келган экан тиллакорга,
Авазжонни бурга қилиб,
Душманинг бургадир, бурга.

Келган Гўрўгли боласи,
Қуръада-ку ҳаққан роси —
Аваз Гўрўгли боласи,
Қўйибди бир эна ерга.
Авазхон бургадир, бурга.

Жанжални дорга иларсиз,
Кейин ростлигин биларсиз.
Тушда кўрган шу бургутга
Эли-юртингни берарсиз.
Душманинг бургадир, бурга.

Подшо (Хиромоннинг) энасининг канизларига:

— Хиромонни олиб келинглар! — деб амр қилиб, бошқа кийим бериб усти-бошини бошқалаб кўринглар? Момони мен ўзимга душман англасам, элимни қамаган момо менга дўст экан. Аждаҳо қаҳрамоннинг ўлиши осон бўлибдику. Отишиб, чопишиб юргандан кўра, энди осон ўлар Авазхон,— деди. Подшо хотинининг канизлари от қўйишиб, тиллакор кўшкига чопишиб кетишди. Қизлар Хиромоннинг қошига бориб, Маъқулой каниз бир сўз айтиб турибди:

Юртимнинг ойнаи жаҳони,
Сиз оламнинг Хиромони.
Чақиради сизни, опажон,
Юртнинг карамли султони.

Бўлай қадингнинг қурбони,
Айри бўлар бугун борсанг,
Кал гапин рости-ёлғони.
Сизни чорлар элнинг хони.

Бирови эна меҳрибонингиз,
Рост бўлса, тўкилар қонингиз.
«Келсин», дейди ота жонингиз,
Чақирар меҳрибонингиз.

Қулоқ солинг Маъқулойга:
Маъқулдир қодир худога,
Юринг, опа, тахти пойга,
Жавоб бериб келинг шоҳга!

Пойлаб турган момоси қуръадаги гапларни эшитиб келиб, Авазни Хиромоннинг қўлидан олиб, дуо билан яна аслига келтириб, Авазжонни кўтариб, неча гузардан, неча иморатдан ўтиб, Хиромонининг Гулихаёл чарвоғига олиб бориб, қўйган эрди. Алқисса, Хиромоннинг онасининг канизлари, онасининг кўшкни ҳарамига етди. Подшонинг амрини қилиб, онаси ўзига тузалган шоҳи-шолполарни кийдириб, канизларига Хиромоннинг ечган либосларини тозалатиб кўрдирди. Канизлар ҳеч бир бурга тугул, усти бошидан биронта сирка ҳам топмади. Канизлар билан уч канизни гувоҳ қилиб, Гулихиромонни онаси эргаштириб, подшонинг қошига келиб, салтанатли шоҳга қараб бир сўз дегани:

На ишларни қипти юртнинг эркаси?
Мен сизга сўзлайин юртнинг эгаси,
Юртига сиғмадими ёлғиз боласи?
Учовини шоҳиди исбот айладим.

Бурга тугул йўқдир синиқ сиркаси,
Нечук маломатга, тақсир, танғилди?
Қизин шарманда қилармикан отаси?
Уч қизни шоҳиди исбот айладим.

Ҳеч кимга тушмасин туҳмат савдоси,
Адолатда турган чоқда отаси,
Ҳам бўлганда тарбиячи онаси!
Сўранг, мана уч қиз бўлди гувоси.

Ишонмасанг, тақсир, мендай ёрингга,
Хиромонжон катта бўлган бағрингда,
Ёлғиз қизим сиғмадими даврингда?
Икковимизни сўйиб, осгин дорингга!

Хиромондир онасининг меҳригиёси,
Қизин сўйсанг, чиқар онасининг чияси.
Сиз ақли расо облоҳимнинг сояси,
Сўйдирсанг хурсанд бўлурми элнинг ҳаммаси?

Тақсиржон, қарагин чинни гулингга,
Икковимиз сиғмабмиз Фулғул элингга.
Розидирман, жаллодингни буюргил,
Ҳар на қилсанг ихтиёринг қўлингга!

Алқисса, қуръадўз Жанжални чақириб:

— Шундай ҳам бўлурми савдо, ҳам тухмати? Маълум бўлди бу сўзингнинг ғалати. Кўрсанг, кўргил дарров ҳозир қуръангни, Кўришинг қуръангни энди уч бўлсин! Тайёрдир подшонинг қонхўр жаллоди, гапининг чин ғалатилигига бордир, Хиромоннинг учта исботи. Бу ишларни қилмас хоннинг фарзанди, тезлик билан кўргин дейман, эй лаънати. Ажал етиб, тўлди калнинг муҳлати,— (деди подшо). Кал, алқисса, қуръага боқиб, подшонинг чин ғазабидан кўрқиб, қуръадўз авлодига сизиниб, қуръага қаради. Бу қуръа кўрадиган чоғида момо давлатхонанинг орқасидан келиб, калнинг қуръасига қулоқ солиб турди. Шунда кал бир қуръага, бир подшога қараб, меҳри дили билан сўзлагани турур:

Асли жойидир Чортоқда,
Миниб чиққан аргумоққа,
Бош совчиси айёр мастон.
Олти кундан бери қизинг
Аваз билан ўйнашмоқда.

Авазжон ўзидир хушрўй.
Қўндириб қордай қучоққа,
Меҳр қўйган Авазбекка.
Қойил бўлдим бу мастонга.
Авазни қўйибди боққа.

Чин меҳри дилини қўйган,
Ўзидан хушрўй оққан.
Ваъда қилган ўлайн деб,
Чамбилбелига кетмоққа.

Амир қилди Хиромоннинг,
Хаёл боғдадир душманинг,
Қўлингдан кетар давронинг,
Сўнгра суд қилмас армонинг.
Олар ҳам тахти маконинг.

Беҳабар сонсиз посбонинг,
Хоним, кетибди ақл, эсинг,
Пухта Жанжал калдир дўстинг,
Қизинг, ёри бил душманинг!

Ғазаб билан, алқисса, подшо боққа буюрди. Минг киши отли, анжомли, милтиқ анжом олишиб, боғдан кета турган уч тараф йўлдан от қўйишиб бора берсин. Авазхонга жаллод буюрганидан момоси хабардор эди. Момоси аккалаб, дуккалаб етди. Авазхонни бағрига тортиб: «Бу Шакаман тирик бўлса, сизларни тинч қўймас экан, ўғлим деб, Авазхонни келтириб, боз тиллакор кўшкига қўйди. Хиромон «боққа қўйдим» деганидан хабардор эди. «Боя айрилмасам ҳам энди айрилдим», деб йиғлаб келаётган чоғида момоси ҳам ҳовлидан чиқди. Момога йиғлаб Авазни сўраб турур:

Боғда бўлса момо, кетди минг душман.
Ҳастаман, дилимга бўлди кўп армон.
Сизни кўрдим, қаерда қолди беғижон,
Жондан ортиқ ошиғимни, найладинг?

Боғда бўлса тушар золим қўлига,
Мен ошиқман Гўрўғлининг улига,
Бошимни берганман ёрнинг йўлига,
Тақдир қўшган бек ёримни найладинг?

Тилло камар ярашиқли белига,
Тоза гулман тушган эдим қўлига,
Ёрим мусофирдир Гулгул элига,
Кўнгил яқин меҳрибоним, найладинг?

Боққа кетган золимлар тутмасин,
Ушлаб келса отам тортар дорига.
Ёш ўғлондир, паймонаси битмасин,
Ҳасрат билан бу оламдан ўтмасин!

Хиромон дер, шу киши билан ўтса давроним,
Розидирман олдин тўкилса қоним.
Улай, кетай, отам бўлди душмоним,
Бир суйгили меҳрибоним найладинг?

Хиромон дер, кўрган эди жамолим,
Кеча-кундуз ёлғиз ёрда хаёлим,
Золим кетди, қолмади таннимда жоним,
Бош эгаси соябоним найладинг?

Алқисса, момоси:

— Ғам ема қизим, кўшки тиллага ошиғингни келтириб қўйдим. Хиромонжон, бир йўл бор, санга ўргатай, бу кал хўпдир қуръадўз экан, ҳаргез сизларни вақти ҳушликка қўймайдиганга ўхшайди. Кал тирик бўлса ошиқ-мошиқ билан икковингни ўйнатгани, кулдиргани қўймайди. Шу ердан қайт отангнинг ёнига, айланай. Ҳеч ота фарзандини ёмон кўрмайди, отангга бориб чапак чалиб, «отажон бош кўтарувсиз бўлдим», деб отангга арз қил! Авазхон ёринг кўшкдадир, садаға. Момонг бўлмаганда иккови-нгизнинг ҳам қонингиз тўкилар эди. Бу некликни ҳеч бир қаҳрамонга қилган эмас эдим. Мен сендан ҳам Авазни яхши кўрурман. Бор отангга! Мен шу шаҳар орадаман, деб отасига қайтариб юборди. Хиромон неча аҳволда чапак чалиб, «қароқчи» деб йиғлаб отасининг давлатхонасига кирди. Неча посибон, ақли расолар Хиромоннинг дод айлаганини кўриб.

— Подшо адолатда турганда, бизлардай хизматкор хизматда юрганда, ким сизга зиёдагарчилик кўргазди, ни-горим? Нима арзингиз бор?— деди. Хиромон:

— Мени подшога тўғри қилингизлар, хонга арзим бор,— деди. Подшонинг қошига хизматкор беклар Хиромонни олиб бордилар. Бетидан ниқобини олиб, кўзини ёш-лаб, зор-зор отасига йиғлаб, Хиромон бир сўз айт-гани:

Қулоқ солинг, эй отажон, тилима,
Бош кўтарувсиз бўлдим-ку элима,
Отажон мани-ку чин остиринг,
Розидирман, бугун мен ўлимима.

Тухматчилар бор деган эмиш ўйнашинг,
Асли йўқдир бу жисмимда бардошим.
Жаллодингни буюр менга, отажон,
Розидирман, ота, кестиринг бошим!

Ота йиғлатиб қўярми ёлғизини,
Элга-юртга туман қилиб юзини?
Жаллодингни буюр ҳаққон, отажон,
Розидирман, кессин қизинг бўғзини!

Бу савдо оламини билингки гапда,
Турғилиқ қилмади ёқти жаҳонда.

Мен розиман, ота, буюр жаллодинг,
Улай-кетай бўп юргунча шарманда!

Мен ўлсам, кенг бўлар Гулгулнинг жойи,
Ағанасин жойимга беклар сипойи.
Чин ўлдирмоқ бўлса отамнинг раъйи,
Отажон, розиман буюр жаллодинг!

Ҳеч бир йўқдир бу жисмимда тоқатим,
Ўчилсин жаҳондан Хиромон отим!
Бир ёлғиз болангман, шўйла бўлди офатим.
Розиман, ота, жаллодингни буюргин!

Ота-эна бўлур фарзандига меҳрибон,
Кўнглингиз қолгандир мендан отажон;
Раҳбар бўлиб бўлмадингиз, саёбон,
Розиман, жаллодинг буюр, дадажон!

Подшо, алқисса, қуръадўзларини чақириб: «Қани топ-
дингларми Авазни. Ҳам мени, ҳам қизимнинг туман қил-
дингизлар бетимизни. Мингта борган бекларни ҳам қуръа-
дўзларни чақириб:

— Авазхон бормикан? — деб, юборган посбонларидан
сўради.

— Ҳеч баланд-пасти, гулларнинг ораси, ҳамма ерни
кўрдик қомаси. Ғаллатдир, бу диёрга келган эмас Гўрўғ-
лининг боласи. Бекор, тухмат, маломатга тақилган сиздай
шоҳимизнинг ёлғиз боласи. Бизлар хоним ахтардик ҳеч
кўринмайди. Боғни ҳам қарадик. Шаҳарни ҳам қарадик,
йўқ, — (деди посбонлар). Шунда подшо дарғазаб бўлиб,
кал билан қуръадўзларни қирқ битта қилиб ўлдирмоққа
жаллод буюриб, жаллодларга ҳукм сўзини айтгани турур:

Ҳукм қилиб буюрди менингдай подшо,
Қуръадўзларимни қилманг андиша,
Ҳаммаллаб қўйинглар бошига теша!
Барин бирга элтиб дорга илинглар,
Мурдасичи юртим қилсин томоша!

Ёлғончига шу гап бўлди яраша;
Ҳукм шулдир: мол бозорга элтинглар,
Тезлик билан бу бошини чертинглар,

Тилла дорга жасадини тортинглар,
Эли-юртим қилсин хўпдир томоша!

Ҳали ҳукми равоним бор ўзимда,
Қонқуярлар қулоқ сонглар сўзимга!
Тухмат қилди бирдан бир ёлғизимга.
Мол бозорга элиб тортинг доримга,
Хўп томоша бўлсин Ғулғул шаҳримга!

Бундан буёқ ҳеч савдо бўлмасин,
Беайбни айби бор, деб кулмасин.
Қирқ бир қуръадўздан тирик қолмасин!
Ҳукм қилиб буюрдим манингдай подшо,
Улишига эли-юрт қилсин томоша!

Улмасин яхшилар, ҳаргиз ўлмасин,
Яхши одам ҳеч ёмонлик кўрмасин!
Санаб сўйинг биронтаси қолмасин!
Подшонинг амри икки бўлмасин,
Улишига эли-юрт қилсин хўп томоша!

Гардон шоҳ дер, ханжар сонглар бағрига,
Улим лозим қуръадўзлар барига,
Улиб кетса шоҳнинг сатқай-сарига!
Ҳаммасин тортинглар хоннинг дорига.
Эл томоша қилсин мурдаларига!

Алқисса, қўлини пешвонликка жаллодлар боғлаб:

— Хондан бошқа йўқмиди туҳмат қилсангизлар!— деб дор томонга қараб, таёқлаб ҳайдай бошлади. Подшонинг амрини қилиб, дорнинг тагига етиб, бир бошдан сўя берди. Жанжал кал ўларини билиб, золимлардан бир соат муҳлат тилади. Томошабин атрофга йиғилган, дорга, халққа қараб ўз аҳволига Жанжал калнинг бир сўз дегани:

Хиромон ёр қилиб Аваз тўрани,
Фирибидан қолди мастон момони(нг).
Мендан қолган улуғларим биларсан,
Рост айтганнинг тўкилар, элатим, қони.

Бу сўзига хоним қилар пушаймон,
Тўғри сўзлаб ўляпман, кўп армон.

Эл эшитгин, тўғри келгани Авазхон.
Рост сўзладим, гардонимдан тўкар қон.

Хиромонни эл орага қўяди,
Тўғригўйни подшо буқун сўяди.
Энам эшитиб ҳасратимда куяди,
Эл эшитгин, Жанжални подшо сўяди.

Жанжал дерманки, мен облога осий,
Тақдиримда бордир ҳақнинг савдоси.
Юлдуз тоғнинг бордир Тутли дараси,
Бугун дорга осилар Жанжал танаси.

Элатнинг ичида бир хиллари: «Тўғри, бегуноҳ ўляпти», бир хиллари: «Ҳукумат билан ҳазиллашиб бўлами?», бир хиллари айтади «кўрса ҳам кўрмадим, деса бўлмасми-кан?» Бир хиллари айтади: «Тикка гапи, ўзининг бошига етган», биттаси айтади: «Рисқи-рўзи узилиб, умри битган» эшитганлари айтади, «Хиромоннинг ўйнаши бор эмиш, деб подшога айтган». Бир хиллари айтади: «Эй, бу шўринг қурғур, подшога тўғрисини айтган». Бир хиллари: «Авазни топганда, қизи билан Авазни сўяр эди. Бечоранинг гапи қолмаган, уч марта жавоб берса ҳам Авазни топмаган». Бир хили: «Бундай ишларга дили бор келинчаклар ўлгани яхши», не бир хил донолари: «Ўлса шаҳид бўлар, худонинг раҳмати, ўзи тўғри бўлса», дейишди.

Алқисса, кални дорга тортиб юборди. Қирқ қуръадўзни ҳам сўйдириб, осиб юбордилар. Гулихиромон кўзи билан кўриб: «Яхши бўлди, соз бўлди, дунёда хавфим оз бўлди», деб хурсанд бўлиб, ўйнаб, кулиб, кўшкига келди.
Момоси:

— Хиромонжон, нима гап бўлди?— деб сўради.

Хиромон:

— Отам, оталик қилди, қирқ қуръадўзни ҳам дорга илди.

— Яхши бўпти, болам. Энди кўчаларда Авазхон билан қувалашиб, ўйнашиб юрсанг ҳам отангга ҳеч бир киши айтолмайди. «Агар отасига айтсак, қуръадўз Шакамандай ўламиз», деб ҳеч кас айтолмайди. Энди бемалол ўйнашиб-кулишиб юра бер, болам. Икки кун-уч кунда тагин хабар оларман сизлардан,— деб фалак қушига миниб момоси ўз кулбасига кетди, хуфтон чоғи бўлганди. Бўйла гурбатлар билан саккиз кун орадан ўтди. Оққиз-

ойим Авазнинг ҳасратида эди доим. Утирса ўрни куйиб, юрганда дили куйиб юрди. Канизлар айтди:

— Бувишингиз билан тўрт кунга ваъда қилган эдингиз, иккиламчи тўрт кун бўлди ҳам, ҳаргез! Авазни қизондинг, мажлисимизга олиб келмайсан,— деб Омоной Оққизни қўймай тиллакор муннақашига юборди. Оққизой қадам ташлаб, бувишин қошига келсаким, иккови ўйнашиб, талашиб бир-бирига кулиб қарашиб турган чоғида Оққизой сўппайиб келиб қолди.

— Ваъда ёзингизда борми, бувишим?— деб Авазни тилаб, бир сўз дегани:

Мен бемаҳал олдингизга келмайман,
Шу дамдан ўзгани ҳеч дам демайман.
Аччиғингиз келмасин, бувишим,
Икки соат гўзал ёринг тилайман.

Юзинг кўрган қизлар айтар ғазали,
Ярашиқли тўранг йигит гўзали,
Ҳар бир гапи гавҳардан ҳам мазали;
Икки соат гўзал ёринг тилайман.

Жамолин кўрган қизнинг йўқ бардоши,
Ҳам бодом қовоқ, қаламдир қоши,
Ҳамма ишдан аъло кўнглининг ҳуши;
Икки соат озодангни тилайман.

Қизларга ғанимат, кўрса юзини,
Эгам сарғайтирмасми, қизил тарзини?
Икки соат қирқин қизлар тилаймиз,
Чамбилбелдан келган бол Авазни.

Ул гўзал ёрингнинг Аваздир оти,
Чамбилбелдир ўйнаган у элати.
Энди келди шу ваъданинг навбати.
Бегижон, ёрингни икки соат тилайман!

Туркманни ёр қилдинг қизлар қасдида.
Кўп кун бўлди ўйнар бағринг устида.
Оққиз ишонган Хиромон дўстига,
Қирқимизга беринг Авазни шу кеча!

Хиромоннинг кайфи бузилиб, бир гўзал қирқин қизга бўлама? Бешарм, ҳаёсиз бу ерга йўлама! Бекорга рижкорлик қилма! деб, шиш наҳал кавушининг тумшугидан ушлаб, ўрнидан туриб, қўл қўлочлаб:

— Еримни сенга берсам бўлама, мочағар,— деб Оққизнинг «манглайинг қайси» деб андоқ урдик, Оққизнинг манглайи тарс ёрилиб кетди.

(Оққиз) қизларнинг қошига бормай, кўчама-кўча Авазнинг келганини баён қилиб кетди.

Оққиз — Хиромоннинг канизи — бул ҳам бир қуръадўзнинг қизи эди. Борса уйда онаси мотамда, садир самбосининг устига бориб қолди. Қараса, онаси отасининг пўтасини белига боғлаган, сочини ёзиб йиғлаган, йиғи-сигининг устига келиб қолди.

— Мен келдим, Хиромондан зарб ўтиб. Сен йиғлайсан кимнинг мотамин тутиб? «Дард устига кўпос» дегандай, сабаб на йиғлайсан, кўз ёшинг кетиб? Аёллар Оққизойнинг атрофини олиб:

— Отангизнинг ўлганидан хабарсизмидингиз? Отангизни қирқ қуръадўз билан сўйди, Аваз келди дегани учун ғалатга чиқди. Сиз биласиз-да кўшкка Авазнинг келган келмаганини. Оққизойни бундан ҳам алами зиёда бўлиб:

— Токи армон, энди Аваз билан Хиромонни ушлаб бермасам,— деди. Аёллар:

— Энди ўлган отанг қайтадан келмас: Кўр билан зўрда уят бўлмас,— деди. Аёлларнинг гапига ҳам қарамай, Оққиз подшонинг тахтига чапак чалиб кетди. Пўсбон қоровулларига қарамай, сочини ёйиб, юзини юлиб, «дод қароқчи» деб подшога арз қилиб бир сўз деди:

Ҳайф подшо, ҳайф сенинг юзингга,
Юр Авазни кўрсатарман кўзингга.
Бе адолат подшо санга на бўлди?
Тоза ишондингми, юзсиз қизингга?

Қизингнинг дастидан ахир куясан,
Ростгўйларни босиб-осиб сўясан.
Ҳайфи беҳурмат, подшо, сенинг юзингга,
Юзсизингни қарқара қилиб қўясан!

Отамни, хоним, қўйибсан ўлдириб,
Ун бир кун бўлди Авазнинг келгани,

Қизинг ётур бол лабини сўрдириб,
Қирқ қуръадўзни нега қўйдинг сўйдириб?

Мен канизи ёлғизингнинг қошида,
Бил, Авазни тортиб қордай тўшига,
Ахир етди шўр отамнинг бошига,
Беғуноҳдир қуръадўзлар, сўясан?!

Қўпдир, қизингнинг риёкор ҳийласи,
Бу йўлни ўргатган қари мулласи.
Қирқ қуръадўзни сўйдирдинг қолмаси,
Тўхмат билан бўлди ростгўйлар жазоси.

Маҳшар кунда не жавобни айтасан,
Қирқ қуръадўз зимонини қайтасан?
Қон зимонининг азобини тортасан,
Гуноҳсиз қуръадўзларни сўясан!

Оққиз айтар чиқсин жасаддан жонинг!
Чин кўнглин берган ул Хиромонинг.
Чамбилбелдан келган шунқор душманинг,
Авазнинг қўлида тўкилар қонинг.

Шовқин солиб, подшога йиғлаб тўхтади. Йиғлаб тўхтаб тура берсин, эндиги гапни Хиромондан эшитинг. (Хиромон):

«Элга овоза бўлиб кетди. Оққиз бориб, отамга айтди, энди гирдимизни душман олар», деб тўхтаган чоғида, (подшо одамлари овози) баланд зангларини чалиб юборди. Ҳа, энди маълум бўлди, тоза сарбозлари босиб келадиган бўлди. Бу зангларнинг баланд товушини эшитиб. Фалак момо, фалак отини миниб, ўғлидан қолган катта сари ёйини ўнгариб, кўшк атрофига келди. Момоси қараса, майдонлардан тўп-тўпхонасини судратиб, шоҳнинг давлатхонасига (лашкар) ўта берди. Кечаси ётди, эрта билан тонг отди. Сонсиз лашкар кўча-кўча бўлиб тўлиб қолди.

— Энди бостириб келадиган бўлди, моможон,— деб Хиромон йиғлай берди. Авазхон ҳам боқиб кўп душманга кўзи тушиб, давлатхонанинг сари ёйига ўқини тортиб чинорни кўзлаб отди. Чинорнинг ўртасини кўзлаб, тортиб отган эди, энг ўртасидан чинорни учириб юборди. Бир неча киши ўлди, бир неча киши тагида нимжон бўлиб қол-

ди. (Подшо лашкарлари) бирдан кўшкка бостирмоқчи эди, саросима бўлиб, қўрқишиб, «қандай бало эди» дейишиб, лабига учуқ чиқиб, қўрқишиб қолди. Момоси Ғиротти ўнгариб, бир сўз айтди.

Одам тўлди мана Гулгул элига,
Авазжон, мин, Ғиротингнинг белига!
Тушма бекзот душманларнинг қўлига,
Қамчилаб ҳайдагин Чамбил элига!

Беҳад турур бу подшонинг лашкари,
Орқангга олгинда Хиромон пари(ни),
Қайда бўлса болам Чамбилнинг шаҳри,
Ғайрат қилиб кета бергин элинга!

Сонсиз турур, бу подшонинг қўшини,
Телба қилар сендай ёлғиз кишини.
Хиромонни ҳам миндириб Авазжон,
Чамбил бориб торткин отнинг бошини!

Кўп тушмасдан ғайриларнинг тилига,
Ҳар киши ўйнасин ўзин элида,
Мободо тушмагин йўлда чўлига,
От жilовин торткин Чамбилбелига!

Мен бўлдим сенга энангдан меҳрибон,
Атрофингда дўст йўқ, бариси душман.
Хиромонни олиб кетсанг, йўқ армон,
От бошини Ёвмитга торт, Авазжон!

Момонг шўр айлансин, қоши кўзингдан,
Сен кета бер хабардорман изингдан!
От ўйнатиб чиқсанг тоғнинг белига,
От жilовин торткин, туркман элига!

Қулоқ солгин, энангдирман Фалакка,
Чамбилдан келгандирсан ўзинг якка,
Раъйи қилмагин чўлистонга тушмоққа,
Бирдан бориб тушгин Чамбил чортоққа.

Шунда Авазжон момосига, ҳам ёрига қараб бир сўз деб турибди:

Беҳислат бўлмасди тоғларнинг тоши,
Хар ерда ёрилар мардларнинг боши,
Кўринмайин қочмоқ ўғрининг иши,
Қарқара қиб кетар доим мард киши.

Атрофингда-ку тўлса душман гаши,
Қузғунга емтикди аларнинг гўши,
Яширинча кетмоқ ўғрининг иши,
Уйини кўрсатар бунда мард киши.

Орқамдан кўп киши думров боргунча,
Савашарман шу паймонам тўлгунча.
Кўринмасдан қочмас асил бекбачча,
Дасттиримнинг бу дастаси қолгунча.

Ёрим отга минсин, мен бир кўрайин,
Пойтахтига қизин олиб борайин,
Бир ўйинни бул ғанимга солайин,
Кўринмаса бу шаҳардан кетгунча.

Қаҳрамонлик номим кетган жаҳонга,
Қўрқоқ киши ҳеч келмасди бу ёққа.
Қирғин солсам, сонсиз келган душманга,
Токи отим кўкраклаб кечкунча қонга.

Шунда Хиромон ёрининг зўрлиғини билди. Бир неча қиммат шоҳоналарни отининг қошига илиб (Авазхон) Хиромон билан подшонинг пойтахти тагига борди. Пойтахтнинг тагига неча бир ҳокимлар, лашкарбошилар анжом тайёрлаганлар. Бу от туркманнинг оти, дейишиб, орқасидаги шоҳнинг фарзандидир дейишди. Шоҳга қараб юз алвон отини ўйнатиб, Авазхон бир сўз айтгани турўри:

Юзингда йўқ балки қонинг,
Ёйилибсан, йўқдир сонинг,
Бизни дейди Хиромонинг.
Амалинг бўлса кўрсатгил!

Менман пухта-ку душманинг,
Йиғилганди сонсиз ёвинг,
Узим бўлдим-ку куёвинг,
Ғулдирайсан тушунмам гапинг,
Урушмоққа борми тобинг?

Урушсанг чиққин майдона,
Қилич бўяб қирмиз қона,
Ҳеч қолманг душман армона,
Сойлар тўлсин қўчқил қона!
Халқинг бўлса йиққин яна!

Кўнглингда қолмасин армонинг,
Йиғавер қоровул посбонинг!
Бизи билан кетмоқ бўлди,
Мана қизинг Хиромонинг.
Беҳабар энди қолмагил,
Булбул эшитсин, боғбонинг...
Келганимни билмай қолди,
На сарбозинг, на дарвозинг¹.

Аваз болдир от ўйнатар,
Дуч келганнинг бошин чертар,
Хушёр бўлгин қизинг кетар,
Мард киши кўрина айтар,
Номард киши писиб кетар,—

деб Авазхон юз алвонда отини ўйнатгани турур:

Ҳар кимнинг ҳамро нияти,
Ғам чекканнинг кўп кулфати,
Орқамда шоҳнинг фарзанди,
Ўйнагин туркманнинг оти!

Ҳайрон бўлсин кўп лаънати,
Бахмал тўрва ем новвотди,
Йиғилган кўп касофотди,
Ўйнагин отамнинг оти!

Қирқ газ учиб мени ташла.
Иккам қирқда ўйин бошла,
Ерга тушма мени тишлаб,
Ўйин қил, отамнинг оти!

Тўрт эллик холинг ораси,
Ҳар холинг бир шаҳар баҳоси.
Устингда эганг боласи,
Авайла, отамнинг оти!

¹ Дарвозабонинг.

«Пирим» деб қамчига тутди,
Ер олиб мақсудга етди,
От диркиллаб кўтарилди,
Балки қирқ газдан баландди.

Аваз билан Хиромонди,
Ҳам ўзидан жудо этди.
Аҳли душман ани кўриб,
Авазни ўлдига битди.

Хиромон, Авазни тишлаб,
Тушурмай устига отди.
Ҳайрон бўлди гала-говур,
Кўрармиз деб кўп жабр.

Ойимча қизлар кулишди,
Бойна-ки йиқилувди,
Қайтиб отига минишди?
Кўринг энди, Аваз ёшди.

Улар бой бериб ақл-ҳушди,
Тилла гажакдор бувушди,
Кўрдинглари деб аларга?
Қўйма дейишиб чувуллашди.

Саф тортиб отин минишиб,
Бир хили дамидан тушиб,
Бир хили-ку қувалашди.
Дангасанинг кўзи тушиб,

Дарвозани кушод очди.
Отин яйдоқ миниб Гардон,
Авазхон бўлса ўтиб кетди,
Гардоншоҳ дарвозага етди.

Гардоншоҳ Дангасага қараб бир сўз айтяпти:

Дарвозада сен муқаррар турдингми?
Бир оғир сир бўлди, билдингми?
Бир қарчиғай олиб қочди каптарим,
Каптар олган қарчиғайни кўрдингми?

Мен бўлурман Гулгул элнинг эгаси,
Саҳарлар сайрайди булбул наъмаси.
Вайрон бўлди бу кўнчилининг қалъаси,
Шу ўтган бир қарчиғайни кўрдингми?

Баланд тоғдир қарчиғайнинг уяси,
Кўрган бўлсанг сўйлагин менга рост (н),
Тилла қафас, мен тўтидан айрилдим,
Олиб қочган қарчиғайни кўрдингми?

Менга айтгин кўрганинг ҳам билганинг?
Шу палла ярашмас номард кулганинг!
Шу қарчиғай элатингга душманинг,
Чангалида каптаримни кўрдингми?

Ҳеч бундай армон бўлмас яқти дунёда,
Алам кўрдим, аламлардан зиёда,
Қарчиғай учқурдир, бизлар пиёда,
Соҳиб чангал шу шунқорни кўрдингми?

Дангасанинг эли, асли ота-бобоси туркман эди. Хиромони олиб кетаётганда қувончидан териси кўйлагига сиғмай, билаги енгига сиғмай, самовархонада гап бериб ўтирган эди. Дангаса подшога қараб бир сўз айтиб турибди:

Эл юртга туман қилма юзингди,
Кўк каптар деганинг нозли қизингди(р).
Шу шунқор деганинг бол Авазингди(р),
Ҳеч ўлмасин Аваз туркман боласи!

Аваз шунқор олиб кетди қизингди,
Сарғайтириб сенинг қизил тарзингди,
Қасд қилса олади эли тузингди,
Шу каптар деганинг ёлғиз қизингди(р).

Шунқорман деб мақтанмагин султоним,
Аваз йўлбарс бузиб кетди изингди!
Хиромонжон сенинг бир ёлғизингди.
Уйнатиб-ку олиб ўтди Авазхон.

Қулоқ солгин, Дангасанинг тилига,
Қизинг тушди қарчиғайнинг қўлига:

Борсанг кўрарсан-да Чамбил элига.
Қизинг тушган бир бургутнинг кўлига.

Шунда подшо: «Токи армон сонсиз лашкаримни йиғиб туркманнинг элини ебир-есир қилмасам; тим кўрғонларининг барини, (бузмасам) сонсиз лашкарим карнайин тортиб, сиёсатим тоғ тошни нуратиб чош ғалвирдан Чамбилни элатиб, ўғлон-ушоғини қўймай йиғлатиб, ўлжаликка ўғли-қизин ҳайдатиб, баъзиларин чўри ҳам қул этиб, қул бозоримга чиқартиб, баъзисини сотиб, деҳқонбойлар юрсин уриб ишлатиб, авваласи ушлар отлиқлар етиб, қўлимизда ўлар умри битиб, ёр бўлса подшонинг лотиманоти, тўрт минггу тўқсонга бор жуйрик оти, қўлтиғида бордир отим қаноти», деб тўрт юзу тўқсонга шакаман мергандан қарғанинг кўзини урганларни Авазнинг орқасидан буюриб, олис яқиндагини йиғиб: «Уч кундан кейин бизлар ҳам орқангдан тушамиз», деб, тўрт минггу тўқсонга мерганини Авазнинг орқасидан қувишга буйруқ бериб, шуларга дилдорлик кўнғил билан Гардоншоҳ бир сўз айтади:

Чамбилбелдан келиб доғ солди,
Ун еттисига кирган бачча.
Тўрт минг тўқсон отга минган,
Сизлар ҳам бор қарчиғайча.

Кеча-кундуз бирдай қувинг,
Кун чиқиб яна боткунча!
Кечаликка қамчи уринг,
Кун бўзариб чиққунича!

Авазни йўлда ушланглар.
Гўшин қилинғ парча-парча!
Хиромоннинг қўлин бойланглар,
Сабр қилинғлар мен боргунча!

Етмасин нозли ҳавосга,
Опкеп солинғ темир қафасга!
Ботирларим от чопинглар,
Майдон чўлда баланд-пастга!

Ушлаб олсанглар армон қанча?
Урингизлар шу Авазни,
Тулап бўлсин то ўлгунча!

Кета беринг қолмай изидан,
Энг адоғи ўн ойгача!
Орқангиздан лашкар етар,
Бек Авазнинг умри битар,
Сонсиз туркманни ҳайдаб қайтар.
Битмас дилимнинг яраси.

Доғ солди қувбош боласи,
Вайрон қилиб юрт қалъаси(н),
Тўрт минг тўқсонинг от қўйгин.
Изидан асли қолмасин.

Гардон шоҳдир шу ниятим:
Чамбиланинг белига бориб,
Болаларин қилсам етим...
Ўн бир ойлиқ йўлни сўрар,
Балки менинг ҳукуматим.

Гуруллашиб тўрт минггу тўқсон отли, фотиҳани чаппа тортиб, бошлиғи Эрназар от чопмоқликни ўргатиб, отларини қилиб даста, бари бирдай от қўйди, гоҳ баландга, гоҳ пастга. Аваз билан қувалашди, отларини қамчилашди, кечаси билан лаловлашди, айни чошка вақтида Аваз бекка кўзи тушди: «Шу от ўйнатган шум-а, деб бир-бири билан гаплашди. Кўргандир, бу энағар-ку неча урушди, савашди, бир хилининг ранги ўчди, кўринг Авазхон отин тўхтатди. Турган ери баландди. Бир нечасин кўзлаб отди, ҳар ўқида юзи ётди. Саф терилган азаматлар баъзиси отин тўхтатди. Авазхон отидан тушиб, ўзин чўққи тоғ бетига тортди, яқинлашганини қўймай отди. То чўққига келгунича уч мингни бирдай қулатди. Бир минг тўқсонни қолганда кейинига шалдираб қайтди, қувалашиб, сувой отди, Гулгулнинг шаҳрига етди, бир кеча-кундуз ўтди, қўймалашиб, кўп дўржи кишини устидан етди: бир хили дунёдан ўтди. «Кўпимизни ҳам ўлдириб, Авазхон қутулиб кетди», деди. Алқисса, Гардон подшо буларнинг аҳволини кўрди. Гардон қанча лашкарини йиғиб турган эди. Мард деманглар, қочган номардди, мард бўлса отин тўхтатар. Бу буёқда одам йиға берсин. Қорли тоғдан Аваз ўтиб Қўйитирга балки етиб, отининг жиловини тортди. «Орқамдан кўп думров» борса, марднинг шаънига уятди. Алқисса, «Авазнинг иши бекларнинг иши эмас экан, ўғрининг иши экан, кўп душманни орқасидан олиб келибди демасин, кетимни тозалаб, кетай», деб Ғиротини ўтла-

тиб, кийик, какликларни отиб, сихларга тортиб, ўн кун турармиз деб, Хиромон билан ваъда этиб, Тир тоғида кавобга қорни тўйиб, «отамнинг лашкари бесон эди. Қандай бўлар эканмиз?»— деди, Хиромон ўз фижрида. Ботир Авазга қараб, «Сиз подшосиз, мен вазирман» деб, беш калима сўз айтиб тургани:

Бу ерларни дейди, Кўйитир даши,
Гўрўғли отангиз, отамнинг гаши,
Қўлга тушиб оқмасин кўзимнинг ёши!
Бу ердан ҳаққон кетмоқлик яхши.

Бекор тушдингиз мана тоғнинг белига,
Ёмон бўлар тушсам отам қўлига,
Мени етकिлинг қайнатамнинг влига!
Тезлик билан бу ердан кетмоқ яхшироқ.

Отам ҳам талашган номус-орига,
Лашкар тузар Чамбилингнинг шаҳрига,
Отланинг, тушайин Чамбил йўлига,
Кўринмай бу ердан кетмоқ яхшидир!

Минмоқ керак сулув отнинг белига,
Йўлиқмайиқ кўп лашкарнинг мўлига.
Етиб борсак қайнанамнинг қўлига,
Турмайин бу ердан кетмоқ яхшидир.

Ўтиб олсанг мана тоғдан нарига,
Тушмайик икковимиз номард қўлига,
Ҳасрат бўлмасин мендан нозли гулига!
Кўринмай кўзига кетмоқ яхшидир.

Хиромон дер ишқингиз бор юракда,
Мен кўнгил берганман сиздайин бекка,
Ҳеч уринмасак яхши сонсиз бадбахтга,
Ҳозир йўлга тушиб кетмоқ яхшироқ.

Алқисса, Авазхон бир сўз айтиб тургани:

Бўйинг-ку бўйимга бўлди яраша,
Отанг сонсиз лашкар йиғиб келганда,
(Бир тала-тўп) қилсам керак қаддингдан,
Тоғ устидан қил ишимга томоша!

Кетмоқликни фикр қилма андиша,
Икковимиз айладик кайф ила нашъа,
От ўйнатиб мен бир қилич силтайин,
Тоғда туриб, нозим, қилгин томоша!

Менга душман, сонсиз лашкар келгани,
Улар томирингдир, сенга ҳам гаш-а...
Сойи қирда сонсизини қулатай,
Суйгилим урушни қилгин томоша!

Обкетмайман ман сени бир опқочиб,
Ҳам баҳра олганман саҳарлар қучиб,
Пўлат найзамни душманга санчиб,
Уруш қандай бўлар, кўргин ойимча.

Номард одам олмайди қалам қошни,
Ботир қилар тоғ устинда турушни,
Ҳам мендан ўргансин улар савашни,
Сен қила бер тоғ устидан томоша!

Айб бўлар ўтсак тоғнинг белидан.
Майли лашкар келса отанг элидан,
Тирик қолмас ботир Аваз қўлидан,
Аралаш бўлганимда қил томоша?

Отим-ку чуқ десам қочганга етар,
Бир қиличим йигирмасин қулатар.
Чин ботирга йўқдир оламда хатар,
Қўрқма, сен қила бергин кайфи-нашъа!

Бемехнат ишларнинг бўлмас роҳати,
Дуров борса мард бетиде уяти,
Ўғрига атанар Чамбилнинг марди,
Ўйнаб-кула бергин ўн кун тўлгунча!

Сулувнинг ярашар лола-упаси,
Кўринмай кетганинг кўпдир хатоси.
Ҳайф демасин менга Чамбил каттаси,
Қувишмоқни томоша қил, ойимча!

Аваздирман мен бир ўтдайин нарса,
Ҳасдайн элинг лашкари йигилса,

Чўғ оралаб шундайин ҳашакка кирса,
Томоша қиларсан бирови қолса.

Шунда булар бу ерда дилдорлик қилиб, ёта берсин,
ёнди гапни Гардоншоҳдан эшитинг: тўрт минг тўқсонта-
дан бир минг тўқсонтаси қолганини кўриб, пасти-баланд
уч вангуласини ҳам уриб, даста-даста бўлиб жўнай берди.
«Чамбилнинг белига» деб, йиғилган сарбози лашкарлари-
га анжом йиғиб, буйруқ берилаётгани:

Сонсиз лашкар шаҳрима келганлар,
Даста-даста бўлинг ёнди полвонлар,
Қарганинг кўзидан балки урганлар,
Шакаман мергандан қирқинг жўнасин!

Доим душман билан ёнди урушган,
Уқ бўшатиб, душман билан тегишган,
Қумзор ерга гармак қовун экишган
Деҳқон фуқорамдан қирқ минг жўнасин!
Тўкилган чўлларда туркманнинг қони,
Менинг лашкаримнинг ҳеч йўқдир сони.

Етмиш ерда бордир беклик қўргоним,
Ҳар қайсисида бордир сонсиз полвоним,
Мендай шоҳнинг Аваз бўлди душманам,
Қирқ минг бўлсин ҳам навкарим, посбоним!

Олтмишга киргандир Гардоннинг ёши,
Бизга алам солди шунқорнинг иши,
Парчалаб енглар туркманнинг гўши(н),
Қирқ мингта жўнасин ҳам тўпчи боши.

Бир хили бўлсинда тилла пичоқли,
Абзали бўлсин тилла чачоқли.
Бир хили бўлсин йигит гўчоқли,
Йигит гўчоғидан қирқ минг жўнасин!

Бир хили бўлсин ғазали яллали,
Бир хили алвон қизил саллали.
Бир хили хос салла ўраган муллали,
Охун олимлардан қирқ минг жўнасин!

Бир хили кирган етмиш ёшига,
Шундай ғовға тушди юртнинг бошига,

Қирган бўлса, ҳаркас ўн етти ёшига,
Ўн етти ёшидан қирқ минг жўнасин!

Тайёр қинглар, яна олтамиш яшарди!
Бир жам қилинглар, ўн олти яшарди,
Буйруқ берган Гардон шоҳ аждаҳорди,
Маст баччадан тагин қирқ минг жўнасин!

Қатор-қатор бўлиб шаҳардан аскарининг чиққанига
уч кеча-кундуз бўлди. Олдинги чиққани кетди. Шаҳар-
нинг дарвозаси жийналиб қолди. Шаҳарнинг бўсағасини
пулдай этти. Тўрт тош йўлни одам тутди. Тўпор-тўпор
машқин этди. Нишон қўйиб, нишон отди. Жўнаганда қа-
тор бўлиб, бирдай қадамин бўшатди. Подшолик иш сал-
танатди, сурнай нағорасини тортиб, тўққиз кунда борди
етиб. Соғи-сўлин илғор тутиб, тоғ устида кўриб Гиротти,
Авазнинг атрофин тутиб, сонсиз лашкар шундай етди,
ярим оқшом бўлган чоғи атрофидан тўпин қуриб, нишо-
нага балки тортди. Беш минг марта тўп бўшатди, учминг
жазойил бўшатди, чувуллашиб, гала душман тўпи тоғни
гумбурлатди, эрта билан тонг отди, отасининг лашкарига
кўзи тушиб (Гулхиромон). «Тура кенг», деб Аваз мар-
дини уйғотди. Шунда Авазхонга қараб Хиромон бир сўз
айтяпти:

Гунчаликда гулим сўлди,
Хазон бўлиб куним тўлди.
Тура кенг, тўрам, на бўлди,
Сой-қир лашкарга тўлди?

Лашкарининг йўқдир сони...
Ораликда якка қолдинг,
Туринг, Чамбилнинг полвони,
Душман сонсиз келиб қолди!

Тўлибди тоғлар дараси,
Ургилсин-да жуфти-поси,
Туринг, Гўрўғли боласи,
Лашкар тоққа тўлиб қолди!

Туринг, бедов белига минайлик!
Икковимизни қутқазарми,

Бугун қиёмат гап бўлди,
Отам кўзи менга чап бўлди;
Кўринмай кетмоқ, боп бўлди,
Туринг, Чамбилнинг тўраси.

Отга солинг тилла эгар,
Бу ерда йўқ сизга сингил-нигор,
Асрасин парвардигор,
Душман ҳайла, саф-саф бўлди.

Жон чучи¹ ерга битур,
Бўлаёзди хавфи-хатар,
Яқин қолди, бизларни отар,
От қутқазиб, минсак кетар.

Каклик гўшти бўлди заҳар,
Қочган омон-эсон кетар.
Хиромон, нозинг йиғлайди,
Аҳвол кунимиз бўлди баттар.

Авазхон бегизотди, эгарлади Гиротти, совут-қалқони-
ни кийиб, от устига олди жасатти. Бир-икки қамчига тут-
ди, отнинг жон-жонидан ўтди. Отини алвой ўйнатиб, бов
қамчинин билакка солиб, ёридин оқ фотиҳа тилаб, тўхта-
ган жойидир:

Кўзим тушди кўп қалмоққа,
Фурсат қолмади турмоққа,
Қирғин берай бу бадбахтга,
Жавоб бер, гулюзли, ёвга бораман!

Уз элимда маст бўп юрган тўраман,
Тақдирда на қисмат бўлса кўраман,
Куним битса уйда ҳам-ку ўламан,
Жавоб бер, дилбарим, ёвга бораман!

Ихтиёрим яратганнинг қўлида,
Қайтиб келсам ўйнашиб-куламан.
Улар сонсиз, мен бир якка боламан,
Жавоб бер, таваккал ҳаққа қиламан!

¹ Сучук.

Мен бир ёлғиз, улар беҳад кўп киши,
Қузғунга емишдир душмanning гўшти!
Гул юзли, оқмасин кўзингнинг ёши,
Жавоб бергин, мен душманга бораман!

Аваз отим, (ўзим) ўн етти яшар,
Ёвни кўрган сайин гайратим тошар,
Ёвдан кўрқмас ботир ёринг минг яшар,
Рухсат бергин, энди ёвга борайин!

Алқисса, Хиромоной отнинг жilовига тармашиб, бир сўз айтиб тургани:

Ёлғиз ёримга қайтиб жавоб берайин,
Сиздан илгарироқ ўзим борайин.
Ёмонлигингиз кўрмай ўзим ўлайин,
Синашган ёв урушмоққа яхшидир.

Кўзим қиймас сиздай жуфт йўлдошимни,
Бегижон, тўқдирманг кўздан ёшимни!
Сиздан олдин мен берайин бошимни,
Синашган ёв урушмоққа яхшидир.

Мен тушмайин энди золим қўлига,
Қайси юзим билан борарман Гулгул элига?
Мени миндиринг-да Гирнинг белига,
Синашган ёв урушмоққа яхшидир.

Ёр қилиб ётдим сиздай тўрам қўйнида,
Ёринг ўласин, бегзод қолсин кейнида,
Мен садага ўлсам энди майлига,
Синашган ёв отишмоққа яхшидир.

От ўйнатиб кўрай қариндошимни,
Душман билан кўринг қувалашимни,
Сиздан илгари берсам лозим бошимни,
Синашган ёв отишмоққа яхшидир.

Қаддингдан ўргилай мендайин ночор,
Борай десангиз, бошим кесинг муқаррар,
Мен учун бўлдингиз ёвга гирифтор,
Сиздан илгари ўлай мендайин муштипар!

Гулихиромон дейди менинг отимни,
Қабул қилинг, дейди, маслаҳатимни.
Сиздан илгари мен ўлайин, бегижон,
Қарға-қузғун есин гулдай этимни!

Алқисса, Авазхон: «Ҳе, сенинг бўйла сўзларинг биз-
нинг қонунга асло тўғри келмайди» деб, ёрига қараб бир
сўз деб тургани:

Ёв душманлар келганди мени-ку излаб,
Мунча йиғламагин бўтадай бўзлаб!
Бирини бош кесай, ўнини хезлаб.
Холис дуо қилиб турсанг бўлмайми?

Ёлғиздирман инонгин менинг меҳнатим,
Етар келган ёвга менинг қудратим;
Ота ўлса фарзанд қолмайми етим,
Чин дуода йўқлаб турсанг бўмайми?

Сен билан бир ёстиққа қўйдим бошимни,
Эгам зиёд қилсин умри ёшимни!
Обло берган ақлимни, ҳушимни
Сен кўргин бугун қон тўкишимни!
Бўйла ишдан таълим олсанг бўмайми?

Узилмаса тоза гуллар сўлами?
Ажал етса паймонаки тўлами?
Мана ёвни зўр демагин, гул юзли,
Аваз ботир ёвдан қўрқса келами?

Хиромон хафалик бағрига етиб, ўн бир қатор кўзининг
ёши кетиб, йиғлаб қўлини қўлига этиб, кўзи қиймай, ёлғиз
қарчиғайини жўнатиб, ўтган ботир кишиларни ёд этиб, бир
сўз айтгани:

Қабо фалак айланади юз алвон,
Шикастамен кўнглимга солманг армон,
Қайнатамнинг оти бетил-безабон,
Мусофир ёримни сенга топширдим.

Мен отингдан бўлай ҳазрати полвон,
Туғингнинг тагида сонсиз кўп карвон,
Таноби ипакдан, чотиринг алвон,
Мусофир ёримни сизга топширдим!

Хиромон дер сизларга тутдим юзимни,
Ешлик қилманг менинг наркас кўзимни,
Мусофирни қўлламоқлик лозимди (р),
Якка ёримди сизларга топширдим.

Хиромон кўлини бетига тортди, кейинидан йиғлаб қолди мартти¹. Шунда Авазхон душман аҳлига кўриниб, тулпорни неча алвонда ўйнатиб, душманларга қараб, бир сўз айтгани:

Бўлганман Чамбил, Чартоқда,
Талаб қилганларинг бўлса,
Бир ёлғизи турибман бекка.
Кел-е эрлар берироққа!

Сенлар кўпсан, мен бир якка,
Ёлғизлик ярашар ҳаққа,
Кўнглинг бўлса савашмоққа,
Келгин эрлар, якка-якка!

Саваш бўлар мана тоққа,
Ғулғула кетсин фалакка.
Кўнглингиз бўлса отишмоққа.
Мард бўлсанг кел, якка-якка!

Кушандангга бўлдинг дучор,
Дуо қилди бизни ночор,
Мард туриб номард қочар,
Кела бергин урушмоққа!

Бўлсин алпнинг саваши,
Бизда бордир кимнинг иши?
Кесилсин номарднинг боши,
Қўрқсанг келгин, ўн-ўн киши!

Мард майдонга чиқди билгин,
Биттанг қолмай баринг ўлгин!
Унта қўрққан бўлсанг гаври,
Қирқ-эллигинг бирдан келгин!

Тоғ булбули ёйди писта,
Урушмоққа ўзим уста.

¹ Марднинг.

Эрлигинга қўрққан бўлсанг,
Балки келгин юзта-юзта!

Мен Авазман, пухта билгин,
Атрофим душман билан тўлган,
Юзтанг бўлса тўпар-тўпар,
Мингта-мингта ёвлик келгин!

Мард гапини билиб сўзлар,
Душман кўрса мард хезлар.
Номард қочар йўлин кўзлар,
Ёппа ёвлик кела бергин!

Хурсанд бўлсин бизнинг ойим,
Ёвдан қўрқмас менинг ройим.
Савашгандан сўнгра билгин!

Бўлмас кўнгилда тилагинг,
Қўрқоқсан, йўқдир юрагинг.
Ёвга тўлган қири-тоғинг,
Баринг бирдай ёппа келгин!

Аваз сўзин тамом қилиб, душман билан аралашгани:

Улар ҳам шовқин солишди,
Аваз етиб аралашди.
Кўлида дастгир қиличди,
«Пирим» деб кесди бошди.
Олдига ҳар ким дучор бўлса,
Бошин кесди қари-ёшди.
Атрофидан ўққа тутди,
Кўкрагидан кўзлаб мардди.
Оти ёмон ҳунармандди;
Келган ўққа қилди радди.
Ўқ тизилаб келган вақтда,
Тўрғайдайин писиб ётди.
Ўқдан энди асрар оти.
Устидаги валлакатди(н),
Баъзилари ўқ-ёйин тортди,
Манглайдан кўзлаб отди.
Ун бир газ оти диркиллаб.
Ёвнинг ўқи тагидан ўтди.
Улар ҳам бостириб келди,

Дочин ютагандай бўлиб,
Авазхон бир ёқдан қийратди,
Терак бутагандай бўлиб,
От ариллаб оғзин очди,
Душман беҳад ўқин сочди.
От ўзидан ажратмайди,
Сирагина ақли-ҳушди,
Ўқни асло тегизмади,

Урушда ботир билмайди,
Қилаверди-ку савашни.
Ҳеч билмади кундуз кечни.
Кечаликка лаловлашиб,
Тоғнинг камарига қочди.
Кўйма деб-ку Аваз этди,
Боғ бугдойдай питиратди.
Сонсиз душманни қийратди;
Кўрдингларми Аваз мартни,
Ўйнатади тулпор отни?
Даста-дастасига этди.
Қоронгида чилпиб ўтди,
Улар тилай берди лаловлашиб,
Ботирдан уч кун муҳлатни.
Кечасидан-ку тонг отди.
Уйқулар қавоққа қотди.
Ҳосият пар ёдига ўтди.
Оқ парни отига суртди,
Кўк парни манглайига этди.
Хоннинг оти ҳосиятди¹,

Унда кўпдир кароматти.
Сурати шундай бўлди,
Билинглар Аваз мартди.
Оқ пар отин чўммоқ этди,
Дўржисига оралаб кетди.

Уч кеча-кундуз бўлиб,
Душманнинг айрит қилмоққа,
Қилич анжомини ташлаб,
Авазга хатин кўрсатди.

¹ Ҳосиятга эди.

Авазхон отин тўхтатди.
Ер-жонони ёдига ўтиб,
«Берсам берай» деб муҳлатти.
Қайтишида чуқур сойдан,
Отин тиззаси қонга ботиб,
Тоғни тузларин ахтариб,
Ёрин олдига қайтди.

Алқисса, бир баланд Оқтош чўққи панасинда, ёри учун неча ғам ҳасратда турган, паризотнинг кўзи тушиб, қўлини бағрига тортиб, хурсандлик дилига ўтиб, ёрининг олдига чиқиб, отнинг жилочидан ушлаб, хурсандлик билан оти билан ёрига қойил бўлиб, бир сўз дегани:

Ҳорманг, Чамбил аждаҳори,
Қаддидан ўргилсин ёри,
Хунармандди қайнатам таковори.
Тирноғингни қўйма тошга,
Оёқ қўйгин кўксим сари.
Кўтарсам лозимди бошга.
Оёғингни қўйма тошга,
Тўрт оёғинг бирдай ташла,

Омон келди мард-ку ёри;
Хурсанд бўлди мендай ёри.
Оёғингни қўймай ерга,
Кўй оёғинг кўксим сари!
Менинг ёрим шағалмасди,
Душманлар ўлдирмоқ қасди,
Боврим сари тортиб отти,
Кўринг бу ақлдор отти.
Бир оёғини узатди,
Тўрттовин ҳам тўшимга деб,
Хиромон кўз ёшин артди.

Алқисса, Авазхон айтди: «Ақлдор отим сўзингга тушуниб, бир оёғини қўйди кўксингга. Сенинг гапинг икки бўлмасин деб». Гулихиромон отининг отлигига, ёрининг эрлигига қойил бўлиб, қулочин ёзиб, Авазнинг белидан қучоқлаб, чин ўзини дадил сақлаб, Авазхонни ўзига лозимдин лозим кўриб, Хиромон парвона бўлиб, уч кундан бери турувди, лайли девона бўлиб, Авазхоннинг бетидан бўса олиб, мард бўлиб бағрига тортишин кўринг:

Қойил бўлиб ёлғиз ёрин ишига,
Меҳридан кулиб қараб қошига,
Хурсанд бўлиб қордай тўшига,
Бек Авазни энди энгишин кўринг!

Боқиб қараб бек Авазнинг юзига,
Хиромон ошиқдир қаро кўзига,
Авазхонни қўндириб ўнг тизига,
Бу нозликда, энди кулишин кўринг!

Дол бўйингдан мендай ёринг садаға,
Жасадимда жоним сизга фидоға,
Питирлаб кўп мурда қолди дарада,
Ёрининг мардлигин билишин кўринг!

Бир ошиқман кўнглимда йўқ губорим,
Тасаддиқ бўйингдан, бўлсин бу ёринг.
Ёдингга тушмайми мазгил диёринг,
Майдонда ёримни энгишин кўринг!

Бир мард билан доим ҳамро бўлсанг-да,
Олдига солиб сонсиз душманни
Эгам омон қилсин жасатда жонни,
Сонсизин ёрнинг қувишин кўринг!

Эгам мадад берса доим бу ёрга,
Борса қирғин солар ғайри шаҳарга.
Душман лошин уйиб доим камарга,
Устидан отининг ҳайдашин кўринг!

Хиромондай қойил бўлди қора соч.
Бизлар соғ-саломат борсак Чортоққа,
Шоҳи кўрга тагида олиб қучоққа,
Бизи билан кайф-сафо суришин кўринг!

Алқисса, Авазхон яна кийик алқорин ортиб, кайф-сафо қилиб ёта берсин, энди бир гапни Гардоншоҳ тарафидан эшитинг:

«Бу энағар, ёмон Гўрўғлининг куллан фирибини ўрганган экан, иккам эллик ҳийласи бор, етмиш икки фириби бор, қувбош Гўрўғлининг боласи уч ёвни устига ўтиб,

келадирган уч ерда дараси бор, уч келадиган йўлига ҳам лаҳм қазинглар! Уч юзтадан уч лаҳмга тўққиз юз мергани қўйинглар! Қайси йўлдан келса бепарво келар, отинглар!» деб тўққиз юз кишини Авазнинг йўлига пистирма қилиб қўйди. Улар ётмоқлик билан бўла берсин. Буларнинг мақсади шу лаҳм қаздириб, Авазнинг йўлини хатарли қилиб қўймоқчи эди. Муҳлат тилаганининг файзи шу эди.

Алқисса, эртан уч кун тўлади, деган кечаси Хиромон намоз вақтида бир туш кўрди. Тушида от миниб, овчи бўлиб, ўнг қўлидан қарчиғайни учирди. Қарчиғай тилла жиғали қуши кўп қаргага аралашиб, сонсиз қарганинг ичида бол паридин айрилиб йиқилди. Хиромон қўлига қилич олиб, қарчиғай қушини чўқтирмай, атрофини қўриқлаб юрибди. Қўрқиб, ўрндан турсаким, туши экан. Бу тушининг таъбирини Хиромон кўп ўйлади. «Магар қаргалар душмандир, қарчиғай магар ёрим бўлмаса...» деб, ёрини уйқусидан уйғотиб, «ёмон бир туш кўрибман, тўражон» деб, кабобин олдига тортиб, Авазнинг дийдорига қараб, Гулихиромон кўрган тушидаги савдони бир-бир баён қилгани:

Мен айтай, тушимни йўринг!..
Икки ҳушрўй бир-бирига боб бўлди,
Ҳаволар беғубор бўлди, соф бўлди.
Бугун борманг, урушга-ку, тўражон,
Ҳақиқат айтсам юлдузингиз чап бўлди.

Мен бўлибман овчи, элда бир сайёд,
Ургулсам бошингдан мендай сиёсат.
Учирдим бир лочин толпинганимни,
Бугун борманг, юлдузингиз чап бўлди!

Илоё келсин-да ботирнинг кишти,
Қаргалар йиқитди қарчиғай қушди.
Васлини ўйласам кўп мушкул ишди,
Борманг, бугун юлдузингиз чапга учди!

Бол-ку паридан энди айрилиб,
Қип-қизил гўшт бўлиб ерларга тушди.
Гирдидан айланиб мендай ёрингиз,
Эгаси мен бўлдим йиқилган қушди.

Шундай тушни Гулихиромон кўрама?
Раҳим этиб йиғлайман сиздай тўрама.
Душманлар беўй меҳнат қилама,
Сабр айла, ёрим, бугун ёвга йўлама?!

Шунда Авазхон отини эгарлаб, уруш аслаҳасини олиб
ёрига бир сўз дегани:

Мен саломат, нозим, бунча йиғлама!
Ҳеч беҳуда йиғлаганинг бўлама?
Худодин беамр чибин ўлама?
Бунча ғамгин бўлма ўйнаб келаман!

Улар кўп деб, кўп ҳавотир қилмагин,
Душманининг қўлидан бир иш келами?!
Бугун муҳлатига унинг бормасак,
Сонсиз ёв ахтариб бизни келами?

Эр йигитнинг, ёрим, гапи бир бўлур,
Ваъда қилиб писиб қолсам бўлама?
Ҳеч қарға ҳам қарчиғайни олама?
Қон йиғлайсан олов солиб танама,

На гап бўлди сендай дилбар санама?
Гўрўглин Ғироти тагимда турса,
Ҳеч мени-ку душман ушлаб олама,
Ботир киши ҳеч бир қўрқоқ бўлама?

Тушидан йиғлаган, иби, қадингдан,
Хурсанд бўлиб ўнгида-ку кулама?
Мен учун, танинг ингратиб...
Туновгидай насиб бўлса келаман.

Улар ҳасдир, мен эса чўғ бўламан,
Олов олса қолмас ҳаснинг биттаси.
Отига топширган марднинг отаси,
Ё элатдошингга раҳминг келама?

Оламда ҳақ қилган бўлса зўравор,
Ўзи қилди полвонларни эйтибор.
Аваз дейди менинг ўзим аждаҳор,
Аждаҳорга қарға чангал солама?

Алқисса, Хиромон тушидан кўрқиб, «бул тушим кўп хавфли савдо бўлди» деб, зор-зор йиғлаб, ўн бир қатор ёши оқча юзига мунчоқдай тизилиб, ёрини кўзи қиймай бағри эзилиб, ноилождан ёрига қараб йиғлаб, бир сўз айтиб тургани:

Инграниб йиғлайман тоғнинг белида,
Мард банди бўлмасин номард қўлига.
На бўларин билмай ёрим жўнади,
Ҳеч хатар бўлмасин Гўрўғли улига!

Бизга боқмай минди отнинг белига,
Борсак аъло эди Чамбил элига.
Бул урушдан аъло эди бизларга,
Борсак яхши эди Ёвмит элига.

Тўрам ёлғиз борар сонсиз олдига,
Ўзинг лутф эт бир ботир улига,
Ҳарчи тушмасин-да душман қўлига.
Борсак аъло эди Ёвмит элига.

Алқисса, уч пистирмадан, Авазнинг келишидан хабардор эди (душманлар). Гардоншоҳ амир этиб, Авазнинг келар йўлига кўз тутиб, ҳа, энағарни олсайдик отиб, отини ўлжалikka олиб, Хиромоннинг кўрмаган ишларини кўрсатиб, сочинин тақимга босиб, Аваз билан ўйнаб, кулганларини, чучук нозли баданини қамчига тутиб, пиёда Ғулғулга олиб кетардик. Хиромон элни шарманда қилган. Хиромоннинг шармандасини тортар эдик.

Бир шунинг дастидан қанча кишининг қони тўкилди. Балки гапимизга кирмаса, Хиромонни ҳам отар эдик, (дейишарди, душманлар). Ушбу мерганлар маслаҳат устида турган чоғида Авазхон олдинги лаҳмга етиб қолди. Шунда мерган бошлиқлари ўз кишиларига Авазни кўрсатиб, буйруқ бериб тургани:

Юлдузни кўзлайди минган ҳайвони,
Мардликка қойилдир жаҳон айвони,
Ҳушёр бўлинг, турган энди мерганлар,
Келаётган подшоҳимнинг душмани!

Отган ўққа бедов от рад қилур,
Иш зўрайса Чамбилбелга хат қилур,

Якка ўзи-ку шунчамизни банд қилур,
Хушёр бўнгла, келди душман ўғлони!

Нишонага мерганларим тўртингла!
Баъзинг кўзланг отининг кўкрагидан!
Баъзинг кўзланг отининг манглайдан!
Баъзинг кўзланг марднинг худди тўшидан!

Урингизлар Аваз кетсин хушидан!
Тоғ лочини баҳра олсин гўшидан,
Айиринг, Хиромонжон қалам қошидан!
Сўгин қўрқманг олган юзсиз ёридан!

Рўзи айтар, отинг чапараста шоввозлар!
Келиб қолди душман отли Авазхон,
Бир шаҳарни олар экан бир ўзи,
Бепоеън кетмасин бошлигинг сўзи!—

деб дилдорлиқ берди Рўзи:

Мард Аваз устига етди,
Тўрт хаёл қиб ўқ бўшатди,
Оти ўққа берди пантти;
Душман бирдай ўқ бўшатди.
Неча бир тоғнинг белидан,
Бир тойифа турган мергандан,
Авазхон саломат ўтди.
Икки пистирмада турган
Олти юз ўқин жўнатди.
Кўпига қиб Аваз ратти,
Душманлар бамаслаҳат,
От радига пайҳос етди.
Ўқ баланд борса писиб ётди,
Паст борганда чўпчиб ўтди.
Баъзиси ўн газ баланддан,
Баъзилари кўзлаб отдан,
Баъзилари писса тегар деб,
Ер юзидан кўзлаб отди.
Баъзилари ўн газ баланд,
Баъзилари беш хил қиб ўқин бўшатди.
Тўрт хилига зийрак ҳайвон,
Бор амалини кўрсатди.
От диркиллаб чўпчиганда,

Баланддан иккам ўттиз,
 Авазхонга бирдай етди,
 Баъзиси тегди сонидан,
 Ҳар тарафдан ўқ ботди.
 Айниқса уч ўткир ўқи,
 Авазнинг тўшига етди.
 Совутини тешиб ўтди.
 Авазхон ҳушидан кетиб,
 От ёлига бирдай ётди.
 Ўқ текканин ҳайвон билиб,
 Унграниб баланд кишнаб,
 Бошин чайпаб, кўзин ёшлаб,
 Кейинига Фирот қайтди.
 Отинг дейишиб гала душман,
 Урдан чиқишиб шу замон
 Хўп пиёда ўздан кетди.
 Ер олдидан чиққанига,
 Тўрт соат орадан ўтди.
 Отнинг қилган довушини
 Гулихиромон эшитди.

Алқисса, отнинг довушини Гулихиромон эшитиб, уч кеча-кундуз урушган вақтида қайнатамнинг оти бунча кишнаган эмас эди, деб чўққи оқ тошда ёрининг йўлига қаради. Қарасаки, от қуруқ ўзи келаётгандай кўзига кўринди. Гоҳ пастдан, гоҳ баланддан ўрмалаб келаётган аскарга кўзи тушиб, Хиромон тоғнинг белидан сочини ёзиб, Фиротга қараб бир сўз айтгани:

Тўрт соатда от қайтмайди изига,
 Беодам кўринди ночор кўзига,
 На бўлди қайнатамнинг ёлғизига,
 Жондан ортиқ бегижоним найладинг?

Мени ташлаб кетди тоғнинг белига,
 Куяр бўлдим бу ботирнинг хилига.
 Мард тушган ўхшайди номард қўлига:
 Бош эгаси соябоним найладинг?

Жабр бўлган ўхшар марднинг жонига,
 Кўк оти бўялган қирмиз қонига,
 На бўлди ботирнинг ўғлонига?
 Жондан азиз бегижоним найладинг?

Кўп изидан келяпти душмани,
Улай мендайгина севиб олгани,
Кўролмадим яхши ёрнинг даврони(н);
Чучук тилли азаматни найладинг?

Иш келарми бу ночорнинг қўлидан?
Узинг етиб энди торнинг белидан,
Хабар олай ёлғиз ёрнинг ҳолидан,
Кўнгил берган бир ёримни найладинг?

Армондаман то жасадинг кўргунча,
Келган бўлса агар қошида ханжари,
Булар билан қийрашайин ўлгунча!
Ёрим эди ёқти дунё лочини.

Яхши ёр олмасми ёрнинг ўчини?
Шундай кунда тўкар ёри кучини,
Қийратайин гала бу қувғинчини!
Манглайига бойлаб олди сочини.

Хиромонга харом отанинг юрти,
Тирик бўлса, мендай ёрнинг давлати.
На бўлди, сенга қайнатам оти?
Мард топширган ботиримни найладинг?

Кўринди кўзига ёрнинг жасади,
Ҳеч қолмади яхши ёрнинг тоқати.
Мурда янглиғ бул кўзига кўринди,
Кўзига кўринди Чамбилнинг марди.

Алқисса, Хиромон ёрига раҳми келиб, от устидан қу-
чоқлаб, ярадор ерларини кўриб, уюшган қонларини сўриб,
хос салласи билан ярадор ерларини бойлаб қараса, кўп
душман қарулашиб ёшли кўзига кўринди. Хиромон
Авазга термилиб йиғлаб бир сўз дегани:

Мен найлайин яқинлашди душманим?
Йиғлаб қолди тоғ бетида олганинг.
Тўражон, бормикан жасадда жонинг,
Уқраниб йиғлайди минган ҳайвонинг?

Олис ерда қолди шаҳар қўрғонинг,
Ини-оғанг ўз элингда бормиди?

Якка йиғлар мендай қоши камонинг,
Жасатингда борми, тўражон, жонинг?

Кўп ярадор бўпти бу улуғ лошинг,
Қон йиғлайман, сира чиқмас довшинг,
Бормиди элингда қавми-қардошинг?
Жонинг бўлса кўзинг очкин, тўражон!

Тоғ атрофин тутди неча бир ғубор,
Бошингдан айланай мендайин ночор.
Мен учун бўлдингми шундай ярадор?
Биргина кўзингни очгин, аждаҳор!

Ўз элингда яқинингдан киминг бор,
Ини-оғанг бўлса ёрим сўзлагин?!
Хат битайини ўз йўлингга муқаррар,
Арзачи бўлиб олиб борсин таковор.

Хиромон шунча силкитса ҳам ҳуши ўзига келмади, алқисса, Хиромон Авазхоннинг совутини кийиб, сочини бошига туйиб, Авазнинг тўшига қўлини қўйиб қараса, жони борга ўхшайди. Авазхоннинг ғайрат камарини белига бойлаб, Авазнинг ҳам урушга киядиган телпагини кийди.

Авазхон айтган эди: «Оқ парни, кўк парни ҳосияти — бу нисби Чамбилда давлатди, киши ёв зўрлик қилганда кўк парни манглайига сурса, худди душманларнинг ўзига ўхшаб қоларди. Оқ парни Ғиротнинг манглайига сурса, худди душманларнинг отига ўхшаб, чўммоқ бўлиб қолади. (Хиромон бу парларнинг) бировини отга, бировини ўзига суртиб, тайёрланиб, отга қаради. От Хиромоннинг ғайратга келганини билиб, тўқсонда ёққан қордай келиб, Хиромонга тиз букди. Унгача атрофига душманлар яқинлашиб қолган эди. Шунда (Хиромон) отга бир сўз айтиб, душманга от ҳайдагани:

Устингга миндим-ку мендайин ночор,
Ҳеч ўққа қилмагин мени (сен) дучор!
Ёр учун бўлдим бу ёвга гирифтор,
Ҳушёр бўлиб, эзу босар кунингдир.

Эшитгин додимни бетил — безабон,
Устингга минганман мендайин жувон.

Мен келгунча кўзин очсин Авазхон,
Бугун мени хурсанд қилар кунингдир!

Икковимиз кўрдик марднинг ҳолини,
Йўқларам жумла ўтган валини,
Ўзинг билгин, муштипарнинг ҳолини,
Мени букун қўллайдиган кунингдир.

Келиб қолди менинг ёрим душмани,
Урушга бел боғлаб мендай олгани,
Назар қилинг, жамъи ўтган полвони,
Бугун менга мадад берар кунингдир.

Кўзимга қисқадир юрти-жаҳоним,
Кўзин очса хурсанд бўлар олганим.
Ёр йўлга майли тўжилсин қоним,
Кучи мадад берадирган кунингдир.

Чамбилбелда ёрнинг амали додҳо,
Мен ўлсам аълодир никоҳли мардга,
Саломат борсайдинг Чамбил элатга...
Эна бўлсанг ўгли-қизи фарзандга,
Ўзинг етқар бизни улуг ниятга.
Ини-оғаси бўлдим йиқилган мардга,
Бугун менга қувват берар кунингдир.

Хиромон дер кириб ўн саккиз ёшима,
Бўйла мушкул тушди менинг бошима,
От қўйсам керакдир душман гашима,
Душман қойил бўлсин қилган ишима.

Тирик дейишиб Аваз мардди,
Душманлар ўзин тўхтатди.
Чор атрофдан ўққа тутди,
Бунинг фириби зиёдди,
Йиқилди десак саломатди.
Бизларни лаҳмдан чиқариб,
Ҳе, энағар, ҳайло етди,
Олди душман аросатди,
Ўйнатиб дол бедов отти,
Етканин ойм қулатди,
Душманларни изиллатди.
Олай деб ёрининг орини,

Уйнатиб таковорини,
Кесди душманнинг сарини,
Ишин кўринг бу парини(нг).
Талашиб ёрнинг орини,
Олай деб ёрнинг ўчини,
Силтаб ёрнинг қиличини,
Изиллатиб қувяпти.
Сонсиз-ку душман қувгинчини,
Утган душманнинг иззаси,
Қўлида пўлат найзаси,
Гардонхонга қиргин солди,
Майдонда ўзини боласи.
Ботир мард аёлниг сўзи,
Ўзи Гардон шоҳнинг қизи,
Авазхонга меҳр қўйган,
Балки Хиромоннинг ўзи.
Ошиқ киши бўлсин омон:
Кучини тўкиб Хиромон,
Ўзига қилди нолишни,
Ҳеч билмайди кундуз, кечни.
Баайни беш кун пирроз урушди.
Оти ўнчанлаб қон кечди,
Душманларни қийратди.
Турмоқ бир ерда уятди(р),
Аваздан иши зиётди.
Қаратди ўзига элатти.
Чопарасда ўқ отганда,
Оти қилиб ўққа радди,
От сувиб қувгин тортган
Ўқдан омон асрай берди,
Устидаги сиёсатни.
Беш кеча-кундуз бўлганда,
Душманлар тилади муҳлатни.
Ёр аҳволин кўрайин деб,
Дилбарнинг кўнглидан ўтди.
Қабул қилиб Гулихиромон,
Кўнглига гудук бўлиб эди,
Ёрининг у ерда ётгани,
Ёр олдига нозли қайтди,
Ҳарчи унинг ётганига,
Беш кун ародан ўтди.
Ёри ётган тоғ орага
Ахтариб ойимча етди.

Алқисса, Хиромон отдан тушиб, ёрига телмуриб, бойланган ерларини бўшатиб, сийнасида уюпган қонларини сўриб, ҳар ёна отиб, Авазни бағрига тортиб, искаланиб, бетига бетини қўйиб, кўзининг ёши юмма-юмма кетиб, инграниб, ёримдан айрилган ўхшадим деб тиззасига олиб Авазхоннинг бошини, бетоқат бўлиб, гамга тўлиб, Авазхонга йиғлаб, кўнгли вайрон бўлиб, бир сўз айтгани:

Жон-жасаднинг бўлур меҳмони,
Эр кишининг ҳамро бўлур имони.
Қолди мендай бир ночорнинг армони,
Жасадда бормикан севганим жони?

Кишим йўқдир бўйла алам айтгани;
На бўлди сизга бир Чамбил арслони?
Ҳеч бир киши якка гамни тортмасин,
Қандай бўлди ёрни йиғлаб қолгани?!

Ризо эдим аввал олса жонимни,
Бой берган ўхшарам бу полвонимни.
Багишловдим ҳам нафсимни, танимни,
Аъло бўларди мендай санам ўлгани.

Хиромон дер, кўп бўлди менинг гамим;
Ўзин билмай қолди суйиб олганим,
Тоғ арода ман йиғлайман беқарор,
Кетти-ку қўлимдан даври-давроним.

Алқисса, Хиромон мардни бағрига олиб ётди. Эрта билан тонг отди. Чамбилга арзани битиб, отни қашиб, қараб эгарлаб, эгарига арзани бойлаб, отга қараб; «Чамбилга шу номамни етқаргин» деб Ғиротга эланиб, айтган нолайи фиғони:

Қулоқ солгин, мен куйганман, тилима,
Душман ханжар солди менинг дилима,
Шарманда бўлмайин Ғулғул элима,
Бу арзамни Чамбил элига етқаргин!

Эшитаман Чамбилбелдир кўп йироқ,
Бир отинг Ғирдир-ку, бир отинг пироқ.
Ҳеч ночор кўрмасин мендай алам-доғ,
Хат-арзамни Чамбилбелга етқаргин!

Олти кун бўлди йиқилиб қолгани,
Додимни тингла, қайнатам ҳайвони,
Якка йиглаб қолди дегин жонони,
Бу савдони Гўрўғлига билдиргин!

Чамбил борганингча уча бошлагин,
Гўрўғлини кўрсанг ҳам ўқрангин, кишинани,
Гўрўғлига этиб номам ташлагин,
Хабаримни Ёвмит элга еткаргин!

Таралганда тоза гулинг сўлди, де,
Ажал етди, паймонаси тўлди, де,
Ёв орада ёлғиз қўзинг қолди, де,
Шу арзамни қайнанамга еткаргин!

Тинмайин оқади қора кўздан ёш,
Бу кишида ҳам бордир қавм-қариндош.
Тинмай энди етти қорли тоғдан ош,
Шу арзамни зинҳор Чамбил еткаргин!

Қурбон бўлди де, ёри-жонони,
Раҳим айлагин Гўрўғлининг ҳайвони!
Бу тоғда қолмасин ёримнинг тани,
Чамбилнинг эгаси турган мурдани!

Турардан турмасин англадим гумон,
Ўғлим дегани агар энди рост бўлса,
Келиб бўлсин ёлғизига соябон!
Биргалашиб келсин энди Ҳасанжон!

Бу номани қилди дегин Хиромон!
Қирқ йигитнинг дўсти эди Авазхон.
Ор учун келсин қирқта ёрони,
Ҳамма атрофим душманга тўлган.

Гулихиромон ҳайвонни айлантириб, қувалаб, Чамбилга бор деб, рўмоли билан киш-кишлаб, зўр бериб ҳайдади. Ғирот Авазнинг бошидан етти марта айланиб, Авазнинг олдига келиб, тиззасин ерга ташлади. Авазни искалаб, кўзин ёшлади, раҳим этиб, йиғлади, яратгандан тили забон тилади, меҳрибонлик қилиб тили забон ато қилиб Хиромонга қараб, бе Аваз Чамбилга бормайман деб Хиромонни ҳайрон қилиб, бир сўз айтгани:

Раҳмим келиб йиғлайман Чамбил мардига,
Айтмоқ керак севганининг бетига,
Ота меҳрибондир бир фарзандига,
Бе Аваз бормасман Чамбил юртига!

Гўрўгли ишонган мендай отига,
Қорним тўйган емлар билан ўтига,
Бе Аваз бормаيمان Чамбил юртига,
Қайтиб қарайман Гўрўгли эгам бетига?

Қулоқ солгин, назаркарда сўзига,
Бе Аваз бормаيمان Чамбил тузига,
Авазхонни биёбонда мен ташлаб,
Қайтиб қарай бек Авазнинг бетига?

Хафалик савдоси менга ниш урди,
Келиш чоқда Авазхонни топширди.
Ҳамма рози бўйнидаги қарзига,
Мен қаровсиз бўлдим хоннинг юзига.

Ғирот дейди бўйла шулдир нолишим,
Чамбил элга арза оббор дегунча,
Ризоман, кесгин-да жасаддан бошим!
Менга зулм бўлди Чамбил боришим.

Боргин дема, Гўрўглининг отига,
Мен қурбон эгамнинг фарзандига.
Сувоёй эгарим кўтариб, қайтиб бораман,
Қайтиб қарай Оға Юнус бетига?

Хиромон билан от йиғлашиб, айтишиб турган чоғида,
«Авазжон саломат қорли тоғлардан ўтиб кетдими экан?
Бир, икки, уч тоғ беридан хабар олай» деб Фалак момоси,
Фалак қушини миниб келаётганда, сонсиз лашкарни кўриб,
«Авазжон омон-эсон кетдими экан?» деб, икки-уч марта
ёвларнинг устидан айланиб ўтиб, Ғиротга кўзи тушиб
(фалак отининг) чап қулогини бураб ўтлов сойига қўниб,
Ғиротни кўриб, Авазни кўрмай, баландлик тоққа чиқиб,
Авазни ёд қилиб, «Хиромон, Авазжон, бормисан?» деб
қичқиргани турур:

Қатордаги гуркираган нормисан,
Бул изингдан момонг келди сўроқлаб,
Ёв ичинда бол Авазжон бормисан?

Е бўлдингми, ёв тўрига гирифтор?
Уқраниб кишнайди Ғирот жонивор.
Буа изингдан совчи момонг хабардор.
Ёв орада ётган болам бормисан?

Ҳамройинг-ку сенинг Хиромон гулдир,
Қўлга тушган бўлсанг, ишинг мушкулдир.
Отинг кишнаб пора қилди кўнгилни,
Ёв орада бол Авазжон бормисан?

Қайда қолди болам суйдик жононинг?
Кўзимга кўринди якка ҳайвонинг.
Жасадингда борми Авазжон жонинг,
Тоғ орасида Авазжоним бормисан?

Еқти оламини бир кўрмоққа зормисан?
Мен келдим-ку сенинг орқангдан излаб,
Атрофга қарайман бўтадай бўзлаб,
Ёв орада ётган болам бормисан?

Қулоқ солгин Зумрад фалакка,
Ғам тушган ўхшайди Хиромон гўдакка...
Гўрўғлини қўйдингми аламга — доққа,
Келган болам мени энам дермисан?

Аmmo Хиромон момосининг довушини эшитиб, қулочини ёзиб, бир сўз дегани:

Бир лочинман қанотимдан қайрилдим,
Ёмғир ёғмай жана ерда тойрилдим.
Ҳеч ким мендай бахти қаро бўлмасин,
Хоҳлаб теккан ёримдан мен айрилдим.

Кишим йўқдир, теваракка телмирдим,
Ёримни йиқилган вақтида кўрдим.
Ҳеч ким мендай ёшлигида қолмасин!
Севиб теккан тўрамдан мен айрилдим.

Беш кун уруш қилди қизинг Хиромон,
Мен урушда, якка қолди Авазжон.

Сен улингдан, мен ёримдан айрилдим,
Чамбилбеллик султонимдан айрилдим!

Яккаликда кўрдинг момджон бизди,
Ёлғиз ўғлинг йиқилиб бағримни эзди,
Олти кундан бери кўз тутдим сизга,
Хусни яхши бегижондан айрилдим.

Арза битдим Чамбилбели Чортоққа,
Боргин дейман Ғиротига — пироққа!
От тиз букиб йиғлар Авазхон бека,
Дил мадади хурсандликдан айрилдим.

Яккаликдан йиғлаб қолдим зор-зор,
Йиғламай найлайин мендайин ночор,
Беҳисоб душманга бўлди-ку дучор?
Кайфи-сафо, хурсандликдан айрилдим.

Гулихиромон алп янглиғ жасадим,
Кун-кундан зиёда бўлди кулфатим.
Момо, ўлай, ҳеч йўқ сабри-тоқатим,
Жондин аъло ёримдан мен айрилдим.

Алқисса, фалак момо дўстлик меҳрини Авазга ташлаб,
Хиромон билан бирга келиб, Авазни қучоқлаб, бир сўз айт-
гани:

Бармаҳал тушмабман душман изига,
Қийин бўпти Гўрўғлин ёлғизига.
Қон аралаш ёшлар келиб кўзига,
Авазжонни олди бағри тизига.

Ёш болалар ўйнар ўзин даврида,
Кўп кун бўлди ётиб тоғнинг бағрида,
Жонинг бўлса, бўлар энди Авазжон.
Кўтариб об сарин қўйди сарига.

Ёқа олди ҳўл бўб кўзин ёшига,
«Ўзим хабар берай эли-ҳешига!»
Кўрмайсизми бир тутунган энаси,
Айланай деб босиб олди тўшига.

— Ҳеч арзачи қилмагин Ғиротини,
Олган Ғирот Гўрўғлининг пандини,

Бе эга кўрмасди хоннинг бетини,
Момоси минади фалак қушига.

Кўрқма, болам, унинг жони бор, деди,
Хиромонжон бир меҳрли ёр, деди,
Куйган қулга кенг жаҳонлар тор, деди,
Яккаман деб ғамгин бўлма Хиромон!

Бу ёвнинг корини ўзим қиламан,
Атрофига занжир темир қураман.
Чиқолмасин бу қалъадан ҳеч душман,
Чамбилбелга ўзим бориб келаман!

Зумрад патти сарф қилади кучини,
Бу сонсиздан олар унинг ўчини;
Хурсанд бўп қиларсан қучоқ муччини,
Пухта билгин мендаин арзачини!

Аваз болам қирқ йигитнинг зиёди,
Донги кетган, болам жаҳоннинг марди.
Ўн олти ойлик йўлди Чамбилнинг юрти,
Уч кунда етади бу фалак отим.

Сўз эшитгин Зумраддаин айёрдан
Мен келгунча хабардор бўл Хиромон,
Сонсиз лашкар келар Чамбил шаҳардан.

Алқисса, Фалак момо жодугарлиги тутиб, ўн бир исми дуосини ўқиб, ёвнинг ётган еридан бир айланиб ўтди. Утгиз пахса баробари темирдан чамбаракли қалъа қилди. Бор бир айланиб ўтиб, жодугарлик билан пўлат қалъа қилиб, лашкарни қамовга олиб, танобин келтириб, Хиромонжоннинг қўлига бериб, «шу тасмадан хабардор бўлгин, Хиромон. Гоҳ тасмадан, гоҳ Аваздан хабардор бўлиб тургин!» деб, аризани олиб, фалак қушига миниб, «ўзим аризачинг бўлдим садаға» деб, Хиромонга бир сўз айтиб, хурсанд қилиб кетиб борапти:

Момонинг неклигин фарзанди биларсан,
Ҳозир мотам билан қизим, йиғларсан;
Ғамгин бўлма хурсандликни кўрарсан,
Кўп хафа бўлма, ўйнаб куларсан!

Насиб бўлса мен Чамбилга бораман,
Олти кунда қайтиб келсам кўрарсан.
Яккаман деб йиғламагин ойимча,
Чамбилбелда ахир даврон сурарсан!

Қайнанағнинг оти ул Юнусойдир,
Кўрган бўлсанг бу тошлик ғамлик сойни,
Чамбилда кўрасан кабзали уйни,
Ҳозир ғамгин, сўнгра шодмон бўларсан.

Дунёга келган кўрар оҳ билан войди,
Кўҳналардан қолган бу бир саройди,
Умрини тилагин бу қарчиғайди,
Неча бир хизматкор билан чайқалиб юрарсан.

Жаҳонда ҳушрўйсан белларинг ҳипча,
Ғамгин бўлма момонг бориб келгунча!
Омон-эсон турар ётган бекбачча,
Сўнг сочингни қаландари ўрарсан.

Куйган қуллар кўп йиғлайди зори-зор,
Зумрад мастон гапларига қулоқ сол:
Насиб бўлса олти кунда кўрарман дийдор,
Мен келгунча, Хиромонжон, аллаёр.

Миниб фалак қуш отни қулоғини бураб, ўзини эҳтиёт
ётди. Алқисса, уч кеча-кундуз йўл тортиб ярим оқшомда
борди етиб. Чамбил пештоқига фалак отини тираб, шаҳар-
нинг ичига у ёққа бу ёққа қараб, бир ерда чироқнинг ойди-
нини кўриб энгашиб (қаради). Тўрт нашаванд кайф-сафо-
сини қилиб, ҳар хил хаёлда гапиришиб турган чоқда момо
энгашиб, Оға Юнуснинг кўшкисини сўраб, бир сўз
дегани:

Олтин бўлсин нашаванднинг косаси,
Сизларсиз тухми одам ақли расоси.
Мен Гўрўғлининг кулбасини сўрайман,
Қаерда ўтирар Чамбил эгаси?

Менда бордир ёлғизининг белгиси,
Ҳар шаҳарда зиёда нашавандаси.
Бедор ховфлар мен сизлардан сўрайман,
Қаердадир бек Авазнинг энаси?

Сонсиз бўлар бадавлатнинг туяси,
Нори ўлса чиқар карвон чуяси.
Эй акалар, мен сизлардан сўрайман,
Қаерда Ҳасанхон — Аваз акаси?

Баланд-пастлик бўлар тоғлар дараси,
Баданида бордир ўқнинг яраси,
Ётган ери чўққи тоғнинг ораси,
Тирик борми, Чамбилбелнинг эгаси?

Бирўтар тоғида инграб қолганди,
Хиромоной ул Авазнинг жуфтифоси.
Кайф қилиб турган, эй азаматлар,
Қаердадир Оға Юнуснинг ўрдаси?

Арзачидир Зумрад мастон момоси,
Бир ўтарда қолди Аваз танаси.
Туринг, кўрсатинглар, менга кулбаси(н),
Таниб олай бек Авазнинг энасин!

Алқисса, нашавандларнинг бирови момога қараб бир
сўз дегани:

Номозгарда уч тош кетар сояси,
Қайси гўрдан келди бундай момоси?
Учиб кетди асли кайфим ҳаммаси,
Билмайсанми, икки гузардан нарида,

Қирқ газ баланд иморатдан турибди.
Шу ерда-ку Оға Юнуснинг ўрдаси.
Бизар ётган тўрттовимиз ҳам сипойи,
Кўп шовқинга йўқдир уларнинг ройи.

Шу турганнинг кун чиқар томонида,
Шу ерда Гўрўғлининг тахти пойи.
Сўрайсан бизлардан кулба саройни,
Чамбилбелнинг бордир икки қўрғони.

Шу ёқда Ҳасаннинг ўтириш жойи,
Томоша қил гузарларни оралаб.
Мунаққаш иморат бекларнинг жойи,
Чамбилбелда бордир қирқ бешта гузар,
Кўп мунча қилмагин бизларни безор,
Ишинг бўлса бора бергин баччағар.

Алқисса, Оға Юнусга момоси меҳмон бўлиб, тузи на-
макхўрда бўлган эрди. «Нашаванд қургурга гап ёқмайди
экан», деб бурилиб кела-кела баланд жойда икки чироққа
кўзи тушди. «Шу чироқ тагидан ҳам хабар олай» деб,
фалак қуши отини гумрога суяб, қирқ газ кўшкенинг эши-
гига манглайини тираб, мамраб ноз уйқида ётган Оға
Юнусни таниб, киссасидан ариза хатини олиб, ичкарига
қараб, «Оға Юнусжон бормисан?» деб, момоси бир сўз
айтгани:

Таққан гулга ярашар оқ гардонинг,
Тураке, жасадда борми дармонинг?
Бирўтарда яра эди ўғлонинг,
Тура келгин, Оға ойим, бормисан?

Бирўтарда тоғнинг усти туманди,
Фалак отим кўзлар Басар, Яманди.
Авазжонди сенга кўрмоқ гумонди(р),
Тура келгин, Оға қизим, бормисан?

Кўп йил бўлди бир кўрувдим юртингни,
Кўтаргин, жойингдан кўрай қоматингни!
Бой бердинг Авазжон фарзандингни,
Тура келгин, нозли қизим, бормисан?

Оға Юнуснинг канизи, қизлардан ҳушёри Оқ канизи:

— Бефаром келди-қу момонинг сўзи, момо на ишинг
бор қўшқида?— деб, момонинг қошига борди. Оққиз мо-
модан икки оғизгина сўз сўраб турган экан:

Ингранган ўхшайди момом таңаси,
Бу ерлар шоҳимнинг кулбахонаси.
Мана ётган бек Авазнинг энаси,
Дод айлайсан, на ишинг бор, энажон?

Риёкордан оқади кўзнинг жаласи,
Куллан риёкорларнинг ўзинг мулласи.
Бу ётган шоҳимнинг жуфтипоси,
Ишинг бўлса тез гапиргин, моможон!

Билсангиз, омонми юртнинг тўраси,
Бир йил бўлди куйган бунинг димоғи;
Ғулғул элга кетган Аваз гўдаги,
Опкелдингми хон Авазнинг дарағи(н)?

Чор атрофга хўп бўлди-ку сўроғи,
Ҳеч қазон бўлмасин Чамбилнинг боғи.
Кўрган бўлсанг дарагини айт, момо!
Оламда бормикан Аваз чироғи?

Бошида бор салтанатли жиғаси,
Аваз тўрам йигитларнинг оғаси,
Хон Гўрўғли аждаҳоди(р)—отаси.
Жаҳон узра борми, Аваздай боласи?

Оққиз дейди, мен қанизлар сарқори...
Ақлини олганди сувратли пари.
Бе Аваз чўл бўлди Чамбилнинг шаҳри,
Ё сизда борми, Авазхоннинг хабари?

Алқисса, момоси арзани Оққизнинг қўлига бериб, «Гуч
лихиромон олганининг битган арзаси турур. Уқиб, бўйла
савдони биларсизлар. Ҳарчи тез тарадди қилсин, Чамбил
нинг шоҳи», деб момо бир сўз дегани:

Совчи бўлдим икковига данакор,
Элчи-совчи бўлмайдиқан гуноҳқор.
Тезлик билан борсин Гўрўғли аждаҳор,
Мана бу ёри берган нома бор!

Тирик бўлса агар, шоҳнинг давлати,
Арза опкелмади хонингнинг оти.
Эшитиб момонгни қолмади тоқати,
Бер парига ўқиб кўрсин, нома бор!

Хабарчиман мен бу ердан кетаман
Олти кунлик мен ваъдама етаман.
Хон бормаса ўзим якка қайтаман,
Аза кўрган хон Авазнинг танаси

Аҳволига оқди кўзнинг жаласи,
Аваз эрди Ёвмит элнинг доноси.
Уйғотиб бер (буни) ойим қўлига,
Ўқиб билсин оқ сут берган онаси.

Бир тутинган бўвдим¹ унинг энаси,
Бе Аваз чўл бўлур Чамбил қалъаси.

¹ Бўлиб эдим.

Номаси бер, Оға Юнуснинг қўлига,
Қаттиқ кунда қолган Чамбил тўраси.

Қомат боши бек Авазнинг бузилган,
Иккам ўттиз ўқ текканда йиқилган.
Мен кетаман бергин Юнус қўлига,
Етиб борсин Бирўтарнинг чўлига!

Ўнг тиззамга Аваз бошин ташлади,
Гапиролмай хумор кўзни ёшлади,
«Борайинми отанга?» деб сўз қотдим.
Тез тушсин Гўрўғли Бирўтарнинг чўлига.

Оралиқда олис чўли биёбон,
Мен кетаман якка қолди Хиромон.
Бир ўтарни кўрса кўзлаб борсин Ҳасанхон!
Шулардан кўп умид қилди Хиромон.

Алқисса, саҳаргача ишини битказиб, фалак қушининг
ойдин чироғин ёқиб, осмонга кўтарилиб кетди Фалак момо.
Чамбилнинг кети ойдинлик тутиб, алқисса, Оққиз бу шуъ-
лага қараб қолди. Юлдуз учгандай бўлиб, шуъласи кўрин-
май кетгунча термилиб, сўнгра ўнгимми, ё тушимми деб
берган қоғози Оққизнинг ёдига тушиб, «Бир шум арза
келди, бувижон», деб, Оға Юнуснинг қўлига берди. Ойдин-
ликка тортиб қоғозни кўрса, Хиромоннинг оти битилган,
«ўғлимнинг истаб кетган ёрининг номасига ўхшайди, жа-
ҳонда ўғлим тирик бўлса хат арзаси бутундир, ўлган бўл-
са, бир тарафи йиртиқдир, албатта» деб, хат арзанинг
липпопосини тортиб, хатини ўқиб кўрса, «Аваз иккам ўт-
тиз яра еган, ўлганлиги ҳам, тириклиги ҳам номаълум»,
Авазни ўлганга менгзаб, Бирўтар тоғда қолганга менгзаб,
сочини юлиб, гулдай юзини тирноқлаб сўйиб, нола қилиб,
Гўрўғлининг давлатхонасига бораётгани:

Ҳеч бешоён чиқмас эди кўчага,
Энадайин раҳбар борми барчага,
Кўрмайсизми, оқ сут берган энаси,
Во боламлиб чиқа берди кўчага.

Кўйини тўлди кўздан оққан жалага,
Ҳеч энадай раҳбар йўқдир болага,

Кўрмайсизми, меҳр қўйган энаси,
Сочин ёйиб чиқа берди далага.

Қийин, мушкул бўлди деб шаҳар орага,
Халқ эшитса йиғлар Аваз тўрага.
Сочин ёйиб бир муштипар энаси
Дарвозадан йиғлаб чиқди далага.

«Кўрдингми» деб қараб юлдузи — ойга,
Маълум қилай беклари сипойига,
Оқ сут берган бир каъбадор энаси,
«Боламлаб» борди шоҳнинг тахти пойига.

Ер тепиниб хумор кўзни ёшлади,
«Қароқчи» деб чапак чала бошлади.
Кўрмайсизми, бир сиёсар энаси,
«Авазжон», деб тахтга кира бошлади.

Оға Юнус дейди шоҳнинг дилбари,
Бекларни уйғотди бу қилган зори.
«Аваз» деди Ёвмит элнинг шунқори,
Айрилдим деб сочин юла бошлади.

Ҳасанхон эшитиб энасининг нолишини, «бировга биров зиёдагарчилик қилибдими десам, Оға Юнус энамнинг довушига ўхшайди, ё Авазжон укамдан бир хабар бўлдимми экан, ё сафар қилган укам келдимми экан?», деб Оға Юнуснинг қошига Ҳасанхон чиқиб қараса, уч канизи билан Оға Юнуснинг ёқаси йиртилган, сочи ёйилиб, бетига чиммат бўлган, оқча юзини қон этиб, Авазнинг отини айтиб, фиғон этиб, неча Авазни йўқлаб, кўнгли бузилиб, «Авазжон» деган довушини эшитиб, Оға Юнуснинг олдига келиб аҳвол сўрагани турур:

Бу на савдо, мандай ўғлинг билмади?..
Сиз йиғлайсиз, менда тоқат қолмади.
Бир йил тўлди Аваз укам келмади,
Осон қилгин бўйла ҳолинг на бўлди?

Аҳволингиз кўрдим бу куни ёмон,
На сабабдан қилдинг нолайи фиғон?
Бормикан жаҳонда Авазбек омон,
Тез суйлагин дейман раҳбар, энажон?!

Сочинг ёйиб, кўзда ёшинг тизилган,
Сизни кўриб, менинг кўнглим бузилган.
На бўлди сўйлагин, эна, меҳрибон,
Осон қилинг, ё келдими, Авазжон?

Салтанатда мен салламини ўрайин,
Бўйла аҳволингни сиздан сўрайин.
Бир гап бўлса мен изидан борайин...
На сабабдан қон йиғлайсиз, энажон?

Ҳасанхон дер, эна, эшитгин додим,
Авазхондан бир хат хабари келса,
Учар эдим мавлон берса қанотим,
Айтинг, эна, ҳеч қолмади фурсатим!

Оға Юнус «Ҳасанжон» деб қучоқлаб, бир соатдан кейин ўзини дадил сақлаб, Авазининг хати арзаси юзасидан бир-бир баён қилиб, Ҳасаннинг юзига термулиб, бир сўз айтгани:

Гул юзингга фарзандим деб термулдим,
Мен укангнинг ёмон хабарин билдим.
Мен йиғламай ким йиғласин, Ҳасанжон,
Бир талпинган шунқоримдан айрилдим.

Савдо солди менга яратган карим,
Бу кулбада борми қариган ёрим?
Кўзим ёшлаб, қора сочим юламан,
Бой бердим, Ҳасанжон, қўзи қўчқорим.

Дунёда ёмон савдо ўлимди(р),
Қора қон жойлади менинг дилимни.
Чапак чалиб дод айламай найлайин?
Мен бой бердим болдир Аваз улимни.

Севиб олган ёри қилибди номаси,
Олиб келди, арза айёр, момоси.
Бир ўтарда қопти шўрнинг мурдаси,
Бир суянган мен қиримдан айрилдим.

Шу сабабдан куйди энанг димоғи,
Сабил қолди қилган боғи-чарвоғи.
Ғайрат қилгин, мингин отнинг белига,
Тоғ арода қоб кетмасин суяги!

У хатида асли йўқдир ғалати,
Фарзанд бўлар эна-отанинг қуввати.
Боргин болам, Гўрўғлини уйғотгин,
Уят бўлар тоғда қолса жасади!
Оти кишнар эмиш кўзини ёшлаб,
Боргин деб арзани отга бойласа,
Келмабди Авазни бир якка ташлаб.
Айткин, тура келсин, Чамбилнинг марди!

Оға Юнус дейди дили яраман,
Аваз учун мен Чамбилда юраман.
Борар-бормасингни айрит айлагин,
Авазни ахтариб ўзим бораман!

Алқисса, Ҳасанхон Гўрўғлининг қошига кириб, Султон
Гўрўғлини уйғотди. Гўрўғли уйғониб қарасаки, бир шум
товуш қулогига етиб: «Нима шовқин бор?» деб Ҳасанхон-
дан бир сўз сўрагани:

Дол бўйингдан мендай отанг садаға,
Душман босиб кирдимиз шаҳар орага?
Бу қандай товуш эди, жонларим,
Ҳеч гап бўлмасин-да Аваз тўрага?

Бу бемаҳал Аваз кирди тушима;
Авазжоннинг ҳоли ёмон кўринди.
Қариганда гавго тушди бошим,
Бу қандайин шовқин бўлди, жонларим?

Авазжонни бовраб олдим тўшима...
Йиғлаган ким турур мотамин тутиб?
Танамга ўт солди, нолиши етиб,
Бу қандай ғам-ҳасрат энди, жонларим?

Бир киши ўлганми ажали етиб?
У кимдир йиғлаган кўз ёши этиб?
Ким учун йиғлайди мотамин тутиб?
Йиғлаганни кўринг, энди, жонларим!

Йиғлаган товуши бағримдан ўтар,
Улим борди(р) бандасига кўп хатар.
Чиқиб қаранг беклар билан жонларим,
Бу қандай ноладир энди, жонларим?!

Гўғўглиман соябониман элимнинг,
Шум товуш тутди-ку соғи-сўдимни.
Билдим мен йиғлаган нозли гулимни,
Нега йиғлар буни анланг, жонларим?

Алқисса, Ҳасанхон:

— Эй отажон, ҳеч тилим бормаёди сизга айтмоққа,
якка Аваз кетган эди йироққа, сиз ўғлингиздан мен укам-
дан айрилган ўхшадик,— деб Ҳасанхон отасига йиғлаб бир
сўз айтгани:

Ташқарида йиғлаб турган гулингди(р),
Бир яратган билсин ота ҳолингни.
Энкайиб сўрайсан жони дилингни,
Бой берган ўхшайсан Аваз улингни.

Йиғлаган нолиши етди фалакка;
Сонсиз душман устига кепти якка,
Зор бўлдинг Авазнинг бўйин кўрмакка
Бой бердинг, отажон, жони-дилингни.

Аваз эди ойдини ёвмит элингни(нг),
Ботирсан устун қилсин қўлингни!
Бирўтарга тўккин бориб зўрингни,
Чўл билгин энди бу мазгилингни!

Ҳасан дейди, мен бир сиздан садаға,
Энам кўринг чиқинг, тақсир, далаға!
Мотам тутиб йиғлар Аваз тўрага;
Синган билгин чопадирган қўлингни!

Урнидан турди Ҳасан қўлини ушлаб,
Ункайиб йиғлайди кўзини ёшлаб.
Уксиниб йиғлайди лабини тишлаб;
Болам деб хон Гўрўғли йиғлади.

Ташқарига у қадамини ташлаб,
«Авазжон жаҳонда энди борми» деб,
«Аваз» деб, йиғлайди баланд товушлаб.
Келиб севган ёри қўлидан ушлаб.

Иккови йиғлади шумки довушлаб,
Атрофига, кўп бекларга қаради,

«Эгарлаб келинглаар Мажнун отимни,
Бирўтарга Оға Юнус борар» дер,

Йиғлаганнинг юраги минг поради,
Ситдил беклар сизлар туринг Чамбилда,
Бирўтарга энаси шўр борадки.
Чамбилбелнинг чор атрофи далади(р),
Бул савдо танамга ўтлар салади.
Энди, «ағнанг» беклар Аваз жойига,
Оқ сут берган каъбазори боради.
Оға Юнус ночор, нотавон,
Бекларга аччиқ айтиб йиғлади.
Бирўтарда қолса Аваз мурдаси,
Сизлар борманг, борар мендай энаси!

Гўрўғлига Оға Юнус момо олиб келган номани берди.
Алқисса, шунда Гўрўғли қартайганда савдо тушиб бошига,
энди Гўрўғли келди хушига. Кўзи ёшли қараб Ҳасан ўғли-
га «мен бораман Бирўтарнинг дашига, ҳамманг қулоқ сол-
динг бекнинг додига» деб ҳам минмоқчи бўлди Мажнункўк
отига, мирохўрга қараб, «Мажнункўкни, Сарик саманин
опкел», деб бир сўз дегани:

Қулоқ сол, мирохўр, қилган додима,
Уқ тегди-ку менинг ўнг қанотима...
Душман чидаёлмас менинг ғайратима,
Бор, эгарлаб келгин Мажнункўкимни!

Авазжон ингратди бу жасадимни,
Кўрсатай душманга чин ғайратимни,
Ҳамро қилиб борай қирқ жаллодимни,
Мирохўр олиб кел Мажнун отимни.

Аваз ўғлим эди ғайрати зиёд,
Бу ерда турмоқлик мардларга уят.
Қирқ йигитим, бирдай қилинг ғайратти,
Бор мирохўр, олиб кел Мажнункўк отти!

Қулоқ сонглаз гўччоқларим, норларим,
Авазни кўрсак бўлар кўнгил шодларим.
Чопишидан чарчамас югурик отларим,
Бор мирохўр, олиб келгин отимни!

Қиёмат кун даркор киши нигори,
Юзин юлиб йиғлар гул юзли ёри,
Хатдан билдим ёмон келди хабари,
Мирохўр, олиб кел сари саманни!

Гўрўғли дер мен Чамбилнинг султони,
Улим кўрган марднинг ингранар тани.
Гардон шоҳдир мендай отанг душмани,
Бор мирохўр, эгарлаб кел қирқ отни!

Чортоқли Чамбилдир ўйнаган жойим,
Тайёр бўнглаб қирқ йигитим, сипойим!
Душман қўлида қопти ул қарчиғайим,
Мирохўр, обкелгин Мажнункўк отни!

Маъқул ҳам билинглаб шоҳингни сўзин,
Бадкарданинг дойим тумандир юзи.
Тирик бўлса бузилмас шунқорнинг изи,
Ёв қўлида қолган отанг ёлғизи!

Ҳамро бўлгин хон Гўрўғли қарига,
Қон оқизай ул Ғўлғулнинг шаҳрига!
Ким чидайди аждаҳорнинг заҳрига,
Олло берсин кучу ҳам қувватимни.

Алқисса, Ҳасанхон ҳам Мирохўр ҳар атрофга чолиб, уруш анжомини топиб, тош таблага, отларга ўн бир киши бориб эгарлашди. Авазхон ҳар тараф ўзга шаҳарга минадиган оти Мажнункўк эди. Мажнункўкка тилла абзал солиб, эгарнинг қошига саранжамни илиб, отларни эгарлаб, юганлаб, ишларини пухталаб, йўлларини ўрталаб, Чамбил мардумлари «бир гапмикан, бари таковор туркман отларни эгарлабди» дейишиб, «англамадингми, нима савдо бўлганини» дейишиб, мардумларнинг баъзи донолари эргашиб, гулшан боғбони Мирохўрга «нима гап бор» деб, Мирохўр: «Қўлингдан бир иш келмаса, нима ишинг бор?» деб, ишларни баён қилиб бир сўз айтгани:

Юртни равшан қилар ойнинг тўлгани,
Сафар қилар Чамбилбелнинг султони.
Боғбон сўраб қўлингдан иш келарми?
Банди бўпти шоҳнинг Аваз ўғлони.

Буни эшитиб йўқ бекларнинг тоқати,
Ғазо кун эгарланар мардларнинг оти.
Ғулғулнинг элида қўлга тушибди,
Чамбилнинг атоқли Авазхон марди.

Йўлбарс қайтмас асли босган изидан,
Ботир киши қайтмас айтган сўзидан.
Боғбон ака, нимасини сўрайсан,
Шоҳим борар бек Авазнинг изидан.

Гулларнинг ошиғи булбул бўлами?
Таралган гул узилмаса сўлами?
Аваз тушган ёмон зўр ёв қўлига
Кейинидан бормасак боғбон бўлами?

Мусофир юртида ёлғиз қйлар ҳасратти,
Қирқ йигит-ку Авазбекка улфатди.
Бормаса улар юзига уятди(р),
Сабаб шул беклар йўқловчиси Аваз мардди.

Соқи Мирохўрман эгарлаб отди.
Ушбу ишдан юз қайирган номардди.
Ҳар элда ботирнинг иши зиётди,
Қирқ йигит излайди Авазхон мардди.

Алқисса, отларни бекларнинг қошига олиб борди. Со-
вут-қалқонини кийиб, Гўрўғли бургут қабоғини уйиб, бек-
ларга «бўлинглар» деб бир сўз айтиб тургани:

Талаб қилган мардлар (душман) элига,
Яшин тезлик қилич бойлаб белига,
Ғазаб тозиёна олиб қўлига,
Қирқ йигит тушмоқчи Ғулғул йўлига.

Нияти ғазо деб ситдил беклари,
Соф алплар минди отнинг белига.
Мушкул бўлса ҳар ким йиғлар ҳолига,
Отар ёйин беклар олиб қўлига.

Ғазо деб минишди отнинг белига.
Талов солсак деб Ғулғул элига,
Элатидан дуо олиб қирқта мард
От бўшатиб тушди Ғулғул йўлига.

Кетган эди Гулихиромон парига,
Ботирлар талашиб номус орига,
Қоплон шердай бўлиб энди қирқ йигит,
Сўқиллатиб чиқди тоғнинг белига.

Кўринг энди қирқ шоввозни,
Оти ушлар қочган розни,
Излашиб ботир Авазни.
Бир-биридан қолмоқ уятди,
Шипирма қамчига тутди,
(Остидаги бедов отди).
Гоҳ тўп-тўп бўлиб, гоҳи ёлғиз,
Кечаликка санаб юлдуз,
Отлар чопиб кеча-кундуз,
Қирқ йигит ғайратга тошди;
Ғайратлар ҳаддидан ошди.
Асқар тоққа етишди.
Кун чиқиб қиблага ботди,
Кеча-кундуз ҳам йўл тортди;
Тулпорлар қарсоқдай қотди.
Тоғ жойига энди борганда,
Бедов отларни чопишиб,
Баланд тоғни гумбуралатди;
Неча қорли тоғдан ўтти.
Ун бир кеча-кундуз бўлди,
Тинмайин беклар йўл тортди.
Олти ойлик йўлни энди,
Қисқа этар эди бу тоғ.
Хон Гўрўғли-ку қари шунқор,
Тешик тоққа¹ ҳайдаб отти,
Бир кеча-кундуздай ўтди.
Ун олти кундан сўнгра,
Бирўтар тоғига етди.

Ҳасан билан хон Гўрўғли,
Тоғ бетида от тўхтатди:
Кейинига бурилиб кўз тутди.
Қирқ йигитлар бақиритиб,
Кўринмайин қолиб кетди.

¹ Тешик тоғ — йўлни қисқартирар эди, асли бу йўл олти ойлик йўл эди. Тешик тоғдан ўтса икки кунда ўтар эди. Агар шу йўлдан ўтмаса, олти ойда борар эди, — дейди шоир.

Алқисса, Гүрүғли Султон тоғнинг устига чиқиб, кейнига дурбинини тутди. Ёйни осмонга тортиб, бекларига қараса, уч кунлик йўлда қолиб кетибди. Тоғларнинг бағрига бориб, бир сари чашманинг бағрига тушиб, қилиб талқонларини чайиб, қоринлари тўйиб, қирнинг белига чиқиб, «пасти-баландга қарайиқ, чўпон-пўпондан шу атрофда уруш бўлдими деб сўрайиқ, ували жой бўлса ўздан хабардор бой бўлса, хўп тартибини билай Ҳасанжон!» деб тоғларнинг баланд-пастига чиқиб, йилқибоқар, қўйбоқар даҳмардалардан сўради.

Гүрүғлига даҳмардалар уруш бўлган жой — баланд бир тоғни кўрсатди.

— Бир неча кун ўткинчи-кечкилар юролмайдан лом бўлиб қолган эди. «Эли бойларнинг сурув қўйларини талаб шундай қиёмат бўлди деб эшитган эдик. Ун олти кундан бери хотиржамлик. Ҳарчи кетган кетади, келган келади. Тоғнинг офтобруй бетида кўринган тоғнинг нариги кетида, кўп сонсиз лашкар ётган деб эшитган эдик. Бир хил одамлар Гүрүғли султонга Гардон шоҳ лашкари билан талаб тортиб бораётган эмиш,— деб эшитган эдик. Ҳали олди-кети лашкари шу ерга жам бўлаётган эмиш. Бир хиллари айтадики, Авазхон Гардон шоҳнинг овозадор қизини олиб қочган эмиш. Бир хиллари айтадики, Авазхон шу ерга келганда лашкар тутиб, оламдан ўтган эмиш. Бир хиллари айтади, ҳали ярадор бўлиб, жони булкиллаб ётган эмиш, шу туркман Гүрүғлининг боласи, дейишади. Гүрүғли султон беҳабар дейишади. Агар Гүрүғли султонга хабар берса, Авазни бўйла ҳолини билса, нима бу, Фулғул шаҳрини вайрон қилади. Гүрүғли, деб одамлар гап қилишяпти. Ҳў мана қирнинг бу ёғида, булоқнинг бошида Чинғир чол деган чол бор. Шу киши ҳам Гүрүғлига нома кетди деган эмиш. Шу кеча-кундузда эшитиб қолдик, бир момо келиб, Чинғир чолга шундай деган эмиш, «бу отангга лаънат, Аваздан зиёдга қизини берадимми?» деб айтиб кетган эмиш. Сизлар ким бўларсизлар? деб сўради. Шунда Гүрүғли «Чинғир чолнинг жойига бораётган йўлни кўрсат!» деб даҳмардалардан бир сўз сўраб турибди:

Ким хабарчи бўпти Чамбил элига?
Ким тушибди дейсан душман қўлига?
Отаси изловчи кетган улига.
Унгаргин Чинғирнинг борар йўлига!

Гўрўғли келса қилар улар корини,
Тўпон қилиб олар Ғулул шаҳрини.
Авазхон опмикан Хиромон парини?
Менга кўрсат Чинғир чолнинг қирини!

Одамларнинг айтганидан зиёд бил,
Зиёд билинг Гўрўғлининг зўрини,
Душмандан қўймайди келса тирини!¹
Кўрсат менга Чинғир чолнинг йўлини!

Сен боқасан қандай бойнинг молини?
Сен биласан боққан молнинг сонини,
Билиб айтар халқи билан шу юртинг,
Оқизар келса отаси душман қонини.

Бир юзу ўн учга кирган отаси,
Элининг айтган гапин йўқдир хатоси.
Ҳозир кимдир бу тоғларнинг каттаси?
Менга кўрсат Чинғир чолнинг жойини.

Ким талов солган юртинг эли-бойини?
Ким ҳайдаган сурув-сурув қўйини?
Бу тоғларда бўлар алп ўйини,
Бир кўрсам тамом Аваз бўйини.

Авлодим туркмандир, ўзим Гўрўғли,
Авлодим жиғадор, ўзим бек ўғли.
Неча кунлик бордир ёв келган йўли?
Шу айтган Авазинг бобонгнинг ули.

Алқисса, Гўрўғли, Ҳасанжон: «Кўп гап бўлган экан, ўлгани ғалат бўлиб, жони жасадда бори чин бўлсин-да», деб икковининг юракларида гами-ҳасрат олишиб, чўпон кўрсатган йўлга қараб, олдин-кейин бўлишиб, от чопишиб кетишди. Тоғнинг қиялама бораётганда икки қайрағоч, бир тоғнинг камарида кўриниб:

— Ҳасанжон ўғлим, Чинғир чолнинг кулбаси шулдир,— деб от буриб, қамчилар уриб, Чинғир чолнинг кулбасига устидан борди кириб. Қараса: чапчали, тарвузли савзили, пиёзли, ёвғони шугина эди. Қишли, ёзли, мусулмон кишидан аразли, малла жойнамозли, ўн олти ғозли

¹ Тиригини.

бир созвори хўрозли, ингичкадан келган дарозли, писандар бой эди. Устига бориб, Гўрўгли чақириб «на гаплар бор, бу тоғ орасида?» деб бир сўз айтгани:

Қочган эмиш Гардан шоҳнинг мойси,
Орқасидан қувиб қарвон туяси.
Бемаза қизнинг бўлмас ҳаёси,
Беҳикмат бўлмасди тоғлар ораси.
Бул юртингда на гап бордир, сўрайман?

Ун олти кун бўлди тоғи-тузга қарайман,
Даҳмарда чўпондан кўрсам сўрайман:
Пўпакли нор йўқотганман, бобожон,
Моя қувган бизнинг норми, билмайман,
Олтин жиҳозли норимни сўрайман.

Бир норимни мен оламга бермайман,
Кўрган бўлсанг тез хабар бер, бобожон!
Ишим зарур мен бу ердан жўнайман,
То кўрмасам мен қарорли бўлмайман,
Шу нори тайлоғим сиздан сўрайман.

Устингга буюрди даҳмарда чўпон,
Эл устида юрган ўзим бозиргон.
Неча душманидан оқизурман қон,
Бул камарни кулба қилиб ўтирган,
Олтин авсарли норим сўрайман.

Неча вақтлардан бери кўз тутиб,
Кўп маҳал бўлғонди кетувди йитиб.
Келганман олти қорли тоғлардан ўтиб,
Кўрган бўлсанг, билган бўлсанг, хабар бер,
Яёв юрган шу якка норни кўрдингми?

Отим Гўрўғлидир, ўзим аждаҳор,
Аждаҳорнинг заҳрига ким чидар?
Баъзи кунлар юрдим оч-наҳор,
Шу моюни қувдимикан бизнинг нор.

Алқисса, Чинғир чол Гўрўгли Султонга қараб:

— Бўйла у нордан хабарим йўқдир! Бошқа бир хабарни эшитган эдим. Мендан ғозни сўранг, сазвори хўрозни сўранг, норингиз қочган бўлса ҳов у ёқда туябоқарлар бор, шу сойдан сўранг. Туяни сурув қилиб юборган судхўр бой-

дан сўранг. Бизнинг мазгил савдогар қўнадирган жой эмас, ўзга элларга карвонлар қўнатурган саройдан сўранг. Меҳмон бўлсангиз чой-нондан сўранг, моли фарзандли жондан сўранг, кўп мушкул орада ётган Авазхондан сўранг. Ҳа, ишдан менинг хабарим йўқ, — деб тўхтаганда, Авазхоннинг номини эшитиб, Ҳасанхон:

— У нима аҳволдадир? Туя бўлса топилар, бизлар икки йўқчи бир бўлганмиз, мен Авазхоннинг йўқчиси, бу норнинг йўқчиси икковимиз шу тоғ орада қўшилганмиз — деб, Ҳасанхон Чинғир чолга бир сўз айтди.

Аваз кирган йигирма бир ёшига,
Катта мушкул тушган анинг бошига,
Юрт қойил бўлган қилган ишига,
Донгги кетган бек Аваздан бер хабар!

Кетган эди Ғулул деган элига,
Тушган деб эшитдик душман қўлига,
Сонсиз душман бордир соғи-сўлида.
Якка ботир Авазхондан бер хабар!

Бизлар нобаландмиз сойи қирига,
Сиз баландсиз бу тоғи чўлида.
На сабадан тушди Гардон қўлига,
Шунқор Аваз талпингандан бер хабар!

Бу камарда турган Чинғир бобоси,
Вайрон бўлар тарафининг қалъаси.
Тўғри сўзласам-ку сизга бобожон,
Мен бўламан бек Авазнинг акаси.

Авазнинг акасиман, отим Ҳасанхон,
Мен билан Аваз дейди эмишган.
Ака-ука эдик, билинг меҳрибон,
Етиш жойин мазгилидан бер хабар!

Чинғир чол келиб, Ҳасанхон билан қайтадан кўришиб:
— Сиз Авазнинг акаси бўлсангиз, икковингиз ҳам туркман Гўрўғлининг боласимсиз? Зумрад фалак билан эна-бола бўлишган экан, Ҳасанхон, (мен) Зумрад Мاستоннинг энг кичкина укаси бўламан. Ҳазим-ку билганим йўқ, уч кун бўлди, Зумрад менга Авазнинг аҳволини баён қилиб кетган эди, шу опамнинг Чамбилга нома элтгани, опам би-

лан эна бола бўлишган бўлса, Авазхон менга тутинган жия-
ним турур, Авазхоннинг аҳволини эшитса, қайтиб чидаш
бериб, Гўрўғли Чамбилда қолди экан,— деб Ҳасанхонга
қараб, Чинғир чол бир сўз айтгани:

Бу тоғнинг бор тўрт юз етмиш булоғи,
Устида диркиллар кўзи — улоғи.
Мусофир Авазни бўлмади сўроғи,
Ҳеч бўлмади отасининг дарағи.

Авазнинг дилида ҳасратли доғи,
Ҳазон бўлган тар очилган чарвоғи,
Тепасида ўқраниб кишнар эмиш,
Гўрўғлининг Ғирот деган пироғи.

Билолмадим ишин Гўрўғли ботирнинг,
Ҳеч қилмади Авазхоннинг сўроғин,
Қаришқолда қўйса-қўйлар ҳурқади,
Гўрўғлидан жамъи элат кўрқади.

Ё номасин шу аждаҳор билмади,
Фарзандини бирон сўраб келмади.
Иккам ўттиз яра еди Авазхон,
Хиромон дилбари фиғон қилади.

Ҳали ўлган эмас, жасадда жони,
Агар ўлса ҳамро бўлсин имони!
Билмадим, келмади Чамбил султони,
Эшитган кишининг тўкилди ёши.

Зарбидан ўлганди кўп душман гаши.
Йигирма кун бўлди ярадир тўши.
Бир олган ёри ҳамро; йўлдоши,
Келмай кетди, Гўрўғли одамкуши.

Нор йўқотган туяли ерга кетсин,
Уканг бўлса болдир энди Авазхон,
Биз билан Ҳасанхон бир бўлиб юрсин,
Тоғ устида мен кўрсатай жойини.

Дол бўйингдан Чинғир бобонг ўргулсин,
Эртиб борайин, инисин кўрсин!
Хавотир қилмагин душман қамалган,
Бориб акаси аҳволин кўрсин!

Уруш кунда тоғнинг бўлар ғубори,
Олдида йиғлайди олган ул ёри.
Хон Гўрўғли келсайди майдонга,
Сойларни тўлдирад эди, бу кўчқор қонга.

Шу савдони кўрсанг айтгин момонгга,
Тез хат қилиб юборгин яна отангга!
Чинғир чолнинг ваъдаси шуа Ҳасанжон,
Гўрўғли бас келар сонсиз душманга...

Алқисса, Чинғир чол Гўрўғли эрлигин ва мардлигин баён қилгандан сўнгра, Гўрўғли бобонинг бу тавсифига йиғлаб:

— Эй Чинғир, олдин буники топилса икковимиз бирга айрилмасдан буникини топиб, буникидан сўнг яна айрилмайин меникини топмоқчи бўлиб ваъда қилган эдик. Бу ердан айрил деманг, ваъдага хилоф бўлар. Кўрсатинг, Авазнинг ётган жойини. Ваъдага мувофиқ икковимизнинг ҳам боришимиз керак,— деди. Чинғир чол олдига тушиб, тоғнинг бир баланд ерига чиқариб, икковини эргаштириб, оқ чўққини кўрсатиб, шу атрофда бўлса керак,— деб, иккови-га «сизлар отли, мен пиёда қайтай» деб, бир сўз дегани:

Икковингни биргадир номуси оринг,
Нор деганинг бўлмасин Аваз шунқоринг?
Авазхон ўғлингдир пўпакли норинг,
Бир ой бўлди, хон, бўлмади хабаринг.

Авазхон деганда тўкилди ёшинг,
Иншообло ўнғарилар бу мушкул ишинг.
Бозирганман деб норингни излаган,
Билдим Авазхондир пўпакли норинг,

Ғазо куни бедов отлар чопилар,
Терлаб келса бахмал жунлар ёпилар.
Сиз Гўрўғли қаҳрамонга ўхшайсиз,
Икковингнинг йўғинг шу ердан топилар.

Гўрўғли сиз бўлсангиз, Юнусдир ёринг,
Алп кишисан, йўқдир дилда ғуборинг.
Шу чўққига тўғри боргин султоним,
Шу ердан топилар лўкчайи норинг.

Хиромонжон Гардон шоҳнинг мояси,
Авазхондир хоннинг йитган туяси,
Сиз бўлсангиз норнинг агар эгаси,
Оқ чўққидир кўринган тоғ ораси.

Шу ердан топилар шоҳнинг боласи,
Чунки Чинғир ҳам билмай найласин,
Аваз десам кетди кўзинг жаласи;
Бировинг отаси, бировинг акаси.

Хўшлашиб Чинғир чол қайтди изига,
Ота-бола ёш об энди кўзига,
От чопди Бирўтар тоғнинг тузига.
Ҳайда, дейди Ҳасанхондай улига.

Иккови-ку тинмай отин уришиб,
Чиқиб олди баланд тоғнинг белига;
Қарай берди сойи билан қирига.
Баланд-баланд ерда отин тўхтатиб,
Ҳам қарайди соғи билан сўлига.

Тез кўрсам деб Гўрўғлихон улини,
Сўраб олсам Авазхоннинг ҳолини;
Олсам дейди бу Гулгулнинг элини.
Гоҳ ерда Гўрўғлихон ахтариб,
Гоҳи ерда отин энди тўхтатиб,
Бугун чошка борди чўққига етиб.
Баланд ерда ота-бола тўхтатиб.

Гўрўғли Султон тўхтаб, Авазни йўқлаб, нолиш қил-
гани:

Ёқти оламни бир кўрмоққа зормисан,
Яра еб бу элда ҳори-зормисан?
Қариганда отанг келди ўнкайиб,
Тоғ орада, Аваз кўзим, бормисан?

Якка Чамбилбелда писандормисан;
Мусофир элларда якка хормисан?
Қариганда отанг келди ахтариб,
Ев орада бол Авазжон бормисан?

Чамбилбелдан чиқдим белимни боғлаб,
Ёдимга тушганда сийнамни доғлаб.

Қари отанг келди сени сўроқлаб,
Азоб кўрган, бол Авазжон, бормисан?

Аваз деб қичқирдим тоғнинг белига,
Излаб келдим бу Ғулғулнинг элига.
Бандимисан душманларнинг қўлига,
Дилимнинг мадади Аваз бормисан?

Аканг, отанг бўлиб келдик йўқловчи,
Топилмасмиди Чамбилда бир узун сочли?
Отангда бор эди Гардоннинг ўчи,
Тоғ орада ётган болам, бормисан?

Айёр момонг бўлди сенга арзачи,
Беқад душманга етар отангнинг кучи.
Агар бўласанг, товуш бергин Авазжон,
Кўрсам, дол бўйингдан, олсам қучоқлаб.

Гўрўғли дер мен яхшининг қурбони,
На бўлди Авазжон Чамбил полвони?
Жонинг бўлса, товуш қилғил, Авазжон,
Сўроқлаб келди Ёвмитнинг султонни.

Ғирот Гўрўғлининг довушини англаб, ўқраниб, бош кў-
тариб, оғирганиб уч марта қайтариб-қайтариб кишнаб
юборди. Ҳасанхон Ғиротнинг товушидан таниб, «тоғнинг
у тарафидан келади Ғиротнинг товуши» деб, отасига қараб,
товуш чиққан ёққа қараб, отини ҳайдаб бир сўз деяпти:

Ўқраниб келади отнинг товуши,
Ёмон қаттиқ бўлди Ғирот кишнаши.
Тоғ устидан нариги тараф ўтайик,
Албатта, шу ёқда бол Аваз ёши.

Қилган нолангиз-ку Ғиротга етди,
Бизлар бу ёқда деб ўзин кўрсатди.
Ўтлов ердан топиб олсак Ғиротти,
Тошармиз атрофдан Аваздай мардди.

Тоғлар билинг пасти билан баландди,
Не шоввозлар бунинг устидан ўтди.
Ўлим барча қулга билинг навбатди.
Шундан ўтсак тошамиз Аваз мардди.

Иккам ўттиз бўлса укам яраси,
Кишнади отамнинг қиммат баҳоси,
Тоғ белидан нариёққа ошайик,
Кўринади сиздай шоҳнинг боласи.

От кишнашин пухта билди Ҳасанхон,
Қаддинг тик қилиб, юра бергин, отажон!
Букилганингни кўрмасин кўп душман,
Албатта, шу ёқдадир, Авазжон!

Алқисса, ахтаришиб Ғиротни, от буриб тоғ белига кетди. Тоғнинг тепасига чиқиб, ҳаммасидан шу ер баландди, Ҳасанхон кўрди Ғиротни.

Тоғнинг эниш ерига буриб отни, топармиз Авазхонни, деб тоғдан эна берди. Гулихиромон бир қари, бир ёшни кўриб Авазхонни бағрига тортиб, нола афгонлар қилиб, юмма-юмма кўзидан ўн бир қатор ёши кетиб, бағрига беркитиб, «манинг учун шундай ҳолатда қолдингизми?» деб, Авазхонни тебратиб, «Бир ёш киши, бир қари киши кўрдим», деб сўз айтиб тургани:

Куйган одам ҳар на дейди тилида,
Бир жоним тасаддиқ ёрнинг йўлига.
У мўйсафид киши сизнинг кимингиз,
Боламлашиб чиқди тоғнинг белига.

Ғамли кунда оқар кўзимнинг ёши,
Ҳеч қолмади мендай нознинг бардоши.
Тоғ белидан икковлашиб энади,
Мен сўрайман, улар қандайин киши?

Жасадда қийналган гулдай жонингиз,
Келган ўхшар ота меҳрибонингиз.
Ургулсин қаддингдан бу олганингиз!
Кўзи ёшли қари бобой нимангиз?

Мен қароқчи дейман отам қўлидан,
Кўп сонсиз келди отамнинг элидан,
Мўйсафидли бобом, тўрам, нимангиз?
Авазжон, деб энди¹ тоғнинг белидан.

¹ Шевада паства тушмоқликни «ёнмоқ» дейилади.

Ботирлар қувватин тилар пиридан,
Келган ўхшар улар Ёвмит элидан.
Саҳти келган хушрўй йигит нимангиз?
Укамлашиб энди қирнинг белидан.

Тўққиз кун бўлганди бу ерда саваш,
Бири қари киши, бири ёш,
Бири болам дейди, бири иним дер,
Уксинган кишилар бегим нимангиз?

Бири отангиздир, бири акангиз,
Кўз очинг айлансин бу жуфтипонгиз.
Ким қандай инграган юртда энангиз,
Бир сумбатли бўз бола у нимангиз?

Хиромон дер шифо берсин бийрибор,
Уларга шарманда бўлдим ночор.
Мен учун бўлганди бегим ярадор,
Келаётган отангиздир, муқаррар,—

деб, алқисса, Хиромон, ниқобин бетига тортиб, тошнинг панасига ўтиб, кўзининг ёши қатор-қатор кетиб тура берсин. Гўрўғли, Ҳасанхон келди олдига етиб. Ҳасанхоннинг кўзи Авазхонга тушиб: «Топдим Авазхон укамни», деб Гўрўғлига қараб, «ҳайла Авазхон», деб икки оғизгина суз айтиб тургани:

Мана тоғнинг дараси кўп тор экан,
Адашганлар бир-биринга зор экан.
Кўп киши-ку ўлган девди инимни,
Улган эмас, ҳайла, ота, бор экан.

Яккаликда бир мусофир хор экан,
Йиқилган душмани сонсиз зўр экан;
Бизларни кўрмоққа интизор экан,
Жасадини кўрдим улинг бор экан.

Якка ётир тоғ орада жасади,
Олдида йўқ-ку ул паризоди.
Якка қопти мен найлайин, отажон,
Менинг иним отам дилнинг қуввати.

Қурбон бўлгандир болдир Авазга
Назаркарда отамнинг асл Ғироти.

Бошида кўпди Авазжоннинг меҳнати,
Мана шу сиздайин чолнинг қуввати.

Неча кун қилган бу ерда ғавғони,
Уқ тегиб азобдадир гулдайин тани.
Олдида кўринмас суйиб олгани,
Ҳайло отажон, шу Чамбилнинг арслони.

Ҳасанхон дер мен бўлайин қурбони,
Қўлидан кетгандир сурган даврони,
Бор бўлсин инимнинг жасадда жони.
Билинг, фалак момо бўлганди қурбони.

Алқисса, Гўрўғли қараб, жондан зиёд Авазжонини кўриб, овшикорга Авазжон чиққанда, «Авазжон шикордан қайтди» деб, унинг қошида келган ўғлонларга қисимлаб тилла берар эди. Жасадида жонидан ва эли қўрғонидан Авазжонни яхши кўрар эди. Ишонган, суянган Авазжоннинг ётишини кўриб, ботир одам ўксиниб, йиғлаб бир сўз айтгани:

Мана ерда булбул борми, зоғ борми?..
Куйган қулнинг сийнасида доғ борми?
Сендан менга бир яхши ис келади,
Ё бўлмаса кўна-кашкул боғ борми?

Ҳеч оламда бундан баланд тоғ борми?
Тоққа макон қилган булбул зоғ борми?
Ажойиб бир ис келадир димоққа,
Қадимдан қолган бу ерда боғ борми?

Чамбилбелдан мен-ку келдим ёлғизим,
Бу сийнада алам билан доғ борми?
Ётишинга кўзим тушди ёлғизим,
Ёв ичинда яра еган бек борми?

Қирмиз қон бўялган тоғнинг тошига,
Кўрмайсизми хон Гўрўғли отаси,
Қулоч ёзиб борди Аваз қошига,
Бу тананга кириб қолган ўқ борми?

Алқисса, Гўрўғли фарзандига кўзининг ёши кетиб,
Авазнинг ҳолатини қаттиқ англаб, бир сўз дегани:

Тоғ титрайди алнинг инграганига,
Билдик, ўқ теггани Аваз танига.
Авазни бовраб олди ёнига,
Манга армон, талов солмасак элига.

Яланиб Авазнинг гулдай юзига.
— Қиргин берсам сонсиз душман ўзига,
Отанг келди, кўзинг очгин Авазжон,
Кўтариб олди Авазни тизига.
Ишонгиси бор хоннинг ўзин зўрига,
Ажал етса қўй тегишар бўрига.

Авазжон кўникди манглай шўрига,
Жасадингда борми, Авазжон жонинг?
Қайда кетди, болам, сенинг олганинг,
Кўзинг очиб, ота, дегин Авазжон,
Келди мендай бир карамли султонинг.
Ғам емагин, келди болам Ҳасанхон,
Қанча бўлса энди ўлар душманинг.
Гўрўғли дер на бўлди мададим,
Кўзимнинг равшани дилда қувватим.
Бир ота де Авазхондай фарзандим,
Рўбарўй қайнаб келди ғайратим!

Алқисса, Гўрўғли Авазхоннинг яра еган ерларини кўриб, уюшган қонларини артиб, сўриб яхши дорилардан яра еган ерларига суртиб, ёвда юрганда яра еб ҳушидан кетса, ҳуш дориларини бурнига тутса, ҳушига келар эди. Икки-уч мартаба «жонсиз жонлигини англай» деб бурнига тутди. Бир марта Авазхон акс урди. Авазнинг жони борлигини билиб «икки-уч акс урганда, кўзини очар эди. Биз энди душман тарафига борсак», олгани¹ бўлганда эди, ҳар замонда (дорини) бунинг димоғига тутиб турганда, Авазхон яхши бўлар эди», деди. Шунда Ҳасанхон тайёрланиб, бир сўз айтаётгани:

Бир ёр учун кўрган жабру жафоси,
Бевафо ёрнинг бўлмас вафоси.
Кўринмайди кетган ўхшар чамаси,
Агар бўлса, дорини тутиб турар эди.

¹ Олган хотини.

Хиромондан билинг аъло экан момоџи,
Нома обборган тутинган эноџи.
Раҳбарлигин шу қиларди, отажон,
Хиромоннинг ҳеч бўлмабди вафоси.

Бевафо ёр учун бўлган ярадор,
Шу ёр учун бўлган аламга дучор.
Ҳар ерда вафодор бўлар олдида,
Мард йиқилса бевафо олдидан қочар.

Кетгандир бевафолигидан ташлаб,
Вафоли бўлса турар қаддидан ушлаб.
Бевафо ёр учун кетгандир ташлаб,
Е Гардон кетгандир қизини ушлаб.

Ёвга от қўяйик, юринг, отажон,
Атрофда агар энди бор бўлса,
Агар инимга бир вафодор бўлса,
Балки келар ёрим деса Хиромон.

Бўйла Ҳасанхоннинг бутун гапларини Хиромон эши-
тиб, беқарор бўлиб, «энди кўринмасам бўлмас» деб, ўрни-
дан туриб, қўлини бағрига тортиб, оқ юзидан тизилиб ёши
кетиб, панадан чиқиб, қайната, қайнағасига кўриниб, икко-
вига ўзини маълум қилиб, йиғлаб чин вафодорлигини ан-
латиб, икковига салом бериб, рўмолини гулдай юзига ту-
тиб, неча оҳангда йиғлаб, кўз ёшини артиб, бир сўз деб
турибди:

Ассалом алайкўм карамли султон,
Келинингиз менман, кўзларим чўлпон.
Уғлингиз ёриман, отим Хиромон;
Мен айланай икки йўлбарс изидан.

Яхши аёл билар ўзин орини,
Аҳди-ку бир бўлар мендай ёрини(нг),
Ёри йиқилди, чопдим таковорини,
Яхши ёр ташлаб кетарми ёрини?

Тўрт кеча-кундуз ёрим савашди,
Кундан кунга уруш ҳаддидан ошди.
Ёримнинг зарбидан душманлар қочди;
Бевафога мангзамангда қайин отам.

Душманлари уч кун муҳлат тилашди,
Икки кун ўтиб, учинчи кун бўларда,
Кўрдим файзли саҳар бир ёмон тушни.
Ташлаб кетди, деманг нозли бувушни!

Ул тушимда учириб жиғадор қушди,
Салтанатли қушга қарға етишиб,
Паридан айрилиб ерларга тушди,
Шундан бери ҳамройи мендай бувишди.

Борманг деб кўзимдан тўкувдим ёшди,
Етти хил қилиб душман ўқ бўшатди,
Олтовига пириб берган шу Ғирот,
Алқисса, ёримни душманлар отди.

Хиромон дер ёр яраси битарми?
Ҳалол ёр ёрини ташлаб кетарми?
Мен турибман олганимнинг қошида,
Мендай нозли ёр баҳридан ўтарми?

Ёр йиқилди беш кун қилдим урушди,
Ёрларга тушурдим у сонсиз бошди.
Ғирот ўнганлаб-ку қонлардан кечди,
Суйиб тегдим мен билмайман кетишни.

Ёр учун силтадим ўткир қилични,
Душманлардан олдим от чопиб ўчди.
Қайтиб ташлаб кетди дебон айтасиз,
Хиромон берар бу ёр учун бошни.

Алқисса, ғамгин бўлган Гўрўғли, Ҳасанхон кулиб, Хиромоннинг эътиборли ёр эканлигини билиб, Гўрўғли султон меҳридан кулиб, «ёр сендай ҳақиқат бўлсин, қизим» деб, Гўрўғли ҳуш дорини Хиромоннинг қўлига бериб:

«Ёри жонингдан хабардор бўлгин, димоғига тутиб. Ҳуши, ақли жойига келар. Жон меҳмон, тана кўрғондир, қизим. Мободо ҳушига келса, Авазхон кўп мард, алп ўғлондир, мен Ғиротни миниб кетаман, мажнунни кўргандан кейин, отам келган экан деб билар, бизлар суришни-урушни, келган душманларингга ўқ отишни ўргатиб келайик, эҳтиёт бўл, тагин ҳушига келиб, урушга бориб қолмасин,— деди. Гўрўғли келинига (қараб) уруш камарин белига боғлаб, гайрати тошиб, бир сўз дегани:

Муяссар айлади эгам бағрингга,
Қойилим бор сени кўрган жабрингга.
Саломат турса болдир Авазим,
Икковинг ўйнашгин ёшлик даврингда.

Биз келгунча хабардор бўл Хиромон,
Аваз отли мана аждаҳорингга!
Насиб бўлса икковингни опкетарман,
Чамбил эли бир уруғдор шаҳрингга.

Худойим яратди ёз билан қишни,
Шукур қил, тақдиринг Авазга қўшди.
Томоша қил, биз қиламиз урушни,
Олдиндан қўймагин Авазжон ёшни.

Гўрўғли дер: қулоқ солгин бобонгга,
Авазни топширдим Хиромон санга!
Келгунча хабардор бўл шул жуфтипоинга,
Бизлар борамиз сонсиз душманга!

Хиромон «момоси қурғир қаерда экан, душманга кира олмас бу икки ботир, теварагида темир чамбараги, пўлат қалъаси бордир, мобо до муруватли тасмасини кессам очилармикан қўргони!» деди. Гўрўғли отига миниб, отига икки оғиз сўз айтиб, ёвга Ҳасанни эргаштиргани:

Минганда эганнинг кўнглин тўлдириб,
Сонсиз душманларни сен билан ўлдириб,
Дўстларингни хурсанд қилдинг кулдириб,
Сонсиз душманларни юзин сўлдирган,
Душманларга қирғин солган, Ғиротсан.

Қобирғангни жабройиллар қўндирган,
Суякларинг бақувват қилиб йўндирган,
Сен талпиниб неча кишин ўлдирган,
Душман кўрсанг ғайрат қилган бедовсан.

Ёз кунда ҳеч турмасдан тўхтатиб,
Қочганга борардинг изидан етиб,
Уқ отардим сонсизини қийратиб,
Парафингга қирғин солган бедовсан.

Ҳар шаҳарда келдинг пойгадан ўтиб,
Олдин шу келди деб мирзолар битиб,
Кишнаганда душманларни қўрқитиб,
Ҳар ерга-ку ҳасрат солган бедовсан.

Минганда эганнинг хизматин тиндириб,
Ҳар элатни олдинг ҳукмимга кўндириб,
Арзирумдан Далли жонни миндириб,
Иккам ўттиз ўйин қилган тулпорсан.

Ҳар элатдан саломат кеп юртингга,
Кўрган қизлар ошиқ бўлди сиртингга,
Эганг берган кишмиш ем новвотингга,
Неча алвон ўйин қилган бедовсан.

Сўзлаганда тушундинг одам тилига,
Борганимда боғ Эрамнинг элига,
Икки ҳушрўй пари миниб белига,
Хурсанд бўлиб ўйин қилган Ғиротсан.

Гўрўғли дер эшит менинг товшимди,
Таърифи кетгандир тулпор отимди.
Орига талашдим бу фарзандимни(нг),
Уққа доим рад қилгансан, тулпорим!

Алқисса, Гулихиромон тасмасин кесди, тоғи сойни душман босди. Улар билмас душман дўстди, кўрмайсизми Ҳасан мастди, бул тарафидан иккови икки ёнидан етди. Душманлар «иккита бўлиб Аваз келди, бизларни қамаб очқатти, ажал етиб, куним битди», (деди). Буларнинг от қўйишига қараб, сойлар тўлиб, чувуллашиб, Гардон шоҳнинг кўзи тушиб, мерганларин чақиритиб, лашкар бошлиқларини жам қилишиб, амалдорларига қараб «ў, қиёмат бўлди, Гўрўғли келганга ўхшайди» деб, аввалдан Гўрўғлихоннинг зарбини кўрганларнинг ранги ўчиб, қўрққани ҳаддидан ошиб, тўп-тўп аскарлар маслаҳат қилишиб, «Гўрўғлининг ўткир кўзи қурсин, ҳар ким билан ваъдалашган қизинг қурсин. Қизнинг орқасидан ор оламан деган Гардон шоҳнинг юзи қурсин. Ана энди жазосини, келибди, Гўрўғлидан кўрсин» деб, баъзилари хоннинг қошига, ўтирган чодирига етиб, қўрқиши ҳаддидан ошиб, ҳар тарафдан ҳар хаёл сўз бўлгани:

Тулпор отини ўйнатиб,
Совут қалқон ярқиллатиб,
Келаёзди-ку душман етиб.
Тирик кўрдик Аваз мардди,
Гўрўғли минган Гиротти,
Аваз миниб Саман отти,
Ҳайло кўргин, хоним, етди.
Ажал етти, кунлар битди.
Пиёдалар тош паналаб,
Лашкарингнинг кўпи кетди.

Келганда аччиқ ғайрати,
Ҳар тарафдан отар эрдинг,
Кўп фирибгар минган отти.
Қаранг Гўрўғлига ўхшар,
Кўрганларнинг ақли шошар,
Мард киши ёвларни кўрса,
Рўбарўй маст бўп туташар.
Тоғ-тошидай магар бўлиб,
Каллалар-ку ерга тушар.

Борми бу савдонинг кори?
Рад қилади таковори.
Бири ёшдир, бири қари,
Ер юзида бўлмай кетсин,
Хиромондай энди пари.
Бошимизга гашти етди,
Подшонинг энди духтари.
Бир қиз учун кесилади,
Жамъи халойиқнинг сари.
Ҳар гап бўлса таваккал қиб,
Чопинг Гардоннинг навқари.
Тоза кўргин лаловлашиб,
Келган Чамбилнинг шунқори.
Қай шаҳарга Гўрўғли борса,
Таслим бўлган шунга бари.
Энди бирдай от қўйинглар
Қолмасдан ёши-қари!

Шунда подшоси ҳам йиғилган одамларга қараб: «Келди-ку бизнинг тараф. Эҳтиёт бўлинглар, Ғулғулимиз бўлмасин хароб! Қайтманглар», деб бир сўз айтди.

Қўрқмангизлар бундан бунча!
Отиши бўлса армон қанча?
Қувалашинг-да беармон,
Тонглар отиб, кун ботгунча!

Лашкарим бордир беҳисоб,
Уруш куни кўпдир азоб.
Тўш-тўшидан отларни чоп,
Йиқилиб-ағнаб қолгунча!

Чопишинглар-да қийрашиб,
Қари қолсин ақли шошиб!
Уруш қилингла тармашиб,
Қадди оғиб йиқилгунча!

Гардон шоҳдир менинг отим,
Қўлдан кетмасин элатим,
Панжалашинг гала мардим,
Токи биринг қолгунча!

Шоҳ чопарди ғуруллашди,
Қўрқиб отни қамчилашди.

Мен ўлдирай энг қув бошди,
Бу тойифанг банди қил ёшди,
Одам тўлган баланд-пастга,
Ботирлари чопиб кетди,
Қўрқоқлари аста-аста,
Тўп-тўп бўлиб, даста-даста,
Бир хиллари шивирлашиб,
Яра ермиз бўп шикаста,
Бир хиллари айтяпти,
Писиб қолсак мана пастда,
Ке қўй биргалашиб кетамиз.
Бир хили-ку айтяпти,
Устимиздан келса қайтамиз?
Ботири айтар четга олсак,
Қари энди ул Ғўрўғли,
Кўрмай ўтар писиб қолсак.

Бир хили таваккал чопди отди,
Бир хили таваккали милтиқ отди,

Бир хили тўпин бўшатди,
Чин қилиб лашкар маслаҳатди,
Тоғ бағрин очиб туринглар,
Камарга келиб кирганда,
Ҳар тарафдан югурдинглар!
Баъзилари эмаклашди,
Камарнинг йўлини очайик деб,
Баъзиси кейнига қочди,
Ҳасанхон бир ёқдан етди.
Етканини чирпиб ўтди.
Баъзиларин умри битди.
Остидаги сезгир отди,
Усти-устига ўқ бўшатди.
Уқ ўққа энди тизилиб,
Душманнинг бағрига етди.
То отаси келгунича,
Беш минг душманни йиқитди.
Кўриб душман вағирлашди,
Ҳайқиршиб бақиринди.
Товушингни чиқарма деб,
Қўрқоғи уни урушди.
Иккови ҳам келдими деб,
Аста-аста шивирлашди.
Қариси ҳали кейнида,
Бу келгани жуда ёшди.
Золим экан-ку, дейишди.
Сойларга тўлдирди бошди.
Янги даста-даста,
Энди тўпига етишди,
Қўлига Ҳасанхон олди,
Яшил сувлик у қиличди,
Аввалига қамчилашди,
Бир хили олисда туриб,
Энағар бу ерга келма, деб,
Кўрсатар Ҳасанга муштни.
Рўбарўй келади, Ҳасаннинг кишти,
Йиғилишган ери душман,
Босиб олганди ўн тошди.
Янги келиб аралашган,
Янги дўржисига етганда,
Гўрўғли орқасидан етди.
Ҳар туки обдолдай бўлиб,
Чопонининг жунин тешди.

Шу вақт-ку Гўрўғлининг
Йигитлиги ёдига тушди.
Йигирма беш-ўттиз ёши,
Бўз болалик кўнглидан кечди.
Иккови уч кун урушди,
Ҳеч билмади кундуз-кечди,
Қоронғи бўб, туман тушди.
Отнинг кўзи ёмон ўткир,
Тўпар-тўпарига етишди.
Гўрўғлининг қилган таърифиди,
Олдидагин тишлаб отди:
Қолганини телиб кетди.

Қари уришқоқ Гўрўғли,
Кўнмасдан кўпин қийратди.
Кўна қочқир-ку Гиротти,
Бўйрадай ёзди қанотти,
Алқисса, дўстлар тонг отди.
Кўрмайсизми қирқ йигитни,
Тоғ белига улар етди.
Олдин-кейин йиғилгунча,
Холдорхон от тўхтатди.

Шунда тоғда Фалак момо ётган эрди, Гўрўғли келса
замбар темирни очиб бераман деб. Уруш бўлганини йигит-
лар билиб, чошка вақтида Гўрўғли билан Ҳасанхонни оч
бўридай кўриб, бекларга қараб момо бир сўз айтди:

Уч кун бўлди Гўрўғлининг келгани,
Сонсиз душман теварагин олгани.
Азобда, билинглар, Авазнинг тани.
Ҳайфи сизларга Чамбилнинг хони.

Бу ерда сонсиздир Аваз душмани,
Ев атрофдан момонг қўрғони.
Жасадда борми бекларнинг дармони?
Ҳайфи-ку сизларга бекларнинг хони.

Аваз яра еганини билинглар,
Душман тутиб, кўпини дорга илинглар,
Алп бўлсанг Гулгулни-ку олинглар,
Ҳайф-ку сизларга Чамбил беклари!

Беклар билар номусини, орини,
Ғазо кунда тўқар кучу зўрини.
Мард бўлсанг кес, сонсизининг сарини,
От ўйнатинг, ёв устига, бекларим!

От чопилсин тоғнинг баланд пастига,
Аваз бекни булар олди қасдига.
Сомон тиқинг душманларнинг пўстига,
Келибсизлар иш кўрсат, Чамбил беклари!

Қарангизлар қари Гўрўғлининг ишига,
Эрлигин кўрсатди душман ғашига:
Қарғани қўндирди душман лошига.
Баайни шундай иш кўрсатинг, бекларим!

Қоматларинг бир-бирингдан зиёдди,
Евни кўрса мард кўтарар қоматти.
Энди-ку сизларга берди навбатти,
Даврон кетмай, хўп суришинг, бекларим!

Гўрўғли келганда олди зафарин,
Манглайига суртиб ҳосият парин;
Бу қарининг ишига минг офарин,
Гўрўғлининг қаноти бўлгин, бекларим!

Қулоқ солгин фалак Зумрадга,
Дўсти бўлсанг баринг Аваздай мардга!
Баринг бирдай от қўй, душман лаънатга,
Қайтган номард, мард бўлишинг, бекларим!

Шунда Холдорхон момонинг гапидан ғайрати тошиб,
бир-бирига беклар қарашиб, Холдорхон ўнта-ўнтадан тўрт
бўлиб, ўнтасини қибла томонидин буйруқ берди, «ўнтасини
нареқдан айланиб келинглар», деб буюриб, уларгә дилдор-
лик бериб, йигитларга ботирлик амалини ўргатиб, бир сўз
айтяпти:

Кўп ёмон гап бўлар, беклар, билинглар,
Ҳар қайсинг наъра шердай бўлинглар.
Тўрт тарафдан бўлинишиб келинглар,
Ғайрат қилар кундир букун, бекларим!

Қариган шоҳингга химо беринглар,
Бирин кўзлаб ўнин бошин олинглар,

Түрт тарафдан удра қинглар, қиринглар,
Қон тўкишар кундир букун, бекларим!

Даста-дастасига отлар елинглар,
Етганин бошин жасаддан юлинглар!
Мерганларинг хато қилмай уринглар,
Ор йўлига от чопишинг, бекларим!

Сизларсиз Евмит элнинг лочини,
Олмоқ керак бек Авазнинг ўчини.
Бир дўсти учун беклар тўксин кучини,
Маст бўлишиб от қўйинглар бекларим!

Хурсанд қилинглаз Аваз ақли донони,
Евинг қўрқсин тополмасин панани.
Селдай бўлиб оқсин душманнинг қони,
От чопишиб қон тўкинглаз, бекларим!

Дастингдан-ку сонсиз душманлаз ўлиб,
Омон-эсон қонглаз ўйнашиб, кулиб,
Гўрўғли маст бўлсин ишларинг кўриб,
Шоҳимизни хурсанд қинглаз, бекларим!

Бўлдингизлаз сонсиз душманга дучор,
Душманнинг кафанин бекларим бичар.
Ҳар бирингдан мингта-ку душман қочар,
Маст-ку нордай от қўйинглаз, бекларим!

Душман мингидан-ку биринг зиёдди;
От қўйинг устига бирдай лаънатти!¹
Ботир эрга қайтмоқ, дўстлаз, уятди.
Ҳар биринг қоплон янглиғ гуркурашинг,
бекларим!

Йўлбарс чопинади осмонда ойга:
Мурдасин тўлдинг қирлари сойга;
Қарангизлаз хон Гўрўғли бобойга,
Отамиздай қон қўйинглаз, бекларим!

Сизларга шу бўлсин Холдорнинг зори,
Қаддингдан, ҳушёр бўл Чамбил бекларим!
Душмандан қолмасин, бекларим, тирик,
Ев устига от суриинглаз бекларим!

¹ Лаънатининг.

Алқисса, беклар ҳар томондан тўрт тарафга бўлинишиб, тоғлардан паналашиб, ғайратлари ҳаддидан ошиб, борди ёнга яқинлашиб, Холдорхон шунда таълим берган эдиким, икки бўлагин аралашиб, қамчилашиб, буёқ билан бўлган вақтда паналаб орқасидан тўсатдан бостириб қоласизлар: шунда Холдор қўрқоқлигини билиб, қандаҳарлик (Тўлакни) ўзи билан бирга олиб кетган эди, «бошқангга бу риёкорлик кўрсатар», деб ҳамро қилиб, тоғ белига олган эди. Шунда Холдорхонни Ҳасанхон билан Гўрўғлига кўзи тушди. Душманлардан дўржи-дўржисига отини орқасидан оч бўридай ҳар ёнга отиб турганига кўзи тушиб, «кўрдингми қари Гўрўғлининг ишини» деб, қандаҳарликка (Тўлакка) қараб Холдорхон бир сўз дегани:

Еш бўлсайди отам агар,
Томоша қилгин Қандахар,
Аралашиб шому-саҳар,
Қийратганин кўрдингларми?

Таълим онглар полвон беклар!
Уруш қилиб очу-наҳор,
Ҳунар ўргангин Қандахар,
Савашганин кўрдингларми?

Отамдан ўрганинг савашди,
Бу киши қари, сизлар ёшди.
Соисиз калла ерга тушди,
Югурганин кўрдингларми?

Душманларни қўймай сўқиб,
Қариган қоматин букиб,
Қўчқор қонни ерга тўкиб,
Қон тўкканин билдингларми?

Ғайрати ғойибдан етди,
Ҳаммангга отам устодди(р),
Тарафин оп Аваз мардди,
Силташканин билдингларми?

Таълим онг шундай устоддан,
Мардларим, қайтма, номарддан,
Етканин ағдариб отдан,
Сулатганин билдингларми?

Холдорхон бу сўзни айтар,
Қаҳрамонлар от ўйнатар,
Евнинг умри бугун битар,
От қўйгин (Тўлак) Қандахар!

Холдорхон дилдорлик этди,
Евдан қайтмас кўринг мардди,
Етканин энди йиқитди.
Кўп душманни думалатди.

Бошга солди қиёматти,
Кўринг энди Холдор мардди.
Тулпор отини ўйнатди.
Йигирмаси бирдай дейишиб,

Евга энди аралашиб,
Бири бирига ҳимоятди,
Етканин беклар қийратди.
Қила бердилар урушни,
Қўлида дастгир қиличди.

Тор четида турган чўпон,
Санай берди тушган бошни.
Ҳар қилични силтаганда,
Ҳар бири кесиб ўн бошни.
Қўймагин, қўйма дейишди,
Ўн тўққизи аралашди.
Евнинг сонини кўп билиб,
Қандахар кейинга қочди.
Урушиб маст бўлиб юрганда,
Жаҳонгирнинг кўзи тушди,
Қувалаб бир хилин кетди;
Хонларнинг олдига етди.
Қандахар ишни бузди деб,
Қочган қўрқоқни кўрсатди.
Ўн саккизлар урушди,
Иккитаси азайишди.
Сариқ саманнинг устида,
Холдорхон изидан етди.
Тўхта номард кунинг битди!
Дўқ уриб энди Холдорхон,
Қўрқоқ Қандахарни тўхтатди.

Алқисса, Холдорхон дүк уриб Қандахарни тўхтатди.
Қандахар Холдорхонга бир сўз айтгани:

Йилда бердинг ботмон тариқ,
Бир от бердинг саман сариқ,
Чопай десам эти ориқ,
Қўй, мен-ку навкар бўлмайман!
Бор, ман-ку навкар бўлмайман!

Амалингдан қилғил бекор,
Суруниб отинг ерга букар.
Шул урушдан бўлман безор,
Ол ҳароми, навкар бўлмайман!
Бор, мен-ку навкар бўлмайман!

Евга юргин деб айтасан,
Орқамдан қувиб етасан,
Йиқилиб қолсам қайтасан?
Бор, мен-ку навкар бўлмайман!
Қўй, мен-ку навкар бўлмайман!

Олиб келдинг мени босиб,
Дўкончи эдим гулдай косиб.
Навкарликка сиз муносиб,
Мен-ку навкар бўлмайман,
Қўй, мен-ку навкар бўлмайман!

Дўконда олачам қолди,
Коса тўла найчам қолди,
Қозикда бир захчам қолди.
Бор, мен навкар бўлмайман!
Қўй, мен навкар бўлмайман!

Боғ тўрида арчам қолди,
Соли амакйбаччам қолди.
Кўк куррали мочам қолди,
Бо худо, навкар бўлмайман!
Қўй-чи, мен навкар бўлмайман!

Қулоқ солгин Қандахарга,
Уруш ярашар эрларга,
Ҳамро бўлмайман сизларга!
Йўқ, мен навкар бўлмайман!
Бор, мен навкар бўлмайман!

Уриб-сўкиб олиб қайтди.
Иккови яна урушга етди,
Қочса, отинглар, деб буйруқ этди.

Йигирмаси кетидан тушди,
Йигирмаси олдидан етишди.
Қирқта беклар аралашди,
Қочганини қувиб янчди,
Кеча-кундуз қиб савашди.
Беклар билмай кундуз кечди,
От тиззадан қонга кечди.
Сойларга тўлдирди бошди,
Мурда-мурдага айқашди;
Қочганига қувиб етди.
Тизиллатиб ўқин отди.
Тўпи жазойил довуши,
Балки энди ўн тош кетди.
Кун чиқиб қиблага ботди.
Уруш бўлди, ҳаддан қатти(қ),
Душманлар тилади муҳлатди.
Муҳлатига ҳеч қарамай,
Чор тарафдан солди отти.
Уст-устига гала душман,
Бу урушлар бесоатти,
Ё кечаси ё кундузи,
Шу ерда қилинг фурсатти!
Танти бўлиб урушайик, деб,
Арза бекларга кўрсатди.
Гўрўғли андак четга тортиб,
Бир баландда карнай тортди,
Авазни кўрайик, соз бўлди деб,
Беклар от жиловин тортди.
Душман тоғ камарга кетди.
Гўрўғлининг қирқ йигити,
Авазнинг қошига қайтди.
Гўрўғлин аралашганига,
Тўққиз кеча-кундуз ўтди.
Беклар ҳам олти кеча-кундуз,
Булар ҳам-ку уруш этди.
Душманга бериб муҳлатти.
Беклар йигилиб бир сойда,
Ўқ теккан ерини бир-бирига,
Беклар очиб кўрсатди.

Шунда беклар қайтиб, Авазнинг олдига жўнашди. Уч кундан бери Аваз бошини кўтариб, ҳуши ўзига келиб, Гулихиромоннинг кўзи тушиб, ёрига ёв тарафдан бир дўржи от келяпти, қандай киши деб бир сўз айтиб тургани:

Кўп кун бўлди нола-фиғон айлайман,
Саломат бўлдингиз, энди сўйлайман.
Бир тўп қора кўринади кўзима,
Дўстлик душманлигин мен-ку билмайман.

Сиз ярадор бўлган энди кунларда,
Миниб энди Ғиротингиз белига,
Қиргин солди ёринг ўзин элига.
Қордаини тўшимни қалқон айладим.

Бир тўпар от келяпти майдондан,
Мард ёринг кечмоқчи гулдаини жондан,
Дарак бўлмади қариган Султондан,
Ёвни бориб (мен) мусаҳар айлайман,

Дўстми-душманлигин бегим билмайман,
Эллик уч кун бўлди ўқ тегиб танига,
Шундан бери мен бир ўйнаб кулмайман,
Мен бориб ёвларни яксон айлайман.

Бориб келай шу қоралар қошига,
Душман бўлса ғавғо солай бошига!
Номард қойил бўлсин марднинг ишига,
Бориб кимлигин, ёрим англайман.

Отимни дейдилар Гулихиромон,
Жаҳонда бўлинг-да, тўражон, омон!
Ўйнаб-кулиб даврон сурсак не армон?
Рухсат беринг, ёвни яксон айлайман.

Алқисса, Авазхон:

— Мен ҳушимдан кетган маҳалда, ёвга чиқдингми? Ҳар на қилсанг мен учун у вақтда майли эди. Агар-чи ҳушим ўзимда бўлганда эди, сени номаҳрам ёв орасига қўймас эдим. Эй заиф, ўзи туриб, номаҳрам ёвга ёрни буюрмоқлик айб. Мен учун жонингдан кечиб, менга кўрибонлик қилганингга, ёрлик ҳурматинг тутганингга, ўтар давронингни назарга олганингга туганмас раҳмат сенга. Энди

Ўзим ҳушим жойига кепти, сени юбормоқлик айб. Узим бо-
рай. Келаётган душман бўлса, мени деб келган отам қўлга
тушганга ўхшайди,— деди. Авазхон ҳали яраси бор ерла-
рини эҳтиёт қилиб бойлаб, «ҳушидан кетгандан кейин мард
ҳам номард бўлар экан», деб совут қалқонини кийиб, ҳар
шикорга миниб юрадиган Мажнункўк отини миниб, душ-
манларга қараб, от қўйиб кетгандир.

Қайтардан қилиб ғайратти,
Жиловин энди бўшатди,
Остида Мажнункўк отти.
Ажиб дамин олган ҳайвон,
Билмайди пасти-баландди.
Қилиб эрлик сиёсатти,
Рўбарўй қамчилаб отти.
Отнинг тезгирлиги тутди,
Ғазаб билан болдир Аваз,
Тоғ белида бир бўлак-ку,
Булар энди оз кўринди.
Дўржисига ҳайдаб отти,
Душман ёв ош пишириб,
Аларнинг устидан етди.

На гап бўлди, дейишиб улар,
Берувди шоҳинг муҳлатти,
Адолатдан қайтган экан,
Бир ботирни жўнатди,
От абзал йўқ қўлимизда,
Бир бошдан келиб қийратди.
Бир ботири ёлғиз келиб,
Бир тарафдин чувулатди.

Тур шоввозлар, ур шоввозлар,
Ташланглар озиқ-овқатти.
Ғала душманни кўриб,
Булар ўқин бирдай отди.
Тоғ орани гумбурлатиб,
Авазхон уруша берсин.

Алқисса, беклар отини тўхтатиб, қирқ йиғит билан Гўр-
ўғли қилиб маслаҳатни, подшоши: «Душман айрилиб чиқ-
син,— деб муҳлат тилаган экан-да, орқамиздан душман

келар экан-да», деб қирнинг устига чиқиб, қарагудай бўлса, бир қарчиғай кўп қарғага теккандай...

— Шу отга қарашингизлар, қандай отдир, мабодо Авазхон ҳушига келган бўлса, Мажнункўк отини кўриб, бизларни келганимизни билиб, бу савашни (қилаётган) ўзимизнинг Авазхон бўлмасин, магар,— деди (Гўрўғли). Беклар ҳаммаси баланд-пастга чиқиб, кейнига қарашди. Холдорхон ҳам балки олтига алпнинг бири эрди:

— Мажнункўк отга ўхшайди,— деб хон Гўрўғлига кўрсатди. Хон Гўрўғлининг кўзини қон тутиб қолган эди; Мажнункўк отни кўп таниёлмади. Шунда Холдорхон Гўрўғлига қараб, бекларга қараб бир сўз айтган экан:

Бу сўзимга қулоқ солгин, отажон,
Бу қарчиғай пухта билинг, Авазхон,
Уқ теккан — дармони йўқдир танида,
Яккаликда ўксинмасин полвон.

Мен билдим остида Мажнункўк ҳайвон,
Бизларни айтгандир Гулихиромон.
От қўйиши ўғлингизга ўхшайди,
Пухта билинг, шунинг ўзи Авазхон!

Тез маслаҳат ёвнинг бўйнин эгдирур,
Суст маслаҳат бул ўлжадан қўйдирур.
Тезгир оти Авазга ўқ тегдирур,
Пухта билинг, шулдир болдир Авазхон!

Доим саваш қилдим демасин якка,
Бу ҳасрат бўлмасин Авазхон бекка!
Бизлар билан бир танишсин Авазхон,
Шу ўхшайди, ота Аваз гўчоққа.

Холдор билди пухта Мажнункўк отини,
Кўрсин Аваз, қирқ йигит улфатини,
Ҳар ким яхши кўрар ўз элатини.
Сўнгра кўринг, Авазнинг ғайратини!

Алқисса, бекларни Гўрўғли тугаллаб кўрса, жамият бекларнинг ҳаммаси бор. Бекларнинг орасида, қараса, Қандахар йўқ экан.

— Оббў номард, «бегона билан ов овлама, отган ғозини олиб белинга боғлама», деган гап, беклар, рост экан. Биз-

ларга лозим эмас экан Қандахар, — деди. Холдор, Гўрўгли бошлиқ бўлиб, Авазхон билан қўришайлик, деб от қўйгани турур:

Кўрайик дейишиб Аваз алпти,
Хурсанд бўлиб гала ботир,
Бари бирдай отин чопди.
Ким учун келдик, дейишди.
Авазнинг турганини билиб,

От қўйишиб йўлга тушди.
Яшни сувли қилич қўлида,
Худди юлдуздай ярқиратди.
Душманлар жазосин тортди.
Қўйманглар деб ситдил беклар,
Ярадор Аваз турибди.
Душманга қилинглар фирибди!

От ўйнатиб ғариллашиб,
Баъзи беклар аралашиб,
Ёвлар қолди дамидан тушиб,
Бепарво ётган ёв орада,
Кўплари қолди қийрашиб,
Кўринг қирқин энди мардди,
Хушёр бўлинглар дейишиб,
Қўйманг, деб гала лаънатти,
Кечаликка еб овқатди,
Отга бериб еми-ўтти,
Намоз вақти миниб отти.
Уч кеча-кундуз қилди,
Мардлар кўп қилди ғайратти.
Шоҳим бу ишинг уятди,
Бизнинг лашкар онгда қолиб,
Фирибин бекларин ишлатди.

Тантибозлик бор орада
Улуклар қолди далада,
Уч кун беринг беклар жавоб,
Қолди аскаримиз йиғлаб;
Уч кунни турибмиз тилаб.
Улган, тирикларни билсак,
Қанча борин сонин кўрсак.
Уч кун беринг Гардон шоҳга фурсат!

Бой бўлди, соз бўлди,
Ёв сонига қараганда
Бу урушимиз оз бўлди,
Бу уруш сабаби Аваз бўлди.—

деб Гўрўғли қараса, Авазхон ҳеч қўймасдан от чопади. Бекларни дўннга қўйиб Гўрўғли Авазни ўзим олиб келай, деб Авазга қараб, қирнинг белидан «Аваз» деб кўп товуш қилди. Авазнинг қулоғига кирмай, эрли ғайрати келган, Гўрўғли боласини қайтармоққа от қўйди. Иккови ота-бола тўғрима-тўғри келди. Душман англаб, ёв орада Гўрўғли эканини билмай қилич солмоқчи эди, икки от икки ёққа айрилиб кетди. Гўрўғли қайт, деб Авазнинг олдига тагин тўғри бўлди. Отини Авазнинг олдига кўндаланг қилиб, Гўрўғли ўзини танитаётгани:

Мен сени деб Чамбилбелдан келаман.
Қилич найза солсанг бу кун ўламан.
Хай-хай сенга нима бўлди, кўзим Авазхон,
Хон Гўрўғли, отанг ўзим бўламан.

Қўлида ярқирар пўлат найзаси,
Олти ой бўлар яхши от азаси.
Мен бўламан, болам, сен алпнинг отаси,
От жиловин тортгин, отанг бўламан!

Томоша қилди-ку қирқта улфатинг,
Агар Авазхон бўлса, фарзандим отинг,
Едингга тушмайми Чамбил элатинг?
Чамбилнинг эгаси отанг бўламан.

Шукрулло жасадда бор экан жонинг,
Келгандир ҳам Ҳасанхон оғажонинг,
Дастингдан қирилди сонсиз душманинг,
Жилов сақла болам, отанг бўламан!

Авазхон пўтоси билан бетининг терини артиб, отини тўхтатиб қарасаки, отаси турур. Иккови икки тарафдан отидан тушиб, қучоқлашиб кўришиб, биров бировидан аҳвол сўрашиб:

— Уч кун муҳлат бўлди, ўғлим. Балли, ўғлим, сен агар ўтирган чоғингда беклар устингга борса кўп уят бўлар

эди. Боз урушганингни улфатларинг кўрди. Қадимгидан ҳам ҳурматинг зиёд бўлди, Авазжон,— деди (Гўрўғли).

— Муҳлат бермасак бўлар эди,— деди Авазжон.

Гўрўғли:

— Қўй бодам, муҳлат берайик. Бизлар ҳам дамимизни олайлик. Беклар ҳам қайтиб келаётганини кўриб от чопишиб келиб, отидан тушиб, навбатма-навбат кўришди. Беклар кўришиб, сўрашиб кела, кела маслаҳат қилишиб, «ё Чинғир чолниқига борайлик дейишиб, ё қурбон Фалак момосиникига боришимиз керак» деб Хиромоннинг олдига келди. Келиб маслаҳат қилишди, Авазхондан:

— Чинғирниқига борамизми, ё момонгизниқига борамизми?— дейишди. Авазхон:

— Чинғир деганларинг ҳам анжомдор кишими? Ҳасанхон айтди:

— Мен кулбасини кўрдим, у ерда бўлмайди, меҳрибон момонгники (тузук). Чинғирни танимайсанми? Шу момонгнинг укаси бўлар экан-ку,— деди.

— Йўқ, мен у билан таниш бўлганим йўқ. Момонинг анжоми бизни сарамжон қилар, айвони бор, фалакка учадиган оти бор, душман ёвни қамайдиган кўп зўр қуввати бор. Билмаган саводни билдирадиган ҳам маслаҳати бор,— (деди Аваз.) Беклар момоникига кетишди. Момосиникини чўллардаги чўпонлардан сўраб келиб борса, Чинғир чол шу ерда; уни қоровул қилиб кетган экан. Чинғир чол буларга зиёфатни катта қила берсин.

Момоси ҳали ҳам тоғнинг белида ётган эди. Шунда:

— Бизларга кўп гапни едирган, тоғнинг белидаги момо сизнинг момонгиз бўлмасин,— деб, оралиққа Холдорхон гап ташлади.

Милтиқдан товуш тингандан кейин (момо) икки тоғни бир қилиб, ҳатлаб, бурнини кериб, қирма-қир, сойма-сой юриб, Бойпон чўпоннинг устидан келди. Чўпонга қараб момоси бир сўз айтди:

Сурув боқиб қир бағрида юрдингми,
Қўйлар боқиб хўп кайфингни сурдингми?
Ҳорма дейман мана турган дахмарда,
Шу сойларда қирқ отлиқни кўрдингми?

Билмарам қанчадир қўйингнинг сони,
Утловда қўй боққан бойнинг чўпони,

Бир киши тождордир. Чамбилнинг хони,
Саатанатаи шу бекларни кўрдингми?

Уч кун муҳлат қипти шоҳи Гардони,
Қирилган лашкарин йўқдир ҳеч сони;
Сойларда сасиган душманнинг қони,
Қирқ йигитли бөл Авазни кўрдингми?

Зумратдир-ку айёр момонгнинг оти,
Аваздир билсанг тутинган фарзанди.
Юлдузни кўзлайди мардларнинг оти,
Ёвдан қайтмас бөтирларни кўрдингми?

Алқисса, чўпон:

— Утувчи-кетувчининг мен қорөвули эмас, мен бир қўй
боқадиган чўпонман. Кеча, кун қиём вақтида эгарининг
қошига чин добиллар тақилган, қирқ отлари салтанатга бо-
қилган, сизникини сўраб, ўтаётувди. Ҳозирги сўраганла-
рингиз улардан бошқами, момо?

— Болам, бўлмаса мен сўраган соҳиблар шулардир,—
(деди момоси).

— Кеча борган меҳмонингизни бугун мендан сўрайсиз.
Узингиз қаерда эдингиз?

— Болам, икки шоҳнинг урушига тоғнинг бошида ухлаб
қолибман,— (деди). Момоси шоҳлар меҳмон бўлибди деб
вақтини хушлаб, катта-катта қадам ташлаб, бир қулоннинг
эркагини ушлаб, бошига бир йигирма муштлаб, кулбасига
бориб бекларнинг орасига ташлаб, Гўрўғли султонга са-
лом бериб, кўришиб-сўрашиб:

— Момонгнинг моллари болам ёввойилаб кетган, ҳар
сувлат овлоқда юрган. Шу бесоҳиблар бари момонгга
товун,— деб қулонни теридан чиқариб зиёфатини катта
қилиб, тарқатиб турган чоғида, «дўстимнинг энасиникига
борайин, Аваз элатдошим соғ-саломат кетдимикан» деб,
Дангаса келиб қолди; қирқ бекнинг устидан чиқиб қолди.
Бир душман сингари одамга Холдорхоннинг кўзи тушиб,
«аҳли душман таслим бўладиган бўлдим, бир қора келяп-
ти», деб бекларга хабар беряпти. «Бу, албатта юрган одам-
ларни мен биламан», деб айёр мастон қараб, Гўрўғли сул-
тонга кўрсатиб бир сўз дегани:

Эшитгин додимни Чамбилнинг хони,
Такалидан бунинг мазгил макони.

Аввалдан танишмидинг, Султоним,
Уғлим дўсти Дангасага ўхшайди.

Асли Евмит белда туғилган жойи,
Ғулгул элда бордир бунинг саройи.
Душмандан доим ўч олмоқ, раъйи.
Уғлимнинг улфати Дангасага ўхшайди.

Узи бир нашаванд билинг бинойи,
Хўн киши дер унинг йўқдир гунойи.
Асли Чамбилладир туғилган жойи,
Бесаранжом Дангасага ўхшайди.

Кўп йил бўлди бу элатга келгани,
Алн кишидир йигитларнинг полвони.
Бадавлатдан кўндир бунинг анжоми,
Уғлимнинг улфати Дангасага ўхшайди.

Курашга чиққанда алшарни йиқар,
Қасд қилиб йиқитса ерларга тикар.
Йигитликда эмиш Равшанга навкар,
Уғлим дўсти алн полвонга ўхшайди.

Акаси бўлармиш Ҳасан кўлбарди,
Эр ўтган банд қилган ҳар бир шаҳарди.
Қулай келса бул танийди сизларди,
Уғлим дўсти шу туркманга ўхшайди.

Бунга тегишганлар жазосин топар,
Димоғи чоғ бўлса қўзғолиб қўпар,
Доим Гўрўғлининг қиличин чопар,
Зумрад билур қариндошинг сизларни(нг).

Авазхон жойидан турди. Отасини Авазни кўрганидан таниб (Дангаса) Аваз билан кўришиб, беклар «қариндош киши экан» деб мусофир билан танишди. Гўрўғлини ҳам кўриб, (Дангаса) пастроққа тушиб қўлини дастилом қилиб, қоматини ҳам қилиб, жойидан ўтириб туриб, «хуш келибсизлар шоҳлар», деб ўтирди. Таомларни ейишгандан сўнгра, фотиҳани бетига тортиб, Гўрўғли султон «Сиз Гардон шоҳнинг полвоними?» деб сўрагани турур:

Йўл бўлсин Гардон шоҳнинг полвони?
Мен бўлурман полвонларнинг қурбони.

Наслингни мен-ку бугун сўрайман,
Зурёдинг ким, қайси элдан бўласан?

Кўрқмайсанми келган туркман беклари,
Нечук устимизга босиб келасан?
Душман бўлсам қутулмайсан — ўласан,
Турқи яхши туркман қайдан бўласан?

Беклар нишон отар тоғнинг тошига,
Қузғунлар қўндирди душман лошига.
Қайтиб келдинг одамқушлар қошига?
Серюракли полвон, қайдан бўласан?

Ун ети ой Чамбилбелнинг ораси,
Туркман элдан дейди сенинг ўзингни,
Туркман элда борми ини-оғаси?
Баён бергин, аслинг қайдан бўласан?

Мен Чамбилнинг салтанатли подшоси,
Бу қирқ азамат мендай зўрнинг боласи.
Аҳмад сардор мендай марднинг тоғаси,
Отим хон Гўрўғли — юртнинг эгаси.

Алқисса, Дангаса таъзим қилиб, ўз аҳволини баён қилиб бир сўз айтгани:

Аслим айтсам султонимиз билади,
Таърифингдан неча душман ўлади.
Боғ Равшанга бориб банди бўлганда,
Сизни айриб келган укам бўлади.

Полопон тоғида менинг маконим,
Мен айтайин қулоқ солинг, султоним,
Ушбу тоғда мен келганда бор эди,
Ҳасан кўлбар турур ул эмишконим.

Қирқ йил бўлди бу элатга келганим,
Олти ойча бўлди Аваз кўрганим.
Донгги кетган овозадор полвоним,
Ҳасан кўлбар, мен акаси бўламан.

Дангаса дер бир лақабим — отим,
Чамбилбелда энди йўқдир улфатим:

Асли сизлардан менинг зуредим.
Асли туркман, қариндошинг бўламан.

Ҳе, Гўрўғлининг энди ёдига тушди. Бунинг акаси Ҳасан кўлбар калтагини судраб бориб, Гўрўғлини уч марта овоз қилиб келганлари ёдига тушиб, «тўғри ўзимиздан экансиз», деб бошқатдан кўришиб, алқисса, Гўрўғли:

— Бизнинг шаҳар алпларидан экансиз, нечук Авазга ёрдам бермадингиз?— деди. Дангаса:

— Мен Авазни саломат Чамбилга етгандир,— деб юрган эдим, югурик Гўрўғлининг туркман отига бу чўби ёвлар ега олмас деб ўйлаган эдим,— деди.

Момоси туртиб айтдики:

— Уғлим, Авазхон кўп шикаст еб, Хиромонжон ҳам беш кеча чиқиб урушди, сонсиз лашкари бор подшодан мен Авазжонга ҳимоят бердим. Темир Чамбарак қалъа қилиб, душманларни беркитдим. Хиромонийнинг битган арзасини элтиб Юнусойга бердим. Шундан бери бедарак бўлиб Авазни атрофида турдим. Сен ҳам элатдошлик қилганингда, Авазхон бунча азоб емас эди. Сен, мен ёрдам берганимизда қари Гўрўғли бунча ҳалак бўлиб келмас эди. Гўрўғли:

— Эй, ундай деманг, Фалак мастон, ўғли ҳалок бўлганда ота чидаб турармиди?— деди. Дангаса айтди:

— Авазхон Хиромонни олганида хурсандлигимдан билгим енгимга, таним кўйлагимга сизмай кетди. Гўрўғли душманга банди бўлди деса сарғайиб, ўйланиб, ориқлаб кетаман. «Гўрўғли келиб фалон шаҳарни олибди» деса, семириб, эшикдан ичкарига базўр сиғаман. Гўрўғли қариндошга албатта суюнар деб (келдим-да).

— Ҳали Дангаса полвон, Гардон шохинг уч кун муҳлат тилаган эрди. Бу кеча ётиб, эрта билан уруш муҳлати тугайди. Карнай-сурнай тортиб, қайтиб урушга борамиз, (— деди Гўрўғли). Дангаса яна суюнганидан бир сўз айтибди:

Қабул қилди қариндошни Хиромон,
Яра еган бўлса болдир Авазхон,
Оқ фотиҳа берсанг карамли султон,
Якка ўзим мен савашга кираман.

Эшитмасдан бўлди аламли доғим,
Авазга ўқ тегибди, куйди димоғим.

Дамни оласин бөлдир Аваз чироғим,
Ев орада ҳар на бўлсам бўларман!

Бекор муҳлат берибсизлар лаънатга,
Мен рафиқа бўлсам қирқин жаллодга,
Қариндошлар кўриб тўлдим ғайратга,
Дамларингни олгин, ўзим бораман!

Сизлар мендай Дангасанинг меҳмони,
Қўлимда сел бўлсин душманинг қони,
Жавоб беринг, бир карамли Султони,
Танҳо бориб мен душманни қираман!

Кўриб олай бек Авазнинг ғашини,
Ғам емайман қанча бўлса қўшини,
Қирмиз қонга бўйя тоғнинг тошини,
Хон фотиҳа беринг, ўзим бораман!

Кўкламда турланар тоғнинг гиёси,
Шунча ҳимо берган бўлса момоси,
Шоҳим жавоб беринг, ўзим борайин,
Обберай сизларга Гардон қалъаси(н)!

Етти ботмон келар, менинг ўқ-ёйим,
Урушмоққа янги бўлибди раъйим,
Дуо қилсанг бўлар Чамбилли шоҳим,
Оқ фотиҳа беринг, ўзим бораман!

Дангаса дер беш ботмондан калтагим,
Элатдошни кўрдим, чоғдир димоғим,
Чамбилбелда қолган боғи чарвоғим,
Омин денглар, қирқ йигитлар, гуччоғим!

Асли Ҳусандир-ку, билинглар, отим,
Евнинг боласини айлайман етим,
Қанча бўлса, етар кучу қудратим,
Шоҳим, рухсат беринг, ҳозир бораман!

Алқисса, Гўрўғли султон: «Сизларнинг алликларингга менинг кўп ақлим етар. Агар шундайин ёрдамнинг тегадирган бўлса бизларга, шаҳри Гулғулнинг ярим вилоятини сизга бераман. Ярим вилоятини момога бераман. Ев орасида қандай фириб амалларингиз бор?

— Амалим шуки, агар ижозат берсангиз, Гардон шоҳ лашкари мени бариси пухта танийди, оралаб борсам, шоҳнинг олдидан жой олсам... «Шундай мушқул ишларимиз бор» деб мондан сўраса, Гўрўғлининг «иккам эллик ҳийласини, етмиш икки фирибини мен болаликдан ўрганган эдим. Шу қиладиган фирибларни сизларга ўргатсам, Чамбил бекларини осон банди қилурсизлар,— дейман.

Шунда беш ботмон калтагинга ситдил қирқ қулоч арғамчи керак, калтакнинг учига ўнг ёққа, чап айланса ҳам кесадиған дудама бел керак. Эҳтиёт қилиб, бойласак, ўинларини ўргатай. Сонсиз лашкарини атрофинга йиғсанг, қаҳрамон шаҳарни шундай фириб билан олган эди. Фирим такалак деган фирибини кўрсатсам, дейман.

— Агар кўрсатсанг, шу Фирим такалакни ишлатсам, миллион-миллионининг бошини қийратасан,— (деди Гўрўғли). Момога ҳам айтди:

— Сизнинг ҳам бошқа фирибингиз борми, ёки кашмирилик билан қамашни биласизми?.. Момо айтди:

— Агар душманнинг шу Фирим такалакни ўйинига кўндирса, тоғнинг устига бир бўлак лашкарни чиқариб турган бу киши Фирим такалакни бошлаган вақтидан Хиромонжон турган оқ тошнинг тагида писиб турсам... Дангасанинг айтган етти ботмон ёйини менинг ўғлим тортгувчи эди. (Ёй) ўғлимники эди. Уни фақат ўғлим ҳам Дангаса тортгувчи эди. Ўғлимнинг тириклик вақтида оға Юнус ёрингиз Эрон шаҳарининг подшоши эди. Пайкан мамлакат подшосининг полвонларининг каттаси ўғлим эрди. Келган дев билан ёвнинг Эрон шаҳрини асрайдиган, Дангасанинг дўсти, менинг ўғлим эди. Шул сариқ етти ботмон ёй ҳар қандай зўр ёвни таслим қилдирадиган ёйдир. Шул Хиромонжон ётган оқ чўққи тагига бориб мен ёйни олиб турсам... Изиллашиб, гувиллашган вақтида тоғнинг устидаги баланд чўққини урсам. Душманлар «Гўрўғлининг кўп лашкари келиб қолди» деб аросатга тушар. Бир ёққа зафар берса, бир ёқни аросат олар. Ҳозир билурман, зафар сизлардадир. Султоним. Агар Фирим такалакка бу усталик қилса, сизлар ёвнинг қочар томонида турингиз! Қочган вақтида Гулғул тарафига қочар.

Алқисса, ваъдани бир қилиб, тўқсон тўққиз ўқ билан (ёйни) олиб бориб, Хиромон оқ чўққининг тагига кўйди. Икки хабар олувчини юбориб, кечаси билан уйқу қавоққа қотиб, чор атрофини беклар иккита бир, учта бир олиб, қочгани пойлаб ётишди. Полвон дудама белини кифтига

ташлаб, уч юз олтмиш газ пўтасини белига бойлаб, бодом,
писта чопадирган ўтинфурушга ўхшаб сонсиз ёвни оралаб,
Гардон шоҳнинг қошига саломлашиб борди:

— Қани шоҳим, сабаб надир, лашкар билан бу тоғлар-
нинг орасида ов-шикор қилдингизларми? — деб кўришиб,
сўрашиб (турди Дангаса. Подшоҳ): «Эй Дангаса, сен бе-
хабарми?» деб, Дангасага қараб бир сўз дегани?

Қара, бой берар бўлдим Фулгул элимни,
Чамбилбелли гўё қилди коримни,
Хумса олар бўлди менинг шаҳримни,
Худоё жувармағ ўлсин, Хиромон!

Кўнгил берди Аваз бадбахт кўримга,
Ишонмай қолдим мен кучу — зўримга.
Сонсиз одам қолди ҳозир ўлимга,
Худоё жувармағ ўлсин, Хиромон!

Оларман деб қасд қилдим Ёвмит элини,
Тоғда кўрди Гўрўғли қувбош улини.
Бирига қўшмади лашкар бирини.
Худоё жувармағ ўлсин, Хиромон!

Аваз билан қилган экан базимни,
Охирида туман қилди юзимни,
Бир ёлғизим душман билди ўзимни,
Худоё жувармағ ўлсин, Хиромон!

Қиз қиб боқдим тушунмабман феълига,
Осилиб ўйнар бизнинг душман бўйнига.
Кечаликка тортиб бағри қўйнига.
Худоё жувармағ ўлсин, Хиромон!

Мен подшоҳман, теккан ёри додҳо,
Ишонма қиз бўлса шундай лаънатга!
Катта бўлган сари қўйди уятга.
Худоё жувармағ бўлсин, Хиромон!

Кўнгил берган қувбош Гўрўғли улига,
Ул бўлса қилич солмайди ўзин хилига.
Қирғин берди лашкаримнинг кўпига,
Худоё жувармағ бўлсин, Хиромон!

Эли-юртдан яхши кўрди Авазни,
Ул бўлса жонингни бергин Дангаса,
Мени десанг боқма асло қизни!
Худоё жувармаг бўлсин, Хиромон!

Ҳеч билмади отасининг орини,
Эна-отадан яхши кўрди ёрини.
Ўғил бўлса асрар ота шаҳрини,
Худоё жувармаг бўлсин, Хиромон!

Қиз боққан Гардон шоҳ сазосин топди,
Авазни дўст билиб, бизларни чопди.
Шойи шалпар кийдираддим ноумидга,
Худоё жувармаг бўлсин, Хиромон!

Дангаса айтди:

— Бу ерда қирғин соладиган бир Аваз билан Хиромоннинг ўзими, ё бошқа Чамбиллик ҳам борми?

— Туркманлардан,— деди Гардон шоҳ,— Гўрўғли қирқ йигити билан келиб биз билан тўққиз кеча-кундуз урушди.

— У қувбош, номард келган экан-да... Унинг менга ҳам кўп қилган ҳиссалари бор эди. Шунинг учун мен сизнинг элингизга келган эдим. Мен ҳам ўз элимда донгдор киши эдим. Бир юзу тўққиз норимни, олти минг манги чоримни, хазина-ҳазина заримни, тоғасига тортиб олиб бериб эди, Холдорхон деган ёримни, энди сизга айтсам, юрагимдаги доғимни, подшоҳлик қилиб юборди тўққиз ерда мевага кирган боғимни. У хумсанинг кўп фирибларини ман биламан. Воқеан сиз бизга ини-оғадан зиёд бўлган. Баччагарнинг иккам элик ҳийласини, етмиш икки фирибини, ҳаммасини мен болалиқдан биламан. Икковини аралаш қилсангиз, Гўрўғлининг урушга кирганда бир юзу йигирма фириби бор. Гардон шоҳ:

— Бунинг қандайчи фириби бор, биласизми?— деди.

— Қаҳрамон деган шоҳнинг шаҳарини олганда, Фирим такалак деган бир ўйини бор эди. Агар, тақсир канарага бир лашкарларингизни чақирсангиз, сўнг кўрсатаман, (— деди Дангаса). Шунда Гардон шоҳ бутун лашкарларини карнай-сурнай чалиб чақирди. Ўзингизни Гулгул тарафингизни очиб қўйиб, уч тарафга одам қўйинг. Мабодо қувбош келиб қолмасин. Уч тараф чўққи баландга кўп дуржи лашкарларини қўйиб, бош фириби шу Фирим такалакдир,— деди. Кишиларга қараб, Гардон шоҳ «Гўрўғлининг бош

фириби гирим такалак эмиш, шуни ўрганингла» деб, бир сўз айтди:

Сарбозларга отишмоқнинг ишқи бор,
Хар подшонинг ҳарбий таълим машқи бор.
Ўрганингла, даркор бўлар, бекларим,
Шу эмиш Гўрўғлининг бош фириби!

Шу гапимни қилгин, сарвозлар бовар,
Султонинг гапини қингла эътибор!
Узин фирибидан жазосин топар,
Қандай бўлар Гўрўғлининг бош фириби?

Тенг босиб оёқни бирдай турингла,
Гирим такалак ўйинини билингла,
Фирибин ўрганиб кўзин ўйингла!
Бош фириби шу эмиш пухта билингла!

Қирқ йил бўлди Дангасанинг келгани,
Элик йил бўлганди ўйинини билгани.
Ўргансангла банди бўлар Чамбил полвони,
Гардон айтар шулдир, шунқор фириби.

Шунда Дангасанинг атрофини душманлар ўраб олиб,
Дангаса ўрталиққа кириб, бир сўз дегани:

Бўялсин тоғларнинг тоши,
Юздан ошган шоҳим ёши,
Бир айланиб агар ўтса,
Кетар минг кишининг боши.

Емон кунда керак бўлар,
Хар кимнинг ўзин хеши.
Мурдаларга қўнар бўлди,
Тоғнинг-ку лочин қуши.

Сойдаги чиқмасин қирга,
Кўнсин азалда, тақдирига.
Икки айланиб, агар ўтса,
Сари етади: уч мингга.

Ўйинин энди ўргатай,
Бир газ арғамчини узатай,

Сизлар терак, ўзим бутай,
Ҳар тарафга мурданг отай.

Атрофга келган лаънати,
Бирлари сунъин фарзанди.
Алқашсин бадбахт жасадинг,
Беш айланиб бели ўтди.
Сойчалар тўлиб қон кетди.
Подшоҳ олди ҳаросатти,
Қўй ўйини қурсин деб-ку,
Гардон шоҳ қилди додди.
Тоза кўр, қизиқ ўйин деб,
Рўбарўй ипин узатди.
Дангасага онсон ишди,
Калла питирлаб сойга тушди.
Шуйтиб келар Гўрўғлин кишти.
Бошида қолсин бу ўйини деб,
Гуруллашиб лашкар қочди.
Сурунишиб думалашди,
Тиккалари белидан учди.
Бир хиллари писиб ётди;
Тикка келганини йиқитди.
Беш соат ўйин кўрсатди;
Ўзи тиздан қонга ботди.
Бели сағал тегиб ўтгани,
Баланд чиқиб қонин артди.
Тоғ бағрида, баланддаги,
Гўрда бизларга дўст бўлами?
Асли Гўрўғлига элатти.
Ё укағар бу Дангаса,
Гўрўғлин тарабин олди;
Сонсиз киши ўлиб қолди.
Қоламаси изиллашти,
Отлиғи тоғларга қочди.
Изиллашкан бу товуши,
Момога кушод етишди..
Сари ёйни бирдан тортди,
Тоғнинг чўққисин қулатди.
Уст-устига уч марта,
Ул сари ёйини отди.
Баъзилари от қамчилаб,
Сонсиз туркман кеб қолди деб
(Баъзиларин ақли шошди).

Уч марта отаман деб,
Ваъда қилувди момоси,
Ҳар тарафга тўзишди,
Бариси бирдай ўлишди.
Кундузига-ку қийратиб,
Кечаси момоникига қайтди.
Тоғи олдин-кейин суришди,
Тўққиз ой орадан ўтди.
Қайтманглар энди толди деб,
Қирқ иккиси қиб маслаҳатти,
Ев қочса, ботир кўпаяр,
Қирилса сони азаяр,
Кўринглар келиб аралашди,
Қувалаб найзасин санчди,
Бир хили ишлатиб қиличди,
Уч кеча-кундуз урушди.
Ун икки мингги қолганда,
Душман ҳар тарафга қочди.

Қочгани элига етиб,
Йўлини очинглар қув бошни(нг),
Емон қилиб туркман ишни,
Ким дамига дучор бўлса.
Ҳеч билмайди қари-ёшни,
Ол баччағар ўзинг четроққа,
Олар бўлди хон Гўрўғли
Ҳам шаҳарни ҳам даштни.
Ботир қувиб номард қочиб,
Бора-бора-ку қизиқиб,
Чинғир чол ҳам аралашди.
Қочганини кўриб Байпан чўпон,
Кўйма деб қилди товушни.
Сойга ташлаб ковушни,
Булар ҳам таёгин олиб,
Улжа олайлик деб югуришди.
Дангаса-ку дўстлик этди,
Кўринганни қийратди.
Билмас эди бу амални,
Султон Гўрўғли ўргатди.
Уликлар бирдай айқашди,
Таълим олди дейишиб урушни.
Чамбил беклари қувалашди,
Уруш кўп ҳаддидан ошди.

Қирмизи қонга бўяшди,
Тоғлардаги қора тошни.

Алқисса, қувалаб куйи тоғидан ўтқариб, беклар саломатди, жасадда жони. Саломат Чамбилнинг хони. Совутлар сўтишиб, қора қон тўкилиб, бир хилларининг бели букилиб бораётгани:

Арғимоқ тулпор отлар,
Чопилди майдон ичинда.
Асил нуқра тилла добил,
Қоқилди майдон ичинда.
Тилла карнай, олтин сурнай,
Тортилди майдон ичинда.
Ортга тортиб қўрайинлар,
Қирилиб сонсиз хоинлар,
Оғзи катта жазойиллар,
Отилди майдон ичинда.
Бўлиб Гулгул элга жабр,
Келди-ку бекларга давр.
Фаранги милтиқ тапир-тупир,
Қанқиллаб майдон ичинда.
Саф қурилди лашкар, тўплар,
Мард қувиб номардди боплар.
Донғи кетган катта тўплар,
Гумбурлаб майдон ичинда.
Бўлмай Гардоннинг тилаги,
Қолмади урушга тоби.
Оқ байроқ энди ялови,
Қолинди майдон ичинда.
Шоҳга қолар бўлиб юрти,
Қўймай туёқ бедов оти,
Ушлашиб Чамбилнинг мардди,
Ушлашди майдон ичинда.
Беклар кўрсатди қудратин
Олайлик деб паст-баландин,
Қирилиб бисёр лаънати,
Улди-ку майдон ичинда.
Ҳар бир жойларни бўшатди,
Улжага олиб моли ортди.
Кўрмайсизми Аваз мардни,
Чинғирнинг устидан етди.
Энди Чинғир бизнинг тоға,
Чақиринг эли-элатти,—

деб Авазхон буйруқ берди. Қолган ёв-яроғини, ўлжа отини момосиникига олиб бораверинг, сиз ҳам бир тарафдан яроқ ўлжаларни йиғаверинг, деб Дангасага ҳам буйруқ берди. Булар бу ёқда халқини йиғиб, яроғини йиғмоқ билан бўлаверди. Қочганлар кетди қутулиб, саккиз минг кишини бўйин қилиб, Фулғулнинг шаҳрини олиб, подшоҳлик номи-ни Дангасага битиб, йиллик йиғилган хирожни ярмисини момога беринг деб буюриб, қалама элатини бўйин қилди-риб, Гўрўғлининг ҳар гузарига отларни чоптириб, қўрқиб-писиб юрганларни топдириб, ҳар қўрғон қалъасига ўзлари-дан ҳокими беклар қўйдириб, хазина тиллаларини минг, юзта фил, минг нор туяга орттириб, филбон карвонларга Жаҳонбекни бошлиқ қилдириб, «Гўрўғли султоннинг ўлжа моллари», деб қўлига муҳр бостириб, «кимки ушласа шу-ни кўрсатиб олиб кета беринглар» деб, буларни жўнатди. Фулғулнинг шаҳари ичидан уч дарё ўтар эди, икки шаҳар-нинг ичида икки тоғи ҳам бор эди, тоғнинг баланд ерига тўпларни тортдириб, олти минг марта шаҳардан ошириб, тўп отди. Беш минг марта жазаил отди, неча мунаққаш иморатни сари ёй билан хабарлатди. Куллан сурайдиган каламровини чорлатди, ҳаммасини жам қилиб бир ой чу-лон қилиб тарқатди. Ҳар қайсисига ёрлиқ бериб, қўрғон-қўрғонга амалдорларни жўнатди. Энди Дангаса дейишлик керак эмас, ота-энаси қўйган Хусанхоннинг элати, ўзига тақдим қилиб сўрамоқ шу Хусанхонники деб, жарчиларга инъом тақдим этиб, кўчама-кўча чорлатди. Жарчибошилар ҳар ёнга кўчаларга чопиб, добиллар қоқиб, қудуққа кирди-ми, дарёга оқиб кетдими, Гардон шоҳ йўқ бўлиб кетди. Жарчибошлар Авазнинг номига Фулғулни чақириб, гузар-ларни жам қилиб, Регистонга — ўн бир қулоч минбарнинг устига чиқиб, Гулихиромоннинг ёри Гардоннинг куёви Авазхон юртнинг эгаси бўлди деб, жарчибоши мардумлар-га қараб бир сўз дегани:

Маълум қилиб эли-халққа,
 Авазхон минди аркка:
 Ҳам Гардон шоҳ куёви!
 Подшо бўлди билинглар!

Учтоққа-ё, учтоққа,
 Маълум бўлсин ҳар ёққа.
 Эшитмадим деманглар,
 Авазхон минди аркка!

Ҳам шаҳари саҳроси,
Иккам олтмиш қалъаси,
Зўрлик қилиб олди-ку,
Хиромон жуфтипоси.

Оти билинг Авазхон,
Юртга бўласин намоён,
Ери Гулихиромон,
Подшо бўлади Авазхон!

Чор тарафга ўқ отди.
Айтсам номус уётти,
Ҳам шаҳрингга доматти,
Авазхон сўрайди аркон давлатти!

Қирқ кун чўлон тарқатди,
Ҳар қўрғонга амалдор,
Ерлиқ билан жўнатди.
Авазхон эгаси Гулгул мамлакатти.

Хон Гўрўғли Авазнинг отаси,
Мардум пухта билинглар,
Жарчибошин ҳеч бўлмас
Бу гапида хатоси!

Алқисса, Гўрўғли султон жарчибошидан кейин ўрнидан туриб, ўткир кўзли Гўрўғли ҳайбат билан келган халққа қаради. Жарчибоши Авазхоннинг отаси, Чамбилнинг кагтаси, жаҳонга кетган овозаси, алп ўтган сиёсати оламга кетган, полвонлик донғи оламга кетган, пухта танисангизлар Евмит элнинг султони, хон Гўрўғли шу киши деб танитди. Шунда Гўрўғли мардумларга қараб, Авазни ўнг тарафига қўйиб, бир сўз айтяпти:

Аваз шулдир, Гулихиромон заифи.
Савашда панд берар отнинг майиби,
Аввал-охир Аваз юртнинг сойиби,
Билингишлар, Ҳусан полвон бунинг ноиби!

Ақли расонияг гапим йўддир айби,
Йигитнинг номини паст-ку қилади.
Аҳмоқ бўлса суйиб олган заифи,
Аваз подшо, Ҳусан билинг ноиби!

Асли кишин кўнгида йўқ ғубори,
Аваз болам Чамбилнинг эътибори.
Шунга қолди Гулғулнинг шаҳари,
Аваз подшо, Хусан бунинг ноиби.
Ғирим такалак ўйинин элингга билдирди,
Тўрт соатда ўн мингини ўдирди,
Дўстларин бек Авазга билдирди,
Шу сабабдан Хусан бўлди ноиби.
Гўрўғли номин билингла, аждаҳор,
Лашкарим йўқ, қирқ йигитим, муқаррар!
Ев кунда менга бўлар зафар ёр,
Беклар кетар, Хусан турар муқаррар!

Гўрўғли эли-халққа:

— Гапирадиган киши борми? — деди. Жамият йиғилиб:

— Сиз нима десангиз, бизлар қабул қилдик. Норбўта
ўғли Чаққонни ҳамма халқ ичидан вакил қилди. У Гўрўғ-
лига қараб, чаққон бир сўз айтди:

Сиз тарафга, тақсир, давлат боққанди(р),
Айтган сўзингиз эли-юртга ёққанди(р),
Кўп жонибдан билинг, вакил Чаққонди(р),
Элдан олар хирождан, хоним бер хабар!

Гардон зулми суягимиз чаққанди,
Йиғлаганни кўзидан қон оққанди.
Энди билдим давлат сизга боққанди,
Элнинг солиқ, ўлпонидан бер хабар!

Элнинг ҳолин у Гардон шоҳ билмади,
Тирик кетди, қўлга тушиб ўлмади.
Зулм қилди, элнинг моли қолмади,
Қўй, суруви, закотидан бер хабар.

Ерлиқ урса, гадо қилди бекларди,
Бу мардумлар шу подшодан безорди,
Дехқонлар нима бермоғи даркорди(р),
Йилда йиллик солиқ, молиядан бер хабар!

Эшитиб қолмасин-да халқимнинг бари,
Қанчадан мол бўлсин қўноғи — тари
Қанчадан мол керак асил баҳори,
Хоним, ўзга солиқлардан бер хабар!

Раҳм айланг, оқмасин фуқаронинг ёши,
Доимо устундир ботир кураши.
Қанча бўлмоқ керак нўхати-моши,
Эй, султоним, олишингдан бер хабар!

Офарин бор, шоҳим, қилган ишингга,
Маълум бўлсин, ҳамшаҳарингга даштингга,
Муассар¹ тож ярашади бошингга,
Элдан олар хирожингдан бер хабар!

Йиғилган мардумнинг ҳаммаси билсин,
Хурсанд бўлиб эли-халқимиз кулсин.
Сиздай шоҳдан мендай Чаққон ўргилсин,
Тахт сизники, адолатдан гапиринг?

Алқисса, шоҳ Гўрўғли мардумга қараб, хурсанд қилиб,
бир сўз айтади:

Уч йилгача бўлмас сурув закоти,
Бўлсин фуқаронинг ҳузур роҳати,
Дафтарига битилмиш бу нома хати,
Қўй ўсдирган чорваларинг озоддир.

Азобда бўлмасин фуқаронинг жони,
Эшитсин Гулгулнинг жаъми деҳқони,
Нонига етишсин-да оларнинг нони,
Яхши деҳқон ашрафларинг озоддир.

Мунаққашли қилсин кулбахонани,
Иши шундай бўлар ақли донони(нг),
Катта қилсин омбор, сомонхонани,
Меҳнат қилган киши кўрсин роҳатни!

Йилдан йилга боқинглар, кўп сулув отни,
От минган кўрар ҳам элу элатни,
Яхши ишлаб, яхши макон қилинглар,
Уч йилгача Гулгул эли озоддир.

Қулоқ солинг, сўзлар карамли султон,
Уч йилдан сўнг мол оламиз тари қўноққа,

¹ Муассар.

Ҳеч ким дод айламас қоннинг ишига,
Уч йилдан кейин мол оламиз тари билан
мөшига.

Хўб қараймиз фуқаронинг раъйига,
Еттидан бир арпайи бугдойига,
Шундан кам қилмайин фуқоранг Ёрсин,
Авазхондай тождор шу подшойига.

Шерик қилдинг айёр мастон Зумрадни,
Бу шаҳрингда билар ҳар бир миллатни,
Ҳеч берманглар, шу буйруқдан зиёдди.

Гўрўғли дейди менинг ўзимни,
Икки бўлмас айтган сўзим,
Билингизлар ўғил-қизим,
Султонларинг бол Авазим!

Халқ мардум хурсандликдан бариси бирдай, «Подшо бўлса ана мундай бўлсин, фуқорасин ҳолин билсин, қолган Гардон шу ёқларда ўлсин» (деяпти). Шунда Чаққон элнинг гапани олиб Гўрўғлига қараб бир сўз дегани:

Ўлмасин, яхшилар ҳаргиз ўлмасин,
Яхши одам ҳеч ёмонлик кўрмасин!
Бизларга билдирди олар нормасин,
Кун кўзида омон бўлинг, султоним!

Ботир даврон сурсин ёқти жаҳонда,
Номард ўлсин, ҳеч биттаси қолмасин!
Мен бўлайин беклар шарофатидин,
Бул оламда омон бўлинг, султоним!

Бандалар ўтказар қиш билан ёзни,
Сулув қизлар қилар ёрига нозни.
Минг яшасин, ўлмасин деймиз Авазни,
Жаҳон ичра омон бўлинг, Султоним!

Авазхондир ўғлингиз, билдик-ку, оти,
Танасида бор экан алп қуввати.
Ўзига ярашар минганда оти,
Бу оламда омон бўлинг, султоним!

Кулоқ кўйинг бу вакили Чаққонга,
Хамма бўйин, давлат қуши боққанга,
Қойиларим бор яшин қилич таққанга,
Халқим аро минг яшасин, Авазхон!

Алқисса, булар овозлик буйруғини ҳаммага бериб, Хусанга Гулгул элини топшириб, беклар отига минишиб, саксон икки киши шотир бўлиб, неча кишилар дугўй бўлиб, то урушган тоққа келгунча булар биргалашиб, момосиникига келишиб, боз меҳмон бўлишди. Шундан бери Қандаҳар ҳам азоб чекиб чўпонлардан нон тилаб еб юрган экан. «Улкан телпакли кишилар момосиникига меҳмон бўладими, ё ўтиб кетадими?» деб гаплашиб турган чоғида, Қандаҳар келиб қолди. Қандаҳар кўй боққан чўпонларга бир сўз дегани:

Бир сўзим бор чўпон баччаларга,
Ҳеч ким йўқ Гулгул кўчаларда,
Ишим бордир менинг нечаларда,
Одамлари қайда кетди?

Булбул қўнар гул-гунчаларга,
Ҳасрат бўпти нечаларга,
Неча бир ойимчаларга,
Эркаклари қайда кетди?

Кимларнинг зарби ўтди,
Шуңча лашқарни ким қийратди?
Дубри ўчиб тулпор отди,
Ғала мардлар қайда кетди?

Кўп муддат орадан ўтди,
Кимлар бой берди, ким ўтди?
Бу майдон орадан ким ўтди,
Сонсиз лашқар қайда кетди?

Учкан Гулгулнинг чинори,
Отганди Чамбил беклари,
Ҳеч одам қолдими тири,¹
Қайда кетди Гардон зўри?

¹ Тирик.

Жавоб бергин Қандаҳарга,
На гап бўлди бу шаҳарга?
Йўлиқдим ҳаддан зўрга,
Шер қоплонлар қайда ўтди?

Чўпон болалар: «Бир йилдан бери бу шаҳар устида гурбат бор эди. Узингиз қаерда? Ҳай, четлардан одамлар кўчиб кетди. Қизнинг устида ошиқ ташлашиб, Гардон шоҳни Аваз утди, кеча кун қиёмга келганда Зумрат мастонни-кига Гўрўғлининг беклари ўтди, тушдими, тушмадими, бизлар беҳабар», деб чўпонлар бир сўз айтяпти:

Хушсуврат Хиромон пари.
Бўлиб бол Авазнинг ёри,
Хизматда икки жиловдори,
Ушбу тоғдан кеча ўтди.

Туркманлар бўлиб беклари,
Шуларга қоб Гулгул шаҳри,
Орасида шунқор қари,
Ўтиб кетди тоғдан нари,
Олди Гулгулдай элатни.
Олти минг марта тўн отди,
Беш минг жазоил бўшатди.
Сари ўқ ёйини отиб,
Баландларни хабарлатди.
Бир гапин бизлар эшитдик,
Уч йил қилиб озодликни.
Ана подшо ҳақиқатни,
Олмайман дебди ўлпон, хирож,
Уч йилгача молиятни.
Авазхон Гўрўғлининг боласи,
Шунга тобин бўлган эмиш,
Гулгулнинг олтмиш қалъаси,
Бўлипти туркман эгаси.

Чўпондан, алқисса, Қандаҳар бу гапларни эшитди. Алп билан марднинг иши зиётдир. Мандайин энди номардга писиб юрмоқлик уятдир. Изин олиб тулпор отти, суриштириб Қандаҳар момосиникига етди.

Гўрўғли султон Қандаҳарга кўзи тушиб, Авазхонни ташқаридан узатиб қўйиб, Авазнинг заррин пўтасини Гўрўғли бўйнига ташлаб, Қандаҳарнинг олдига риёкордан кў-

вини ёшлаб, «Авазхон ўлибди», деб, Қандаҳарнинг олдига
Гўрўғли султон чиқиб, Авазни йўқлаб бир сўз айтди:

Бир лочинман қанотимдан қайрилдим,
Тулпор эдим, тирноғимдан айрилдим,
Шу вақтгача қайда эдинг Қандаҳар?
Чамбилнинг эгаси Авазимдан айрилдим.

Жамъи бекларга термилиб шўр қаради,
Кўрмовдинг сени кўпдан кўп сўради,
Кўп бўлди, беклар орада йўқ деди,
Эссиз дўстим ўлган-да деб йиғлади.

Бежон турур, ҳайло, марднинг танаси,
Бу ишдан беҳабар оға-энаси,
Мотам тутиб йиғлар Чамбил каттаси,
Бир бошлиқчи, мен қўзимдан айрилдим.

Сен бўлардинг Авазинг жон жўраси,
Қаерларда юрибсан сен гумроси?
Сени ўлар чоқда сўраб бол Аваз,
Жон берди, Қандаҳар, Чамбил тўраси.

Гўрўғли айтар, сен йитирган эсингни,
Отдан туш, кўргин Аваз дўстингни!
Ҳайф сенга, на гап бўлди, Қандаҳар?
Мен қувватим, сен дўстингдан айрилдинг.

Шунда Қандаҳар Гўрўғли султонга қараб: «Султоним,
бир кун бўлган, бир кун ўлади, тухми инсон бошида шу
савдо бордир. Улим қари-ёшга баравардир» деб, Гўрўғли
султонга отдан тушмай, бир сўз айтяпти:

Шаҳид ўлган бўялади қонига,
Шайтон қўл урмасин ул имонига.
Ўлган учун кўп ўксиманг, султоним,
Бизлар ҳам борамиз шунинг ёнига.

Қаратиб найлайсиз мурда танига,
Ўлган вақти мен бўлмапбан ёнида.
Ўлган учун ўксинманг кўп, Султоним,
Кўп суянувдинг Авазхон ўғлонингга.

Ери тегар қирқ йигитнинг бирига,
Қийин бўлган суйиб олган гулига,
Ота ўксинади суйган улига,
Тўзим берсин шу ўлганнынг жонига,

Кўп кишини тутган қони зимони,
Аваз эди кўп йигитнинг ёмони,
Ўлганнынг қолмайди рангида қони,
Қандаҳар ҳам қирқ йигитнинг полвони.

Авазнинг жойини беклар тутмайми?
Қирқин бирин ёри қабул этмайми?
Иштиёқман Хиромонин олгани
Қандаҳар ҳам шу йигитларнинг полвони.

Қандаҳар дер, Аваз ишин биламан,
Ундан мен зиёда полвон бўламан,
Тиқилсам, ҳар мамлакатни оламан,
Бизни қабул қилармикин жонони?

Гўрўғли «ҳай баччағар, номард», деб Ҳасанхоннинг қошига кирди: Ҳасанхон ҳам бул гапларни эшитиб, аччиғи келиб туриб эди. Утириб-туриб, бекларнинг бариси Қандаҳарнинг гапига хафа бўлиб, қўйни чагана бузар, элни бегона бузар,— деб Холдорхон:— Оббо баччағар, бегоналигига борди-да,— деб Жаҳонбек тез аччиғлиқ қилиб, минг қилса туркманнинг асли уруғидан Гаждумбек ўғли Жаҳонбек бориб, Қандаҳарнинг отини жиловидан ушлаб, от устида турган Қандаҳарни айлантриб, бир-икки мушглаб, «нима дединг ҳали», деб бир сўз айтди:

Туз айланса баҳор бўлар, ёз бўлар,
Кўп дароз кишининг ақли оз бўлар,
Хиромонни олсанг жуда соз бўлар,
Отдан тушкин, ичкари кир санағар!

Ойдин кўлда юзадирган ғоз бўлар,
Қирқ йигитнинг бири ўлса оз бўлар,
Аваз қолсин, сенинг ўлганинг соз бўлар,
Отдан туш, ичкари юргин, энағар!

Ҳаммамиздан улуғ ёшли Тўлақди,
Ҳар урушда қилган иши бўлақди.

Бир гапинг куйдирди бизнинг димоқни,
Отдан тушгин, кўргин, Аваздай бекни.

Асл туркман билгин, менинг зотимни,
Полвон билгин ўтган у аждодимни!
Гаждум ўгли Жаҳонбекдир отимни,
Отдан туш, ичкари кир занағар.

Холдор билан Гаждумбек ўгли иккови Қандаҳарни ушлаб, «нима ҳаққинг бор, энағар, сари-саманни минмоққа», деб беклар ҳар тарафдан келиб муштлашапти. «Шошма-шошма» деб, Гўрўғли ўрталиққа ташлаяпти, «Мендан ўтган бўлса тавба қилдим», деб кўзини ёшляяпти, (Қандаҳар). Шунда бекларни ўтказиб, Гўрўғли, алқисса Авазхонга қараб бир сўз айтяпти:

Энди бўлмас Аваз ўғлим ётганинг,
Ор учун талашар қирқта полвонинг,
Жонинг бўлса, тура келгин Авазхон,
Пухта билгин, Қандаҳардир душманинг!

Қулоқ солдингми Жаҳонбекнинг сўзига,
Оқу қора кўринмади кўзига,
Шикор қилган қайтсин кулиб изига,
Хўп бил, Аваз, Қандаҳардир душманинг!

Бир гап бўлса ботир кетар йироққа,
Эрлик йўлга билгин обрў олмоққа,
Жасозин бер Қандаҳар бадбахтга,
Тура келгин, Қандаҳардир душманинг!

Қирқ йигитга малолдир Қандаҳар сўзи,
Бадкарданинг қора бўлди-ку юзи.
Сенинг жойингга келар Қандаҳар ўзи,
Тура кел, Чамбилнинг эркаси Авазхон!

Қандаҳар экан-ку душманинг ўзи,
Тура кел бери, дол бўйингга қарайман,
Гўрўғли дер Чамбилбелни сўрайман,
Болам, бузилмас шунқорнинг изи.

Алқисса, Авазхон ўрнидан туриб, гоҳ аччиғлиниб, гоҳ кулиб, «ақли роса сўзлар сўзини билиб, баччағар нов-

чада ҳам семиз тулуп» деб, Авазхон бекларга қараб, Қандаҳарга тегизиб бир сўз айтгани:

Қарвоң яхши кўрар қатор норини,
Номард билмас номусини-орини.
Қирқ йигитим, Қандаҳар ҳам қурдошинг,
Чамбил бориб қилмоқ керак корини.

Омон-эсон кўрсак Чамбил шаҳрини,
Ғулғул элга овоза бўп кетмасин
Туркман беклар ўлдирибди деб бирини,
Такаллига бориб қинглар корини!

Бу қўрқоқ-ку бир сўзидан тойибди,
Эр ҳамройин ўлдирмоғи айибди,
Ер қадрини билмас аҳмоқ зайифди,
Чамбил бориб қурсак тилла дорини.

Сабрли кишининг кўпдир меваси,
Нима дейсиз Ёвмит элнинг эгаси,
Ўзингиз Чамбилнинг зукко доноси,
Ёвмут бориб олмоқ керак сарини.

То боргунча кўрсин кўнгил ҳушини,
Сайёд яхши кўрар олғир қушини.
Бу ерга ташламанглар номард лошини,
Чамбил бориб кесмоқ керак бошини.

Беклар қандай Қандаҳар ҳам ўлмасин,
Ҳасрат билан қўлларингда ўлмасин,
Аваз айтар чечингизлар қўлини,
Билгин беклар, бу мардликнинг йўлини!

Шунда Ғўрўғли султон, мастон Зумрадни чорлатиб,
кетмоқликни маслаҳат этиб, «қайтиб Чамбилга кетамиз»
деб, момо билан маслаҳат этишди. Ғўрўғли момога кетар
маслаҳатини сўраб, икки оғиз сўз айтиб турибди:

Ўн олти ойлик йўлдир Чамбил ораси,
Орада бор етти тоғ, кўпдир дараси,
Бир маслаҳат беринг Мастон момоси,
Қичаб юрсак тўққиз ойда етамиз!

Етти баланд улкан тогдан ўтамиз,
Бир маслаҳат беринг энди моможон,
Хиромон ой келинингни қайтамиз?
Рухсат беринг, энди бизлар кетамиз!

Кўрдингиами Аваз эрнинг ишини,
Кестирмади Қандаҳарнинг бошини.
Сизга бердик Гулгулнинг дашини,
Қайтиб энди Чамбил элга олиб борамиз.

Авазнинг ёри-ку қалам қошини,
Соп бўлди Гардон йиққан қўшини,
Қарға-қузғин еди алар гўшини,
Йўлини сиз биларсиз майдон дашини.

Қулоқ солинг Гўрўғли хондай бекка,
Хиромонди миндирсангиз фалакка,
Фалак қушинг даркор момо йироққа,
Хиромонни элтмоқ керак Чортоққа.

Чамбил беклари тугал бари бор дейсиз,
Гулихиромон Авазбекка ёр дейсиз:
Эна қуванади улин бўйига,
Тараддуди тутсин иккисин тўйига.

Фалак миниб тушинг Чамбил тўйига,
Кўрсатманг Хиромонни бирига,
Бул ҳам мард қиз талашганди орига,
Топшириб кенг оға Юнус қўлига!

Тилла камар ярашар беклар белига,
Қойил бўлинг аждаҳорнинг зўрига!
Нисби эга қилдик сизни, моможон,
Нисби эга қилдик Гулгул элига.

Гўрўғли дер Чамбилбелнинг полвони,
Эна билди беклар сиздай момони,
Чўлда қийналмасин Гулихиромони,
Келинни еткаргин учта ёримга.

Алқисса, фалак момо «билдингиами момонинг ишини!
Ун тўрт кун қамади Гардон қўшини. Чамбилбеллик турк-
ман беклар эшитгин, ўзим совчи бўлдим болдир Авазга,

олиб бердим, ойим қалам қошини» деб бир сўз айтиб тургани:

Фалак от кўтарар ўн тўрт кишини,
Хиромонжон солди икки шартини,
Миниб турсин девди болдир отини,
Кўрсатмоқчи бўп нозли дилбар бетини.

Йиқилса суярди Чамбил мардини,
Шу пайтда қабатида шу момоси бор эди.
Кўп ишларни кўрган момоси қариди,
Шу палла ҳам Аваздан хабардор эди.

Чамбилда экан Авазнинг амали додҳо,
Гирифторм бўлипти ишқ билан ўтга.
Йиқилар вақтида отига тикка қилиб,
Сабаб бўлдим тақсир шундайин мардга.

Чорси билан Гиротига бойладим,
Ўлмасин деб кўкрагимда ўйладим,
Аваз устин бўлди бу икки шартга.
Чин рухсат бер бугун менга, Султоним.

Ҳам Авазхон минсин, ҳам Гулихиромон,
Ҳам минсин ёнига Гўрўғли Султон.
Фалак Зумрад бошлиқ бўлиб бораман,
Қўйиб келай сизларни Чамбил элатга!

Тайёрланиб, алқисса, Гўрўғли, Хиромон, Авазхон фалак қушига миниб, Чаққонга Мажнункўк отни минсин деб амр қилди. Аваз марднинг ваъдаси икки бўлмасин деб, Холдорга қараб бир сўз айтгани:

Омон-эсон боринглар Евмит элига,
От ҳайданг, бекларим тоғнинг белига!
Бир работ бор Маҳон деган чўлида,
Рухсорани сен сўроқлаб бориб,
Олиб кетгин шуни Чамбилбелига!
Кўп гап айтиб нозли менга йиғлаган,
Шона солиб сумбул сочин тараган,
Кўп вақт бўлди мени кутиб қараган,
Рухсорани олиб кетгин, Холдорхон!

Емонни мақтамоқ, беклар уятти,
Таъриф қилай, Хиромондан зиётди.
Арпали чўлида баланд работди,
Рухсорани олиб кетгин, Холдорбек!

Улдириб ўтувдим тўрт минг кишини.
Номард экан демасин мард кишини.
Келишда қилувдим ваъда ишини,
Олиб кетгин шундай қалам қошини!

Гапим икки қилма энди, бекларим.
Ёлгонга чиқмасин унга гапларим.
Сенинг, Холдор, ёринг менинг нигорим,
Улуғ чўлда қоп кетмасин, бекларим!

Борганингда сиз ким деб у сўраса,
«Борингиздан ўтган Чамбил тўраси,
Тўрт минг кишини нобуд қилиб ўлдирган,
Мен бўламан-да Авазхоннинг укаси».

Бедовни иргитиб ўтгин Работга,
Бир кўрингин рухсора паризотга,
Қабул қилса миндириб олгин Ғиротга,
Олиб кетгин шуни Чамбил элатга!

Қулоғингга олгин шуни Холдорхон,
Ҳақиқат ишонди сенга Авазхон.
Тўрт тождорни ўзи қабул қилмаган,
Зинҳор олиб кетгин, шу сеники укажон!

Авазхон:— Сизлар кеча-кундуз йўл тортсанглар, шипирма қамчиға тортсанглар, отлар совиб, қовуғин тортиб, тўққиз ойда борсанглар Чамбилга етиб, бизлар турамиз-ку боргунча кутиб.

Алқисса, йўлларда йўқ хатар, борганларингча сизларга обло ёр, тўққиз ойгача момонг устингдан олар хабар. Рухсора қолиб кетмасин зинҳор, олиб бор, деб Авазхон бекларга насиҳат бериб жўнаган вақти турур:

Эр йигитлар душма-душди,
Фалак билан булар учди,
Омон бўлинглар дейишди,
Момосиникидан айрилишди.

Чор тараф қулоғин тортди,
 Момоси кўкка кетди,
 Беклар ҳам минишиб отни,
 Ха-ҳалашиб йўлни тортди.
 Дарвотли ердан ирғитди,
 Уйқулар қобоққа қотди;
 Соб совуган бедов отди,
 Сувиган қувуғин тортди.
 Кўринг туркман қирқ отти,
 Қир келса қиёлатиб,
 Жар келганда жанолатди.
 Ағдарилиб от чопгани,
 Тоғи тошни гумбурлатди.
 От чопмоққа беклар ичида
 Холдорхон жуда устодди.
 Чаққон ҳам абжил йигитди,
 Хасанхон билан учови
 Хаммасидан илгари кетди.
 Бекларда бор зафар файиз,
 Жўнай берди кеча-кундуз,
 Кечаликка санаб юлдуз,
 Гоҳи тўп-тўп бўлиб,
 Гоҳиси эндики ёлғиз,
 Тирқираб беклар йўл тортди:
 Бариси-ку сезгир отди.
 Суқсурдай бўйнин узатди,
 Қирқ бедов отнинг чопгани,
 Улуғ чўлни сўлқиллатди.
 Олти қулоқлик найзасин,
 Яғринида пириллатди.
 Кейин қолмоқлик уятди.
 Уч кеча-кундуз йўл тортди:
 Дев маконга янги етди.
 Кўк девнинг шаҳрига келиб,
 Бедовга дам берайин деб,
 Шу ерда отин тўхтатди.

«Подшоликдан хабар олай» деб, алқисса, Холдорхон шаҳар дарвозасига борди. «Гайрига беижозат кирув йўқ» деб, қоровуллари тўхтатди. Холдорхон ёқасидин олиб, муҳрлик хатин кўрсатди. Сиз дарвозада туринг, подшоҳимизга, нетариқа экан, кўрсатиб келай, деб хатини Кўк девга кўрсатди. Шунда Кўк дев хатни ўқиб кўрса, Гўрўғли-

нинг муҳри, Гўрўғлининг хати. Уқиб дарвозабон қоровул-ларига қараб бир сўз айтаётир:

Мард билан ўйнама сен нодон киши,
Келибди шаҳарга у одамкуши.
Дарвозани тезлик билан очиб бер,
Дарвозани очиб бергин қўрбоши!

От тирноғин тўккан тоғларнинг тоши,
Кўзғинга емтиқди душманнинг гўши.
Эшитгансан Гулгул элни олганин,
Дарвозани очгин, аҳмоқ қўрбоши!

Авазжон олгандир бориб жуфтини,
Ойимчалар дол қилиб тарар зулфини.
Очгин, боргин, дарвозанинг қулфини,
Маҳтал бўлмасин-да бол Аваз ёши!

Бир йил бўлди Авазхонни ўтгани,
Гўрўғлининг муҳридан-ку билмабсан.
Мани бундай чин мирзонинг биткани,
Дарвозани тезлик билан оча бер!

Олмабмиди Чамбилбелнинг полвони,
Бу шаҳарни сўрсанг, шулар қўрғони.
Аччиғланмасин Чамбилбелнинг султони!
Чамбилбеллик бўлса Кўк дев меҳмони.

Қўрбоши, қоровуллар от чоптириб келиб, «дўстмисиз, ёвмисиз, ўғримисиз, соғмисиз? Дев маконига қўрқмай келган, қаерда маконингиз?» деганда, Холдорхон, беклар ҳам етишиб келган эди. Холдорхон қўрбошиларга қараб бир сўз айтяпти:

Э баччағар, бизни-ку маҳтал қилгансан,
Аҳмоқ қўрбошисан, қандай инсонсан,
Қанчалик кучинг бор, қандай полвонсан?
Дарвозани оч, Чамбилбеллик бўламиз!

Дарвозада қоровуллик қилгансан,
Бир иш бўлса қилар ишинг армонсан,
Бизлар ёшроқ, Қандаҳарни кўргансан.
Дарвозани оч, Чамбилбеллик бўламиз!

Бизлар ҳамро қип келганмиз Чаққонни,
Давлат ёр бўб Авазхонга боққанди.
Асли ўзимизга товун қўргонди;
Дарвозани оч, Чамбилбеллик полвонди!

Бизлар одамимиз, хон Гўрўғли султонди,
Айрит қилмайсанми дўсти-душманди?
Тезлик билан дарвозангни оча бер.
Ўзимиз эгаси шаҳар қўргонди!

Гўрўғли алп Кўк девингни қўйганди,
Уйинг куйгур қўймайсанми меҳмонни?
Кўрмасанг ҳам овозасин эшитган,
Бекларнинг бошлиғи бу Ҳасанхонди!

Дарвозани агар очиб бермасанг,
Кўчанга оқизай қирмизи қонни.

Алқисса, қўрбоши, қоровулар Гўрўғли деганда лаби-
ни тишлаб, ичини тортиб, калитни қулфига узатиб, дарво-
засининг икки ёғини ҳам кушод тортиб очиб берди. Қирқ
йигит бирдан от қамчилашиб, шаҳарга тўп бўлиб кирди.
Қоровул Холдорхонга бир сўз айтяпти:

Салтанатли хонлар солар бинони,
Танимасдан бизлар қилдик гунони.
Подшоҳнинг синглиси бўлади,
Гўрўғлининг бош олган жонони.

Хуш келибсиз ана мазгил, ана жой,
Жезнамиздир Чамбилбелнинг Султони.
Томоша қилинглар, қирқта бегижон,
Мунаққашли энди шаҳар арони!

Гуноҳкор бўлдик-ку, беклар, сизларга,
Сўровсиз очма, деган элнинг султони.
Ўтинглар, тўралар, шундай гунони,
Пухта сизлар подшомизнинг меҳмони.

Қулоқ солинг дарвозабон Солига,
Қаранг, беклар, мискинларнинг ҳолига,
Ушбу йўл-ку пойтахтга элтади,
Тўғри боринг подшоҳимнинг олдиға!

Подшоҳимиз улуғ деди сизларди,
Қоровул қилганди шоҳи бизларди;
Оралиқда бегим бешта гузарди(р),
Келсангиз, ҳуш келибсиз меҳмонлар!

Тўғри, бораберинг, келсин, деди шаҳар султони! Ҳасанхон беш гузардан, алқисса, ўтиб борди. Хизматкорлар бекларнинг отини бойлаб, иззати-икром айлаб, ёнларига жойлаб, заррин кўрпаларни тағларига ташлаб, осойишта қилиб ҳурмат айлаб, отлар чоптириб, турли таомлардан топдириб, таомларни тортиб, бекларни тўйдириб, иззатини этиб, бекларга қараб, бол Авазни сўраб, «Авазхон қайда экан?» деб Кўк дев бир сўз айтади:

Йигитнинг ситдил полвони,
Кўк девнинг келгани қирқ меҳмони,
Эрлиги оламини тутган,
Қирқ йигитлар, Аваз қани?

Кўтарилди ғубор туман,
Айрилмоқлик, дўстлар, ёмон,
Чамбилбеллик бол Ҳасанхон,
Қаерларда қолди Авазхон?

Ошиқлик савдо кўп ёмон,
Таърифи кетган Басар-Яман,
Кўк дев дер, сизлардан сўрайман,
Омонми, энди бизнинг Авазхон?

Бекларнинг вақти ҳушди.
Авазхон олган қалам қошди,
Ўйнашгандир, вақти ҳушди.
Ёрдан қўшган, келган кишти.
Беклар, Авазхон саломат, дейишди.
Беклар саломатда ётди,
Эрта бўлиб тонг отди.
Кўк девдан олиб рухсатти,
Яна кўринг қирқ мардди,
Чопишиб дол бедов отди,
Гоҳ тушиб, гоҳ минишиб отти,
Йўл азоби-машаққатди,
Тоғ ерларга етган маҳал,
Олқор билан кийик отди.

Олқор, кийиклар гүштини
 Беклар-ку найзага тортди.
 Беклар ошали йўл тортди,
 Саккиз ою ўн бир соат,
 Пиррос орадан ўтди.
 Маҳолнинг чўлига етди.
 Кўришиб баланд работи,
 Шу жой магар бўлмаса деб,
 Авазхон айтган работи...
 Беклар айлантирди отти.
 Дарвозаси ҳеч ерда йўқ,
 Қалъаси бежой баландди.
 Беклар энди жам бўлишиб,
 Қайтиб ўтамиз дейишиб,
 Қилаётир маслаҳатти.
 Бузмоқ керак бу работни деб,
 Ҳар қайсиси ҳарён кетиб.
 Қирлар, сойлардан ўтиб,
 Элибойлардан болта-кетмон тошиб,
 Бир тарафидан ушатди.
 Қалинлиги ўн икки газдан зиётди,
 Галалашиб работни
 От сиғадиган қилиб тешиб,
 Битта-битта отини етаклаб ўтди.
 Соғи-сўлига кўз тутса,
 Тўғрида саксон пардали,
 Чотирларга кўзи тушди.

Гулзорларга кўзи тушиб, ҳар хил гуллар экилган, кў-
 чаларига сувлар сепилган, биттаси айтади: «Бу чотир бор,
 лўлининг жойи». Биттаси айтади: «Холдорхон гулининг
 жойи», биттаси айтади: «бу бир шоҳ ўғлининг жойи», Чақ-
 қон айтадики: «Маслаҳат қилиб ўтиргунча шу чотирнинг
 қошига борайик, ким бўлса маълум бўлади». Отларини
 буриб, қамчилар уриб, чотирни жуфталаб борди кириб.
 Посбон навбати турадиган тўрт қиз кўриб, бувиши — Рух-
 соранинг олдига кириб, бекларни таъриф тавсиф қилгани-
 дир:

Отадан бўлдингиз бувишим якка,
 Манзил айладингиз майдони-токка.
 Бир аломат бўлиб қолди, бибижон,
 Кўзим тушди қирқта сипоҳи бекка.

Кўргандан қолди-ку ақлим шошиб,
Қирқ от билан келди деволдан ошиб.
Тўрт посбонинг қолди, айланай, қўрқишиб,
Кўзим тушди яшил сувли яроққа.

Юлдузни кўзлайди ҳар қайсисин оти,
Ҳар бириси ўхшар жаҳоннинг марди,
Яхши келган бу бекларнинг сумбати,
Емон баланд ўхшар булар димоғи.

Хушрўйдир юзлари жаннатнинг боғи,
Кўрган қизга қолар ишқ билан доғи.
Саф терилиб кепти йигит гуччоғи,
Совут кийган тақимида байроғи.

Ҳаммаси камарлаб белин бойлаган,
Бир савдони бу йигитлар ўйлаган,
Бир-бирига ҳар хаёлда сўйлаган,
Е қилиб келган Авазбекнинг сўроғин.

Қулоқ солинг, посибонман Зийракка,
Найлаймиз бизлар эркаксиз бу боққа.¹
Е Авазнинг йўқчисими бувишим,
Бари бирдай минган югурук пироққа?

Гулрухсора бетига пардасини ташлаб, баланд ошиёнидан пастга қараб, ажойиб бекларни кўриб, «на мақсадда келдингизлар, номаҳрам, бе эркак ерга бостириб келсангизлар бўладими? Ўзларингиз сумбатли, сифатли барно йигитларга ўхшайсиз-ку. Бу келишларингиз таълим, одоб кўрмагандай?» деб, Рухсора бекларга қараб бир сўз деганидир:

Бўйим кўрсатмай деганман эркакка,
Овозам кетгандир менинг ҳар ёққа.
Сабаб надир, кирдингизлар бу боққа?
Шундай юриш ярашади аҳмоққа.

Сафар қилгансизлар мазгили йироққа.
От иргитиб ўтган азамат беклар,

¹ Боғда.

Келдингларми сулув қизлар кўрмоққа?
Хайфи сизлардайин сипоҳи бекка!

Бизнинг боғнинг бордир ажойиб гули,
Саҳарлар сайраган тўти-булбули.
Азаматлар, сизлар кимларнинг ули?
Бу ишлар айбдир сизлардай бекка.

Қайдан бориб, қайдан келдинг, бекларим?
Муштипар кишимиз кўнглимиз ярим;
Меҳмон қиларди бўлганда ёрим,
Бундан буёқ кирмангизлар бу боққа!

Гулирухсор дейди менинг-ку отим,
Боғи-равшан элидан англағил юртим.
Товуш қилсам келар сонсиз жаллодим,
Айб бўлар бесўроқ кирса бу боққа.

Шунда Холдорхон Рухсорага қараб, «эътиборли ки-
шидан келганмиз сўраб» деб, Гулрухсорага Холдорхон бир
сўз айтди:

Ханнот бойлар асли қилмас хайирди.
Бизлар ўзимизчи келмасдик боққа,
Хабар олдик, болдир Аваз буюрди,
Ишим йўқ хушрўй қизлар оқинга.

Ҳеч билмасак кирмас эдик боғингга,
Бизларни менгзама кўп аҳмоғингга!
Ишим йўқдир садафи-мунчоғингга,
Тўрт подшо куйгандир ҳасрат доғингга.

Ҳолин кўриб кетгин деди, Авазхон,
Сабаб шулдир, нозлик, кирдик боғингга.
Хайф бермагин одобли гала бекка,
Сўрамоққа кирдик бу Гулшан боққа.

Кўнглинг бўлса, нозли, мен арғимоққа,
Бормоқчи бўлган экансан Чортоққа.
Ҳақиқатли буюрувди Авазхон,
Шунинг амри билан кирдик бу боққа.

Холдор дейди буюрганни айтамин,
Савол берсанг Авазбекка айтамин.

Малол келган бўлса, дарров кетамиз,
Биздар фарзандмиз Гўрўглибекка.

Аваз ёдига тушиб, Рухсора парининг дилда ошиқлик савдоси кўзгалиб, тубён ишққа чулғаниб, буларнинг келишени Авазхон буюрганига инониб, бир бетига рўмолини тортиб, «оламда тирик борми Авазхон» деб, ўнг кўзи билан қараб, бол Авазни сўраб бир сўз дегани:

Говга кунда тоғлар бети туманми,
Бир ойда келишни ваъда этувди,
Энди менинг кўрмоқлигим гумонми?
Ҳолини сўрайман, Аваз омонми?

Ё бошига айрилиқ замонми?
Утишида тушмай кетди боғимга.
Мен сўрайман энди эби, қирқ йигит,
Ҳалолзода Аваз, бегим омонми?

Ҳеч қулоқ солмади ул нолишима,
Ошиқли савдони солди бошима.
Бир йил бўлди келмай кетди қошима,
Ҳолим сўрган мард Авазхон омонми?

Мандан ўзга унга куйиб пишмади,
Қон йиғладим, ҳаргиз отдан тушмади;
Ё тақдирим яратганим қўшмади.
Турқи яхши қаҳрамоним омонми?

Қарчиғайдай ўткир эди кўзлари,
Нури келган бир чиройли юзлари,
Ёдимдан чиқмайди, айтган сўзлари,
Омон-эсон борми, бекнинг ўзлари?

Авазбекнинг амри билан келасиз,
Отим Гулрухсора, бегим биласиз.
Тирик бўлса биздан салом берасиз,
Бор экандир, билдим, суйиб олгани.

Гулрухсора дер ўйнаб кулинглар,
Авазбекка биздан салом қилинглар!
Вафо қилса айтган ҳам гапларига,
Тўй қиламиз, Аваз билан келинглар!

Алқисса, «Гулгул элда кўп саваш бўлгандир. Хиромонни ул қўлига олгандир, бу йигитлар роса саваш қилгандир, шу тўғрида келмайин қолгандир» деб, Ҳасанхон Гулирух-сорага қараб бир сўз айтяпти:

Ақлдорга ўзи берар давлатни,
Жаҳонда бир билинг Авазхон мардди,
У ҳам сизни жондан зиёт кўрганди,
Шу буюрди қирқ йигит ҳам келганди.

Хафалик савдони олманг кўнгилга,
Агар раъйингиз бўлса қаҳрамон улга,
Тайёр бўлинг, энди эби, ойимча,
Бизлар олиб кетайик сизни Чамбилга.

Қулоқ солинг, акасининг тилига,
Ошиқ куяр мошиғининг ҳилига.
Аваз керак бўлса, мининг тулпорга,
Обкетамиз сизни Такали элга.

Холдорхон дер, бу кишидир укаси,
Мен бўламан икковининг каттаси.
Олиб кенглар деб бизларни юборди,
Хон Гўрўғли шундай тождор отаси.

Авазхондир қирқ йигитнинг доноси,
Оға Юнус пари туққан энаси.
Ун олтита қатор меҳмонхонаси,
Унинг олтиндандир кулбахонаси.

Гапингни англадим қизнинг доноси,
Маслаҳат қиб хон Гўрўғли отаси,
Обкенглар деб бизни сизга юборди,
Обкелмоққа келди Холдор укаси.

Маъкул бўлса кетар саксон канизинг,
Тўғрисан, ҳар ерда ойдиндир юзинг.
Ғам еманг, қолмайди шунча канизинг,
Келсин деб юборди болдир Авазинг.

Менга келин, бир хилига буви бўласан,
Ҳасан айтар завқи-сафо кўрасан.
Чайқал уриб Евмит белда юрасан,
Хайр десанг, синглим, отга миначан.

Шунда Гулирухсора Авазнинг ҳақиқатан буюрганни билиб, Ҳасан, Холдор билан ваъдалар қилиб, канизларим ҳам қолмасин бу дарада деб, Маъқул отли канизи билан Ғиротга-миниб, канизларига қараб бир сўз айтяпти:

Тўғри бўлса мен ўйнашиб-куламан,
Ғалат бўлса ўн тўрт кунда келаман,
Қолдик деб кўзларингни ёшлама,
Биттанг қўймай баринг олиб бораман.

Чамбилбелликдай мард борми?
Ҳеч шулардан зиёт борми?
Йиғлаб кўзнинг ёшин артма,
Борасизлар туркман элга!

Шулдир менинг айтган сўзим,
Хафа бўлманглар канизим!
Егансизлар нону тузим;
Опкетаман Чамбилга ўзим.

Марднинг бўлар номус-ори,
Кўрсак Ёвмит элнинг шаҳри(н).
Булар шоҳнинг отчопари,
Инонди-ку Рухсор пари.

Канизларга дилдорлик бериб, тешикдан битта-битта чиқиб, минишиб отни, Чамбилга қараб йўл тортди. Булар, алқисса, йўл тортиб Полопон тоғига икки кеча-икки кундузда етиб, Сари чашманинг бўйида беклар отидан тушди. Гўрўғли султон «олди-орқамизни йиғиб борайик, Чамбил элатим, қирқ йигитдан айрилиб кепти демасин» деб, тоғаси Аҳмад сардорникида ётган эди. Момоси, алқисса, юртига бориб, буларни излаб қайтган эрди. Рухсоранинг мазгилини сўраб, «обкетдимикан ёки беклар адашиб кеттимикан» деб, Рухсоранинг боғини сўроқлаб келиб боққа тушди. Фалак қушини булоқнинг қошига ташлаб, кўшқига яқинлагандан кейин бир майинкор товушлаб кўшқига бир сўз айтиб тургани:

Мана уйлар, қиз баччағар тўлдими?
Эркаксиз Гулшанда ўйнаб кулдими?
Тура кенглар, оймчалар, жавоб бер,
Авазнинг беклари шу ерга келдими?!

Сизлардай ётканни писанд қилдими!
Яхшининг қадрини Рухсор билдими?
Ойимчалар бир қаддингни кўтаргин,
Авазнинг беклари шу ерга келдими?!

Аваз эрди шу бекларнинг саркори,
Икки марта излаб ўттим устингдан.
Беклар отин беҳудага елдими,
Авазнинг беклари шу ерга келдими?

Сизларга буюрган Аваз шунқори;
Беҳуда ҳалок бўлди Чамбил беклари?
Кўрган бўлсанг, айт, мана боғнинг қизлари,
Авазнинг укаси оти Холдори!

Менда ҳам бор Авазжоннинг хатлари,
Кетган бўлса боғдан Гулирухсори,
Ойимчалар тура келгин жойингдан,
Опкетар сизларни Зумрад қари.

Алқисса, қизлар гуруллашиб жойидан туриб, «энди париларнинг қошига борамиз», деб сочларини майда ўриб, ойнага қараб, «меники қандай бўлди?» деб биров-бировидан сўраб, рўмолларини бир шоҳига ўраб, Момога бариси чопишиб қараб, «Момо ёмон жасатдор аёл экан?» деб биров-бировидан сўраб, «ўлсин-эй», деб кулишиб, оғзини ўраб, «Чамбиллик бўласизми?» деб момодан сўраб, момоси туркмани қилиб, «ҳавво» деди. Зийракой «уч кун бўлди кетгани бувишимнинг. қани, Аваз тўранинг номаси» деб (сўради). «Канизларини сиз олиб борасиз», деб берган хатини (момо) қизларнинг қўлига топширди.

— Момо кўтариб борасизми бизларни? — деб сўрашди.

— Болам созланинглар! Ун бешта бўлиб Чамбилбелга кетамиз. Навбат билан сизларни элтамиз, — (деди момо). Ун тўртта миниб, ўн бешта ўзи билан бўлиб, (фалак отнинг) қулоғини бураб, Чамбилга қараб момоси етти кунлик йўлга тўрт соатда келиб, сардорникига туша бошлади. Гўрўғли кўриб, вақтини ҳушлаб, момонинг қўлини ушлаб:

— Булар кимлар? — деганда, момо:

— Гулрухсоранинг канизидир, — деди. Гўрўғли:

— Қайси Рухсора? — деб момодан сўради.

— Қизларнинг айтишига қараганда, Холдор билан Ҳасанхон уч кун бўлибди олиб чиққан эмиш. Булар канизлар-

дир. Ҳали Холдор, Ҳасанхон йўлдадир, Мен ҳам кўрганим
йўқ Рухсорани,— деб жавоб берди.

— Сиз Чамбилга бориб, оға Юнусдан суюнчи тиланг!
Сўнг бориб канизларини олиб кела берасиз,— (деди Гў-
рўғли). Дурбинини қўлига олиб, Полопон тоғига Гўрўғли
қараса, икки киши бир ерда, қирқ киши бўлакни кўриб,
Гўрўғли Авазхонга бир сўз айтиб турибди:

Тоғлардан баланддир Полопон тоғи,
Булбуллар сайрашиб учарлар зоғи,
Мардларни ингратар ўлимнинг доғи,
Сарчашманинг бўйида мингча кўринди.
Чамбилбелнинг яна қирқин гўччоғи.
Ойимча қизларни яхши кўрсатган,
Оқ гарданга таққан садаф мунчоғи.
Юрганида кейинидан хўп қараса,
Белига ярашар олтин чачоғи.
Сарчашмада кўринди Чамбил гўччоғи.
Дурбинда хабардир баланди-пасти,
Тўтини ғамгин қилган темир қафасди.
Шукур қил шу дамларга Авазхон,
Келган ўхшар қирқин йигитнинг ҳаммаси.
Зарчашма бўйида қадди бир газ бўп,
Кўринади Чамбилбелнинг тўраси.
Отларни чарчатган йўлнинг йироғи,
Ҳеч куймасин алп бекларнинг димоғи,
Мусофир ўлганнинг ҳеч йўқ сўроғи.
Ўғли борнинг мудом ёнган чироғи;
Зарчашмада кўринди беклар байроғи.
Гўрўғли дер Ёвмит элнинг султони,
Иккови ҳам бошқа турган ўхшайди.
Юзи-холи у кўзлари чўлпони.
Доимо сепилдир мард киши номи,
Бир каниз, бири Холдорнинг жонони.

Алқисса, Авазхон:

— Бизнинг олдига чиқмоғимиз лозимдан лозим бўл-
ди,— деб, Мажнункўкнинг акаси — Бўз Қоракўзни миниб,
Авазхон Полопон тоғига қараб кетди. Момоси Чамбил
шаҳрига қараб кетди. Момо Чамбилнинг белини оралаб,
туркманнинг элига элчи бўлиб, кириб, шаҳарига девор-
лардан оёғини узатиб ўтди. Гўрўғли султоннинг қирқ газ
кўшки ҳарамига етди. Канизларига, «илойи хушхабар бўл-

син-да» деб, оға Юнус момосига супанинг устидан жой ташлаб, тўртта туяни олти бияни сўйдириб, момосини хўп қорнини тўйдириб, гала қирқин канизни билан ўйнашиб, фотиҳани бетига тортиб, Авазни, бекларнинг аҳволини сўраб оға Юнус бир сўз айтяпти:

Мен бошимга гулгин рўмол ўрайман,
Едга тушса ғамгин бўлиб йиғлайман,
Келган қадамингдан қизинг садаға,
Ерга кетган Авазжонни сўрайман.
Хабар беринг ҳам эшитиб англайман,
Сиз сўзланг, мен қулоқ солиб фаҳмлайман.
Момо, хабар бергин, ёлғиз улимдан,
Ерга кетган Аваз қўзим сўрайман.
Гулгулнинг подшоси подшолар зўри,
Авазнинг эрликка бор эди ори,
Юз шаҳарга бергусиз муйитори,
Хусни яхши бек боламни сўрайман.
Йўлдан ўтса сулув қизлар қарашган,
Хасратида сумбул сочин тарашган,
Кийган тўни Авазжонга ярашган,
Қизил юзли бегижоним сўрайман.
Орқасидан кетиб эди қирқ навкар,
Рост сўзланг, гапингиз чиқмасин бекор!
Олис ерга кетган машаққат чекар,
Шер юракли Аваз мардни сўрайман.
Мен Юнусман, Мисқол эди канизим,
Аваз эди мени севган бир қўзим.
Бир йилдан бери-ку кўрмайман ўзин,
Чамбилнинг сойиби болам сўрайман.

Алқисса, момоси, «ғамгин бўлма, Авазнинг қошидан келдим, бекларингни кўрдим, Юнусой» деб, бир сўз суюнчи тилаб айтгани:

Сайил келса ойимчалар шайланди,
Йўқ бандалар ғамгин бўлиб айланди.
Суюнчини бера бергин оға-ой,
Гулгул элга борган улинг уйланди!
Ул¹ қилувдим овозадор полвонни,
Эрта оқшом кўрарсан Авазжонни,

¹ Уғна.

Олдида кўрарсан Гулихиромонни,
 Тўй анжомин туза, Аваз, уйланди!
 Момонг сўзламасди асло ёлгонни,
 Қанча душман бўлса, қизим, ўлганди.
 Олди ўғлинг донғи кетган жононни,
 Анжом созла, қизим, ўғлинг уйланди!
 Сўзлаганда-ку, у тўти товушли,
 Оламда бир қиздир ул қалам қошли.
 Унинг тақдирини худойим қўшди,
 Суюнчи бер, болам, Аваз уйланди!
 Уйлар созлаб, заррин-зарбоб тўшалсин,
 Келин кирадиган уй ўхшалсин,
 Мингга кирсин, иккови ҳам яшасин!
 Берарингни бергин, ўғлинг уйланди!
 Солгин Чамбил кўчасига поёндоз,
 Сулувга ярашар қилса ҳулқи ноз.
 Жаҳон узра йўқдир ундай сарвиноз,
 Суюнчи бер, келяпти бол Аваз!
 Чин ишонгин энди фалак Зумрадга,
 Ундай ҳушрўй йўқдир, юртлар, элатда.
 Шу лойиқат бўлди Аваздай мардга,
 Тарадди қил, бол Авазинг уйланди!

Алқисса, канизлар курсанд бўлишиб, ўйнашиб-кули-
 шиб, «ҳарчи соз бўпти, момога қараганда шуда тўрага боп-
 ти» деб, оға Юнус ҳам курсанд бўлиб рўмолни елвагай
 ташлаб, жудагина вақтини ҳушлаб, момосининг олдига
 кундалли кимхоблар ташлаб, «эй, тилингиздан айланай,
 моможон», деб момосига сўз ташлаб, «Хиромон Аваз би-
 лан келар, бувижон» деб, курсанд бўлиб, оға Юнус бир
 сўз айтяпти:

Аваз болам бекларни-ку лочини,
 Ёвни кўрса тўқар билак кучини,
 Доим олган ғанимлардан ўчини,
 Ма, Момо, деб чиқариб олдига ташлади,
 Чачоғи тилладан бўлган чорсини,
 Ботир тикилгани олмоқлиқ нақдди,
 Хурсанд бўлдим, ўлди дейсиз, душман
бадбахтди,

Келин олган бўлса димоғим чоқди,
 Момо, деб олдига опкеп ташлади,
 Ёқаси олтин-ку ипак кўйлақди.
 Аваз болам уdda қилган ҳар ишди,

Уруш бўлса, мардларнинг келар кишди,
 Узимиз олсак деб вилоят даштди,
 Ҳушвақт бўлиб хазинанинг эшигин очди,
 Келтириб, қўйди лаганда олтин-кумушди.
 Хурсанд қилай деб момонинг ўзини,
 Раҳбарлигин қилган Гўрўғлин ёлғизини,
 Аваз болам еган момом тузини.
 Бу келишингга нима берсам, момо, оз,
 Яна бердим сизга тўрт юз қўзини.
 Суюнчига кимлар сизни буюрди?
 Бойлар байталига асрар уюрди,
 Юрагимдан озод қилдинг ғамли-чийирди,
 Подшоҳликда нима берсам яна оз,
 Яна бердим ўттиз гавмуш сигирди.
 Бир ой қилай икки ёшнинг тўйини,
 Кўрсам бас-да икковининг бўйини.
 Юракнинг ечилди ғамли тўйини,¹
 Моможон, сирагина хафа бўлманг деб,
 Инъом қилди яна беш юз мангини.
 Туркманлар асрар асл бияни,
 Бўзтарлон кўзлайди баланд қияни.
 Ер опкелса бўлар оғанг ўғлони;
 Юртингизга дом-дом тақиб кирарсиз...
 Яна бердим қирқ беш нортуяни.
 Ғалат деманг, оға Юнус сўзини
 Армоним йўқ, кўрсам Авазжоннинг юзини,
 Садида ҳамроҳ кўрсам суйган нозини.
 Магар момо овчи бўлай десангиз,
 Қарғи тақиб берай эллик тозини.

Момоси ўрнидан тура кеб, «Ҳимматингга балли. Агар эркак бўлганингда, жаҳонни сўроқлик ақлинг бор экан, болам. Ҳарна берган суюнчи инъомингга қуллуқ. Кўчаларни шипиртириб, эртагача халқингни чақириб, ногорасурнай қилдириб, Авазнинг ёр олиб келаётганини шаҳрингга билдириб, тилла карнайларни тортдириб, човкилар қуриб, мушаклар оттириб, қизларга шойи шалпар кийдириб, шундай қизларни бир тарафда, ўғил болаларни бир тарафда ўйин қилдириб тургин! Хиромон келганида овозадор Чамбилнингга қойил қолсин, Юнусжон!— Чамбилнинг

¹ Тугуни.

таърифи кетганича бор экан»,— деб, Момо бир сўз айтиб,
ога Юнусга тайинлаб кетяпти:

Эна бўлсанг чин Авазга меҳрибон,
Келинингни кўрсанг энди оғажон,
У ишқида ўлиб кетди неча хон,
Ун тўрт кунли ой янглиғ кўзлари чўлпон.
Чамбилбелда сурсин иккови даврон,
Ҳам элингдан хурсанд бўлсин Хиромон!
Қиз-жувонларни ўйнатиб тургин,
Хиромон келининг, сенга не армон?!
Сув сепдириб кўчаларни ўхшатгин,
Ҳар тарафга суюнчилар жўнатгин.
Чавки қуриб жувонларни ўйнатгин,
Ҳам сендан хурсанд бўлсин Авазхон!
Авазхон хол тушган Чамбил шаҳрига,
Душман дош беролмас аччиқ қаҳрига.
Яхши анжом қилгин келар вақтига,
Отаси шоҳ қилди Фулғул шаҳрига!
Нодон ҳар сўзларни айтар тилидан,
Ҳеч иш келмас кўрқоқ кишининг қўлидан.
Келганидан хурсанд бўлсин Авазхон,
Катта-кичик йиғиб тур Евмит элидан!
Айёр Зумрад момонг сендан ўргилсин,
Салтанат келишин эл-юртинг билсин!
Кўролмаган киши ҳам куйиб ўлсин,
Барча катта йиғиб тургин Юнусжон!

Ҳар ёққа от чоптириб, оқсоқол арбобларини топтириб,
шоҳ одамларидан, ўйинчи жувонлардан, ҳофиз ҳушовоз-
лардан топдириб, карнай-сурнайни чалдириб, дунёда бор
наъмаларни қилдириб, душманларни ўлдириб, дўстларни
кулдириб тургин! Эрта чошқада Авазни кўрасан!— деб
кетди. Гўрўғлининг олдига бориб:

— Хабар бердим, ҳимматни сиздан зиёт этди Ога
ойим,— деди Гўрўғлига. Энди, Гулирухсора қизларига
мен кетай деб, бир сўз айтяпти:

Ҳуш қилиқли олдидаги қизлари,
Оқчадир қорадан келган кўзлари,
Ҳар қайсисин тўтидайин сўзлари,
Ақли расо сиздай шоҳнинг дилбари.

Ҳарён кетсанг қурбони элингди,
Ақли зиёт Оға Юнус гулингди,
Сиз боргунча йиғиб турар элингди,
Обод экан, билдим. Чамбил шаҳари.
Ҳар ишга ёрингни ақли етар,
Човки қилар, жувонларни ўйнатар,
Касал одам кўрса тузалиб кетар,
Томошабин Чамбилбелнинг жойлари.
Ўзи биледи экан элнинг зангини,
Ҳам чақириб нашаванди бангини,
Чиқармоқчи ёвмит элнинг донгини,
Томошабин Чамбилбелнинг жойлари.
Зумрад момо урдирди Чамбил зангини.

Шунда момоси кета берсин, Авазхон Полопон тоғига
яқинлашса, йигитлари ўйнашиб-кулишиб Авазни кўришиб,
хурсанд бўлишиб, отидан тушириб, ботирлар қучоқлашиб,
кўришиб, аҳвол-ҳол сўрашиб, қирқ йигитнинг салтанати
ярашур, мартабали Авазнинг жасади бир газ зиёд бўлиб,
қирқ йигитнинг баракаси минг йигитча бўлиб, Авазнинг
шарофатидан, Авазхон ҳаммасининг олдига тушиб бир сўз
айтиб, йигитларни хурсанд қилиб келаётгани:

Ўйнашар кўзи-улоқлар,
Ҳар ким ўз димоғин чоғлар,
Усти қорли баланд тоғлар,
Соя бер, бизнинг ёр ўтсин!

Урушли эл бўлар ғубор,
Қойил бўлгин мардга шаҳар!
Оралиқдан мана қирлар,
Хабар бер, бизнинг ёр ўтсин!

Шаҳарга ярашар минор,
Томоша қил, кўзлари хумор,
Тоғда битган новча чинор,
Соя бер, кўзи хумор ўтсин!

Сиёсардир кўнгли ярим,
Яқин қолипти шаҳарим,
Танобин тортиб йўлларим,
Ўтсин тилла гажакдорим!

Баланд қирлар, ўтлов сойлар,
Элибойлар қўнган жойлар,
Томоша қиб келган ойлар,
Муродига ошиқ етсин!

Шунқор баланд ерни кўзлар,
Бордир икки сертамизлар.
Томоша қилинг энди сизлар,
Ҳиди яхши гуллар ўтсин!

Мана тузи майдон чўллар,
Ёмон киши ҳамроҳин хўрлар,
Шоҳлар гўзал солган йўллар,
Ниятига ҳар ким етсин!

Кўҳнадан қолган дунёси,
Бир бандаман ўзим осий,
Пешво бўл Чамбил қалъаси,
Чайқалиб бизнинг ёр кирсин!

Хуш қилиқли бўлса ҳар ким ёри,
Қувонсин кўзлари хумори,
Аваздор эл аждаҳори,
Олгани билан ўйнаб кулсин!

Алқисса, Худон кўлидан ўтиб, Аҳмад сардорнинг уба-
сига етиб, салтанатли беклар от тўхтатиб, узангини ярқи-
ратиб, асил тулпорларни ўйнатиб, Гўрўғлибекни убадан
чорлатди. Шунда Гўрўғли қараса, беклар тўйчидай бўлиб
турибди.

Гўрўғлининг бекларга қараб айтган ғамликдан озор
бўлган шодлик сўзи:

Чамбилбелда шоҳнинг тахти-пойи бор,
Полопонда етмиш сурув қўйи бор.
Келган бўлсанг, тўйчилар, ҳайда Чамбилга
Авазжон уйланган катта тўйи бор!

Оламга бергисиз болам бўйи бор,
Кўнгилда кўп мақсади ҳам ўйи бор.
Тўйчи, ҳайда тўғри Чамбилбелига,
Мунаққашли бир юз ўттиз уйи бор!

Аваз болам йигитларнинг доноси,
Анжом созлар оқ сут берган энаси.
Тўйчи бўлсанг ҳайдай бергин Ёвмитга,
Тўрт мингтадир шаҳар меҳмонхонаси!

Энди бўлди тўй берарнинг хонаси,
Катта тўй қилмоқчи марднинг энаси.
Отли меҳмон, ҳайдай бергин Чамбилга,
Қирқ уч ерда бордир таблаҳонаси!

Туркман тоблаб чопар бедов отини,
Қойил қилган ҳар ғанимнинг юртини.
Меҳмон бўлсанг, ҳайдай бергин Чамбилга.
Жул ёлпўши тайёр ўн минг отини (нг)!

Гўрўғлининг олган ёрин мард дейди,
Кўйиқофдан асли паризот дейди.
Дўсти кулиб душман марддан дод дейди,
Анжоми соз, ҳайдай бергин Чамбилга!

Шунда Аҳмад сардор чиқиб, беклар билан кўришиб:
— Ҳам Чамбилнинг оғаси бўлсам, Гўрўғлибекнинг то-
ғаси бўлсам, ҳали қўлимдадир кўна анжомим, қўйим, ҳам-
маларинг тутсанг саранжом бўлгудай бордир, бир юз тўқ-
сон бошли уйим. Бир тузинамак бўлиб қўнингизлар
беклар! Қариганда хизмат қилмоғим даркор,— деди. Шун-
да Авазхон бетига айтмай гинасини дилида сақлаб, ми-
нинг отга!— деб Гўрўғлига бир сўз айтаётир:

Ғамгин кунлар қора кўздин ёш оқар,
Дўстнинг гапи бағри сийнамга ёқар,
Отланинг, отажон, Чамбил борайик,
Хабар етган бўлса энам йўлимга боқар!

Яшин ханжар ярашади белима,
Ғазаб тозёна доим қўлима
Бориб кирсак лозим Ёвмит элима,
Энам фақир кўз тутгандир йўлима.

Омон-эсон қайтдим элим тузима,
Кўзи тушиб менинг ойдин юзима,
Эл томоша қилсин олган нозима,
Ота юринг, Чамбил интизор босган изима!

Куйган банда доим қилди оҳи-вой,
Ёрим кўрсин, томошабин бизнинг жой!
Аваз ўғлинг, айтар, Чамбил борайик,
Тўрт юз ерда бордир, наққошли сарой.

Алқисса, Гўрўғли алп Авазнинг хафалигин билиб,
унинг дилидаги гапини англаб, Гўрўғли бекларга қараб,
«келишда тушган экан, менинг кўнглима қараб. Аваз бор
бўлмаса бу юртим хароб. Бекларнинг ичкани антахўр ша-
роб. Марднинг гашти келар элимни сўраб, бўлмади гапла-
рин тоғасига қараб, кўнглида айтдики бу тоғаси билан
тараф» деб, Гўрўғли бир сўз айтпти:

Кўклам бўлса томошадир чўллари,
От чопганда сўлқиллайди беллари,
Отга мининг, сиддил Чамбил беклари,
Чаққон меҳмон кўрсин Ёвмит элимни!

Маст бўлиб чайқалар Худон кўллари.
Атрофида пойлар мерганнинг бари,
От белига мининг сиддил алплари,
Чаққон кулсин биздай алпнинг шаҳрин!

Ёмон ўтлов, беклар, Чамбилнинг даши,
Битта қолмас дўстлар Авазнинг гаши,
Ҳамиша пухтадир Авазнинг иши,
Бизнинг элни кўрсин олган бувиши.

Гўрўғли дер кўрсин бизнинг шаҳарни,
Бўйла гап азал-кү тақдирда бордир,
Қирқ ботирим борди(р), юзга навкардир,
Шулар билан олдим ўзга шаҳарни.

Алқисса, Гўрўғли билан Авазнинг икки ботмон бири-
нчи жамлаб, тоғаси кутиб ўтирган эди. Ишни тутиб та-
радди икки ҳўкиз ўн олти кўйдан қилиб сўйишди, Аваз-
нинг раўйига қараб тоғасининг зиёфатидан кечди. Беклар
шовдирашиб, отларга минишди. Чамбилга қараб беклар
ўйнашиб-кулишиб, отларин ҳайдашди. Сардорнинг илгари
Авазга қилган ҳиссалари ёдига тушди. Икки қирдан ўтгун-
ча бекларнинг изидан қараб қолди. Теварагидаги қўноқ
кўнчилари:

— Қани, буларни пиширамизми, қўямизми дейишди.

Аҳмад сардор теварагидаги одамларга қараб, «пишираве-
ринглар!» деб бир сўз айтяпти:

Бир сабабдан кетганини биламан,
Мен ғамгин бўлмайман, ўйнаб-куламан,
Гўрўғлидай аҳмоқ эмас билинглар,
Ўз элимни мен бир яхши кўраман.

Ул яхши кўргандир Аваз алпини,
Энди топди ул энағар боптини.
Эшитинглар сардор Аҳмад гапини,
Мен, ғайридан юртим яхши кўраман.

Билдингларми, Гўрўғлининг ишини,
Дўст билгандир гуржистонлик кишини.
Асл яхши кўрар яқин ҳешини,
Дамлаб паловни пишир қўйнинг гўштини.

Алқисса, беклар Асқар тоғига етди. Беклар ҳайдашиб
отни, йўлдан энди ҳар тарафга тулпорларни ўйнатиб бора-
ётгани:

Отнинг сағрисида қуйишқон,
Сурув отларга ярашган,
Тилла сачоқ тизга тушган,
Ҳар қуббаси косадай бўп,
От сағрисига боп тушган.
Қуббаларин ярқиратди,
Бекларда илон тилли қилч,
Мардликка қип салтанатти,
Олти қулочлик найзаси,
Тиғи-ку олмос пўлатди.
Яғринида ялқиллатди.
Юрган ери ботирларнинг
Ана шундай салтанатди.
От чопганин Хиромон кўриб,
Эби ё деб, ичин тортди.
Рухсора Хиромонга қараб,
От ўйнатмоқ буларга одатди,
Қандай бўлса бу беклардан,
Авазнинг меҳри баландди.
Қандай сулув дилбар кўрса,
Шу бек билан ўтказсам деб,
Доимо истиқоматди,

Қайсимизни олар экан деб,
Қисирлашиб, дубирлашиб,
Қияпти маслаҳатди.
Шунда-ку Гулихиромон
Укаси қандайн деб,
Холдор бегини кўрсатди.
Боришда тушганми боғингга,
Қўл собмиди мунчоғингга?
Шу ерлардан бергин хабар,
Тушган бўлса ёр эътибор.
Усталар қўлида табар,
Муллада бор зеру забар.
Тақдир қўшганин топар.
Бизга борган вақтида,
Сизни деди-ку мард, нигор.
Ростмикан шу гапи дилбар,
Мен товунман акасига,
Сизни эплаб укасига.
Ошиқлик дарди аламми,
Холдорбек Аваздан камми?
Олисдадир Басар-Яман,
Иккови ҳам бўлсин омон!
Тушган бўлса гулбоғингга,
Ботир бети бўлар туман.
Тушмай ўтдим деб Авазхон,
Менинг отим-ку Хиромон,
Келин бўламиз оға-ойга,
Овозаси кетган юрти-жаҳон.
Бизларда йўқ ҳеч армон.
Бирови энди акаси,
Укаси эмиш Холдорхон.
Икковининг ҳам отаси,
Гўрўғли хон, дейди, султон.
Кундошлик дунёда ёмон.
Биримиз болдир Авазники,
Холдор бегижон сизники.
Икковимиз овсин бўлиб,
Сурамиз Чамбилда даврон.
Булар-ку маслаҳат этди,
Йўлма-йўл энди Хиромон,
Рухсорани кўндириб кетди.
Гуруллашиб жамъи беклар,
Чамбилнинг шаҳрига етти.

Олтин дарвозанинг атрофида чавкилар қуриб, мушаклар отдириб, олтин-тилло карнайлар тортдириб, хурсандликка баҳмал-кундал, чин заррин зар чотир қилиб, танобини тортиб, дарвозанинг яқинига тўрт чақирим наридан поёндозлар тўшатиб, шаҳарнинг ичини ундан ҳам созлатиб, сулув қизлар чилдирма чалиб, ноғора-сурнай чалиб, сезондаларнинг қўлига дуторини олдириб, бекларнинг тўпорига кўзи тушгандан кейин оға Юнус ўйинчиларига хабар бердириб, базмчи, ўйинчиларга: «Хурсандлик қилинглар» деб, жамиятига хабар бериб, Авазнинг бўйи бастини кўриб канизларга қараб бир сўз айтиб, меҳрибонини чақиргани:

Олдин келаётган Аваз тўрами?
Киши боласини ёмон кўрами?
Ёмон кунда киши ўйнаб-кулами?
Чопишинг, канизлар, жоним келади.

Катта бўлган мендай ойнинг бағрида,
Яхши ўйин қинглар келган даврида,
Сабр қилган душманининг жабрига,
Ўлжа онглар, нозлар, ўғлим келганди!

Қулоқ сонглар, оға Юнус парига,
Мард болам талашган номус-орига.
Ҳам томоша қинглар олган ёрига,
Ўлжа онг ойимчалар дилим келганди!

Шундай бўлсин эр йигитнинг келиши,
Чопингизлар Чамбилнинг ойим бувиши!
Энди кетди ойбегингнинг қойиши,
Ўлжа онглар, қизлар, жоним келганди!

Ўйин буюрдим дарвозадан далага,
Дол бўйидан онаси шўр садаға,
Жасадимдан жоним сендан фидоға,
Шод бўлинглар, Аваз болам келади!

Мен бағримни Авазжонга очайин,
Юзидан бўса қилиб, белдан қучайин.
Териб онглар, бошдан тилла сочайин,
Ўғли келди оға Юнус бағрига!

Омон-эсон келди болам шаҳрига,
Бир хачир тиллоңи олиб чиқ девди,
Хазиначи билан хизматкорига,
Кўрмайсизми оқ сут берган энаси.

Ўлжа ол деб соп терилган парига,
Етиб бориб бол Авазнинг ёнига,
От устидан тортиб олди бағрига,
Тилла сочди Авазбекнинг сарига.

Оға Юнусни таниб энди Хиромон,
Отдан тушиб қўлин олди бағрига.
Қойил бўлди келган энди парилар,
Авазнинг шаҳрига, эътиборига.

Ўғли билан келинига қараб хон Гўрўғли бир сўз ай-
тади:

Ёр хабар қилдингми, Чамбил элига,
Пешвоз чиқди, келинингга, ўғлингга?
Сололмас сув ҳурлар келинингнинг қўлига,
Аваз олган жамолини кўрдингми?

Кўрмоқ учун сен буларни, келдингми?
Шу вақтгача йиғлаб безор қилувдинг,
Ана шулдур ёрга кетган Авазхон,
Келинингдан нозим, хурсанд бўлдингми?

Давлат қуши қўнмас тоғнинг тошига,
Хоҳлаб қўнар суйган кишин бошига.
Хурсанд бўлгин ўғлинг қилган ишига,
Қайси Авазингнинг ёри билдингми?!

Бўзбола бўп мен салламни ўрайман,
Қайсиси экан мен ҳозир-ку билмайман.
Авазнинг ёрини сендан сўрайман,
Қайсиси Авазнинг ёри билдингми?

Қайсисини кўрдинг Авазга муяссар,
Айрит қилгин, энди сенда ихтиёр!
Сўз сўрайди Чамбилбелнинг султони,
Ақдор ёр олган, йўқдир армони.

Лойиқат Авазга қайси жонони?
Лозим деди Юнус Гулихиромонини.
Уят бўлар келин пиёда юргани,
Ярашар бастингга марднинг ҳайвони.

Сен буви бўл, мен сенга бир кайвони,
Аҳмад сардор эди ўғлим душмани.
Опти ўғлим қизидан ўн баҳони,
Ун даражада зиёт ўғлим олгани.

Парвона бўл келаётган вақтида;
Хазиначи обборди хачир тиллони.
Бу на, деб сўради Чамбилнинг хони.
Оға Юнус айтди, обкелдим тиллони,

Чочинглар устидан бизнинг болани!
Бола учун йиғар энди бекларим,
Ота-эна билинг хазна дунёни.
Бир йил бўлди Авазжоннинг кетгани,

Яхшидир Авазнинг бошидан сочгани.
Соча беринг ғазначи-ку қўлингдан,
Омон-эсон келди, бўлар ўғлони.
Сулув билан энди бўлсин даврони!

Қиз баччалар териб олинг гиллони!
Авазжоннинг ҳар бир босган изига,
Сарф қилсам оздир уч қисим тиллони.
Момосига бердим тўрт юз қўзини,

Бир шаҳарга-ку энди бергусиз,
Авазжоннинг босган қадам изини.
Яшасин ботирлар яқти дунёда,
Олиб келди Гардон шоҳнинг қизини!

Шукур қилдим келинимни мен кўриб,
Етти иқлимга бергусиз ойдаё юзини,
Қайнанаси қилсин таърифотини,
Гулихиромон дер бунинг отини,

Сарф айласам камдир Чамбил юртини,
Келин бўлса шундай бўлсин, ойимлар,

Болам қойил қилди Чамбил юртини,
Шукур қилди оға Юнус оймча,
Топти бир йил кетган фарзандини.
Мен ўйнамай ким ўйнасин майдонда,
Ўғлим ўпар ёрнинг нурли бетини.
Қаранг, канизларнинг кулиш-ўйнашига,
Ўйнаб келди жамоат, эл-ҳешига,
Оймчалар ўсма қўйиб қошига,
Садаф маржон ярашиқди тўшига,
Ўйнаб келди оға Юнус қирқ канизни,
Ногора-сурнай чалиб келди қошига.

Шунда Авазхон билан, алқисса, Холдорхон олдинга тушди. «Ўйнанглар, булар ўтар, ботирларнинг иши бўлди бехатар, тиғи бурро беклар келди», деб базмчиларга қараб гоҳ Аваз, гоҳ Холдор бир сўз айтиб шаҳарга кираётгани:

Мушакчилар мушак отинг,
Нозли жувондан ўйнатинг,
Олтин карнайларни тортинг,
Тортинглар, бизнинг ёр кўрсин!

Шодиёна чилдирма чертинг,
Дутарчи нағманг ўхшатинг,
Кизи-жувонни ўйнатинг,
Ўйнатинг кўзи хумор кўрсин!

Овозадор Чамбил шаҳар,
Ўйнатинг кўзлари хумор,
Ўйин бордир шому саҳар,
Соч тўлғашиб санам қизлар,
Ўйин қилинг, бизнинг ёр кўрсин!

Тўти ҳам қумри товушли,
Шиш нағал энди ковушли,
Нолиш қинг булбул товушли,
Ғазал қинг, жонон кўрсин!

Ҳар тарафга қилинг чопишни,
Баланд қилинг ҳофиз товушни,
Кўрсин булар ўйин қилишни,
Вақти ҳушлик булар кўрсин!

Зумрад добилларин қоқиб,
Уйнашинлар ҳарён боқиб.
Тилла-гажак ҳайкал тақиб,
Бизнинг олган хурсанд бўлсин!

Овоза кетди фалакка,
Уйнатиб кирди Чортоққа,
Қамчи босиб аргимоққа,
Киришди Чамбил Чортоққа.

Кўринг энди ойимчани,
Кўрди тузалган кўчани.
Соп Чамбилбелига йиғилган,
Кўрди неча қиз баччани.

Улар бошида хос салласи,
Қизлар бошида сақоваси,
Яхшидур орзу-ҳаваси.
Икки ойимча туртишиб,

Аваз билан Холдор беклар;
Чамбил йигитин мирзоси.
Кўрдингми тарбиятини,
Бағрига олди энаси.

Кун кўзидай йўқ деб айтсак,
Шундай ободдир қалъаси.
Кўчалари шундай келган,
Ким қандай кулбахонаси.

Ургулсин Хиромон пари,
Шундай бўлса қизнинг ёри.
Албатта энди зиётдир,
Ёр ўтирар тиллокори.

Шунда, алқисса, парилар ҳам офарин деб Чамбилбелидан хурсанд бўлиб, ўйнашиб, Гўрўғли султоннинг мазгил маконига етди. Тонг отгунча базм этди. Гўрўғли бекларга сарпо кийдириб, аёлларга рўмол, кўйлак кийдириб, «тўйга хизмат қиларсизлар», деб Урганч, Хоразмга хат юборди, қўрғон-қўрғон бекларга хат-хабар узатди. Тўйга деб айтиб қирқ минг уйли туркман элатти, то меҳмонни олди киргунча, тўйнинг олдини тўхтатди. Ун бир кун тўй

қилиб, баланд ердан улоғини отди, берганича бериб, мулла топиб Гулихиромонни Авазхонга никоҳлаб берди. Гулирухсорани Холдорга никоҳлаб берди. Рухсоранинг канизлари тўйнинг устига етди. Маъқулойни Хусанга элтиб топширинг, деб момосига берди. Берган суюнчисининг барини момоси қурғур тиллога сотди. Маъқулой билан тилони фалак отига солди. Бекларнинг амалини зиёда қилдириб, от миндириб, сарпо кийдириб, сарфароз этти. Келган меҳмонлар «бундай тўй ҳеч бир подшода бўлмас» деб кетди. Ана энди Гўрўғлидан жавоб тилаб айёр момо бир сўз айтяпти:

Меҳнат қилган кўрар экан роҳатди,
Авазжоннинг тўйин хоним ўхшатди;
Тўйнинг овозаси оламга кетди.
Рухсат беринг, энди менга султоним,
Уйнаган тоғ жойим ёдимдан ўтди.

Ҳар ким яхши кўрар бўлган юртди.
Чамбилбелли шоҳ айтганингни битди;
Сиёсатинг ҳар бир алпни қўрқитди.
Кўзи ўткир, хоним, бергин жавобни,
Ул бўлган жойларим ёдимдан ўтди!

Булбул яхши кўриб Эрам боғини,
Минорингдан яхши кўрар бул момонг,
Баланд турган Қуйитирнинг тоғини.
Мурғизори энди чаманзор ердан,
Момонг яхши кўрар бўлган ерини.

Қулоқ солгин Зумрад момонг сўзига,
Келган яхши борсин энди элига!
Жавоб бер тушайин Фулғул йўлига!
Гўрўғли Авазхон энди яхши қол,
Маъқулни топширай Хусан қўлига!

Гўрўғли султон маст бўлиб, момосидан миннатдор бўлиб, ўйнаб-кулиб, қўлини ушлаб, қиммат кийимларни момосининг устига ташлаб: «Сизга яқиндир йироқ. Келиб-кетиб тўхтанг кечикмай тезроқ» деб, Гўрўғли султон бир сўз айтиб турибди:

Келган яхши дўстга кетмоқлик ёмон,
Ун тўрт кун бўлдингиз кулбамда меҳмон,

Келиб-кетиб туринг фалак моможон,
То кўргунча энди, момо, аллаёр!

Фалак отинг минсанг оламини кезар,
Душманнинг юртини вайрон қиб бузар.
Омон бўлгин то кўргунча, моможон,
Омон бўлиб кўришсак яна дийдор.

Обрўли бекларнинг келгандир кишти,
То ўлгунча миннатдормиз, моможон,
Кўп Авазга қилибсиз ёрдамли ишни.
То кўргунча энди энажон хўшти.

Момоси ҳайдаб фалакка кетди,
Ёмонларнинг уят қолди бетида.
Яхшилар муродга етди.
Ун тўрт кун баэм-ўйин ўтди,
Авазхон ёр олиб муродга етди.